

**С.МЕЛИБОЕВ, М. ИСРОИЛОВ
З.ИСОМИДДИНОВ, АБДУНАЗАРОВ,
Ш.ТУРСУНОВА,**

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДА ТАРҚАЛГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР



Фарғона-2018

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДА ТАРҚАЛГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

СЎЗ БОШИ

Ўсимликлар дунёси табиатнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ер юзидаги ҳаётнинг давомийлигини ўсимликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсонлар ўсимликлардан турли соҳаларда, тиббиётда, саноатда ва кундалик ҳаётда фойдаланадилар. Шунингдек, ўсимликлар табиатда кислород чиқариб бериши ва карбонат ангидрид газларини нормаллаштириб бериши билан ҳам муҳимлиги ҳаммага маълум.

Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган ва инсонлар томонидан маданийлаштирилган 4148 тур юксак ўсимликлар мавжуд. Манбаларда келтирилишича, шулардан 577 тури шифобахш ўсимликлар деб қабул қилинган.

Маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида минг йиллардан буён истиқомат қилиб келаётган халқ ва элатлар қатори ўзбек халқи тилида ҳам ўсимликлар номи турлича аталиб келинган. Шунингдек форс ва араб тилларида ҳам ўсимлик номлари мавжуд бўлган.

Маълумотларга кўра Турон заминида учрайдиган ўсимликларнинг номи дастлаб зардуштийларнинг “Авесто” номли китобида тилга олинган. Кейинчалик Ар-Розий, Ибн-Сино, Беруний, Юсуфий каби алломалар ва ҳакимлар китобида форс ва араб тилларида ва қисман маҳаллий тилда баён этилган. Бу номлар кейинчалик ўсимликларни илмий номланишида ўз ифодасини топган.

XVIII аср ўрталарида швед олими Карл Линней (1707-1778) томонидан ўсимликларнинг илмий номлари (туркум ва тур) латин тилида тартибга солиниб, бу бинар (кўш) номлар ҳозирга қадар дунё олимлари томонидан қўлланиб келинмоқда.

Бугунги кунда ҳам ўсимликларнинг номи маҳаллий шеваларда турлича номланган. Жумладан: водийда “қалампир” Тошкент воҳасида “гаримдори” деб юритилади. Фарғона водийсида “исирик” сўзи Самарқанд ва Бухорода “адраспан” дейилади. Ана шундай ўсимликлардаги турли-ту

манликни умумий бир ном билан Латин тилида келтирилган.

Китобхонларга тақдим этилаётган мазкур қўлланмада ўсимликлар номи маҳаллий номи билан ҳам синоним сифатида кўрсатилди. Шунингдек, рус тилида ҳам синоним сўзлар қавс ичида берилди.

Масалан, Аир (акарус), Талхак толстоплодный (горчак) кўринишларида ифодаланади.

Кўпгина ўсимликларнинг туркум ва тур номлари латинча ҳолида қолдирилди. Чунки, улар рус тилида ҳам шундай қолдирилган. Уларнинг ўзбекча номи манбаларда учрамади. Ўсимликлар номини ўзбекчалаштиришда кўпроқ уларнинг русча номлари эътиборга олинди. Масалан, “Горцвет золотистый” ўзбек тилида “тилларанг адонис” ёки “Полынь однолетняя” “Бир йиллик шувоқ” деб

берилди. Ўсимликларга ўзбекча ном беришда (адабиётлар рўйхатига қаралсин) кўплаб олимларимизнинг ишларидан фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Мазкур қўлланмани тузишда асосий манба сифатида Ўзбекистон флораси 1-6 жилдларидан фойдаланилди. Ўзбекистон флорасида кўрсатилмаган ўнлаб ўсимликлар борки, хусусан, лимон, мандарин, киви, чупа, зайтун, фундук, папаяларда ҳам шифобахшлик хусусиятлари мавжуд. Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг бундай доривор ўсимликлар янада ортиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистонда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш тўғрисидаги фармон чиққандан сўнг, махсус иссиқхоналарда турли тропик ва субтропик шифобахш ўсимликлар етиштирилмоқда. Натижада арзон ва сифатли доривор ўсимликлар халқимиз эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилмоқда.

Қўлланмада ҳар бир ўсимлик номи ўзбекча-русча-лотинча берилди. Уларни систематикаси, қисқача биологияси, яъни морфологик таърифи, уруғлаш ва гуллаш даври ҳамда экологияси ҳақида маълумот бердик. Шунингдек, мазкур ўсимликдан қандай хасталиклар учун фойдаланилиши мумкин эканлиги келтириб ўтилди.

Ўзбекистон доривор ўсимликларининг умумий рўйхати ва ўзбекча номланиши биринчи бор киритилаётгани учун унда қамраб олинмаган ўсимликлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундан ташқари ҳар йили Ўзбекистон флорасининг кимёвий фармакологик жиҳатларини ўрганиш жараёнида янги доривор ўсимликлар турлари кўшилиб бораверади.

Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан бири бўлган шифобахш ўсимликларни асраш ва кўпайтириш, унинг заҳираларига зарар етказмаслик ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Китобхонларга тақдим этилаётган мазкур қўлланма Ўзбекистоннинг барча доривор ўсимликларини қамраб ололмаган бўлсада, камтарона хизмати билан шу соҳада маълумот олмақчи бўлган тадқиқотчилар, талабаларга хизмат қила олса муаллифлар ўз мақсадларига эришдилар деб ҳисоблайдилар. Ҳамда китоб юзасидан кўрсатилган камчилик ва таклифларни мамнуният билан қабул қиладилар.

Ўсимликлар дунёси табиатнинг бойликларидан бири бўлиб, улар ер шарига тирикликни таъминловчи асосий манба ҳисобланади. Улар озуқа занжирида асосий ролни ўйнайди. Бундан ташқари инсон ва ҳайвонот дунёсининг турли хасталикларни даволовчи манба бўлиб ҳам хизмат қилади.

Маълумотларга кўра Ўрта Осиёда-8100, шу жумладан Ўзбекистонда 4500 (“Флора” бўйича 4148 та) турдаги ўсимликлар учрайди. Ушбу 4500 турдан 577 тур шифобахш ўсимликлар ҳисобланади.

Кейинги вақтда кимё фанини кенг тараққий этиши натижасида кўплаб ўсимликларнинг кимёвий таркиби ўрганилиб, турли моддалар ажратиб олинмоқда

ва буларни физиологик хусусиятлари ўрганилиб янги шифобахш ўсимликлар сони ортиб бормоқда.

Манбаларга таянган ҳолда Ўзбекистон флорасидаги ўсимликлардан 577 та турни доривор ўсимликлар эканини ва уларни ўзбекча-русча ва латинча номларини, ҳар бир ўсимликнинг қисқача морфологик таърифини, гуллаш ва уруғлаш вақтини, яшаш жойи ва шароитини ҳамда географик тарқалган жойларини, табобатда қўлланилишини қисқача бўлсада ёритишга ҳаракат қилинди.

Ҳозиргача мавжуд адабиётларда кўпроқ Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги ҳудудлар ўсимликлари ҳам киритилган, биз имкон қадар Ўзбекистон ҳудудидан ташқаридаги доривор ўсимликларни киритмадик. Шунинг учун ҳам айрим ўсимликлар бу асарда учрамайди.

Қўлланманинг ҳажмидан келиб чиқиб, ҳозирда Ўзбекистонда иқлимлаштирилиб ўстирилаётган бир неча ўнлаб шифобахш ўсимликлар, жумладан: лимон, мандарин, папая, киви, чупа, каланхой, алоэ, зайтун, дайкон, гуанабана, момордика каби ўсимликлар айнан Ўзбекистон флорасининг 1-6 томларда йўқлиги учун китобга киритилмади.

Мазкур ўқув қўлланма тиббиёт, фармацевтика ходимлари ва талабалари, олий ўқув юртларининг доривор ўсимликларни етиштириш технологияси йўналиши талабалари ва ўқитувчилари, шунингдек, ўсимликлар дунёси билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Қирқбўғимдошлар-Хвощевые-Equisetaceae Rich. ex DC.

Дала қирқбўғими-Хвощ полевой-Equisetum arvense. L.

Кўп йиллик ўт, илдизпояси қорамтир, шохланган, айрим ҳолларда қора тугунақлар ҳосил қилади. Пояси 10-50 см баландликда, спора ҳосил қилувчи поялар шохланмайди, қолган вегетатив поялари бўғинларидан мутовкали (ҳалқали) шохланади. Споралари икки бошоқли.

Март-май ойларида споралари етилади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда ер устки қисми ишлатилади. Дамламаси билан қайнатмаси қон айланиши издан чиққанида, қовуқ яллиғланишида ва сийдик йўллариининг бошқа касалликларида сийдик ҳайдовчи восита ҳамда ўпка сили касаллигининг баъзи турларини даволаш учун қўлланилади. Ер устки қисми Здренко йиғмаси таркибига киради.

Шохдор қирқбўғим-хвощ ветвистый-Equisetum ramosissimum Desf.

Кўп йиллик, илдизпояси шохланган, спорали ва вегетатив поялари бир хил шохланган бўлиб, баландлиги 50-100 см.

Май-июлда споралар ҳосил қилади.

Теккисликларда, тоғни ўрта минтақаларида зах жойларда, ариқ ва сойлар бўйида ўсади.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида тарқалган.

Дамламаси билан қайнатмаси қон айланиши издан чиққанида, қовуқ яллиғланишида ва сийдик йўллариининг бошқа касалликларида сийдик ҳайдовчи восита ҳамда ўпка сили касаллигининг баъзи турларини даволаш учун қўлланилади. Ер устки қисми Здренко йиғмаси таркибига киради.

Аспидиядошлар-Аспидиевые-Aspidiaceae Mett. ex Frank.

Эркак напаротник-Щитовник мужской-Dryopteris filix mas (L.) Schott.

Кўп йиллик, ўт. Илдизпояси йўғон, қисқа бўлиб, барглар қолдиғи билан ўралган. Баргини пластинкаси 20-30 см узунликда.

Споралари июл-август ойларида етилади.

Тоғларни соя, нам жойларида учрайди. Тошкент, Фарғона вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда илдизпояси ишлатилади. Таркибида хом филицин, соф ҳолда флороглюцидлар (филине кислота), эфир мойи, флавоноидлар, ёғ, ошловчи моддалар бор. Куюқ экстракти ва филиксан препаратлари тасмасимон гижжаларни организмдан ҳайдаш учун ичилади.

Талокдоридошлар-Асплениевые-Aspleniaceae Mett. ex Frank.

Доривор цетерах-Скребница аптечная (Цетерах)-Ceterach officinarum Willd.

Кўп йиллик, илдизпояси ёғочланган, баландлиги 5-20 см қишлоғчи пояси наштарсимон, занжирсимон қобиқлар билан ўралган, барглари оч қизил бандли япроғидан калта. Споралари овалсимон, буйраксимон.

Споралар июл-август ойларида етилади.

Тоғларни яйлов қисмигача бўлган баландликларида, қоялар ёриқларида ва қуёш нуридан ҳимояланган жойларда ўсади. Фарғона вилоятида (Шохимардонда) тарқалган.

Халқ табобатида қадимдан талоқ, буйрак хасталикларини даволашади. Болалардаги гижжаларни тушуришда дамламаси ичирилади.

Сочтоласимон талоқдори (тошсумбул)-Костенец волосовидный-Asplenium trichomanes L.

Кўп йиллик, илдизпояси қалин ёғочланган овалсимон ёки гуллари тухумсимон. баландлиги 5-25 см барглари қирқилган навбатлашиб жойлашган, спорангилари узунчоқ споралари қўнғир нотекис тўпланган.

Июн-август ойларида споралар ҳосил қилади ва етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларидаги қоялар соясида ва ёриқларида ўсади. Тошкент, Фарғона, вилоятларида тарқалган.

Ушбу ўсимликдан тайёрланган дамламалар нафас йўллари ва балғам кўчирувчи восита сифатида фойдаланилган. Илдиз ва ер устки қисмини дамламасидан соч ва туклар тўкилишини тўхтатиш учун фойдаланилади.

Тошсумбул (талоқдори)-Костенец рута постенная-Asplenium ruta-muraria L.

Кўп йиллик, илдиз пояси қисқа, қалин ёғочланган, барглари яни умумий баландлиги 1-10 см, умумий кўриниши учбурчаксимон, куртаклари ер остида жойлашади. спорангиси узунчоқ, споралари йирик шарсимон бурушган.

Июн-август ойларида етилади.

Тоғларни ўрта минтақасидаги қоялар ёриқларида, дарахтлар остидаги тошлар орасида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида йўталга қарши балғам кўчирувчи сифатида қўлланилади. Ғарбий Европа мамлакатларида илдизининг қайнатмасидан соч тўкилишини тўхтатиш учун қўлланилади.

Сувсумбулдошлар-Адиантовые-Adiantaceae (C. Presl.) Ching.

Винера сочи (фотма сочи)-Адиантум венерин волос-Adiantum capillus veneris L.

Кўп йиллик, илдизпояси кенг тарқалувчи, барг пластинкаси кенг наштарсимон, икки-уч маротаба майда қирқилган, барг тутқичлари ва улар асоси қорамтир-қўнғир, қирқимлари соч толасига ўхшаш майин.

Споралар ҳосил қилиши июн-август.

Тоғли ҳудудларда қояларни соя жойларида, қуёш тушмайдиган жойларда, тоғларнинг олд ва ўрта минтақаларида ўсади.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида учрайди. Ошқозон шира безлари сусайганда, уни тиклаш учун қўлланилади.

Қизилчадошлар-Эфедровые-Ephedraceae Dumort.

Икки бошоқли оддий қизилча (зоғаз)-Хвойник двухколосковый-Ephedra distachya L.

Чала бута ўсимлик, бўйи 20 см. Илдизи узун. Урғочи бошоқлари биттадан ёки тўп бўлиб, узун бандли, меваси шарсимон, 6-7 мм узунликда, этли, қизил.

Май-июн ойларида гуллаб, июн-июлда етилади.

Майда кум тошли ёки майда шағалли ерларда, чўл зонасида учрайди. Қорақалпоғистонда (Устиюртда) тарқалган.

Қизилча турларининг ер устки қисми таркибида алкалоидлар (эфедрин, псевдоэфедрин), фенол кислоталар, витамин С, бўёқ, ошловчи моддалар бор. Тоғ ва чўл қизилчасидан эфедрин алкалоиди олинади. Эфедрин гидрохлорид оғир операция ёки шикастланишлардан сўнг кўп қон йўқотиш натижасида хушдан кетиш, қон босими пасайганда (гипотония), миастения, аллергия, бронхиал астма, пичан иситмаси (пичан астмаси), эшакем тошганда, ўткир тумов касалликларда ҳамда наркотик ва ухлатувчи дорилар билан заҳарланган ҳолларда қўлланилади. Оддий қизилча дамламаси бод шамоллаш касалликларини даволашда ишлатилади.

Қирқбўғимсимон қизилча-Хвойник хвощевый-Ephedra equisetina Bunge.

Кичик бутасимон ўсимлик, бўйи 1,5 м бўлиб, поялари йўғонлашган, новдалари майда қирраларга эга, бўғимлари 2 см гача. Барги қарама-қарши жойлашган, тангачасимон, уч бурчаксимон. Мевалари 6-7 мм шарсимон, этли, қизил.

Июнда гуллаб, меваси июлда етилади.

Тоғларни олдидаги қирларда, дарахт ва буталар орасида учрайди. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Тоғ ва чўл қизилчасидан эфедрин алкалоиди олиади. Эфедрин гидрохлорид оғир операция ёки шикастланишлардан сўнг кўп қон йўқотиш натижасида хушдан кетиш, қон босими пасайганда (гипотония), миастения, аллергия, бронхиал астма, пичан иситмаси (пичан астмаси), эшакем тошганда, ўткир тумов касалликларда ҳамда наркотик ва ухлатувчи дорилар билан заҳарланган ҳолларда қўлланилади.

Чўл қизилчаси-Хвойник средний-Ephedra intermedia Sehrenk. et C.A.Mey.

Бўйи 1 м бўлган кичик бута, сершоҳ, шоҳчаларини бўғимлари 5 см узунликда бўлиб, йўғонлиги 2-3 мм ни ташкил этади. Барглари одатда 2 тадан, айрим ҳолларда 3-4 та тангачасимон, учбурчак, 3,5 мм узунликда. Меваси шарсимон 6 мм узунликда, этли, қизил.

Июнда гуллаб, мевалари июлда етилади.

Тоғни пастки минтақаларида тошли, тош-шағалли ерларда учрайди. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Қизилча турларининг ер устки қисми таркибида алкалоидлар (эфедрин, псевдоэфедрин), фенол кислоталар, витамин С, бўёқ, ошловчи моддалар бор. Тоғ ва чўл қизилчасидан эфедрин алкалоиди олиади. Бронхиал астма, пичан иситмаси (пичан астмаси), эшакем тошганда, ўткир тумов касалликларда ҳамда наркотик ва ухлатувчи дорилар билан заҳарланган ҳолларда қўлланилади. Оддий қизилча дамламаси бод шамоллаш касалликларини даволашда ишлатилади.

Қарағайдошлар-Сосновые-Pinaceae Lindl.

Оддий қорақарағай-Ель обыкновенная-Picea abies (L.) Karst.

Кўп йиллик, 30-50 м баландликдаги дарахт. Пояси қўнғир қизил, плёнкасимон қобиқ билан ўралган. Барглари 13-25 мм узунликда, ўтроқ, учли. Эркак гуллари 20-27 мм узунликда бўлиб, ўтган йилги новдаларда ҳосил бўлади. Урғочи (гуллар) ғуддалар ўтган йилги новдаларни устки қисмида жойлашади ва 10-16 см узунликда.

Ўзбекистонни барча вилоятларида боғлар, йўл ёқаларига экилади.

Куртак ва ғуддаси ишлатилади. Куртак ва ғуддаси микробларга қарши, епазмалитик ва десенсибилизация қилувчи таъсирга эга. Баргларининг дамламаси терлатувчи, сийдик ва ўт ҳайдовчи хусусиятга эга.

Сарвдошлар-Кипарисовые-Cupressaceae F.Neger.

Виргин арчаси-Можжевельник виргинский-Juniperus virginiana. L.

Кўп йиллик, икки уйли дарахт бўлиб, баландлиги 30 м, шохлари пирамидасимон. Баргини узунлиги 1,5 мм. Ғудда меваси шарсимон, 6 мм узунликда \

Асосан истирокхат боғларида, катта йўллар атрофида экилади.

Поясини тез ўсиши билан бошқа турлардан фарқланади. Ёғочи юмшоқ бўлганлиги учун қалам ишлаб чиқаришда асосий хом ашё бўлади.

Арча баргидан олинган эфир мойи фитонцид таъсирига эга бўлиб, трихомонад колпитини даволашда ишлатилади. Меваси Здренко йиғмаси таркибига киради. Барги таркибида. эфир мойи терпеноидлардан ташкил топган, қандлар, витамин С, буёқ

\\

\\

\моддалар бор.

Ғарб туяси-Туя западная-Thuja occidentalis L.

Кўп йиллик, доим яшил дарахт. Барглари майда тангачасимон бўлиб, тўқ яшил, тухумсимон 2-5 мм узунликда. Ёш новдадаги барглари учлари тикансимон. Ғуддаси бир йилда етилади, узунлиги 10-15 мм.

Боғларда, кўпчилик хонадонларда экиладиган манзарали ўсимлик. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Барглари қон кетишини тўхтатувчи, бронхиал астмани даволашда, уруғлари қувватлантирувчи, йўталга қарши қўлланилади.

Доим яшил сарв-Кипарис вечнозеленый-Cupressus sempervirens L.

Бута ва кичик дарахт бўлиб, умумий кўриниши пирамидасимон. Барглари 1-1,5 мм узунликда бўлиб, поясига кириб жойлашади. Ғуддалари шарсимон-тухумсимон бўлиб, узунлиги 20-30 мм.

Тошкентда, Самарқандда экиб ўстирилган.

Ғуддаларидан тайёрланган қайнатмаси геморрой ва шамоллашга қарши ишлатилади.

Қора арча (Зарафшон арчаси)-Можжевельник зеравшанский-Juniperus zeravschanica Kom.

Кўп йиллик, икки уйли дарахт бўлиб, баландлиги 20 м, пояси қизил бўлиб, пўсти плёнкасимон. Барглари тухумсимон узунчоқроқ, учли. Ғудда меваси 9-12

мм узунликда бўлиб, қисқа бандли. Уруғлари яшил, пишиб етилганда қўнғир рангда бўлади.

Тоғларни 1000-2500 м бўлган баландликларида, тошли, шағалли тупроқларда ўсади. Айрим жойларда ўрмонлар ташкил қилади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё вилоятларида учрайди.

Ўддасидан тайёрланган қайнатмасига асал қўшиб тери ва суяк чиришига, теридаги яраларга қарши ишлатилади. Ревматизм, бош оғриғи, буйрак, буйракдаги тошларга, сийдик қопчиғи, жигар, ошқозон хасталиғи, сийдик ҳайдовчи, туберкулозларга қарши қўлланилади.

Саур арча-Можжевельник полушаровидный-Juniperus semiglobosa Regel.

Кўп йиллик, икки уйли 10 м баландликдаги дарахт, барглари учли ромбиксимон новдага ёпишган, тўқ яшил ёки оч яшил, 1-1,5 мм узунликда. Уруғлари 5 мм узунликда бўлиб, ён қисмида эгатчалари бор.

Тоғларнинг 1500-2700 м баландликларида тошли, қумли қисмларида бошқа тур арчалар ва дарахт, буталар билан ўсади.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарёда вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда меваси – қуббаси ишлатилади. Меваси таркибида эфир мойи, қандлар, органик кислоталар, смола, бўёқ, пектин моддалар бор. Эфир мойи пиненлар, камфен, сабинен бирикмалардан ташкил топган. Қуббасининг дори препаратлари дамламаси, чойлар йиғмалар таркибида сийдик ҳайдовчи, сийдик йўллари дезинфекция қилувчи, балғам кўчирувчи ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшиловчи восита сифатида қўлланилади. Эфир мойининг спиртдаги эритмаси ва суртмаси бод касаллигида терига суртилади. Арча баргидан олинган эфир мойи фитонцид таъсирига эга бўлиб, трихомонад колпитини даволашда ишлатилади. Меваси Здренко йиғмаси таркибига киради. Барги таркибида эфир мойи терпеноидлардан ташкил топган, қандлар, витамин С, бўёқ, ошловчи моддалар бор. Эфир мойи цедрол қисмининг канакунжут мойидаги 5% ли эритмаси ва суртмаси йирингли, узоқ битмайдиган яраларни, жароҳатларни ҳамда суякнинг оқма яраларини даволашда қўлланилади.

Ўрик арча (туркистон арчаси)-Можжевельник туркестанский-Juniperus turkestanica Kom.

Кўп йиллик, иккки уйли, 18 м баландликдаги дарахт. Барглари 2 мм узунликда, тухумсимон учли, ғуддалари 10-15 мм узунликда, ширинроқ, мазали шарсимон, айрим ҳолларда тухумсимон, қорамтир кулранг доғлари бор.

Тоғларнинг 2000-3000 м баландликларида шағалли ва майда тошли жойларида дарахт ва буталар билан қопланган қисмларидан субалп

минтақаларигача бўлган жойларда учрайди. Асосан Помир-Олой, Тянь-Шан, Джунғор тизмаларида ўсади.

Тиббиётда меваси, қуббаси ишлатилади. Меваси таркибида эфир мойи, қандлар, органик кислоталар, смола, бўёқ, пектин моддалар бор. Эфир мойи пиненлар, камфен, сабинен бирикмалардан ташкил топган. Қуббасининг дори препаратлари дамламаси, чойлар йиғмалар таркибида сийдик ҳайдовчи, сийдик йўллари дезинфекция қилувчи, балғам кўчирувчи ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшиловчи восита сифатида қўлланилади. Эфир мойининг спиртдаги эритмаси ва суртмаси бод касаллигида териға суртилади. Арча баргидан олинган эфир мойи фитонцид таъсирига эга бўлиб, трихомонад колпитини даволашда ишлатилади. Меваси Здренко йиғмаси таркибига киради. Барги таркибида эфир мойи терпеноидлардан ташкил топган, қандлар, витамин С, бўёқ, ошловчи моддалар бор. Эфир мойи цедрол қисмининг канакунжут мойидаги 5% ли эритмаси ва суртмаси йирингли, узоқ битмайдиган яраларни, жароҳатларни ҳамда суякнинг оқма яраларини даволашда қўлланилади. Цедрал бактерияларни ўсишдан тўхтатиш ва яраларни битириш хусусиятига эга.

Шарқ саури-Биота восточная-Biota orientalis (L.) Endl.

Баландлиги 3 м гача бўлган бута ва кичик доим яшил дарахтлардир. Барглари тўқ яшил игнасимон. Қуббалари иккинчи йилда етилади. Қадимдан манзарали дарахт сифатида экилади. Уларга шакл бериш учун қирқишга чидамли.

Ўзбекистон шаҳар ва туман боғларида, истирохат боғларида экилади.

Тиббиётда меваси – қуббаси ишлатилади. Меваси таркибида эфир мойи, қандлар, органик кислоталар, смола, бўёқ, пектин моддалар бор. Эфир мойи пиненлар, камфен, сабинен ва бирикмалардан ташкил топган. Қуббасининг дори препаратлари дамламаси, чойлар йиғмалар таркибида сийдик ҳайдовчи, сийдик йўллари дезинфекция қилувчи, балғам кўчирувчи ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшиловчи восита сифатида қўлланилади. Эфир мойининг спиртдаги эритмаси ва суртмаси бод касаллигида териға суртилади. Арча баргидан олинган эфир мойи фитонцид таъсирига эга бўлиб, трихомонад колпитини даволашда ишлатилади. Меваси Здренко йиғмаси таркибига киради.

Зарнабдошлар-Тиссовые-Taxaceae S.F. Gray.

Мевали зарноб-Тис ягодный (нежной-дерево)-Taxus baccata L.

Кўп йиллик, дарахт, барги 1,5-3,5 см узунликда, эни 1,5-3 мм.

Баҳорги уруғлари кузга бориб етилади, мевалари этли, қизил, бакалсимон.

Айрим ҳолларда Тошкент, Самарқанд шаҳрида экилади.

Сувдаги қайнатмаси юрак хасталикларида, ошқозон иш фаолиятини тиклашда, ревматизм хасталикларида қўлланилади.

Нилуфардошлар-Кувшинковые-Nymphaeaceae Salisb.

Сарик нилуфар-Кубышка желтая-Nuphar luteum (L.) Smith.

Кўп йиллик, сувликда ўсувчи ўт ўсимлик. Сув остки барглари қисқа бандли, четлари тўлқинли, сузувчи баргли узун, уч қиррали бандли, япроғи юраксимон, овалсимон. Гули тўқ сарик, ҳидли, косачаси сарик, ташқи томони остки қисми яшил, 2,8-3 см узунликда ва эни 2,2-2,5 см. Тожбарги бир-бири билан тенг эмас, 1-1,2 см узунликда ва эни 6-9 мм. Тескари тухумсимон, чангчиси 1,3-1,5 см узунликда. Тугуни кўзасимон. Уруғи теккис, тухумсимон.

Боғларда ва умумий дам олиш жойларидаги ҳовузларда экилади.

Ошқозон ичак хасталиклари, сийдик тутилишида, жинсий органлар фаолияти бузилганда, тери хасталикларида, нафас йўлларидаги хасталикларида қўлланилади.

Тиниқ оқ ботқоқгул-Кувшинка чистобелая-Numphaea Candida Presl. (alba) L.

Кўп йиллик, барглари юраксимон, 12-30 см узунликда ва эни 10-25 см. Гуллари тиниқ оқ рангли, ҳидсиз, гултожиси 3,5-5,5 см узунликда ва эни 1,5-2 см.

Май-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Боғларда, сув ҳавзаларида экилади. Амударё чеккасида учрайди.

Илдиз пояси ва гулининг қайнатмаси сурги сифатида, уйқусизликда, ичбуруғда, сийдик ҳайдовчи, сарик, буйрак хасталигида, ичаклардаги инфекцияларга қарши қўлланилади.

Зиркдошлар-Барбарисовые-Berberidaceae Juss.

Алберт ер совуни-Леонтица Альберта-Leontice alberti Regel.

Кўп йиллик туганакли ўсимлик, туганакларини эни 2-2,5 см узунроқ шарсимон, пояси битта айрим ҳолларда бир нечта бўлиб, 10-30 см баландликда. Барглари уч бора қирқилган, узун бандли. Гуллари поя ичидаги шингилларда жойлашган. Гул қўрғони оч бинафша рангда ва охирги қисми яшил. Гул косаси сарик, гули қизил қўнғир томирланишга эга. Меваси тухумсимон этли. Уруғлари етилганда очилиб кетади.

Гуллаш ва уруғланиши денгиз сатҳидан нисбий баландликларга қараб апрелдан-августгача давом этади.

Тоғларни пастки ва ўрта минтакаларида, тошли, майда шағалли тупроқларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида ер устки қисми ишлатилади. Таркибида сапонинлар, флавоноидлар, қандлар, шиллик, ошловчи моддалар бор. Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси халқ табобатида жигар, буйрак тош, нафас қисиш, ўпка

сили ва тутқаноқ касаликларини даволашда ҳамда ўт ва сийдик ҳайдовчи, оғриқ қолдирувчи ва сурги дори сифатида қўлланилади. Дамламаси билан турли йирингли жаралар ювилади. Унинг шу хусусиятидан келиб чиқиб илмий тиббиётда мана шу дамламасидан буйрак, сийдик йўллари ва қовуқдаги қум, тошларни туширишда фойдаланилмоқда.

Оддий зирк (Қорақат)-Барбарис обыкновенный-Berberis vulgaris L.

Кўп йиллик, унча баланд бўлмаган (2 м) бута. Барглари этли, қисқа бандли, тескари тухумсимон-овалсимон ёки тескари тухумсимон-наштарсимон, четлари киприксимон тишчали, 2-5 см узунликда ва эни 1-2,5 см. Гуллари шингиллари тик турувчи ва сийрак гулли. Мевалари узунчоқ, эллипссимон, тўқ қизил.

Боғлар ва кўкаламзорлаштириш майдонларида экилади.

Барг ва илдизларидан тайёрланган дамламалари сурункали гепатит, гепатохолецистит, ўт хасталигини тош касаллигида қўлланилади.

Танга баргли зирк (Қорақат)-Барбарис монетный-Berberis nummularia Bunge.

Кўп йиллик, кўп пояли, поялари 4 м бўлган бута. Поялари кўп шохланувчан, тиканлари уч тишли. Барглари этли бўлиб, думалоқ тухумсимон, 3-4 см узунликда, эни 3 см теккис четли бўлиб, айримларида майда тишчалар бўлади. Шингилда гуллар сони 20 тадан ортиқроқ. Мевалари шарсимон, тухумсимон бўлиб, қизил, 5-6 мм энликда.

Апрел-май ойларида гуллаб мевалари сентябрда етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларида, тошли шағалли тупроқларда ўсади. Тошкент, Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида учрайди.

Илдизи ва новдаларидан тайёрланган дамламаси жигар хасталикларида, қонни миқдорини кўпайтирувчи ва таркибини яхшиловчи сифатида, иштаха очувчи, ўт ҳайдовчи сифатида қўлланилади.

Текис баргли зирк (Қорақат)-Барбарис цельнокрайний-Berberis integerrima Bunge.

Кўп йиллик, кўп пояли ва уларни баландлиги 4 м га этадиган бута. Ёш поялари қиррали, қўнғир рангда, пояни осткидаги тиканлари учлик тартибда бўлиб, ёш новдаларида 1 тадан тиканлари бўлади. Барглари тескари тухумсимон, узунлиги 4-5 см, эни 13-18 мм, барг четлари теккис. Гуллари узун, шингилда 12-20 тадан жойлашган. Меваси тескари тухумсимон бўлиб, оч қизил рангда, 7-8 мм узунликда.

Май-июнда гуллаб, меваси сентябрда етилади.

Тоғларни ўрта минтақалари ва теккисликни ариқ, сойлар қирғоқларида ўсади. Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийсида учрайди.

Илдизи ва пояларини қайнатиб тайёрланган қиёми синганда, пайлар чўзилганда, ревматизмда, радикулит, юрак хасталикларида ва ошқозон, жигар хасталикларида қўлланилади.

Тилласимон бонгардия-Бонгардия золотистая-Bongardia chrysogonum (L.) Spach.

Кўп йиллик, туганаги 3,5 см энликда. Поясини баландлиги 30-50 см, цилиндрсимон. Кўп шохланган. Барглари 8-15 см узунликда, бўлакларга бўлинган ўтроқ, айрим ҳолларда халқасимон жойлашган, 2,5 см узунликда ва эни 5-9 мм, доирасимон, понасимон, узунчоқ, уч-беш карра қирқилган. Тожбарглари тескари тухумсимон, 8-14 мм узунликда. Кўсаги узунчоқ.

Март-апрел ойларида гуллаб, уруғлайди.

Тоғ олди ва теккисликлардаги тупроқли-тошли жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида ўсимликнинг туганаги заҳарли илон чакқанда ва ҳашоратлар чакқанда ишлатилади. Туганагидан печений ва мурраббо тайёрлаш мумкин.

Узунчоқ зирк (Қорақат)-Барбарис продолговатый-Berberis oblonga (Bunge) Schneid.

Кўп йиллик, пояларининг баландлиги 4 м бўлган бута ўсимлик. Ёш поялари кўнғир, қари поялари кулранг сершоҳланувчан. Барглари тескари тухумсимон узунчоқроқ бўлиб, узунлиги 6 см, эни 3 см ни ташкил этади. Япроқларини четлари майда тишчали. Гуллари шингилга тўпланган. Мевалари қора бинафша рангда чўзиқроқ эллипссимон, 1 см узунликда ва эни 6 мм.

Апрел-май ойларида гуллаб, мевалари сентябрда етилади.

Тоғларни ўрта ва пастки минтақаларини тошли ва шағалли тупроқларида ўсади. Тошкент, Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида учрайди.

Тиббиётда барги ва илдизи ишлатилади. Таркибида алкалоидлар, берберин бирикмалари бор. Берберин бисульфат сурункали гепатит, гепатохолецистит, холецистит жигар касалликларида ҳамда ўт қопининг тош касаллигида ўт ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Ўт ҳайдовчи дори сифатида ва илдизи Здренко йиғмаси таркибига киради.

Эверсман ер совуни-Леонтица Эверсманна-Leontice eversmannii Bunge.

Кўп йиллик, туганакли ўсимлик бўлиб, туганаги 15-40 см ер остида жойлашган, эни 15-20 см гача боради. Поясини ер устки қисми 20-50 см, остки барглари 1-2 та бўлиб, узун бандли япроқлари 3 марта бўлакларга бўлинган, узунлиги 11 см, эни 4-5 см, гуллари юқорига қараган шингилида, тожбарглари

сарик рангда, 6-9 мм узунликда. Тугуни ноксимон, меваси кўсак бўлиб, юпқа қобиқли, 25-30 мм.

Март-апрелда гуллаб уруғлайди.

Қирликларда, лалми ерларда, тупроқли жойларда ўсади. Самарқанд, Тошкент, Наманган, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида учрайди.

Халқ табобатида ер устки қисми ишлатилади. Таркибида сапонинлар, флавоноидлар, қандлар, шиллиқ, ошловчи моддалар бор. Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси халқ табобатида истисо, жигар, буйракдаги тош, нафас қисиш, ўпка сили ва тутқаноқ, касаликларини даволашда ҳамда ўт ва сийдик ҳайдовчи, оғриқ қолдирувчи ва сурги дори сифатида қўлланилади, у билан турли йирингли яралар ювилади.

Айиктовондошлар-Лютиковые-Ranunculaceae Juss.

Дамашқ седанаси-Чернушка дамасская-Nigella damascena L.

Бир йиллик, поясининг баландлиги 25-40 см. Туксиз шохланган, барглари туксиз, икки ва уч маротаба қирқилган, бўлақларини учлари учкир, пояни энг учки қисмидаги барглар плёнкасимон ён барглар ҳисобланади. Гулкосалари умумий кўриниши кўк. Гултожлари узун тукли, наштарсимон.

Май ойида гуллаб, уруғлари июнда пишиб етилади.

Тошкент ботаника боғида экилади.

Халқ табобатида сийдик ҳайдовчи, ҳайзни тартибга солувчи, эмизакли аёллар сутини кўпайтирувчи, гижжага қарши таъсир қилувчи ва организмга қувват берувчи восита сифатида қўлланилади. Уруғининг дори препарати, мойи, суртмаси пес ва бошқа тери касалликларини даволашда яхши натижалар бермоқда.

Доривор илончўп (чумчуқ ўт)-Воробейник лекарственный-Lithospermum officinale L.

Кўп йиллик ўт ўсимлик, пояси тик ўсувчи, барглари қалин жойлашган, баландлиги 50-80 см. Барглари наштарсимон, ўтроқ, икки томони майда тукли. Гуллари шингилсимон ёки соябонсимон бўлиб, пояларини учида жойлашган. Гул тутқичлари 2-3 мм. Косачаси оқ қалқонсимон 2-4 мм узунликда, уруғ етилишида чўзилади. Тожбарглари оқ ёки сарғиш-оқ 3-5 мм узунликда. Ёнғоғи узунчоқ тухумсимон, 3 мм узунликда.

Апрел-май ойида гуллаб, май-июн ойларида уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларидаги ариқ ва сойлар қирғоғида ўсади. Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида ер устки қисми ишлатилади. Таркибида литоспермин бўёқ моддаси, оз миқдорда алкалоидлар, алантоин бирикмаси, витамин С, каротин

моддалар, уруғида кўп миқдорда ёғ бор. Ер устки қисмининг қайнатмаси халқ орасида шамоллаш касалликлари, бош оғриғи, қорин оғриғи ва буйрак-тош касалликларини даволаш учун, бола туғилишини енгиллатиш ва тезлатишда ҳамда сийдик ҳайдовчи, сурғи ва оғриқсизлантирувчи восита сифатида қўлланилади. Янги йиғиб узилган илончўпнинг ер устки қисми кесилган, урилган, кўкарган териға боғланади.

Зарафшон нарписи-Аконит зеравианский-Aconitum Zeravschanicum Steinb.

Кўп йиллик, ўт ўсимлик. Илдизи 4-12 та, ингичка реткасимон туганаклардан ташкил топган. Пояси 40-60 см, тик ўсувчи, цилиндирсимон. Илдиз бўғзидаги барглари узун 8-15 см бандли бўлиб, поядагилари ўтроқ. Барглари япроқлари асосига қирқилган, уст томони яшил, ост томони оч яшил. Гуллари пояни учки қисмида жойлашади. Гултожлари 5 та бўлиб, оч сариқ рангда, меваси кўракча.

Июл ойида гуллаб, август ойида уруғлари пишиб етилади.

Тоғларни ўрта ва юқори қисмларида, арчазор ва бутазорларда, алп ўтлоқларида учрайди. Шоҳимардон, Хисор, Туркистон тизмаларида ўсади.

Тиббиётда илдизпояси, туганаги, қуритилмаган ер устки қисми ишлатилади. Улар таркибида алкалоидлар (аконитин, зонгорин) бор. Туганагининг дамламаси (настойкаси) радикулит, невралгия, шамоллаш касалликларида ишлатилиши мумкин.

Заҳарли айиқтовон-Лютик ядовитый-Ranunculus sceleratus L.

Бир йиллик ёки эфимер, поясининг баландлиги 20-45 см, шохланган, эгатчали, кўп сонли гулларга эга. Барглари бир нечта, этли, япроғи буйраксимон, юмшоқ, уч панжали, бўлақларга эга. Гуллари 7-10 мм энликда, косачаси пастга эгилган, тожбарглардан узун. Тожбарги 5-6 тадан, чангчилари билан тенг. Оналиги ўтроқ, игнасимон. Уруғлари 1-1,3 мм узунликда.

Апрел-июнда гуллаб, уруғлайди.

Дарё оқизик қумларида, ботқоқ жойларда, ўзлаштирилган жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Майдалаб туюлган баргларида тайёрланган куюқ малҳам мускул ва суяклар оғриғида боғланади.

Изапироидс санчиқ ўти-Василистник равноплодниковидный-Thalctirum isopyroides C.A.Mey.

Кўп йиллик, ўт пояси 10-40 см узунликда, кам шохланган, туксиз. Барглари пояни устки қисмида 1-3 тадан жойлашган, 3 маротаба қирқилган умумий кўриниши учбурчак шаклда, ўртача узунликда (3-6 см). Гуллари поянинг учида, супургисимон тўпгуллар ҳосил қилади. Гуллари яшил қўнғир рангда.

Апрел-май ойларида гуллаб, Май-июн ойларида етилади.

Тоғларни қора тупроқли ва чириндига бой соя жойларида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ўсади.

Ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади. Уларнинг таркибида алкалоидлар (фетидин, талмин, таликтримин), флавоноидлар, кумаринлар, сапонинлар, витамин С, органик кислоталар бор. Ўсимликдан тайёрланган суртмаси (настойкаси) қон босимини пасайтиришга эга бўлиб, қон айланишининг бузилиш касалликларини даволашда ишлатилади.

Кичик санчикўт-Василистник малый-Thalictrum minus L.

Кўп йиллик ўт, поясини баландлиги 30-100 см. Тик ўсувчи баъзан эгилиб ўсади. Барглари бандли, пояни учки қисмдагилари ўтроқ. Япроқлари 3-4 бора қирқилган, умумий шакли учбурчаксимон. Гуллари супиргисимон тўпгуллар бўлиб, пояни учида жойлашган. Гуллари кўримсиз ва қизил-қўнғир рангда.

Июн-июл ойларида гуллаб, июн-август ойларида уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта ва алп ўтлоқларида, қоялар остида, буталар орасида, нам кўп бўлган тупроқларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмидан бурундан қон кетишида, асаб тизимини хасталикларида, юракнинг гипертоник I-II-босқичларида, айрим ҳолларда III босқичида ҳам қўлланилади. Жигар, ўт халтасининг касалликларида ҳам қўлланилади.

Майда гулли адонис-Горицвет мелкоцветный-Adonis parviflora Fisch. (A. aestivalis L. Thoms.)

Бир йиллик, пояси 5-60 см бўлган ўт ўсимлик. Пояси кам шохланади. Барглари поядагилари ўтроқ, остки барглари қисқа 2-3 см, бандли, 2-3 маротаба майда бўлақларга бўлинган. Гуллари пояни ва шохчаларни юқори қисмида бўлиб, 5-8 мм. Гултожлари қизил, қўнғир рангларда. Уруғлари саватчаларда тўпланган, майда 2-4 мм.

Апрел-май ойларида гуллаб, май-июнда уруғлари пишиб етилади.

Тоғ олди яйловларида, тоғларнинг пастки қисмларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Қорақалпоғистонда учрайди.

Тиббиётда ер устки қисми ишлатилади. Таркибида юрак гликозидлар цимарин, флавоноидлар ва бошқа бирикмалар бор. Дори перепаратлари –дамлама, “адонис бром”, суяқ ва қуруқ экстрактлари, янги галенпрепарати-аденозид сурункали юрак-томир невроз ва нерв касалликларида тинчлантирувчи восита сифатида қўлланилади. Дамламаси Бахтеров микстураси адонизид, кардиовален таркибига киради. Ер устки қисми Здеренко йиғмасига қўшилади.

Оддий санчиқўт-Василистник простой-Thalictrum simplex L.

Кўп йиллик, пояси шохланмайди, баландлиги 40-100 см. Барглари пояга бандли, пояни юқорисидагилари бандсиз, икки бора қирқилган, бўлақларини узунлиги 1-3 см, эни 0,5-2 см, гуллари қисқа пирамидасимон, тўпгуллари қизғиш яшил.

Июн-июл ойларида гуллаб июл-август ойларида уруғлари етилади.

Тоғ дарёлари ўзанларида, арчазорларида ўсади. Тошкент вилояти Ангрен сув ҳавзалари юқори қисмида учрайди.

Ер устки қисмини қайнатмаси артериал босимни тушуришда, жигар ва сарик хасталикларида қўлланилади.

Оддий сувйигар-Водосбор обыкновенный-Aquilegia vulgaris L.

Кўп йиллик, 50-80 см бўлган баландликдаги сершоҳ ўсимлик. Илдиз бўғзидаги барглари узун бандли, икки бора бўлақларга бўлинган. Гуллари оқ, пушти, қизил, кўк, бинафша рангларда, гуллари ортида қайрилган пихи бор.

Апрел-Май ойларида гуллаб, май-июнда уруғлари етилади.

Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида боғбонлар томонидан экиб ўстирилади.

Ўсимликдан тайёрланган дамламаси бачадондан қон кетишида қўлланилади.

Сарик гулли испарак-Живокость полубородастая-Delphinium semibarbatum Bien. ex Boiss.

Кўп йиллик, оддий ёки кам шохланган поясининг баланлиги 35-70 см. Илдиз бўғзидаги барглари узун бандли бўлиб, япроғи 5 бўлакка бўлинган, бўлақлар ўз навбатида 3 бўлакка бўлинган. Гуллари очик сарик рангда, кўп сонли гуллари супиргисимон тўпгулларга эга. Гулдаги пихлари остки томонга эгилган. Уруғлари майда уч қиррали.

Май-июнда гуллаб, июлда уруғлари етилади.

Тоғларнинг пастки ва ўрта минтақаларида, тупроқли жойларида учрайди. Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхандарё вилоятларида учрайди.

Ер устки қисми таркибида алкалоидлар (конделфи) бор. Испарак турларининг дори препаратлари, элатин, конделфин, мелликтин ва делсимин кураре сингари таъсир этувчи восита сифатида Паркинсон, Литтл касалликлари мушаклар тонуси ошишидан келиб чиққан касалликларни даволаш, жарроҳликда операция вақтида мушаклар тонусини бўшаштириш ҳамда табиий нафас олишни тўхтатиб туриш учун ишлатилади.

Талас нарниси (оқ нарни)-Аконит таласский-Aconitum talassicum M.Pop.

Кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизи занжирсимон туганаклардан ташкил топган бўлиб, туганак узунлиги 20 мм, эни 10-20 мм. Поялари 10-150 см, поялари тик ўсувчи, тукланган. Барглари бандли, пояни юқори қисмидагилари ўтроқ, барг япроғи туксиз бўлиб, устки томони яшил, остки қисми оч яшил, ўзагига қирқилган ва 3-5 понасимон бўлаклардан тузилган. Уруғлари 2 мм га тенг.

Июл-август ойида гуллаб август-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғларни нам тупроқли жойларида, тоғ жилғалари атрофида ўсади. Тошкент, Самарқанд, вилоятларидаги тоғларда учрайди.

Тиббиётда илдизпояси, туганаги, қуритилмаган ер устки қисми ишлатилади. Улар таркибида алкалоидлар (аконитин, зонгорин) бор. Туганагининг суртмаси (настойкаси) радикулит, невралгия, шамоллаш касалликларида ишлатилиши мумкин.

Тилларанг адонис-Горицвет золотистый-Adonis chrysocyathus Hook. fil. et Thoms.

Кўп йиллик, пояси 15-30 см, кам шохланувчан, илдиз бўғзидаги барглари редукцияланган, поя остки барглари узун бандли, 2-3 маротаба майда қирқимларга бўлинган, поя юқорисидаги барглари ўтроқ. Пояни учида биттадан йирик 40 мм гача бўлган тўқ сариқ гул жойлашади. Тожбарглари 2,5-2,7 мм узунликда, эни 5-8 мм. Мевалари кўсакча бўлиб, учки қисмлари қайрилган.

Июн-июл ойларида гуллаб, август ойида уруғлари пишиб етилади.

Тоғларнинг 2500 м дан юқори қисмидаги, қора чириндига бой тупроқларида ўсади. Фарғона вилояти (Шохимардон, Машаланг, Хурджун тоғида)

Тиббиётда ер устки қисим ишлатилади. Таркибида юрак гликозидлар цимарин, фलोноидлар ва бошқа бирикмалар бор. Дори перепаратлари –дамлама, “адонис бром”, суюқ ва қуруқ экстрактлари, янги галенпрепарати-аденозид сурункали юрак-томир невроз ва нерв касалликларида тинчлантирувчи восита сифатида қўлланилади. Дамламаси Бахтеров микстураси адонизид, кардиовален таркибига кирилади. Ер устки қисми Здеренко йиғмасига қўшилади.

Тоғ севувчи тасмачўп-Живокость горолюбивая-Delphinium oreophilum Huth.

Кўп йиллик, поясини остки қисми сийрак, юқори қисми қалин туклар билан қопланган ва баландлиги 30-60 см. Илдиз бўғзидаги барглари (20 см) узун бандли, поядагилари қисқароқ бандли, кам тукланган. Япроғи буйраксимон, юқори қисми туксиз, остки қисми қалин тукланган. Гуллари оддий кам шохланган поячаларда. Гули кўк, ташқи томони қалин тукланган, тўп гули қалин гуллар билан қопланган шингил. Гул ён барглари тухумсимон, 12-17 мм узунликда ва

эни 6-9 мм. Гулни пихи горизантал ёки бир оз пастга эгилган, 15-15 мм узунликда ва эни 3-5 мм, цилиндрсимон.

Июлда гуллаб, июл-августда уруғлари етилади.

Тоғларни юқори қисмидаги нураган тошлар, тошли қисмларида ўсади. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Ўсимликдан тайёрланган қайнатмаси турли шишлар ва ёрилмаган яраларга малҳам қилиб боғланади. Шунингдек, жигар, захм, ошқозон ости безини шамоллашида, сийдик йўли ва жинсий органлар хасталикларида қўлланилади.

Тўғри шохли учмайм-Рогоглавник пряморогий-Ceratocephalus testiculata (Crantz) Bess. (C. orthoceras DC.)

Бир йиллик, поясининг баландлиги 1-7 см. Барглари бандли, 2-3 бўлакли. Гуллари биттадан юқоридагилари майда, косачабарглари узунчоқ- тухумсимон. Тожбарглари сарғич эллипссимон. Уруғлари 2 мм узунликда.

Март-апрелда гуллайди. Апрель-майда уруғлари етилади.

Тоғларнинг олд қисми, чўллардаги қумли-шағалли шўрхоқ ва қурук ёнбағирларда учрайди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Халқ табобатда ўсимликни янги узилган ҳолида теридаги оқ доғларга компрес қилинади. Шунинг таъкидлаш керакки, бунда жуда кучли оғриқ бўлади. Аммо доғ йўқолади. Гуллаган вақтида ҳайвонлар истеъмол қилмайди.

Туркистон адониси (Сариқ гул адонис.)-Горицвет туркестанский-Adonis turkestanica Korsh Adolf.

Кўп йиллик, кўп сонли поялар ҳосил қилувчи ва уларни баландлиги 30-80 см кам шохланган. Илдиз бўғзидаги барглари кўнғир плёнкасимон, редукцияланган, поядагилари йирик ўтроқ, 2 маротаба майда қирқилган. Гултожлари 20-25 мм узунликда ва эни 6-10 мм сариқ рангда. Мевалари шарсимон бошоқча 8-10 мм.

Июн-июлда гуллаб, июл-августда уруғлари пишиб етилади.

Тоғларнинг тупроқли алп қисмларида, айрим ҳолларда юқори арчазорларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида учрайди.

Тиббиётда ер устки қисим ишлатилади. Таркибида юрак гликозидлар цимарин, адонитоксин, фловоноидлар ва бошқа бирикмалар бор. Дори перепаратлари—дамлама, “адонис бром”, суюқ ва қурук экстрактлари, янги галенпрепарати-аденозид сурункали юрак-томир невроз ва нерв касалликларида тинчлантирувчи восита сифатида қўлланилади. Дамламаси Бахтеров микстураси адонизид, кардиовален таркибига киради. Ер устки қисми Здеренко йиғмасига қўшилади.

Ўроқсимон учмайът (оташак)-Рогозлавник серповидный-Ceratocephalus falcatus (L.) Pers.

Бир йиллик, поясини баландлиги 3-10 см баргсиз. Барглари бандли 3 бўлакли, 2-3 бора қирқилган. Гул тутқичи барглар билан тенг. Гуллари майда, оч сариқ. Уруғлари тукланган, ўроқсимон букланган, учкир, айрим ҳолларда қармоқсимон юқорига букланган.

Март-апрел ойларида гуллайди, апрел-май ойларида уруғи етилади.

Тоғларнинг пастки қисмидаги ва қумли, шағалли куруқ ёнбағирларида, шўрхок тупроқларда учрайди. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Халқ табобатда ўсимликни янги узилган ҳолида теридаги оқ доғларга компрес қилинади. Шуни таъкидлаш керакки, бунда жуда кучли оғриқ бўлади. Аммо доғ йўқолади. Гуллаган вақтида ҳайвонлар истеъмол қилмайди.

Чалкашган испарак-Живокость спутанная-Delphinium confusum M. Pop.

Кўп йиллик ўт. Поясининг баландлиги 50-65 см. Кам шохланган, остки қисми узун туклар билан, юқори қисми калта қалин туклар билан қопланган. Илдиз бўғзи 2-5 см бандларга эга. Япроқлари доирасимон, буйраксимон уч бўлакли қирқимларга эга. Гуллари тўқ бинафша ёки тўқ кўк рангларда бўлиб, шингилсимон тўпгулда жойлашган.

Июл-август ойларида гуллайди ва август-сентябрда уруғлари пишиб етилади.

Ғарбий Тянь-Шан ва Помир-Олой тизмаларида, арчазорлар орасида ҳамда ўтлоқларда тарқалган.

Паркинсон, литл касалликлари ва бошқаларда, жаррохлик вақтида мушаклар тонусини бўшаштириш, табиий нафас олишни тўхтатиб туриш учун қўлланилади.

Шарқ илончўни-Ломонос восточный-Clematis orientalis L.

Кўп йиллик, илашиб ўсувчи бута. Пояси узун (4-5 м). Баргларининг жингалаги билан бошқа дарахт ва буталарга илашиб ўсади. Барглари оч яшил, сийрак тукланган бўлақларга бўлинган бўлади. Текис ёки тишчали ўйиқли гуллари сарғиш ёки яшил-сарғиш, ташқи томони қизғиш, супургисимон сийрак тўпгулларга эга, косача барглари 13-20-(25) мм узунликда. Уруғлари 2 мм узунликда, (3-8 см) устунчага эга.

Июн-сентябрда гуллаб, июл-октябрда уруғлари етилади.

Чўл ҳудудлари, тўқайлар ва тоғларни ўрта минтақасигача бўлган қисмларида ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона ва республиканинг қолган бошқа вилоятларида ҳам тарқалган.

Табобатда ўсимликнинг барги ва поялари билан биргаликда танадаги оқ доғлар бор жойларга боғланади. Гуллаган вақтида кучли заҳарли ҳисобланади ва бу вақтда ҳайвонлар истеъмол қилмайди.

Экма седана-Чернушка посевная-Nigella sativa L.

Бир йиллик, пояси 20-75 см, кам шохланган. Пояси биттадан гул билан тугалланади, остки барглари бандли, тез қуриб қолади, икки уч маротаба бўлақларга бўлинган. Гулкосаси 10-15 мм узунликда ва эни 3-8 мм, гултожиси косачадан икки-уч маротаба қисқа, калта туклар билан қопланган.

Май-июнда гуллаб уруғлайди.

Самарқанд, Тошкент, Наманган, Фарғона, Сурхандарё вилоятларида экилади.

Халқ табобатида сийдик ҳайдовчи, ҳайзни тартибга солувчи, эмизикли аёллар сутини кўпайтирувчи, гижжага қарши таъсир қилувчи ва организмга қувват берувчи восита сифатида қўлланилади.

Юмолоқ баргли тасмачўн-Живокость круглолистная-Delphinium rotundifolium Afan.

Кўп йиллик, пояси оддий ёки кам шохланган, баландлиги 40-70 см. Пояни остки қисмлари 1-2 мм ли дағал туклар билан қопланган. Илдиз бўғизидagi барглари банди 30 см гача, юқоридагилари калта бандли ва улар тукланган. Гул тўплами сийрак ва кам гулли. Гул ёнбарглари тескари тухумсимон бўлиб, 15-18 мм узунликда ва эни 8-12 мм, учки қисми бироз учкирлашган. Пихи тўғри ёки бироз букилган, 12-14 мм узунликда ва диаметри 3-4 мм, цилиндрсимон.

Июн-июлда гуллаб, август-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта қисмидаги шағаллар ва нураган тошлар орасида ўсади. Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ўсимликдан овқат ҳазм қилишни яхшилашда, сийдик ҳайдашда, тери ости гижжасида, гижжаларни тўкишда ва шамоллашларга қарши восита сифатида қўлланилади.

Саллагулдошлар-Пионовые-Paeoniaceae Rudolphi.

Оғма саллагул-Пион средний-Paeonia anomala L.(intermedia CAM.)

Кўп йиллик, поясини баландлиги 25-75 см, кўримсиз қиррали. Барглари ўртача узунликда (10-15 см), бандли. Гуллари пояни учида биттадан жойлашади, уларни эни 6-10 см, оч қизил ва пушти рангларда.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари пишиб етилади.

Ўзбекистон тоғларининг 1500-2500 м бўлган баландликдаги ўтлоқлар ва арчазорлар орасида ўсади.

Психик ҳолатларда, уйқусизликда, асаб тизимини кучли қўзғалишларида, илдизидан тайёрланган дамламаси тавсия етилади.

Хитой саллагули-Пион китайский-Paeonia albiflora Pall.

Кўп йиллик, пояси 60-100 см га борадиган ўсимлик. Барглари йирик, икки бор уч мартадан қирқилган, устки томони яшил, остки томони оч яшил. Гуллари 12-15 см, оқ пушти рангларда бўлиб, нозик ҳидга эга.

Апрел-май ойларида гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистонни ҳамма вилоятларида манзарали ўсимлик сифатида экилади.

Илдизидан тайёрланган дамламаси уйқусизликда, асаб тизими кучли қўзғалганда, вегетатив асаб тизими иш фаолияти бузилганда ишлатилади.

Кўкнордошлар-Маковые-Papaveraceae Juss.

Кайфбахи кўкнори-Мак снотворный-Papaver somniferum L.

Бир йиллик, биттадан поя ҳосил қилувчи, 25-100 см баландликка эга ўт ўсимлик Барглари йирик, 6-11 см узунликда, узунчоқ бутун ёки қисман ўйилган, четлари аррасимон тишчали, поя юқоридаги барглари пояни ўраб олувчи барглар билан қопланган. Гунчалари йирик 1,5-3 см, тухумсимон, туксиз. Тожибарглари йирик, 3,5-6 см узунликда ва эни 1,5-5 см оқ, бинафша, пушти рангларда, асосида тўқ бинафша, сариқ ёки оқ доғлар бор.

Апрелда гуллаб августда уруғлари етилади.

Доривор ўсимлик сифатида маҳсус майдонларга экилади.

Кўрагидан олинган морфин қон айланишини яхшилади. Оғрик қолдирувчи, тинчлантирувчи ва марказий асаб тизимини тинчлантирадиган хусусиятдан фойдаланилади.

Лола қизалдоқ-Ремерия отогнутая-Roemeria refracta D.C.

Бир йиллик, эфемер ўсимлик. Пояси асос қисмидан, шохланувчи ва баландлиги 8-50 см. Илдиз бўғзидаги ва пояни ярмигача бўлган барглари бандли юқоридагилари бандсиз, япроғи тухумсимон, наштаарсимон бўлиб, четлари ичкари томонига бир оз букилган. Гунчаси тухумсимон ёки юмалоқ бўлиб, 1,5-2 см узунликда ва эни 0,9-1 см ташкил этади. Гултожлари 2-3 см узунликда ва эни 1,5-4 см тўқ қизил, остки томонида оқ доғлари кузатилади.

Апрел-июн ойларида гуллаб, уруғлари етилади.

Тошкент, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё, Бухоро вилоятларида, тоғ олди туманларида учрайди.

Кўз оғриғида, қуёш урганда, тинчлантирувчи, микробларга қарши ишлатилади.

Нафис ўрмонқора-Гляуциум изящный-Glaucium elegans Fisch.et Meg.

Бир йиллик, пояси кам шохланувчан, ингичка, баландлиги 10-35 см. Илдиз бўғзидаги барглари мазаика ҳосил қилади ва узунлиги 10-12 см. Лирасимон бўлакли, четларида сийрак тикансимон тукларга эга. Гунчалари узунчоқ, 1,5-2 см узунликда ва эни 3-5 мм, сийрак узун тукларга эга. Тожбарглари сарик, ўрта қисмида қизил, остки қисмида қора доғлари бор, 10-20 мм узунликда. Дуккак мевасини узунлиги 6-10-(15) см ва эни 1,5-2 мм.

Апрел-июл ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларни олди қисми ва пастки қисмларида кумли, майда шағалли тупроқларида ўсади. Тошкент (Моголтау, Қурама тизмаси), Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ўсимликдан олинган шира билан кўз оғриғини, йирик карбункуллар, ишишларни, бош оғриғида ва юрак хасталикларида қўлланилади.

Понукли ўрмонқора-Глямуциум бахромчатый-Glaucium fimbriigerum (Trantr) Boiss.

Икки йиллик, поялари кучли ривожланган, баландлиги 25-60 см, шохланган. Илдиз бўғзидаги барглари йирик, 15-20 см узунликда ва кўриниши лирасимон, четлари тикансимон тукларга эга. Поядаги барглар ўтроқ ва майда. Гунчаси узунчоқ-тухумсимон, 1,5-2,7 см узунликда, сийрак игнасимон туклар билан қопланган. Тожбарглари оч-сарик, унда бошқа рангдаги доғлар йўқ, узунлиги 3-3,5 см ва эни 2,5-3,5 мм. Тугуни сийрак туклар билан қопланган.

Май-июл ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларнинг ўрта қисмларидаги сойлар ўзанида, тупроқли шағал ва тошли тупроқларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси оғир хасталиклардан сўнг ва бошқа ҳолларда қувватлантирувчи восита сифатида ишлатилади. Уруғлари кучли сурги ҳисобланади. Артериал босимни кўтаради.

Товуссимон кўкнори (қизгалдоқ)-Мак навлиний-Papaver pavoninum Schrenk.

Бир йиллик, пояси одий, асосидан шохланади, баландлиги 5-10-40 см, қалин, дағал туклар билан қопланган. Барги бандли, кўп бора бўлақларга бўлинган, поядаги барглари ўтроқ. Гунчаси узунчоқ, юмалоқ, тухумсимон, 8-15 мм узунликда. Тожибарглари очиқ қизил рангда, асосида қора доғлари бор. (15)-45 мм узунликда ва эни 10-20-40 мм, доирасимон. Кўсаги 5-10 мм узунликда ва эни 4-8 мм узунликда, доирасимон, қобурғали. Кўсак қопқоғи 6-8 нурли, Уруғи 1 мм атрофида, кулранг.

Март ойларида гуллаб, июнда уруғлари етилади.

Тоғ олди ва чўл ҳудудларида тупроқли майда тошли жойларда ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўсади.

Барглари куёш урганда даволаш учун энг яхши дори ҳисобланиб, гулларининг тожбарглари қайнатмаси ичирилади. Тожбарглари суви сиқиб олиниб кўз оғриғида қўлланилади. Тоғ қалампири билан аралаштирилиб сўлак оқишини даволайди.

Шарқ кўкнориси-Мак восточный-*Papaver orientale*. L.

Кўп йиллик ўсимлик, пояси шохсиз ёки кам шохланган. Баландлиги 40-90 см. Барглари катта, 30 см узунликда. Илдиз бўғзидагилари узун бандли, пояни учки қисмларидагилари бандсиз, ўтроқ. Оддий гулбандли, ғунчалари 2-3 см бўлиб, тухумсимон, сийрак узун туклар билан қопланган. Гултожилари 4-6 тадан, узунлиги 9 см, пушти ва алангасимон қизил, остида квадратсимон қора доғлар бор.

Май-июн ойларида гуллаб уруғлари етилади.

Манзарали ўсимликлар сифатида экиб кўпайтирилади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида экилади.

Барги ва гулидан олинган шираси яралардан, қирқилган жойдан оқаётган қонни тўхтатиш учун қўлланилади.

Шотарадошлар-Дымянковые-Fumariaceae DC.

Вайяна шотараси-Дымянка Вайяна-*Fumaria Vaillantii* Loisel.

Бир йиллик, илдиз бўғзидан кўп шохланувчан, пояларини баландлиги 10-25 см. Барглари узун бандли, япроқлари уч бора қирқилган, охириги қирқимлари наштарсимон, ипсимон шаклларда. Гул тўплами зич жойлашган шингилдан иборат. Шингиллари уруғлар етилишида ўзгариб кетади. Гулкосаси 0,5-0,9 мм узунликда. Гултожлари пушти-бинафша рангда, 4,5-6 мм узунликда. Ёнғоқчалари шарсимон, устки томонида аниқ кўринадиган дўнгликчаси бор.

Март-июл ойларида гуллаб, уруғлари етилади.

Экин майдонларида ва тоғларнинг ўрта минтақалари (1200 м) қисмларидаги тупроқли ҳудудларида учрайди. Тошкент, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмидан юрак артерияси ва сарик хасталигида, яраларни тез битишида қўлланилади.

***Ледебура бурмақораси-Хохлатка ледебура-Corydalis Ledebouriana* Kar.**

Кўп йиллик, кўп пояли ва баландлиги 10-15 см бўлган, илдиз туганакли ўт ўсимлик. Туганаги 30-40 мм бўлиб, 30-40 см чуқурликкача тупроқ осткига тушади. Барглари одатда 2 та бўлиб, қарама-қарши жойлашади. Япроқлари 2 ва 3

маротаба қирқилган ва қирқимлари учтадан бўлиб, наштарсимон. Гуллари шингилда тўпланган. Гулкосаси плёнкасимон юпқа, майда. Тожбарглари пушти, 18-25 мм узунликда. Гулларини орқа томонида пихи бўлади.

Март-июнда гуллаб, уруғлайди.

Тоғларда янги эриган қорлар атрофида учрайди. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхандарё, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Баргларидан тайёрланган чой дамламаси тинчлантирувчи, кўл оёқлар қалтирашида, семиришни олдини олишда, психологик ва аёллар хасталикларида ишлатилади. Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси экзема, йирингли яралар, лат еган жойларга суртилади.

Майда гулли шатора-Дымянка мелкоцветная-Fumaria parviflora Lam.

Бир йиллик, пояси асосидан шохланган, оз эгатчали, баландлиги 10-12 см бўлган ўт ўсимлик. Барглари уч ва тўрт бора қирқилган, ипсимон майда баргларга эга. Гуллари шингилга тўпланган. Гулкосаси 0,3-0,5 мм узунликда, тожбарглари оқ, пушти-бинафша рангларда. Ёнғоғи юмалоқ тухумсимон, учи учкир, эни 2,5 мм.

Апрел-май ойларида гуллаб уруғлайди.

Сурхондарё вилояти (Шеробод туманида) тарқалган.

Ўсимликни ер устки қисмидан бачадон қон кетишига, артериал қон босими ортишда, бачадон мускулларини иш фаолиятини яхшилашда, жигар ва теридаги яраларга қарши қўлланилади.

Северцов бурмақораси-Хохлатка Северцова-Corydalis severtzovii Regel.

Кўп йиллик, поялари кўп сонли, баландлиги 8-10 см. Туганагини диаметри 15-30 мм. Иккитадан барглари бўлиб, қарама-қарши жойлашган, икки ва уч бора қирқилган. Шингиллари қисқа 2-7 гулли. Тожбарглари пушти-сарик рангда, гуллаш даврини охирида қизил рангга ўтади, 40-45 мм узунликда. Гулни орқа томонида пихи ингичка ва тўғри, учки томони биров қайрилган, 3-3,5 мм узунликда.

Март-май ойларида гуллайди.

Тоғларнинг тупроқли қисмларида, ўрта минтақа қисмларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси синган ва лат еган жойларга тампун қилиб қўйиб ишлатилади. Дамламадан экзема ва яраларни битириш учун ҳам қўлланилади.

Минггулдошлар-Лаконосные-Phytolaccaceae R.Br.

Америка минггулдоши-Лаконос американский-Phytolacca americana L.

Кўп йиллик, пояси шохланган ва баландлиги 50-100 см бўлган ўсимлик. Барги узунчоқ, игнасимон учли. Шингили кўп гулли, карама-қарши барглари билан. Гултожлари оқ.

Июн-июл ойларида гуллаб, уруғлайди.

Ўзбекистонда бегона ўт сифатида учрайди.

Барг ва илдизидан тайёрланган қайнатмаси енгил сурги сифатида, илдизидан ун қилиб майдаланиб маз сифатида теридаги тангачали яраларга қўлланилади.

Чиннигулдошлар-Гвоздичные-Caryophyllaceae Juss.

Безли бўритикан-Качим-Кнорринг-Gypsophila Knorringiana (schischk.) Vved. (Acanthophyllum glandulosum Bunge.)

Кўп йиллик, поялари кўп сонли, асоси ёғочланувчи, баландлиги 10-20 см ўт ўсимлик. Барглари учли тиканли, уч қиррали 15-25 мм узунликда. Гуллари бошоқсимон. Кўп сонли гуллар тўпламидан иборат. Гултожлари оқ, 7-9 мм узунликда, эни 1 мм. Уруғлари 5-9 уруғли уруғчидан иборат.

Июл ойида гуллаб уруғлайди.

Тоғларни пастки қисмларида ўсади. Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ўсади.

Тиббиётда илдизидан фойдаланилади. Илдизи балғам кўчирувчи восита сифатида бронхит, нафас йўлларидаги шомоллаш касалликларида қўлланилади.

Гелцера чиннигули-Гвоздика гелцера-Dianthus Hoeltzeri C. Winkl.

Кўп йиллик, 30-40 см баландликдаги ўт ўсимлик. Поялари кўп сонли кўп шохланган. Барги наштаарсимон учли бўлиб, эни 3-5 см. Гуллари поялари учларида 1 тадан жойлашган.

Март-апрел ойларида гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси ички қон кетишларни тўхтатиш учун ишлатилади.

Гипсофиласимон бўритикан (Качемсимон етмак)-Колючелистник качимовидный-Acanthophyllum gypsophiloides Regel. (Allochrusa gypsophiloides (Regel.). Schischkin.)

Кўп йиллик, илдизлари яхши ривожланган. Пояси кўп сонли, ўтсимон, 40-60 см баландликда. Барглари наштаарсимон, туксиз, айрим ҳолларда сийрак туклар билан қопланган. Гуллари сийрак супургисимон тўпгуллар ҳосил қилади. Гултожлари оч пушти бўлиб, 5,5-6 мм узунликда, тескари наштаарсимон. Мева тугуни 4 хонали кўсакчадан иборат.

Июн-июл ойларида гуллаб уруғлайди.

Тошли ва шағалли тупроқларда, тоғ олди ва тоғни ўрта минтақаларида учрайди. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўсади.

Тиббиётда илдизи балғам кўчирувчи восита сифатида бронхит, нафас йўллариининг шамоллаш ва бошқа касалликларда қўлланилади.

Гриффита ерсовуни-Мыльнянка Гриффита-Saponaria-Griffithii Boiss.

Кўп йиллик, юқорига ўсувчи, шохланган, туксиз, баландлиги 50-70 см. Барглари яшил, қисман этли, четлари дағаллашган. Гуллари сийрак супургисимон тўпгул ҳосил қилади. Пастдаги гулларида тутқичлари 3-4 см узунликда. Косачаси узунчоқ кўнғироқсимон, 7-9 мм узунликда. Тугуни калта тутқичли. Кўраги узунчоқ, 5-6 мм узунликда.

Тоғларни ўрта қисмидаги тошли қуруқ жойларда ўсади. Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда илдизпояси билан илдизини қайнатмаси, дамламаси бронхит нафас йўллари шамоллаш касалликларида балғам кўчирувчи, баъзан сурги, сийдик ҳайдовчи, халқ табобатида яна ўт ҳайдовчи восита сифатида, бод ва тери касалликларини экзема, темиртки, чипқонларни даволаш учун қўлланилади.

Дағал тукланган саминчўп-Грыжник жестковолосистый-Herniaria hirsuta L.

Бир йиллик, тукланган, асосидан биров шохланган, баландлиги 5-10 см. Барглари тескари наштаарсимон, қисқа бандли. Гуллари калин бўлиб жойлашган. Косача барглари узунчоқ, тўнтоқ 1 мм узунликда. Тожбарги йўқ. Чангчилар 2-3-(5) та. Кўсакчаси косачаси билан тенг.

Апрел-июлда гуллаб уруғлайди.

Тоғ олди қисмидан, тоғларни ўрта қисмиларигача ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида тарқалган.

Ўсимликдан тайёрланган қайнатма сийдик ҳайдовчи ва сийдик қопчиқлари хасталикларида қўлланилади.

Доривор ерсовун (Доривор сопонария)-Мыльнянка лекарственная-Saponaria officinalis L.

Кўп йиллик ўт. Пояси тик ўсувчи сершоҳ, баландлиги 70 см. Барглари узун наштарсимон учи учли, 3 та томирлари бор. Гуллари қалқонсимон тўпгуллар бўлиб, пояни учида жойлашади. Тожибарглари пушти, гулкосадан икки бор узун. Уруғлари буйраксимон, майда бўртиқлари бор.

Декаратив ўсимлик сифатида ҳамда доривор ўсимлик сифатида экилади.

Илдизларини қайнатма ва дамламаси балғам кўчирувчи ва йўталга қарши, бронхит, астмада қўлланилади.

Икки рангли мачин (Тоғчитир)-Качим двуцветный-Gypsophila bicolor (Fregn et Sint) Grossh.

Кўп йиллик, поялари тарвақайлаб шохланган, баландлиги 70 см бўлади. Барглари яшил, туксиз, учи наштарсимон. Гуллари супургисимон тўпгулларга бирлашган. Гул косаси кенг қўнғироқсимон. Тожбарглари оч пушти рангда, тугунчалари 8 уруғли июнда гуллайди.

Самарқанд вилоятида ўсади.

Тиш ювиш пасталарига қўшилади.

Соябонли қалампирут-Костенечник зонтичный-Holosteum umbellatum L.

Бир йиллик, тик ўсувчи, кам шохланувчи, туксиз, баландлиги 5-20 см. Барглари текис четли, безчали-тукли, пояда қарама-қарши бўғинларда жойлашган. Косачаси учли, узунчоқ туксиз, (3,5)-4-(5) мм узунликда. Тожбарглари оқ, косачаси билан тенг, икки учи тишчали. Косачаси узунчоқ, 5-6 мм узунликда.

Март-апрел ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғ олди даштликларидаги тупроқли, шағалли ва тошли жойларда ўсади. Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Баргларини буруштирувчи хусусиятларидан фойдаланиб теридаги яраларни тез битиши учун қўлланилади.

Туксиз саминчўн-Грыжник голый-Herniaria glabra L. (H.Suvis Klok.)

Бир йиллик ёки кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, илдиз асосидан шаклланган поялари 5-10 см. Барглари қисқа бандли бўлиб, япроқлари тескари тухумсимон, гуллари шохчаларда қалин жойлашган. Тожибарглари игнасимон.

Июл-августда гуллаб уруғлайди.

Тоғларни ўрта минтақасида қуруқ майдонларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда ер устки қисми ишлатилади. Ер устки қисми дамламаси халқ табобатида истисно касаллигида сийдик ҳайдовчи восита сифатида ҳамда ўпка, меъда касалликларини даволаш учун қўлланилади. Ер устки қисмининг дамламаси илмий тиббиётда ҳам сийдик ҳайдовчи ва спазмолитик восита сифатида буйрак ва сийдик йўллари яллиғланиши касалликларни даволашда буйрак, қовуқ, ва сийдик йўлларида тош ва қумларни ҳайдаш учун ишлатилади.

Хитой чиннигули-Гвоздика китайская-Dianthus chinensis L.

Бир йиллик, пояси тик ўсувчи ва юқори қисмидан шохланувчи 30-50 см баланликда. Барглари лентсимон ёки наштарсимон учли. Гуллари пояни шохчалари учларида 1 тадан жойлашган. Гултожилари турли рангларда. Мевалари кичик кўсакча.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида маданий гул тариқасида экилади.

Ўсимликдан тайёрланган дамламалари ички қон кетишини тўхтатиш учун қўлланилади. Жумладан бачадондан қон кетишда, оғриқни ва шамоллашни тўхтатиш учун қўлланилади.

Экма қорамуз-Тысячеголов посевной-Vaccaria segetalis (Neck) Garcke.

Бир йиллик, мутлоқ туксиз. Пояси тик ўсувчи, ўрта қисмидан шохланувчан, баландлиги 20-60 см. Барги оч яшил, узунчоқ тухумсимон. Гул туткичларини узунлиги 4-6 см. Косачаси узунчоқ, 12-13 мм, уруғлаган вақтида узунлиги 15 мм га етади, уч қиррали, тож барги пушти, 15-16 мм узунликда. Тескари тухумсимон тишчали, уруғлари қора шарсимон, майда эгатчали, 1,5 мм энликда.

Апрел охирида гуллаб, июлда уруғлари етилади.

Экинзорларда, айниқса лалми ерларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Ўсимликдан майдалаб бўтқа тайёрлаб йирик яраларни тўкишда ҳамда оғриқ қолдиришда ҳам қўлланилади.

Юлдуз ўт (ўрта юлдузўт)-Звездчатка средняя-Stellaria media (L)Vill.

Бир йиллик ўт, пояси остки қисмидан шохланади. Барглари эгик, туклар билан қопланган, бўғинлари қисқа, баландлиги 10-25 см. Барглари яшил, тухумсимон, четлари теккис. Гуллари сарик, ярим соябонсимон, пояни учида жойлашган. Гултожилари оқ рангда.

Ўзбекистонда бегона ўт сифатида ўсади.

Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси оғриқ қолдирувчи ва ошқозон ичак хасталикларида қўлланилади.

Гултожихўроздошлар-Амарантовые-Amaranthaceae Juss.

Кўкиш мачин-Щирица синеватая-Amaranthus lividus L. (A. Blitum L.)

Бир йиллик ўт, поясини баландлиги 40-80 см, ер бағирлаб ўсувчи ёки тик ўсувчи, шохланган, эгатчали, туксиз. Барглари ромбиксимон, тухумсимон, банди япроғи билан тенг. Гуллари тўп, ўтроқ, барглар қўлтиғида жойлашади Кўсакчаси эллипссимон, этлик, очилмайдиган. Уруғлари 1 мм энликда, тухумсимон, қора рангда.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Воҳалардаги экинзорларда, ўтлоқлар ва ташландиқ жойларда ўсади. Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида баргларининг қайнатимаси бош оғриғида ва ўсмаларни даволаш учун ичилади. Илдизини қайнатмаси **ришта**ларни даволаш учун ванна қилинган. Ёш барглари зировор сифатида овқатга ишлатилади.

Оғма мачин-Щирица отогнутая-Amaranthus retroflexus L.

Бир йиллик, 20-75 см ўт ўсимлик, кам шохланувчи, қисман тукланган, пояси қиррали. Барглари йирик тухумсимон, ромбик шаклларда. Гуллари тўп бўлиб, пояни учида супургисимон жойлашган. Плёнкасимон кўсакчаларда уруғлари етилади. Уруғлар 1 мм узунликда, тўқ қўнғир ёки қорамтир.

Июн-июлда гуллаб, июл-августда уруғлари етилади.

Экин майдонларида, лалми экинлар орасида, йўл ёқаларида, ташландиқ экин майдонларида ўсади. Ўзбекистонни барча вилоятларида учрайди.

Ўсимликни ер устки қисмидан тайёрланган дамлама қон кетишини тўхтатиш учун қўлланилади. Жумладан, геморройда, овқат хазм қилиш йўлларида ва бошқаларда ишлатилади.

Оқ мачин-Щирица белая-Amaranthus albus.L.

Бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси кўп шохланган, 30-70 см баландликда. Барглари майда, 2 см узунликда ва эни 0,5 см тескари тухумсимон. Гуллари сийрак бўлиб, барг қўлтиқларида, пояни барча қисмларида жойлашган. Мева кўсакчалари кенг эллипссимон.

Июн-июл ойларида гуллаб, уруғлари июл-октябрда етилади.

Ариклар бўйида, бегона ўт сифатида экинзорларда ҳам учрайди. Ўзбекистонни жанубий ва Фарғона водийсида тарқалган.

Ўсимликни ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси қон кетишни тўхтатувчи сифатида, менструацияда, қон тупуришда ва геморрой хасталикларида қўлланилади.

Шўрадошлар-Маревые-*Chenopodiaceae* Vent.

Баргсиз буюрғун (итсизак)-Ежевник безлистный-Anabasis aphylla L.

Кўп йиллик, баландлиги 30-75 см, чалабута, пояларини остки қисми ёғочлашган. Поялари цлиндирсимон бўлиб янгилари яшил ва асосидан шохланган. Барглари плёнкасимон, қўлтиғи тукланган. Гуллари биттадан бошоқсимон гул тўплами супургисимон. Меваси ширали, қанотларидан қисқадир.

Июл-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Шўр ва шўрхоқ тақирларда, экин майдонларини қирғоқларида, ер ости шўр сувлари яқин бўлган чўлларда ўсади.

Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Бир йиллик яшил новдаларидан тайёрланган перепарати чекишни ташлаш учун қўлланилади.

Камбаргли боялиш (чўгон шўрак)-Элления малоллистная-Aellenia subaphylla (C.A.Mey.) Aell. (Salsolo subophylla C.A.Mey.)

Кўп йиллик чалабута, айрим ҳолларда баланд ёғочланади, поясини баландлиги 30-120 см, сершоҳ, туксиз барглари навбатланиб жойлашади, наштарсимон учи учқурлашган. Гул қисмлари деярли тенг. Ёнгул барглари учбурчаксимон бўлиб, учки қисми узунчоқ тухумсимон, уруғларида қанотчалар ҳосил қилади. Оналик тумшукчаси найсимон.

Май-сентябрда гуллаб уруғлайди.

Қумликда, тақирда, шўрхоқ жойларда ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Шохчалари, барглари ва гулларини биргаликдаги дамламаси халқ табобатида аёллар хасталигида ва сочларни, пиёзчаларни мустаҳкамлаш учун қўлланилади.

Қўланса шўра-Марь вонючая-Chenopodium vulvaria L.

Бир йиллик, ўта қўланса ҳидли ўсимлик. Поясининг баландлиги 10-60 см, шохланган, айрим ҳолларда ерга ётиб ўсади. Барглари икки томони оч яшил, бандли, майда баргли, четлари теккис, гуллари супургисимон тўп гуллар ҳосил қилади, баргсиз. Гуллари беш аъзоли. Гул қисмлари сарғиш рангда, уруғлари қора ялтироқ, билинар-билинемас чизиклари бор, 1-1,25 мм.

Май-июлда гуллаб уруғлайди

Бегона ўт сифатида кенг майдонларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Таркибида триметиламин моддаси сақлайди. Тиббиётда қайнатмаси ревматик, шамоллаш ва ичбуруғ хасталикларини даволашда ишлатилади.

Оқ шўра-Марь белая-Chenopodium album L.

Бир йиллик, шохланган, поясини баландлиги 10-100 см. Барглари бандли, 2-томони ялтироқ, овал шаклдан ланцет шаклгача ўзгарувчан. Четлари теккис, айримлари тишчали. Гул тўплами шохча ва барглар қўлтиғида жойлашган. Юқориги гуллари баргсиз новдалар учида жойлашган. Гуллари 5 азоли. Уруғлари сарғиш горизонтал эгатчали, айримлари теккис қора ялтироқ.

Июл-сентябр ойларида гуллайди.

Экинзорлар, боғлар, йўллар ёқасида бағона ўт сифатида учрайди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

Уруғида 15-16% азотли ва 37-38% азотсиз моддалар, 6% га яқин ёғ, 17-18% клетчаткалар сақлайди. Уни янги ўриб, сиқиб олинган ширасидан ангина хасталигини даволашда ишлатилади.

Рихтер шўрағи (черкез)-Солянка Рихтера-Salsola richteri (Moq.) Kar. ex Litv.

Кўп йиллик кичик дарахт. Кекса поялари кулранг, ёш новдалари оқиш. Барлари навбатлашиб жойлашган, ипсимон, 4-8 см узуликда, учки қисми игнасимон учли. Гул ёнбарглари кулранг, учкироқ дағал, четлари плёнкасимон қобикқа эга.

Июн-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Асосан, Навоий, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхандарё вилоятлари ва Қорақалпоғистоннинг қумли чўл минтақаларида ёввойи ҳолда, Фарғона, Андижон вилоятларида қум барханларини мустаҳкамлаш мақсадида экилади.

Оғриқ қолдирувчи, гижжаларни тўқувчи ва юрак хасталикларида, қон босими ортганда, бош оғриғида, уйқусизликда қўлланилади.

Типратикансимон тош буюргин-Нанофитон ежовый-Nanophyton erinaceum (Pall) Bunge.

Кўп йиллик, чала бута баландлиги 5-15 см бўлиб умумий кўриниши типратиканни эслатади. Баргалари туксиз учлари игнасимон. Гуллари якка бўлиб поянинг юқори барглари қўлтиқларидан чиқади.

Июл-октябр ойларида гуллаб уруғлари етилади.

Тоғларнинг қуруқ тошли шағалли жойларида ўсади.

Тошкент, Наманган, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистонда учрайди.

Ўсимликдан тайёрланган перепарат, йирингли яраларни олдини олишда, дерматозда, гипертоник хасталикда, жигар фаолияти бузилганда, буйрак хасталикларида қўлланилади.

Туркистон чўчқа тикани (исмалоқ)-Шпинат туркестанский-Spinacia turkestanica. Iljin.

Бир йиллик, икки уйли ўсимлик, пояси 10-60 см, кам шохланган. Илдиз бўғзидаги ва поянинг остки қисмидаги барглари узун бандли, эркак гуллари тўрт бўлакли гулкосадан иборат, пояни учида супургисимон тўпгуллар ҳосил қилади. Урғочи гуллари поядаги барглар қўлтиғида жойлашади, уруғлар етилишида ёғочланиб борадиган тўп мевага айланади, уч қиррали пирамида шаклидаги тиканлар ҳосил қилади.

Апрел-июл ойларида гуллаб уруғлари етилади.

Бегона ўт сифатида кенг тарқалган. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё, Бухоро вилоятларида учрайди.

Табобатда ер устки яшил қисмини ел ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади ҳамда камқонлик, рахит, авитаминоз касалликларида витаминларга бой парҳез овқат сифатида истеъмол қилишга тавсия этилади.

Халтачали эбалак-Рогач сумчатый-Ceratocarpus utriculosus Bluk. (C.Turkestanicus Saw-Ryez).

Бир йиллик, ўсимликни барча қисми юлдузсимон туклар билан қопланган. Пояси асосидан қалин шохланган, умумий кўринишда шарсимон, баландлиги 3-30 см. Барглари наштаарсимон, 2-7 см узунликда ва эни 2-10 мм, учки қисми тикансимон учли. Уруғлари тескари тухумсимон, 5-10-(15) мм узунликда юқори қисмини эни 4-7 мм, учида иккитадан шохсимон ўсимтаси бўлиб, уларни узунлиги 15 мм.

Апрел-сентябр ойларида гуллаб уруғлари етилади.

Қумликларда, шўрхоқ ерларда, шағалли жойларда, тоғнинг олд қисмигача бўлган ҳудудларда ўсади. Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистонда кенг тарқалган.

Спиртли настойкаси бош ва бурундаги қон кетишида тампун қилинади.

Ҳидли шўра-Марь душистая-Chenopodium botrys L.

Бир йиллик. Ўсимликни умумий кўриниши сарғиш-яшил тукланган, ўзига хос ёқимли ҳидли 15-60 см баландликда, сершоҳ. Барглари бандли, навбатлашиб жойлашган, узунчоқ, четлари тишчали, гул ёнбаргчаси бешлик типда, учи учли тукланган, чангчиси 1-3 та, уруғчиси 0,5-0,75 мм энликда, шарсимон, қора-қўнғир рангда.

Июл-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғ олди ҳудудларини тошли, шағалли ва сойлари ўзанида қумли жойларда ўсади. Тошкент, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ўсимлик гераниола хидига ўхшаш **эдгир** модда сақлайди. Шамоллашда, бош оғриғида, астмада, турли ошқозон хасталикларида ва ел ҳайдовчи сифатида қўлланилади.

Экма қизилча-Свекла обыкновенная-Beta vulgaris L.

Бир йиллик, пояси тик ўсувчи, шохланган ёки оддийдир. Илдизи қўр сақловчи бўлиб, турупсимон, урчуқсимон, оқ, қўғир, бинафша, қизил рангларда. Барглари турли шаклларда ва рангларда (яшилдан то қорамтир бинафшагача). 1-8 гул тўпламларидан иборат.

Республикамизни ҳамма вилоятларида экилади.

Табобатда қонни тозалаш ва кўпайтиришда фойдаланилади.

Торондошлар-Гречишные-Polygonaceae Lindl

Бўғимли торон (сувзомчи)-Горлец узловатый-Polygonum (lapathifolium nodosum Pers. L.)

Бир йиллик, пояси шохланувчан, қизил доғларга эга, баландлиги 30-100 см, бўғимлар узунлиги 6-10 см. Барглари узун-эллипссимон, наштарсимон шаклларда, узунлиги 3-17 см ва эни 0,3-3,5 см. Гуллари узун бошоқда (2-4 см) зич жойлашади, уларни тожбарглари оқ, гулпояси пушти-қизил рангда.

Июн-октябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Ариқларни, сойларни бўйларида кенг тарқалган. Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятларида тарқалган.

Қон кетувчи геморройда, яраларни тез битирувчи ва қон кетишини тўхтатувчи сифатида қўлланилади.

Буйраксимон торон (сувзомчи)-Горлец почечуйный-Polygonum persicaria L.

Бир йиллик, пояси тик ўсувчи, шохланган, 20-80 см баландликдаги ўт. Барглари наштарсимон, ўтроқ, қўнғир доғларга эга, узунлиги 3-10 см ва эни 0,5-2 см. Гуллари поянинг учларида, шохлар учида жойлашган. Гулкўрғони пушти, оқ, асос қисми яшил.

Июн-октябр ойларида гуллаб, уруғлайди.

Экинзорлар, ариқлар бўйида бегона ўт сифатида ўсади.

Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Фарғона вилоятларида учрайди.

Геморройга қарши, бачадон шамоллаганда, менструация вақтида, кўп қон кетишида қонни тез қуюлишига ишлатилади.

Бухоро торони-Горлец бухарский-Polygonum bucharicum Grig.

Кўп йиллик, илдизи йўғон, 15 см гача, бир нечтадан поялар ҳосил қилувчи ва уларни баландлиги 80-150 см ни ташкил этади, сершоҳ. Барглари қисқа бандли, тухумсимон 4-10 см узунликда ва эни 2-5 см. Гул тўплами йирик, супиргисимон.

Июн-июлда гуллаб уруғлайди.

Тоғларнинг ўрта минтақасидаги нам тупроқли жойларида ўсади. Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмидан қон кетишни тўхтатиш, бавосил хасталикларини даволашда қўлланилади.

Дагал торон-Горлец шероховатый-Polygonum scabrum Moench.

Бир йиллик, пояси тик ўсувчи биттадан, унинг баландлиги 60-100 см. Зангсимон ранг билан ўралган барглари 2-15 см узунликда ва эни 0,5-3,5 см, наштарсимон. Гул шингиллари тик туради, айрим ҳолда озроқ эгилган бўлади. Гул ўрни оқ-қизил рангларда.

Июн-октябр ойларида гуллаб, уруғлайди.

Зах жойларда, экинлар орасида бегона ўт сифатида ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида учрайди.

Ички органлардан қон кетишига қарши, геморройда қўлланилади.

Жингалак отқулоқ-Щавель курчавый-Rumex crispus L.

Кўп йиллик, илдизи ўқ илдизли, йўғонлиги 2 см. Пояси биттадан тик ўсувчи поясида шохлари йўқ, фақат гуллари супургисимон шохланади. Узунлиги 60-120 см барглари наштарсимон, четлари жингалаксимон бурмаларга эга ва узунлиги 10-28 см, эни 1,5-4 см. Гуллари гулпояларида ҳалқасимон зич жойлашган.

Июн-июл ойларида гуллаб уруғлайди.

Ариқ бўйларида экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Қон оқишини тўхтатувчи ва қонли ичбуруғда, баргидан олинган шираси ичак ва ошқозон яллиғланишида қўлланилади.

Икки устунчали ерқирмизак-Кисличник двустолбчатый-Oxyria digyna (L.) Hill.

Кўп йиллик, илдизини йўғонлиги 0,5-1 см, бир пояли, туксиз, гул тўпламигина шохланувчи, баландлиги 5-30 см ва йўғонлиги 2-4 мм. Поядаги ва илдиз бўғзидаги барглари бандли бўлиб, узунлиги 5-10 см, япроғи буйраксимон бўлиб, 2-4 см узунликда. Гуллари ўтроқ, пояни учки қисмида, супургисимон. Ён ички гул ён барглари тескари тухумсимон, 1,5 мм узунликда ва эни 1 мм, ёнқоқчаси юмалоқ, 5-6 энликда, қанотчали.

Июн-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларни алп ўтлоқларидаги жилғалар қирғоғида, тошлоқ ва шағалли тупроқларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ушбу ўсимлик нордон таъмли. Ўсимликни ер устки қисмлари ёшлигида иштаха очиш учун истемол қилинади. Организмда иситма чиққанда уни бартараф этиш учун ва авитаминоз хасталикларида қўлланилади.

Қуш торон (Бургун, гоз ўти)-Горлец птичий (спорыш, гусятница)-Polygonum aviculare L.

Бир йиллик, пояси тик ёки ерга ётиб ўсувчи, пояси баландлиги 10-60 см. Бўғимлар ораси 1-3 см. Поя ва шохлардаги барглари кенг наштарсимон бўлиб, ўтроқ (бандсиз). Гуллари 1-5 тадан жойлашган.

Май-октябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистоннинг текисликларида, тоғолди ҳудудларида кенг тарқалган.

Дамламаси бачадондан қон кетганда, артериал қон босимини пасайтиришда, мускулларни бақувватлаштиришда, қонли ичбуруғда, қирқилган жойдан оқаётган қонни тўхтатишда қўлланилади.

Максимович равочи (чухраси)-Ревень Максимовича-Rheum maximowiczii Losinsk.

Кўп йиллик, илдизпояси йўғон, пояси асосан қўнғир-тўқ сарик рангдаги барг қинлари билан ўралган. Пояси 40-100 см баланликка эга бўлиб, унда барглар йўқ. Барг тўплами пирамидасимон. Пояни остки қисми қизил-қўнғир рангда. Илдиз бўғзидаги барглари 10-15 см, бандли ва япроғини узунлиги 18-50 см ва эни 20-60 см. Уруғлари йирик кенг овалсимон, 15-20 мм узунлиги ва эни 10-15 мм, қанотли, оч қизил рангда.

Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларни ўрта минтақасидаги тошли, шағалли ва қалин бўлмаган ўтлоқларида ўсади. Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида учрайди.

Илдизидан тайёрланган қайнатмаси ошқозон-ичак хасталикларида, ичкетарда, ичдан кетаётган қонни тўхтатишда қўлланилади.

Оддий отқулоқ-Щавель обыкновенный-Rumex acetosa. L.

Кўп йиллик ўт, илдиз пояси қисқарган 0,5-1 см узунликда, атрофидан кўп сонли илдиз толалари билан ўралган. Пояси биттадан тик ўсувчи, баландлиги 60-80 см, йўғонлиги 3-5 мм, илдиз бўғзидаги барглари узунчоқ бўлиб, асоси найзасимон. Япроғи 4-8 см узунликда, эни 2-3 см. Гуллари айрим жинсли, одатда икки уйли, айрим ҳолларда бир уйли, ёнғоқчалари тўқ қўнғир ялтироқ уч қиррали 1,5-3 мм узунликда ва эни 1-1,5 мм.

Июн-июл ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларни алп ўтлоқларида ўсиб, айрим жойларда арчазорларгача тушади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида учрайди.

Ўсимликнинг ер устки қисми қон тўхтатувчи сифатида қўлланилади.

Ёғли отқулоқ-Щавель конский-Rumex confertus Willd.

Кўп йиллик, илдизи йўғон шохланган. Пояси тик ўсувчи, биттадан бўлиб, қисман эгатчалар ҳосил қилади ва баландлиги 85-120 см, эни 10 мм атрофида. Илдиз бўғизидagi барглари узун бандли, япроқларини четлари тўлқинсимон, узунлиги 25-30 см ва эни 5-8 см, поядаги барглари майда, 14-22 см узунлиги ва эни 2,5 ва 4 см. Поя учидаги тўпгуллари супургисимон, кўп гулли ва гуллари ҳалқасимон (мўтавка) ҳосил қилиб жойлашади.

Сой ва ариқлар бўйида, тоғларни пастки қисмидаги ўтлоқлар орасида, теккисликлардаги экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида учрайди.

Тиббиётда илдизи ишлатилади. Илдизи қайнатмаси ва кукуни ичбуруғ (дизентерия), колит, энтероколит, меъда-ичак касалликларини даволаш учун қўлланилади.

Ошловчи торон-Горлец дубильный-Polygonum coriarium Grig.

Кўп йиллик, илдизлари яхши ривожланган, йўғонлиги 15 см, бир нечта поялар ҳосил қилади ва уларнинг узунлиги 60-150 см. Барглари калта бандли, наштарсимон-тухумсимон, узунлиги 4-10 см ва эни 2,5-5 см. Гул тўплами супиргисимон, узунлиги 35 см, эни 25 см.

Июн-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларни ўрта минтақасида тошли, майда шағалли тупроқлардаги нам жойларда ўсади. Тошкент вилоятида тарқалган.

Ер устки қисми енгил сурги сифатида ва ички органлардан қон кетишини тўхтатишда қўлланилади.

Сув отқулоқ-Щавель водяной-Rumex aquaticus L.

Кўп йиллик ўт, илдизлари йўғон шохланган. Пояси биттадан, йўғон, баландлиги 1 м, эни 1,5 см. Гул тўплами супургисимон шохланган. Илдиз бўғизидagi барглари 15-20 см бандли, япроғи 9-25 см ва эни 6-18 см, четлари чуқур ўйиқли. Уруғлари тухумсимон 5-7 мм ва эни 5-6 мм.

Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди.

Ариқ бўйларида, нам жойларда, баъзан кўлмак сувларни қирғоқ қисмларида ўсади. Ўзбекистонни барча ҳудудларида учрайди.

Яраларни битирувчи, қичима, йирингли яралар, язва, сурги сифатида қўлланилади.

Сувзамчи торон-Горлец перечный (водяной перец)-Polygonum hydropiper L.

Бир йиллик, танаси қалампирсимон аччиқ таъмли ўсимлик. Пояси туксиз, тик ўсувчи, қизғиш рангли, кам шохланган, баландлиги 20-60 см. Барглари наштарсимон, остки барглари қисқа бандли, пояни учки қисмларидагиси ўтроқ, 4-8 см узунликда ва эни 0,5-2 см. Гуллари пояни учида тўп бўлиб, 4-10 см узунликда, пушти рангда.

Июл-октябр ойларида гуллаб, уруғлайди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ариқлар қирғоғида, секин оқадиган ариқлар ичида, шолিপоялар ичида ўсади.

Бачадондан қон кетишига, оғир ва оғриқли менструацияда, оғриқ қолдирувчи сифатида қўлланилади.

Томирдори тарони-Горлец земноводный (водяная гречиха)-Polygonum amphibium L.

Кўп йиллик, илдизпояли, пояси тик ўсувчи, оддий, айрим ҳолларда шохланувчан, поядаги бўғимларидан илдиз ҳосил қилувчи ва баландлиги турлича бўлган ўт ўсимлик. Барглари ўтроқ, узунчоқ-наштарсимон, сувда ўсувчиларида узун бандли. Гул тўпламлари 3-5 см узунликда ва эни 10-15 мм, бошоқсимон.

Июн-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон вилоятларида секин оқадиган ариқлар ва сойлар ўзанларида ўсади.

Ўсимликнинг илдизидан ошқозон ичак хасталигини даволашда қўлланилади.

Туганакли отқулоқ-Щавель клубковатый-Rumex conglomeratus Murr.

Кўп йиллик, илдиз 5-25 мм, бир ва бир нечта поялар ҳосил қилади. Уларнинг баландлиги 50-100 см, эни 2-6 мм, қизғиш кўнғир рангда. Илдиз бўғзидаги барглари 10-14 см, бандларга эга. Япроқлари 6-14 см ва эни 2-3,5 см, поядагилари майдароқ, 5-8 см узунликда ва эни 8-10 см, четлари бироз тўлқинсимон. Гуллари жуда зич ҳалқаларга ўхшаш жойлашган.

Июн-июлда гуллаб уруғлайди.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Кучли бактерицид хусусиятга эга. Илдизлари ошқозон ичак хасталиклари ва ошқозон яллиғланишида қўлланилади.

Туркистон ровочи-Ревень Туркестанский-Rheum turkestanicum janisch.

Кўп йиллик, йўғон илдизли, илдизлари кўнғир барг қини билан ўралган. Пояси биттадан тик ўсувчи, қиррали қизил яшил рангда, 30-70 см баландликда.

Поясида 1-3 та барглар жойлашган, улар банди 1-1,5 см. Илдиз бўғзидаги барглар узунлиги 40-150 см, эни 40-70 см. Тухумсимон, мевалари 18-25 мм узунликда.

Апрел-майда гуллаб уруғлайди.

Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро Қорақалпоғистонда учрайди.

Илдизи кукуни, курук экстракти, шарбати сурункали меъда-ичак касалликларида, ични юмшатишда қўлланилади.

Чирмашувчи торон-Горлец вьющийся-Polygonum convolvulus L.

Бир йиллик, поялари чирмашиб ўсувчи, узунлиги 30-100 см га боровчи ўсимлик. Барглари найзасимон, юраксимон, учли, бандли. Гуллари поянинг учида, оддий бошоқсимон, сийрак тўпгуллардан иборат. Шуълалари 3 қиррали. Тухумсимон ўткирроқ.

Июл-октябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Екинзорларда ва йўл ёқаларида ўсади. Тошкент, Фарғона водийси, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Яшил қисмини янчиб қирқилган жойлардан, яралардан қон оқшини тўхтатиш фойдаланилади.

Чиройли торон (Анжабар)-Горлец красивый-Polygonum nitens (Fisch. et Meg) v.Petrov ex Kom.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, шохланмайдиган, 20-60 см баландликдаги ўсимлик. Илдизлари 1-2 см йўғонликда, кўпинча зигзагсимон буралган, қўнғир рангда. Барглари овалсимон, наштагсимон, бандсиз, 8-12 см узунликда ва эни 2-3 см. Пушти-оқиш гуллари пояни учида бошоқсимон зич тўпгуллар ҳосил қилади.

Тоғларни алп ўтлоқларида кенг тарқалган. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Илдиз ва илдиз пояларини қайнатмаси тиш оғриғида, ич буруғда, теридаги шишли яраларда, ошқозон язвасида, жигар ва ўт халтадаги тошларда, йирингли яраларда қўлланилади.

Чўл ровочи (Татар ровочи, чухра)-Ревень татарский-Rheum tataricum L. fil.

Кўп йиллик, илдизлари 5-6 см йўғонликдаги, пояси тик ўсувчи, 2-3 тадан поя ҳосил қилувчи ва йўғонлиги 10-15 мм ни ташкил этади, баландлиги 30-45 см. Одатда биттадан барг ҳосил қилади ва уруғланиш даврида қуриб қолади. Барглари узунлиги 14-35 см, эни 20-50 см бўлиб, банди қисқа 3-6 см ни ташкил этади. Уруғлари тухумсимон, 9-12 мм узунликда, эни 8-10 мм.

Апрел-май ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғ олди ҳудудлари ва тепаликларда ўсади. Бухоро, Қорақалпоғистон (Устюртда) учрайди.

Тиббиётда илдизи ишлатилади. Дори препаратлари илдизи кукуни, курук экстракти, шарбати сурункали меъда-ичак касалликларида, ични юмшатишда, ичак заифлашиб газ тўпланиб қолганида қўлланилади.

Экма гречиха-Гречиха посевная-Fagopyrum sagittatum Gilib.

Бир йиллик ўт ўсимлик, пояси ёлғиз теккис, 30-80 см баландликда, барглари юраксимон, учки қисми ўтроқ, япроқларини узунлиги 2-5 см, эни 1,5-5 см. Гуллари шингилда тўпланган бўлиб, поядаги барглар қўлтиғидан чиқади. Гул қўрғони қизил, пушти, оқ рангларда бўлади. Меваси уч карра кўсакларда етилади.

Июнда гуллайди.

Тошкент, Самарқанд ва бошқа вилоятларда маданий ўсимлик сифатида экилади.

Тиббиётда ер устки қисми ишлатилади. Таркибида хлороген, қаҳва кислоталари, уруғида кўп миқдорда крахмал, ёғ, витаминлар В1 ва В2 бор. Ер устки қисмидан қон босими кўтарилганда ҳамда нурланган касалликларда қўлланилади.

Кармакдошлар-Кермековые-Limoniaceae Lincz.

Мейер кермак совуни-Кермек Мейера-Limonium Meyeri (Boiss.) O.Kuntze.

Кўп йиллик, баландлиги 40-80-(150) см. Илдизи йўғон. Барглари оч яшил, тухумсимон, 15-25-(40) см узунликда ва эни 5-8-(12) см. Гул тўплами супургисимон, гуллар сони кам, бошоқчасимон гуллар йиғиндисидан иборат. Бошоқчалари 5 мм узунликда, 2-3 та гуллардан иборат. Косачаси 3,5-4,5 мм узунликда. Тожбарглари кўк-бинафша рангда.

Июл-октябрда гуллайди, август-сентябрда уруғи етилади.

Асосан шўрхок жойларда, кўллар, ариқлар, тўқайзорларда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларда тарқалган.

Илдизини қайнатмаси қон кетишини тўхтатувчи сифатида қўлланилади.

Шамшоддошлар-Самшитовые-Buxaceae Dumort.

Доимий яшил шамшод-Самшит вечнозеленый-Buxus sempervirens L. (Colchica Pojark.)

Кўп йиллик, буйи 2-3 см бўлган бута. Барглари калта бандли, тухумсимон, икки томони ҳам туксиз, 15-20 мм узунликда ва эни 5-10 мм. Гул олди ёнбаргининг узунлиги 2-2,5 мм, бир оз букилган. Уруғ кўракчаси 7-10 мм узунликда

Апрелда гуллайди, август-сентябрда уруғлари етилади.

Барча шаҳарларда экилади.

Барглари қайнатмаси кучсиз сурги ҳисобланади. Пояси ва пўстлоқларини дамламаси буйраклардаги тошларни ва сийдик ҳайдовчи сифатида, барглари туюб сибир язвасини даволашда қўлланилади.

Эмандошлар-Буковые-Fagaceae Dumort.

Катта чангчили эман-Дуб крупнопольниковый-Quercus macranthera Fisch.et Mey.ex Hohen.

Кўп йиллик, кенг шохланувчан баландлиги 10-17 м йетадиган дарахт. Барг банди 1-2 см, барг япроғи этли, узунлиги 6-18 см ва эни 3-12 см тескари тухумсимон бўлиб, четлари йирик тишчали, остки томони сийрак тукланишга эга. Эркак гуллари 1-5 тадан ўтроқ ҳолда жойлашган. Кучаласи 10-15 та, ёнғоқчаси 2-2,5 см узунликда.

Апрелда гуллайди.

Ўзбекистонни ҳамма шаҳарларида экилади.

Ўсимлик таркибида кўп миқдорда ошловчи ва кислоталар, флавоноид бирикмалар бор. Пўстлоқ қайнатмаси буруштирувчи восита сифатида оғиз бўшлиғи касаллик минингит, стоматит ҳамда томоқ шиллиқ қисмини яллиғланишида, милк қонаганда, оғизда ҳид пайдо бўлганда оғизни чайиш учун қўлланилади.

Каштанбаргсимон эман-Дуб каштанолистный-Quercus castaneifolia C.A.Mey.

Кўп йиллик дарахт, поясини қобиғини ранги кулранг, теккис. Барг бандининг узунлиги 2 см. Барг япроқларини узунлиги 8-10 см ва эни 4-8 см, узунчоқроқ эллипссимон. Мевалари, яъни ёнғоқлари 2,5-3,5 см бўлиб, қисқа бандли қўнғир рангда.

Апрелда гуллайди, июлда мевалари пишишни бошлайди.

Тошкент, Самарканд, Фарғона шаҳарларда экилган.

Ўсимлик таркибида кўп миқдорда ошловчи ва кислоталар, флавоноид бирикмалар бор. Пўстлоқ қайнатмаси буруштирувчи сифатида оғиз бўшлиғи касаллик минингит, стоматит ҳамда томоқ шиллиқ яллиғланишида, милк қонаганда, оғизда ҳид пайдо бўлганда оғизда чайиш учун қўлланади. Баъзан 20% қайнатмаси терининг куйган жойини даволашда ишлатилади.

Оддий эман (гул бандли эман, Ёз эмани)-Дуб черешчатый-Quercus robur L.

Кўп йиллик, баланд, шохлари энига кенг ўсадиган, сийрак тукланган, катталашганда туклари тўкилиб кетади. Куртаклари юмалоқ. Барг япроқлари этли, тескари тухумсимон, 6-12 см узунликда ва эни 3-8 см. Урғочи гуллари банди 6-8 см узунликда 1-3 тадан жойлашган.

Апрелда гуллайди, мевалари сентябр-октябрда етилади.

Ҳозирда Республикамизнинг барча вилоятларида, шаҳарларда манзарали дарахт сифатида экилади.

Пўстлоқ қайнатмаси буруштурувчи ва антисептик восита сифатида оғиз бўшлиғи касалликларида ҳамда тамоқ шиллиқ пардаси яллиғланишида, милк қонаганда, оғизда ҳид пайдо бўлганда оғиз чайиш учун қўлланилади.

От каштан-Каштан посевнойе-Castanea sativa Mill.

Кўп йиллик, кенг шохловчи, 15-20 м баландликка эга бўган дарахт. Барглари узун бандли, япроқлари асосига қирқилган ва бўлаклари четлари тишчали, 10-20 см узунликда, эни 3-8 см, гуллари вертикал (тик турувчи) шингилларда жойлашган. Мевалари қуруқ бўлиб, устки қисмлари тиканлар билан қопланган.

Май ойида гуллаб, уруғлари сентябрда пишиб етилади.

Ўзбекистонда декоратив дарахт сифатида кенг экилади.

Тиббиётда уруғи ва барги ишлатилади. Уруғи таркибида эскулин ва фраксин, кумарин гликозидлари, флавоноидлар, тритерпен сапонинлар крахмал, оксил, ошловчи моддалар, баргида флавоноидлар (кцетин, кемпферол ва уларнинг гликозидлари), каротеноидлар ва бошқа бирикмалар бор. Уруғидан тайёрланган экстракт эскузан тромбофлебит ва вена қон томири (айниқса, оёқда) кенгайишининг олдини олиш ва даволашда ҳамда бавосил ва атеросклерозда ишлатилади. Юқорида кўрсатилган касалликларда эскузан билан бир қаторда яна янги олинган эсфлазид ҳамда флавазид препаратлари қўлланилади. Эскулин қон томир касаллирларида қўлланиладиган анавенол препарати таркибига киради.

Шарқ қора қайни-Бук восточный-Fagus orientalis lipsky.

Кўп йиллик дарахт. Барглари тукланган, узун бандли (8-12 мм). Барг япроғи эллипссимон, айрим ҳолларда тескари тухумсимон бўлиб, узунлиги 6-10 см ва эни 3-5 см, четлари теккис ёки кичик тишчали.

Самарқанд, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида экилади.

Унинг поя ва новдаларидан олинган смоласи кучли бактерицид ва антикарцит хусусиятига эга. Теридаги яраларга ишлатилади.

Қайиндошлар-Березовые-Betulaceae S. F. Gray.

Қораёнишқоқ Олча-Ольха клейкая (черная)-Alnus glutinosa (L). Geartn.

Кўп йиллик, дарахт. Шохлари кулранг оқ, айрим қисмлари оқ нуқталари бор. Ёш новдалар момиқ ёпишқоқ. Барглари банди 1-2,5 см. Япроқлари доирасимон эллипссимон-думалоқ, узунлиги 4-9 см ва эни 3-7 см четлари икки тишчали. Гуллари айрим жинсли.

Апрелда гуллаб, октябрда уруғлари етилади.

Маданийлаштирилган. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда декератив ўсимлик сифатида экилади.

Вудда меваси таркибида ошловчи моддалар бирикмалар бор. Мевасининг дамламаси буриштирувчи восита сифатида ичак касалликлари, сурункали энтерит ва колитни даволашда қўлланилади. Вудда меваси ичкетарга қарши ишлатиладиган чойлар йиғмалар таркибига киради.

Оққайин, сугалли қайин-Бере́за бородавчатая-Betula pendula Roth (verrucosa Ehrh.)

Кўп йиллик, дарахт. Пояси оқ, барглари оддий ромбиксимон-тухумсимон, 7-8 см узунликда баъзилари 4-5 см. Барглининг банди 2-3 см. Уруғ ҳосил қилувчи кучаласи 4 см гача. Оққайин ёнғоқлари тухумсимон 2 мм узунликда ва эни 1 мм узунликка этади.

Апрелда гуллаб уруғлари октябрда етилади.

Тоғларда, тоғ жилға ва дарёлари қирғоғида, булоқлар атрофида, тоғнинг ўрта минтақаларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Наманган вилоятларида ва шаҳарларда боғларда ўстирилади.

Тиббиётда куртагининг эфир мойи таркибида бетулен, бетулол, кариофллен ва терпеноидлар бор. Куртак ва барг дамламалари сийдик ҳайдовчи восита сифатида истисдо касаллигини даволашда қўлланилади, баргининг дамламаси яна авитаминозларда, куртак дамламаси ўт ҳайдовчи восита сифатида холециститда ишлатилади. Қайин дарахтининг қатрони вишневский суртмаси таркибида яраларни, вяль кинсон суртмаси таркибида кўтир ва тери касалликларини даволашда қўлланилади.

Лешинадошлар-Лещиновые-Corylaceae Mirb.

Мускат ёнғоғ-Лещина обыкиновенная-Corylus avellana L.

Кўп йиллик дарахт. Барглари доирасимон ёки овалсимон, четлари икки бор тишчали, 6-12 см узунликда ва эни 5-9 см. Эркак кучаласи 5 см гача боради. Мевалари икки қирқилган тишчали, узунлиги 18 мм, диаметри 13-15 мм, оч ва тўқ жигарранг.

Март ойида гуллаб, сентябрда меваси етилади. Кам мева беради.

Ўзбекистоннинг Ботаника боғида ва айрим жойларда манзарали дарахт сифатида экилади.

Мевасини пўстлоғи ва пўчоғи ичбуруғни даволашда ишлатилади. Мевасини уруғлари буйраклардаги тошларни ҳайдашда қўлланилади. Уруғидан олинган ёғлари аскаридаларни тушуриш учун ишлатилади. Мевасини мағизи камқонликда, ревматизмда, жинсий кучсизликда асал билан истемол қилинади.

Ёнғоқдошлар-Ореховые-Juglandaceae A. Rich.ex Kunth.

Грек ёнғоғи-Грецкий орех-Juglans regia L.

Кўп йиллик, кенг шохланувчи, 10-15 м баландликка эга бўлган дарахт. Барглари этли, ўзига хос ҳидга эга, узун бандли, 5-7 япроқли мураккаб, эркак гуллари кучала ҳосил қилади. Урғочи гуллар пояни учларида 1-3 дан шингилча ҳосил қилади.

Апрел ойида гуллаб, меваси сентябрда пишади.

Ўзбекистоннинг жанубий районлари тоғларида ўсади. Маданий ҳолда кўплаб экилади.

Баргини ширасини сиқиб кулоқни йирингли ярасида томизилади. Мағизидан олинган ёғи ошқозон, нерв, буйрак, кўричак, тери яраларига қарши ишлатилади.

Актиниядошлар-Актинидиевые-Actinidiaceae Hutch.

Коломикта актинидияси-Актинидия коломикта-Actinidia kolomikta Maxim.

Кўп йиллик, қисман ўралиб ўсувчи ва поясини узунлиги 15м. Поялари оч қизил-яшил. Барглари тухумсимон-овалсимон, четлари тишчали, 8-16 см узунликда ва эни 5-9 см. Гуллари оқ ва пушти рангларда 1,5-2 см диаметрда. Эркак гуллари қалқонсимон. Уруғи гуллари биттадан жойлашган.

Июлда гуллаб меваси августда пишади.

Тошкентдаги ботаника боғида яхши ўсади.

Уруғлари цинга касалликларини олдини олишда, турли қон кетишларда, туберкулёзда, тишлар емирилганда ҳамда йўталга қарши қўлланилади.

Ўткир актинидия-Актинидия острая-Actinidia arguta (Siebold et Zucc). Planch.

Кўп йиллик, пояси ўралашиб ўсувчи ва узунлиги 25 м бўлган бута. Поялари очик қизил, ёки тўқ қизил рангда. Барглари узунчоқ тухумсимон, узунлиги 8-16см ва эни 3-6 см. Гуллари ўзига хос ҳидга эга ва ранги оқ, супургисимон тўпгулларини умумий узунлиги 1-1,5 см. Меваси ширин ҳидли.

Июлда гуллаб, августда мевалари етилади.

Тошкент ботаника боғида ўстирилади.

Тиббиётда икки турининг меваси ишлатилади. Меваси таркибида қандлар, органик кислоталар, кўп миқдорда витамин С, бўёқ, пектин ва ошловчи моддалар бор. Мева шарбати ва хом мураббоси (хўл меваси билан шакар аралашмаси) лавша (цинга) касаллигини даволаш ва олдини олиш учун қўлланилади. Узоқ Шарқ халқ табобатида актинидия меваси билан сил, тиш оғриғи (кариес), кўк йўтал касалликлари даволанади.

Далачойдошлар-Зверобойные-Hypericaceae Juss.(Clusiaceae Lindl. Guttiferae Juss.)

Дагал далачой-Зверобой шероховатый-Hypericum scabrum L.

Кўп йиллик, сўрғичли туклар билан қопланган, илдизи ёғочланувчан, 4-10 мм йўғонликда, поялари кўп сонли, қизил бинафша рангли, баландлиги 20-50 см. Поядаги барглари узун наштарсимон, 10-15 мм узунликда. Гул тўплами қалқонсимон-супургисимон, 3-5 см энликда. Косачаси 2-4 мм тўқ қизил, теккис. Тожбарги тухумсимон 4-10 мм узунликда ва эни 2-4 мм.

Май-июлда гуллаб, июл-августда уруғлари етилади.

Тоғларни олди қисмида ва ўрта минтақаларида тошли, шағалли ва тупроқли жойларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда ер устки қисми ишлатилади. Дори препаратлари дамламаси билан суртмаси (настойкаси) буриштирувчи, антисептик восита сифатида меъда-ичак (колит, ичкетар), оғиз бушлиғи яллиғланиши (минингит, стоматит) касалликларни даволашда қўлланилади.

Қизилпойча далачойи-Зверобой пронзенный-Hypericum perforatum L.

Кўп йиллик, илдизи ёғочланувчан, йўғонлиги 4-7 мм, поялари кўп бўлмаган, туксиз, баландлиги 30-55 см, йўғонлиги 2-3 мм, юқори қисми шохланган. Барглари овалсимон, 10-17 мм узунликда ва эни 4-8 мм. Гул тўплари қалқонсимон-супургисимон. Косачаси туксиз, теккис, 4-5 мм узунликда. Тожбарги эллипссимон, 18-20 мм узунликда ва диаметри 3-4 мм.

Июн-августда гуллаб, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғ олди ҳудудларидан то ярмигача бўлган жойларда ўсади. Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарёда вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда ер устки қисми ишлатилади. Таркибида кўп миқдорда ошловчи моддалар, эфир мойи, флавоноидлар (кверцетин, гиперозид, рутин) каротин, витамин С, органик кислоталар, гиперинин моддалар бор. Дори препаратлари дамламаси билан суртмаси (настойкаси) буриштирувчи, антисептик восита сифатида меъда-ичак (колит, ичкетар), оғиз бушлиғи яллиғланиши (минингит, стоматит) касалликларни даволашда қўлланилади. Ер устки қисмининг мойли экстракти меъда ва ичак яраси касаллигига ва яраларга даво қилинади.

Чўзиқ баргли дала чой-Зверобой удлиненный-Hypericum elongatum Lebed.

Кўп йиллик, йўғон илдизли, илдизи ёғочлашувчан, 10 мм йўғонликда. Томири кўп сонли, баландлиги 40-50 см, оддий, баъзан шохланувчан туксиз. Барглари қарама-қарши жойлашган, наштарсимон, узунлиги 15-20 мм ва эни 4-6

мм, калта тутқичли, тукланган. Гул тўплами поянинг учки қисмида супургисимон, баргсиз, 40 см узунликда. Косачаси туксиз 2-4 мм узунликда. Тожбарги тескари тухумсимон, 13-15 мм узунликда ва эни 4-6 мм, четларида нуқтали қора доғи бор. Кўракчаси 6-9 мм узунликда.

Июн-июл ойларида гуллайди, июл-августда етилади.

Тошли ва шағалли тупроқларда, тоғларни ўрта минтақаларида учрайди. Тошкент вилоятида тарқалган.

Тиббиётда ер устки қисми ишлатилади. Таркибида кўп микдорда ошловчи моддалар, эфир мойи, флавоноидлар (кверцетин, гиперозид, рутин) каротин, витамин С, органик кислоталар, гиперидин моддалар бор. Дори препаратлари дамламаси билан суртмаси (настойкаси) буриштирувчи, антисептик восита сифатида, меъда-ичак (колит, ичкетар), оғиз бушлиғи яллиғланиши (минингит, стоматит) касалликларни даводашда қўлланилади. Ер устки қисмининг мойли экстракти меъда ва ичак яраси касаллигига ва яраларга даво қилинади.

Хурмодошлар (Сафсандошлар)-Эбеновые-Ebenaceae Guerke.

Кавказ хурмоси (Сафсан)-Хурма кавказская-Diospyros lotus L.

Кўп йиллик, баландлиги 15-20 м, дарахт. Барг бандлари 0.8-0.9 см узунликда. Япроқлари этли, узунчоқроқ, 9-15см узунликда ва эни 3-5 см, четлари киприксимон, ҳар икки томони тукланган. Косачаси тухумсимон, тукланган. Тожбарглари қўнғироқсимон, юқори қисми кенгайган. Меваси олча сифат, олдин сарғаяди сўнгра пишиб етилганда қора рангга ўтади.

Май-июнда гуллаб, октябрь-ноябрда меваси етилади.

Тоғларни шамол ва совуқдан ҳимояланган жойларда ўсади. Сурхондарё вилояти (Сангардак ва Тўпаланг дарёлар хавзасида) тарқалган.

Меваси кам қонликда, гиповитаминоз, йўталга қарши, нафас йўлларини юқори қисмидаги шамоллашларга ишлатилади.

Сигиркуйруқдошлар-Норичниковые-Scrophulariaceae Juss.

Дала итгунафша-Вероника полевая-Veronica arvensis L.

Бир йиллик, пояси оддий, баландлиги 5-10 см. Барги жуда қисқа бандли, юраксимон, тўлқинсимон, гул олдидагилари ўтрок. Гуллар тўплами бошоқсимон сийрак. Гул тутқичлари косачасидан калта. Тожбарглари очик хаворанг. Кўсакчаси косачасидан оз-моз калта, 3,5 мм энликда, тескари юраксимон. Уруғлари 15-20 та, тухумсимон, майда, буришган.

Апрел-май ойларида гуллаб, уруғлари етилади.

Тоғ олди туманларидаги тупроқли жойларда ўсади. Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Тамоқ оғриғида, қон тупиришда, ревматизмда, қичимада ва сурункали тери яраларида ишлатилади. Чой сифатида шамоллаганда, тамоқдаги хирриллашларга ичилади.

Джунгор сизир куйруги-Коровяк джунгарский-Verbascum songoricum Schrenk.

Икки йиллик, калин туклар билан қопланган, баландлиги 60-150 см. Пояси йирик бўлиб ўрта қисмидан шохланувчи. Илдиз бўғизидаги барглари ўтроқ ёки жуда қисқа бандли, япроқларни ҳар икки томони ҳам туклар билан қопланган бўлиб, узунлиги 15-40 см ва эни 3,5-12 см узунчоқ наштарсимон, четлари теккис. Гуллари (2)-7 та дан шохчаларда жойлашган. Косача барги 6-9,5 мм узунликда 3-4 қисмгача бўлинган. Тожбарги сарик, диаметри 25-32 мм. Кўсакчаси 5-7,5 мм узунликда ва эни 0,5 мм.

Июнь-августда гуллаб, уруғлари июль-сентябрда етилади.

Тоғ олдидан то тоғни ўрта қисмигача ўсади.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Гул ва баргини дамламасидан балғам кўчирувчи, сурги, терлатувчи, сийдик хайдовчи, юрак санчиғида, туберкулозда қўлланилади. Бундан ташқари балиқ тутиш учун ҳам ишлатилади.

Доривор сафроўт-Авран лекарственный-Gratiola officinalis L.

Кўп йиллик, мутлоқ туксиз, илдиз пояси тармоқланувчи, пояси тик, юқори қисмигача барглари билан қопланган, тўрт қиррали, баландлиги 25-40 см. Барглари пояни ярим ўраб олувчи, наштарсимон, четлари аррасимон тишчали. Гуллари биттадан, барг қўлтиғида жойлашган, 2,5-3 см ли тутқичга эга. Косачаси 6 мм узунликда. Тожбарглари 18-20 мм узунликда, оч сарик, пушти доғлари бор. Кўсаги тухумсимон.

Май-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Нам ариқлар бўйида, шопипояларда ўсади. Тошкент, Сурхондарё (Китоб) вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда ер устки қисми ишлатилади. Таркибида гликозидлар, алкалоидлар, сапонинлар, флавоноидлар, **кукурбитацин Е** моддалар бор. Ер устки қисми Здренко йиғмаси таркибига киради. Халқ табобатида ўсимлик дамламаси (ёки қайнатмаси) сурги, сийдик ва гижжа хайдовчи восита сифатида, бавосил, подагра, саррайма, яраларда ва вена қон томирларини кенгайтириш учун ҳамда жигар, талоқ, шунингдек, тери касалликларини даволашда қўлланилади.

Итгунафша-Вероника водяновидная-Veronica anagalloides Guss.

Кўп йиллик, пояси йўғон, тик ўсувчи, шохланган, 10-40 см баландликда. Барги узунчоқ юраксимон, пояни ўраб олувчи, теккис четли. Гуллари барглари қўлтиғида шингилсимон тўп гулларда жойлашган. Косачаси наштарсимон, учли

косачабаргларга ега. Тожибарги оқиш, кўк томирланган доғларга ега. Косачаси туксиз, тухумсимон 2,5-3-(4) мм узунликда.

Март-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Сойлар ва ариқлар бўйида, нам жойларда етилади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Баргидан тайёрланган дамламаси бачадондан қон кетишига, яраларга қарши ишлатилади.

Папов тоғқорамизи-Льянка Попова-Linaria Popovii Kuprian.

Кўп йиллик, поялари 2-3 тадан, айрим ҳолларда кўп сонли, шохланган, 25-70 см баландликдаги ўт ўсимлик. Барглари навбатлашиб жойлашган, 3-4 см узунликда ва эни 2-4 мм. Шингили кўп гулли. Косачаси 2-3 мм узунликда. Тожбарглари 10-13 мм узунликда, оч сариқ, кўнғир рангдаги, пихи тўғри бўкилмаган. Кўсакчаси 5-6 мм энликда.

Май-июнда гуллаб уруғлайди.

Тоғларнинг олд қисмидан то ўрта қисмигача бўлган тошли, шағалли тупроқларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ўт ҳайдовчи, қабзиятда, сийдик ҳайдовчи, терлатувчи сифатида қўлланилади.

Татар эффразияси-Очанка татарская-Euphrasia tatarica (Pers. Wala L. nemorosa) Fisch.

Бир йиллик, дағал тукланган. Пояси тик ўсувчи, оддий, (5)-10-25 см баландликда. Барглари тескари тухумсимон, учли, четлари ўткир аппрасимон тишчали. Гул тўплами сийрак бошоқсимон. Косачаси 5 мм узунликда. Тожбарглари 8-10 мм узунликда оч қизил. Кўракчаси узун, ноксимон 6 мм узунликда.

Июл-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларни юқори қисмида тарқалган. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, вилоятларида тарқалган.

Поя, барг ва гулларида тайёрланган қайнатмаси кўз шамоллашида ва ёш безларини шамоллаганда, шохлик қисмига оқ доғлар тушганда қўлланилади. Ошқозонда кислоталик ортганда, сариқ хасталикларида, ревматизмда, ангина ва жигар хасталикларида ишлатилади.

Шарқ такасоқоли-Додартия восточная-Dodartia orientalis L.

Кўп йиллик, баргсиз, поялари кўп сонли, кўп шохланган, баландлиги 25-40 см. Остки барглари қарама қарши жойлашган, майда, узунчоқ ўтроқ, тезда қуриб қолади. Шингилдаги гуллари 3-7 гулли, сийрак, ўтроқ, косачаси 3 мм узунликда,

учли, учбурчаксимон тишчали. Тожибарги 16-22 мм узунликда, тўқ бинафша рангда, ташқи томони туксиз, кўсаги шарсимон 4 мм.

Май-июнда гуллаб, июл-августда уруғлари етилади.

Тоғларнинг олд қисми ва ўрта минтақаларда, йўл ёқасида, экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда тарқалган.

Ўсимликнинг ер устки қисмини майдалаб куритиб дамлама тайёрланиб, сўнг захм (сифилис) ни даволашда қўлланилади.

Наврўзгулдошлар-Первоцветные-Primulaceae Vent.

Дала совун ўти-Очный цвет пашенный-Anagallis arvensis L.

Бир йиллик, туксиз, оч яшил, кўп пояли, тўрт қиррали, баландлиги 5-25 см. Барглари юмолоқ авалсимон, 10-20 мм узунликда ва эни 6-10 мм. Гуллари 14-20-25 мм узунликдаги бандларга эга. Косачаси 3,5-5 мм узунликда. Тожбарглари пуштисимон-кизил, 10-13 мм диаметри, уруғчаси 5 мм диаметрга эга.

Апрел-май ойларида гуллаб, май-сентябргача уруғлари етилади.

Ариқларни қирғоқларида, экинзорларда, ўрмонли тоғ ёнбағирларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида ер устки қисми ишлатилади. Таркибида сапонинлар, флавоноидлар, қандлар, ошловчи моддалар бор. Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси жигар, буйрак-тош, нафас қисиш, ўпка сили ва тўтқаноқ, касалликларини даволашда ҳамда ўт ва сийдик ҳайдовчи, ҳамда сурги дори сифатида қўлланилади, у билан турли йирингли яралар ювилади. Унинг шу хусусиятидан келиб чиқиб, илмий тиббиётда мана шу дамласидан буйрак, сийдик йўллари ва қовўқдаги қум, тошларни туширишда фойдаланилмоқда.

Оддий лизимахия-Вербейник обыкновенный-Lysimachia vulgaris L.

Кўп йиллик, илдизпояси яхши ривожланган. Пояси тик ўсувчи, аниқ бўлмаган қиррали, баландлиги 60-100 см, поя ва новдалари қалин барглар билан қопланган, учки қисми гул тўплами билан тугалланади. Барглари қарама-қарши жойлашган, айрим ҳолда қалқонсимон, узун наштарсимон, четлари теккис, 7-10 см узунликда ва эни 1,5-4 см, бандлари 1,5-3,5 мм узунликда. Гуллари супургисимон тўп гуллар ҳосил қилади. Косачаси кенг қўнғироқсимон, 3-4 мм узунликда. Тожбарглари очик-сарик, диаметри 16-18 мм, кўсаги юмалоқ.

Июн-июл ойларида гуллайди, август-сентябрда уруғлари етилади.

Тўқайларда, ботқоқли жойларда, ариқлар қирғоғида ўсади. Тошкент, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Гул ва баргларида турли қон тупуришда, қонли ичбуруғда, кучли менструацияда қўлланилади.

Турчанова андрозаси-Проломник Турчанинова-Androsace Turczaninowii Freyn.(A.maxima L.)

Бир йиллик, сийрак тукланган. Гул тўпламлари биттадан ёки бир нечтадан, бироз эгилган, узунлуги 3-15 см. Илдиз бўғзидаги барглари мазайкали эллипссимон калта бандли, 0,5-4 см узунликда, эни 0,4-1,2 см. Соябони 3-10 та гулли. Косачаси 2/3 қисми қирқилган тухумсимон. Тожибарглари оқиш, оқ пушти, қуритилганда пушти бинафшарангда. Диаметри 3-4 мм, тенг ўртасидан бўлинган. Кўсаги калта баргли. Уруғи кўп сонли майда.

Март ойида гуллаб, апрелда уруғлари етилади.

Тоғ олди ва тоғ ўрта минтақаларида бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмидан геморройни даволаш учун ванна қилинади ва бошқа ўсимликларга қўшиб ишлатилади.

Гунафшадошлар-Фиалковые-Violaceae Batsch.

Хушбўй гунафша-Фиалка душистая-Viola odorata L.

Кўп йиллик, калин тукланган, илдиз отувчи пояси ерга ётиб ундан илдиз ҳосил қилади. Шохланган илдиз пояли. Барглари буйраксимон, юраксимон, панжасимон, узун бандли. Гуллари ўткир ҳидли, барглар қўлтиғида ўсиб чиқади. Банди барглардан узун, тик турувчи, уруғлаш даврида ётиб қолади. Косачаси тухумсимон, 9 мм узунликда. Тожибарглари тўқ бинафша рангда, айрим ҳолларда оқ, пихи билан 12-19 мм узунликда. Кўсакчаси шарсимон, 8 мм диаметрда, тукланган калта безлари бор.

Март ойларида гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида истирокат боғлари, хўжаликларида манзарали ўсимлик сифатида экилади.

Ўсимликдан тайёрланган қайнатмаси ичбуруғда, қайт қилишга қарши, сарик хасталигида, сийдик ҳайдашда, астмада, болалардаги камқонликда илдизи қўлланилади.

Толдошлар-Ивовые-Salicaceae Mirb.

Қора терак (қўк терак)-Тополь бальзамический-Populus balsamifera L.

Кўп йиллик дарахт, барглари 2,5-5 см бандлардан иборат бўлиб, япроқлари этли, четлари теккис ёки йирик тишчали, учи учкур, узунлиги 5-12 см ва эни 2,5-7 см. Кучаласини узунлиги эркакларида 5-7 см, урғочи гулларда 8-10 см.

Март-апрел ойларида гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистонни барча вилоятларида экилади.

Тиббиётда барги, куртаги ишлатилади. Таркибида эфир мойи, салицин, популин ва хризин гликозидлари олма кислоталар, смолалар, ошловчи, бўёқ моддалар бор. Дамламаси ҳароратни пасайтирувчи, тинчлантирувчи, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатувчи ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланилади.

Қора терак (Мирзатерак)-Тополь черный-Populus nigra. L.

Кўп йиллик дарахт, шохлари кенг ёки қисқа пирамида шаклида. Барглари узун ёки новдаларда бўлиб, бандини узунлиги 4-8 см, япроқларини узунлиги 5-8 см ва эни 5-7 см, доирасимон ёки понасимон шаклларда. Урғочи кучаласи 12 см гача, эркакларида 6-10 см гача боради.

Март-апрел ойларида гуллаб уруғлайди.

Фарғона водийси ва Тошкент вилоятларида экилади.

Тиббиётда барги, куртаги ишлатилади. Дамламаси ҳароратни пасайтирувчи, тинчлантирувчи, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатувчи ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланилади.

Оқ терак-Тополь белый-Populus alba L.

Кўп йиллик, шохланувчи, яъни пирамидасимон бўлиб, баландлиги 10-15 м ни ташкил этади. Барглари 3-5 см ли бандларга эга, япроғи 8-15 см узунликда ва эни 8-10 см тухумсимон, 3-5 бўлакчали, четлари теккис ёки кам тишчали, барглар остки момиқсимон туклар билан қопланган. Эркак кучала 4 см, урғочи кучала 5-6 см ни ташкил этади.

Апрел-май ойларида, уруғлари етилади.

Ўзбекистонда барча вилоятларида ўстирилади.

Тиббиётда барги, куртаги ишлатилади. Таркибида эфир мойи, салицин, популин ва хризин гликозидлари олма кислоталар, смолалар, ошловчи, бўёқ моддалар бор. Дамламаси ҳароратни пасайтирувчи, тинчлантирувчи, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатувчи ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланилади.

Оқ тол-Ива белая-Salix alba L.

Кўп йиллик, сер шох эгилувчан новдали дарахт. Куртаклари 6 мм, новдага ёпишган, узунчоқ, учи учли, қизгич сариқ кумуш ранг, банди 2-10 мм, япроғи 5-15 см узунликда ва эни 1-3 см лентасимон лансетга ўхшаш. Кучалалари баҳорда барглари билан бир вақтда ривожланади ва узунлиги 3-5 см.

Апрел-май ойларида гуллаб уруғлайди.

Манзарали ва соя берувчи дарахт сифатида Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида экилади.

Пўстлоғи асосан безгакни даволашда қўлланилган. Қайнатма ҳолда пўстлоғидан яралар ва экземаларга, ревматизмда, истмани тушуришда қўлланилади.

Осина тераги-Тополь осина-Populus tremula L.

Кўп йиллик дарахт, кам шохланувчан, барг бандлари 3-5 см, доирасимон ёки овалсимон. Япроқлари овалсимон ёки учбурчаксимон шаклларда, четлари тенг бўлмаган тишчали, 3-8 см узунликда. Эркак кучалаларини узунлиги 2-8 см, урғочилари 12 см гача боради.

Март-апрел ойларида гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистонни қишлоқ ва шаҳарларида кенг экилади.

Ёш новдалари, пўстлоғи, барги ва куртаклари ишлатилади. Тайёрланган дамламаси буруштурувчи, қон оқишини тўхтатувчи, яраларни битирувчи, ревматизмга ва истмани тушурувчи сифатида қўлланилади.

Тўқ қизил тол-Ива пурпурная-Salix purpurea L.

Кўп йиллик дарахт, шохлари ва новдалари сариқ эгилувчан, пишшиқ. Куртаклари 3-5 мм бўлиб, тўқ қизил рангда, новдага ёпишган ҳолда туксиз. Барг банди 3-6 мм, япроқлари 3-13 см узунликда ва эни 8-15 мм, тескари тухумсимон, учи учли. Кучалалари баргдан олдин ривожланади.

Март-май ойларида гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистонда кам экилади.

Пўстлоғини талқон қилиб қонли яраларга сепилади. Бурундан қон кетишини даволайди. Сариқ, ревматизмда, вена томирларини кенгайтишига қарши ванна қилинади.

Турон толи-Ива туранская-Salix turanica Nas.

Кўп йиллик дарахт. Шохлари ғиштранг ёки оқиш сариқ. Куртаклари кумуш ранг. Барг банди 1 см, япроқлари 11-14 см узунликда ва эни 2-4 см, кенг наштарсимон, четлари тўлқинсимон базан теккис. Эркак гуллар кучаласи 2-3 см узунликда ва йўғонлиги 1,5 см, урғочи гуллар кучаласи 3-4 см узунликда, уруғлари етилганда 6 см гача боради.

Март-май ойларида гуллаб уруғлайди.

Асосан тоғ, дарёлар, сойлар ва ариқлар бўйида ўсади. Тошкент, Фарғона вилоятларида кўплаб ўсади.

Пўстлоғини қайнатмаси қон кетишларни тўхтатувчи, сийдик ҳайдовчи, ўт ҳайдовчи, ошқозон иш фаолиятини тикловчи сифатида, тиш оғриғини қолдиришда, юқори нафас йўллари хасталикларида қўлланилади.

Эчки тол-Ива козья-Salix caprea L.

Кўп йиллик дарахт. Шохлари ва новдалари қўнғир кулранг, бўғинли, куртаклари новдага ёпишган 5-6 мм узунликда ва эни 3 мм, тухумсимон, қизғиш қўнғир тукланган, иккита ўткир қобирғага эга. Барг банди 1-2 см қалин тукли, япроғи турли шаклларда, асосан тухумсимон, наштаарсимон 11-18 см узунликда ва эни 5-8 см, четлари тўлқинсимон. Кучаласи баргдан олдин ривожланади. Эркаклари ўтроқ, 5-6 см узунликда ва 1,5-2 см йўғонликда, урғочи кучалалар қисқа бандли, узунлиги 10 см га боради.

Март ойида гуллаб уруғлайди.

Марказий Фарғона чўлларида ихота сифатида кенг экилган.

Пўстлоғи қайнатмасидан қон кетишида тўхтатувчи, бурундан қон кетишида, оғриқни қолдирувчи, юрак неврозларида қўлланилади.

Юлғундошлар-Гребенщиковые-Tamaricaceae Link.

Дағал тукли юлғун-Гребенщик жестковолосистый-Tamarix hispida Willd.

Кўп йиллик, оч яшил бута ёки кичик дарахт. Поялари қалин безчали туклар билан қопланган, ёш поялари қўнғир-қизил рангда, кекса поялари кулранг. Барглари юраксимон-овалсимон, учкир қалин тукланган. Гуллари оч пушти рангда. Айримларида оқ, поя ва новдалар учида супургисимон тўпгуллар ҳосил қилади. Гуллари 5 азоли, ўтроқ. Тожбарглари узунчоқ эллипссимон. Кўсаги уч қиррали, 1-3 мм узунликда, пушти, қўнғир-қизил, тиллоранг сариқ рангларда.

Июлдан то октябргача гуллаб уруғлайди.

Дарё бўйи тўқайлар, ер ости суви яқин бўлган шўрхок ерларда ўсади. Ўзбекистонни барча вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Қобиғи ва баргларида кўп миқдорда ошловчи моддалар сақлайди. Баргидан олинган шираси оғиз язвасига даво қилинади. Пўстлоғи кучли буруштирувчи хусусиятга эга. Баргидан ревматизмда қўлланилади.

Тулкидумли болқин-Мюрикария лисохвостная-Myricaria alopecuroides Sehrenk. (M. bracteata Royle).

Кўп йиллик, пояларининг баландлиги 1-2 м бўлган чала бута. Барглари оч яшил, бандсиз ўтроқ, юқори шохларидаги баргларининг узунлиги 5-20 см ва эни 12-15 мм. Косачаси узунчоқ, четлари тишчали. Тожибарглари пушти, тескари тухумсимон, 5-7 мм узунликда ва эни 3-3,5 мм. Кўсаги теккис 4 мм узунликда ва диаметри 3 мм.

Май ойини иккинчи ярмидан сентябргача гуллайди.

Тоғларни шағалли сойлари қирғоғида ва дарёлар оролчаларида ўсади.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Барглари қон тўхтатувчи, қон тупуришда қўлланилади.

Уваланувчи юлгун-Гребеншик пихлий-Tamarix laxa Willd.

Кўп йиллик, оч яшил, бута, туксиз, поялари зангсимон-кўнғир рангда. Ёш новдалари ингичка, синувчан. Барглари ёш янги новдаларда овалсимон- ромбик. Гул шингиллари эски яшил ёғочлашган поялар учуда жойлашади, улар ўтроқ, тўплам узунлиги 5-30 мм. Косачаси кенг овалсимон, букулган, уруғлангандан сўнг тўкилиб кетади. Оқиш ёки ёрқин пушти рангда. Чангчиси бинафша-тўқ қизил, юраксимон устунчаси 3 та. Кўсакчаси ингичка, ўз энидан 4 маротаба узун.

Ўсимликлар апрел ойи ўрталаридан кузгача гуллаб уруғлайди.

Шўрхоклар атрофида қуриган сув ўзанларида, чўл тақирларининг қир боғларида, қум барханлари теварагида ўсади.

Ўзбекистонни барча чўл туманларида тарқалган.

Қобиғи буруштирувчи сифатида қўлланилади.

Уччаноқдошлар-Франкениевые-Frankeniaceae S.F. Gray.

Тукланган уччаноқ-Франкения волосистая-Frankenia hirsuta L.

Кўп йиллик чала бута, поясини баландлиги 8-20 см, кўп сонли пояли, ер бағирлаб ўсади, кам шохланган. Барглари наштагсимон калта бандли, юзаси сийрак, эти қалин тукланган. Гуллари қалқонсимон тўпгул ҳосил қилади. Косачаси 5 мм узунликда. Тожибарглари 6-7 мм узунликда тўқ қизил ёки пушти. Косачаси овалсимон узунроқ 3 мм узунликда ва эни 1,3 мм.

Май ойидан то сентябргача гуллаб уруғлайди.

Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистонда тарқалган.

Сурги дори сифатида қўлланилади.

Қовоқдошлар-Тыквенные-Cucurbitaceae Juss.

Аччиқ тарвуз-Арбуз колоцинт-Citrullus colocynthis (L.) Schrad.

Бир йиллик, пояси қиррали, туклар билан қопланган, поясинг узунлиги 1,5-2,5 м. Илашувчи жингалаклари шохсиз, айрим ҳолларда иккига бўлинган. Барглари уч бурчак кўринишда, 5-8 см ва эни 4-5 см, 5-7 тада чуқур ўйикли. Эркак гуллар тутқичи калта, тукланган. Урғочи гуллар косачаси бигизсимон, тукланган, тожибарглари сариқ, шарсимон узунчоқ шаклда бўлиб, 7-10-12 см, мевасини ранги оч сариқ, қаттиқ ва жуда аччиқ.

Август-сентябрда гуллаб, сентябр-октябрда меваси етилади.

Шифобахш ўсимлик сифатида экилади.

Мевасини пўчоғидан тозалаб қурилади ва кучли сурги сифатида қўлланилади. Ҳайвон ва инсонлардаги гижжаларни тўкишда ҳам ишлатилади.

Икки уйлик тарвузналак (сиртан)-Переступень двудомный-Bryonia dioica Jacq.

Кўп йиллик, икки уйли, илдизи йўғон, узун, ўртача оғирлиги 700-1000 г. Поялари кўп сонли, 2-4 мм йўғонликда, узунлиги 2-2,5 метр. Илашувчи жингалаклари шохланмайди. Барглари тукланган, кенг юраксимон, беш панжасимон бўлақларга эга. Эркак гуллари туткичи 8-20 см ва унда 10-15 тадан гуллар жойлашган. Тожбарглари сарғиш-оқ, кўкиш-сарик рангларда. Урғочи гуллар қалқонсимон тўпгулларда 4-7 тадан жойлашган. Уруғ мевалари дастлаб яшил етилиш жараёнида қизил, сарғиш рангларга ўтади, диаметри 7-8 мм.

Май-июнда гуллаб, июн-августда мевалари етилади.

Илдизидан тайёрланган дамламалар кўриш ва эшитиш органларининг фаолияти сусайганда, соч ва туклар тўкилишини олдини олишда ишлатилади.

Қора мевали тарвузналак-Переступень черноплодный-Bryonia melanocarpa Nabiev.

Кўп йиллик, бир уйли. Илдизи йўғон, туганаксимон, калта шохланган, 75 см узунликда ва йўғонлиги 15-20 см (оғирлиги 27 кг гача). Пояси кўп сонли, 25 тагача ва узунлиги 2-4 м, қиррали. Барг юзаси туксиз, бурушган, остки қисми қалин тукланган, умумий кўриниши узун наштаксимон, 5 панжасимон қирқилган. Остки қисмида эркак гуллар бўлиб, уларни гул туткичлари калта 3-5 см, юқорида урғочи гуллар алоҳида жойлашади. Тожибарглари яшилсимон сарик, жуда қалин безчили туклар билан қопланган. Меваси кўкиш-қора, таккис, диаметри 6-8 мм. Уруғи тескари тухумсимон, 4-5 мм узунликда.

Май-июнда гуллаб, июл-август ойларида мевалари етилади.

Мустаҳкамланган барханли қумларда, чўллардаги қандим ва саксавулар билан бирга ўсади. Тошкент (Мирзачўл) ва Бухоро вилояти (Қизилқумда) тарқалган.

Илдиз қайнатмаси подагра, бод, полиартритда оғриқ қолдирувчи, йўтални қолдирувчи, қон оқишини тўхтатувчи, яраларни битирувчи сифатида қўлланилади. Меваси тутқаноқ, бавосил, бош оғриғида қабул қилинади.

Одий қовоқ (сапча қовоқ)-Тыква обыкновенная-Cucurbita pepo L.

Бир йиллик, поялари қиррали, қалин тукли, 4-5 м узунликда. Барглари 5 бўлакли, тик турувчи. Гул бандлари аниқ бешт қиррали. Эркак гуллар тўп бўлиб жойлашади. Тожибарглари тик турувчи, 7-10 см диаметирда, тилларанг-сарик айрим ҳолларда пушти-сарик. Уруғлари йирик, шакли ҳар хил. Мевасини эти толали. Уруғи сарғич-оқ.

Июн-августда гуллаб, август-сентябрда мевалари пишиб етилади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳайвонларга ем-хашак учун экилади.

Уруғидан гижжаларни организмдан тушириш учун қўлланилади. Мевасининг этидан олинган каротиннинг ёғли эритмаси қийин битадиган ва йирингли яралар, куйган ва совуқ олган ерларни, шиллиқ парданинг зарарланган ерлари ва терининг сурункали касалликларини даволашда ишлатилади.

Ойим қовоқ (ошқовоқ)-Тыква мускусная-Cucurbita moschata (Duch.) Poir.

Бир йиллик, пояси юмшоқ тукланган, билинар билинмас қиррали, бўғинларида оз-моз қора доғлари бор, узунлиги 4-5 м. Барглари йирик буюраксимон, 5-7 бўлакчи, четлари тишчали, майда туклар билан қопланган. Тожбарглари 7-10 см оч-сарик рангда, беш қиррали. Мевалари цилиндрсимон, ўртаси сиқилган, ранглари турлича. Уруғлари қаймоқсимон оқ.

Июн-июлда гуллаб, меваси август-сентябрда етилади.

Озиқ-овқат маҳсулоти сифатида Ўзбекистонни барча вилоятларида экилади.

Уруғи ва унинг кукуни, қайнатмаси, аталаси ҳамда эмулсияси тасмасимон (баъзан юмалоқ) гижжаларни организмдан тушириш учун қўлланилади. Мевасининг юмшоқ этли қисми парҳез таом сифатида атеросклероз, қабзият ва жигар касалликларида ҳамда буйрак ва қовуқ касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида истеъмол қилишга тавсия этилади. Мевасининг этидан олинган каротиннинг ёғли эритмаси қийин битадиган ва йирингли яралар, куйган ва совуқ олган ерларни, шиллиқ парданинг зарарланган ерлари ва терининг сурункали касалликларини даволашда ишлатилади.

Оқ тарвузпалак (Сиртан, абуджахль тарвузи)-Переступень белый-Bryonia alba.L.

Кўп йиллик, кучли ўзига хос ҳидга эга, илдизи трупсимон йўғон, ташқи кўриниши сарик рангда, ички қисми оқ. Пояси илашиб ўсувчи, ингичка 2-4 мм, қиррали, майда тукли. Барглари сийрак тукланган, 3-6-(10) см узунликда, япроғи чуқур ўйикчи, 5-7 бўлакчали. Эркак гуллари 5-15 тадан шингилчаларга тўпланган, гул тўткичлари 50-20 см. Тожбарглари оқиш-сарик рангда. Урғочи гуллари 5-12 тадан соябонсимон ёки қалқонсимон тўпгуллар ҳосил қилади. Мевалари қора рангда, диаметри 7-8 мм.

Май-июнда гуллайди, мевалари июн-августда етилади.

Манзарали ва доривор ўсимлик сифатида экилади.

Илдизидан тайёрланган экстрактлар оғрикни қолдирувчи, қон кетишини тўхтатувчи, яраларни тез битишини таъминловчи, йўтални тинчлантирувчи, қовурғалараро нерв шамоллашларида қўлланилади.

Ўрис қовоқ (Ўрис-каду)-Тыква крупная-Cucurbita maxima Duch.

Бир йиллик, пояси шохланувчан, узунлиги 4-5 м, юмшоқ тукланган. Барглари йирик, буйрак шаклда, четлари чуқур ўйилган, бандлари дағал туклар

билан қопланган. Гуллари айрим жинсли, тожбарглари кўнғироқсимон, сариқ. Уруғлари оқ ёки сарғич, теккис, тухумсимон.

Июн-сентябрда гуллаб, август-октябрда меваси етилади.

Ўзбекистоннинг барча деҳқончилик қилинадиган ерларида экилади.

Уруғи ва унинг кукуни, қайнатмаси, аталаси ҳамда эмулсияси тасмасимон (баъзан юмалоқ) гижжаларни организмдан тушириш учун қўлланилади. Мевасининг юмшоқ этли қисми парҳез таом сифатида атеросклероз, қабзият ва жигар касалликларида ҳамда буйрак ва қовуқ касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида истеъмол қилишга тавсия этилади. Мевасининг этидан олинган каротиннинг ёғли эритмаси қийин битадиган ва йирингли яралар, куйган ва совуқ олган жойларни, шиллиқ парданинг зарарланган ерлари ва терининг сурункали касалликларини даволашда ишлатилади. Қовуқ меваси этидан каротин олинади.

Шарқ қовуни-Дыня восточная-Melo orientalis (S. Kudr.) Nab.

Бир йиллик, пояси илашиб ўсувчи, йўғонлиги 3 см гача ва узунлиги 3 м, кўп шохланган, қобирғали, дағал туклар билан қопланган. Барглари узун бандли, япроқлари тухумсимон, доирасимон 3-5 ўйикли, эни 10-15 см, сийрак дағал тукланган. Гуллари бир уйли, олдин эркак гуллар сўнг урғочи гуллар сочилади. Тожбарглари бирлашган, кўнғироқсимон, сариқ рангда 2-6 см. Тугунчаси узунчоқ, қалин тукланган, яшил. Меваси етилганда узунлиги 50-90 см га боради.

Май-август ойларида гуллаб, июн-октябрда меваси етилади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларини теккисликларида турли навлари экилади.

Қовунни янги узулган мевалари ва қурутилган мевалари мия қон томирлари ва юрак атеросклерозида қўлланилади. Шунингдек, енгил сурги, юрак қон-томирлар, буйрак ва кам қонликда ишлатилади.

Экма тарвуз-Арбуз обыкновенный-Citrullus vulgaris Schrad.

Бир йиллик, поясининг узунлиги 4 м, сершоҳ, эгулувчан, майин туклар билан қопланган. Илашувчи жингалаклари айрисимон. Барглари бандли, учбурчак шаклида, чуқур қирқимли. Гуллари биттадан, эркак гулларини диаметри 2-2,5 см, калта гул тутқичли. Урғочи гуллар бир оз йирик, туклар билан қопланган. Меваси кўп уруғли, турли шаклларда.

Июн-июлда гуллаб, август-сентябрда пишиб етилади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида кенг экилади.

Меваси юрак қон-томирлар хасталикларида, буйракдаги қумсимон моддаларни ювишда, жигар хасталигида, кам қонликда ишлатилади.

Кизилюгурукдошлар-Датисковые-Datiscaceae Lindl

Нашанамо датиска-Датиска коноплевая-Datisca cannabina L.

Кўп йиллик, баландлиги 2,5 м бўлган туксиз, кўп сонли поялар ҳосил қилувчи ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, шохланмайди. Барги наштарсимон 9 см узунликда, тишчалари аррасимон, банди 10 см узунликда. Гулбандлар 2-3 мм узунликда косачаси наштарсимон, эркин, 1,5-2-3 мм узунликда. Чангчиси узунчоқроқ, 3-4 мм узунликда. Урғочи гуллари йўғон бандли.

Июн-июда гуллайди, август-сентябр ойларида уруғлари етилади.

Тоғларни майда қумли, булоқлар атрофида, сойлар қирғоғида ўсади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

Мевасининг қайнатмаси сурги ва кучли қустурувчи. Ер устки қисми ўт ҳайдовчи, спазмага қарши, яраларга, жигар, ўт қоғи ва ошқозон ичаклар яраларида қўлланилади.

Ковулдошлар-Каперцовые-Capparaceae Juss.

Тиканли ковул-Каперцы колючие-Capparis spinosa L. (Copparis herbacea Willd).

Кўп йиллик, поялари ер бағирлаб ўсувчи ва уларни узунлиги 2,5 м. Барглари тескари тухумсимон шаклларда, 5-6 см узунликда. Гуллари 5-8 см, оқ, пушти доғлари бор. Пояда барг тутқичлари жойлашган жойда қайрилган ўткир тиканлари бор. Меваси тарвуз рангида бўлиб, узунлиги 2,5-4,5 см, диаметри 1,5-3 см. Меваси етилганда очилиб кетади.

Май-июнда гуллайди, июл-августда меваси етилади.

Асосан ташландиқ тепаликлар, ариқ ва сойлар, экинзорлар атрофида, темир йўл ёқаларида тарқалган. Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқан, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида ва Қорақалпоқистонда тарқалган.

Халқ табобатида илдизидан тайёрланган қайнатмаси шамоллаганда, шол, сарғайма, бод ва талоқ (қора жигар) касалликларини даволашда, ер устки қисмининг дамламаси меъда-ичак касалликлари, яралар ва астмани даволашда, мева қайнатмаси милкни мустаҳкамлаш, тиш оғриғини қолдириш, бавосил касалликларни даволаш учун қўлланилади. Илдизининг суртмаси (настойкаси) ва қайнатмаси қон ивишини тезлатиш таъсирига эга.

Карамдошлар-Капустные (Крестоцветные)-Brassicaceae Burnett (Cruciferae Juss.)

Ботқоқ порипаси-Жерушник болотный-Roripa palustris (Leyss.)Bess.

Кўп йиллик, туксиз, фақат остки барг бандлари тукланган. Пояси 10-80 см баландликда шохланган. Барги лирасимон бўлақларга бўлинган. Косачабарги 1,5-

2 мм узунликда. Тожбарги косачабаргидан сал узунроқ, очик сарик. Уруғ тутқичлари ингичка, 5-10 мм узунликда. Қўзоғи эллипссимон, 3-8 мм узунликда ва эни 2-3 мм. Устунчаси 0,5 мм узунликда. Уруғи 0,75 мм узунликда.

Май ойини бошидан сентябр ойигача гуллаб уруғлайди.

Ботқоқлашган жойлар, ариқ ва сойлар қирғогида ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Ўсимликдан қон таркибини тозалаш учун қўлланилади.

Бўёқ ўсма-Вайда красильная-Isatis tinctoria L.

Икки йиллик, туксиз, оч яшил ўсимлик. Пояси 30-100 см шохланган илдиз бўғзидаги барглари узунроқ, бандли, четлари йирик қирқилган. Гулкосаси 1,5 мм узунликда. Тожбарглари сарик, 3 мм узунликда. Мева қўзоғи 13-16 мм ва эни 3-4 мм.

Апрел ойларида гуллаб, май ойида уруғлари етилади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида маданий экин сифатида, аёллар қоши ва киприкларини бўйаш мақсадида экилади.

Дала тласписи-Ярутка полевая-Thlaspi arvense L.

Бир йиллик, пояси тик ўсувчи, 20-40 см баландликда. Барги йирик, тишчали. Остки барглари бандли, пояни юқорисидаги пояни ўраб олувчи, найзасимон, косачабарглари кенг, тўмтоқ 1,5 мм узунликда. Тожбарги оқ тескари тухумсимон узунроқ, косачабаргдан икки марта узун. Уруғ бандлари 12-15 мм узунликда. Қўзоғи эллипссимон, 10-13 мм узунликда, 5-8 уруғли, уруғи қора, эгатчали.

Май ойида гуллаб, июн ойида уруғлари етилади.

Дала майдонларида бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё вилоятларида ўсади.

Уруғида ёғлар ва сингирин глюкозиди сақлайди, эфир мойлари ҳам сақлайди. Жинсий қувватсизликда барглари ва уруғлари меваси билан майда туюб, 0,3-0,5 грамм бир кунда 3-4 марта ёки ўсимликнинг барча қисмини талқон қилиб, 200 г қайноқ сувга чой қилиб дамлаб 1 чой қошиқдан ҳар 2-3 соатда ичилади.

Доривор саримсоқ ўт-Чесночник лекарственный-Alliaria officinalis Andrz.

Икки йиллик, пояси 10-100 см баландликда, кам шохланган, тукланган. Барглари бутун, туксиз, илдиз олди ва пояни пастки қисмидаги барглари, узун бандли, япроғи буйраксимон. Гул шингиллари сийрак. Гул тутқичлари уруғлаш вақтида йўғонлашади, узунлиги 3-15 мм. Тожбарглари 6-8 мм узунликда ва косачасидан 2 марта узун. Дуккаги туксиз, 2-8 см узунликда ва йўғонлиги 2-2,5

мм, лентасимон, устунчаси 1-3 мм узунликда. Уруғи 1,5-2-мм энликда ва 2,5-3,5 мм узунликда, қўнғир.

Апрел-май ойларида гуллаб, май-июл ойларида уруғи пишади.

Қумли ва дарахтлар соясида, воҳа ва тоғларни ўрта қисмида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида ҳиди ва таъми кучли ҳид ва аччиқроқ таъмга эга. Пиёзини вино, уксус билан мариноват қилингани қон тупирганда, туберкулез хасталигини бошланиш даврида ва нафас йўллари ҳамда гижжаларни тўкиш учун қўлланилган.

Драба-Крупка перелесковая-*Draba nemorosa* L.

Бир йиллик, баландлиги 5-10 см бўлган, кам шохланган, туклар билан қопланган ўт ўсимлик. Барглари икки бошли туклар билан қопланган, теккис четли, узунчоқ эллипссимон барглاردан иборат. Гулкосаси узунроқ шарсимон, 1-2 мм узунликда. Гултожиси тескари учбурчаксимон-наштарсимон, 1,5 мм узунликда. Қўзоғи япалоқ эллипссимон, 1,7-2,5 мм.

Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғ ёнбағирларининг ўрта қисмларида ўсади. Самарқанд вилояти (Гуралаш) да тарқалган.

Ўсимликдан тайёрланган дамлама сийдик ҳайдовчи восита ва қуруқ йўталга қарши ишлатилади.

Жағ-жағ (ачамбиту)-Пастушья сумка (обыкновенная)-*Capsella bursa-pastoris* (L.) Medik.

Бир йиллик эфемер бўлиб, 10-30 см баландликда. Пояси остки томонидан ёки юқори қисмидан шохланади. Барглари оддий, илдиз бўғзидагилари лирасимон бўлакларга бўлинган, поядагилари ўтроқ. Гултожлари оқ. Уруғ бандлари 10-12 мм узунликда. Қўзоқ мевалари 6-7 мм узунликда.

Март-май ойларида гуллаб, апрел-июнда уруғи етилади.

Ўзбекистоннинг барча тоғолди ва теккисликларида кенг тарқалган.

Оддий жағ-жағ таркибида «С» ва «К» дармондорилари ҳамда олма ва лимон кислоталари бор. Унинг ер устки қисмидан тайёрланган дорилар табобатда қон кетишини тўхтатишда ишлатилади.

Йирик уруғли оғжуд-Крупноплодный гигантский-*Megacarpaea gigantea* Regel.

Кўп йиллик, пояси йўғон, тик ўсувчи, туксиз, юқори қисми кучли шохланган. Баландлиги 70-150 см. Барги оч яшил туксиз, пасткиси бўлакланган, калта бандли, юқоридагилари пояни ярим ўраб олувчи ўтроқ. Косачаси кенг узунчоқроқ, 2,5 мм узунликда. Тожибарглари оқ, тескари тухумсимон, чангчилари 6 та. Уруғ туткичлари йўғон, туксиз 1,5-2 см узунликда.

Апрел-май ойларида гуллаб, май-июн ойларида уруғлари етилади.

Тоғ олди ва ўрта қисмларидаги тупроқли ва майда шағалли жойларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Теридаги яраларни тез битиш учун уни қайнатмаси суртилади. Йўғон илдизлари истемол қилинади.

Кочи қатрони-Кампан кочи-Crambe kotschyana Boiss.

Кўп йиллик, илдизи йўғон этли, пояси биттадан, баландлиги 50-150 см, шохланган, эгатчали, безли туклар билан қопланган. Илдиз олди барглари узун бандли, япроғини узунлиги 30 см ва эни 50 см, буйрак ва юраксимон. гул тўплами супургисимон, шохчалари кўп сонли гулларга эга. Косачаси 4-5 мм узунликда, дағал тукли. Тожбарглари оқ, 7,5-11 мм узунликда, тескари тухумсимон. Уруғ тутқичлари юқорига қараган 2-4 см узунликда. Юқоридаги қўзоқ аъзолари 5,5-6 мм энликда, шарсимон, қанотчали.

Март ойини охирида гуллайди, уруғлари июн ўрталарида етилади.

Тоғларнинг пастки ва ўрта қисмларида, тупроқли ва шағалли ерларда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистонда тарқалган.

Илдизида кўп миқдорда крахмал сақлайди. Илдизи овқат сифатида ишлатилади. Уруғлари нафас йўллариининг шамоллашида истемол қилинади. Гуллариини овқат хазм қилиш тизими касалликларида ишлатилади.

Қайнарбулоқ қайтақгул (жўшурувчи)-Жеруха ключевая-Nasturtium fontanum (Lam) Aschers.

Кўп йиллик, пояси йўғон, ярим кўтарилиб ўсувчи, ер бағирлаган қисми илдиз отиб боровчи, баландлиги 10-60 см. Барги лирасимон бўлақларга бўлинган, кенг бандли, 2-7 та жуфт баргчалардан иборат. Четлари ўйикли тишли. Косачаси 2-3 мм узунликда. Тожбарглари оқ 4-6 мм узунликда, Чангчи ипи бинафша рангда. Қўзоғи наштаарсимон, 10-25 мм узунликда. Оналик устунчаси 1 мм узунликда.

Майнинг бошларидан то июннинг охиригача гуллаб уруғлайди.

Ботқоқлашган жойлар, сой ва ариқлар бўйида ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Эрта баҳорда барг ва илдизларидан олинган шираси қонни тозаловчи, сийдик ҳайдовчи ва цинга хасталикларида кенг қўлланилади.

Қишлоқ ерқалампири (туяқалдирмоқ, хрен)-Хрен деревенский-Armoracia rusticana Yaertn. Mey et Schred.

Кўп йиллик, илдизлари йўғон, яхши ривожланган. Пояси тик ўсувчи ва шохланган, баландлиги 0,5-1,5 м. Илдиз олди барглари йирик, узун бандли,

четлари эгатчали. Гултожлари 6 мм узунликда, оқ рангда. Уруғлари кўзок, 5-6 мм қалинликда ва эни 3-4 мм.

Июнда гуллайди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Халқ табобатида илдизи ишлатилади. Илдизи таркибида мирозин ферменти, лизотсим антибиотик модда, витамин С, флавоноидлар моддалар бор. Қуритилмаган илдиз шираси ва илдиз қайнатмаси халқ табобатида иштаҳа очувчи, овқат ҳазм қилишни яхшиловчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ҳамда лавша (цинга) ни даволаш учун қўлланилади. Қуритилмаган илдизи эзилган, майдаланган ҳолида шамоллаш касалликларида хантал каби тананинг дардга чалинган ерига қўйилади.

Маршалла чипрангуси-Желтушник Маршалла-Erysimum (E. hieracifolium L.) (Marschallianum Andrz.

Икки йиллик, шохланган битта поя ҳосил қилади. Баландлиги 25-100 см тукланган. Туклари 2-4-5 бошчали. Барглари ҳам поядаги каби туклар билан қопланган. Гулкосаси узунчоқ юмалоқ бўлиб, 4 бошчали туклар билан қопланган. Тожбарглари сариқ, 8-10 мм узунликда. Қўзоғи 2-7,5 см узунликда ва эни 1,8 мм.

Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларнинг ўрта минтақасидаги тупроқли, тош ва шағалли майдонларида ўсади. Тошкент вилояти (Ангрен дарёси юқори қисмида) тарқалган.

Ер устки қисми уруғлари билан юрак қон-томир хасталикларида қўлланилади.

Сарепт хантали-Капуста горчица сарептская-Brassica juncea (L.) Czern.

Икки йиллик, пояси сершоҳ, туксиз. Пояни остки барглари бандли, тукли ёки туксиз қира шаклда ўйиқли. Гул тўплами гуллаш олдида қалқонсимон ёки шингилсимон. Гултожлари букилган, 2,5-5 см узунликда.

Майни ўрталарида гуллаб, августда уруғлари етилади.

Йўл ёқалари, экинзорларда бегона ўт сифатида учрайди. Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Қорақалпоғистон вилоятларида тарқалган.

Уруғи таркибида синигрин гликозиди, кўп микдорда ёғ, мирозин ферменти, шиллик, оксил моддалар бор. Уруғининг дори препаратлари хантал эфир мойининг спиртдаги 2% ли эритмаси бод, миозит (мушаклар шамоллаши), бронхит, нафас йўллариини шамоллаш касалликларини даволашда қўлланилади. Уруғи меъда касалликларида ишлатиладиган чойлар йиғмалар таркибига киради.

Семиз ўти (қора ўт)-Портулак огородный -Portulaca oleracea L.

Бир йиллик, ер бағирлаб ёки бир оз тик ўсувчи, пояси этли, туксиз, асосидан шохланувчан, баландлиги (7)-10-35 см. Барглари навбатлашиб жойлашган,

юқорисидаги қарама-қарши жойлашган, ўтроқ, узунчоқ-понасимон. Гуллари ўтроқ шохлар ёки барглар қўлтиғида 2-3 тадан жойлашган. Тожбарглари сариқ, тескари тухумсимон, 5-8 мм узунликда.

Июн-октябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўсади.

Ер устки қисмлари салат ҳолида ва овқатларга солиб истемол қилинади. Витаминларга бой, микроорганизмларга қарши ишлатилади.

София шуварани (сассикапа)-Дескураиния София-*Descurainia sophia* (L.) Webb. ex Prantl.

Бир йиллик, баландлиги 50-80 см бўган, кам шохланувчан ўт ўсимлик. Барглари 2-3 маротаба қирқилган, бўлаклари учли. Гулқўрғони узунчоқ бўлиб, 2,5 мм. Тожбарглари оқиш сариқ. Мевалари 10-30 мм узунликда, туксиз, учки қисми бир оз букилган.

Апрелда гуллаб, майда уруғлайди.

Бегона ўт сифатида ўтлоқларда, экинзорларда ўсади. Ўзбекистонни барча вилоятларида тарқалган.

Уруғидан тайёрланган дамламаси ошқозон-ичак иш фаолиятини кучайтириш учун, яъни уларни силлиқ мускулларини тонусини кўтариш учун қўлланилади.

Ўрмаловчи болтириқ-Сердечница ползучая-*Cardaria repens* (Schrenk) Jarm.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, юқори қисмидан шохланувчи, баландлиги 15-50 см. Барглари четлари аррасимон тишчали. Гули қалқонсимон, қисқа тўпгулларда жойлашган. Косачаси туксиз, яшил, 2 мм узунликда. Тожбарги оқ, узунроқ, косачасидан 2 бор узун. Уруғ тутқичлари букилганроқ, ингичка, 10-12 мм узунликда. Дуккаги шарсимон, 4 чанокли, ингичка, 10-12 мм узунликда, 4-5 мм энликда, устунчаси 1,5 мм узунликда.

Апрел-май ойларида гуллайди ва май-июнда уруғлари етилади.

Тўқай, экинзорлар, боғларда бегона ўт сифатида ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўсади.

Табобатда теридаги яраларга компрес қилинади. Кўкракдаги оғриқлар пайтида ичилади.

Шохланган читранги-Желтушник раскидистый-*Erysimum diffusum* Ehrh. (*E. canescens* Roth).

Икки йиллик, пояси бир ёки бир нечта бўлиб, 30-80 см, икки бошли туклар билан қопланган. Барглари ҳам икки бошли туклар билан қопланган, узунчоқ, теккис четли. Гулкосаси 6-8 мм узунликда, тукланган. Тожбарглари сариқ, 12-14

мм узунликда. Қўзоғи тўртбурчакли, тўғри, ингичка 45-70 мм узунликда, эни 1 мм.

Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларнинг ўрта минтақаларида, майда тошли тупроқларда ўсади. Тошкент, Наманган, Фарғона вилоятларида тарқалган.

Ўсимликдан тайёрланган спиртли настойкаси юрак қон-томир хасталикларида, юрак парогиди, стенокардия, вегетатив неврозларда ишлатилади.

Экма индов-Индау посевной-Eruca sativa Lam.

Бир йиллик, пояси тик ўсувчи, баландлиги 15-75 см, шохланган ўт ўсимлик. Барглари этли, сийрак тукланган, пастки барглари бўлакли. Косачаси 9-12 мм узунликда, сийрак тукланган. Тожибарглари 15-22 мм узунликда, бинафша ёки қўнғир рангли доғларга эга, понасимон, учки қисми ўйиқли, қўзоғи 2-3 см узунликда. Уруғлари икки қаторли 1,5-3 мм узунликда ва эни 1-2,5 мм узунликда, тўқ қўнғир рангда.

Апрелнинг охиридан июннинг бошигача гуллаб уруғлайди.

Йўл ёқалари экинзорларда бегона ўт сифатида, айрим ҳолда мой берувчи сифатида экилади. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Уруғида ёғ ва эфир мойлари, азотли бирикмалар, олтингургутли моддалар сақлайди. Уруғи иштаха очувчи сифатида ишлатилади. Уруғидан яраларни ва қичима хасталикларини даволашда ишлатилади.

Экма карам-Капуста огородная-Brassica oleracea L.

Икки йиллик, оч яшил ўсимлик. Пояси юқори қисмидан шохланади. Илдиз олди барглари этли ва йирик бўлиб, жуда қисқа бандли. Шиғил тўпламли гуллари кўп сонли гулларга эга. Гуллари йирик сариқ рангда. Қўзоғи 10 см узунликда.

Май-июнда гуллаб, июн-июлда уруғлари етилади.

Уруғи таркибида синигрин гликозиди, кўп микдорда ёғ, мирозин ферменти, шиллик, оксил моддалар бор. Уруғининг дори препаратлари хантал эфир мойининг спиртдаги 2% ли эритмаси бод, миозит (мушаклар шамоллаши), бронхит, нафас йўллариини шамоллаш касалликларини даволашда қўлланилади. Уруғи яна меъда касалликларида ишлатиладиган чойлар йиғмалар таркибига киради.

Экма турп-Редска обыкновенная-Raphanus sativus L.

Бир ёки икки йиллик, илдиз мевали ўсимлик бўлиб, яшил рангда. Пояси яхши ривожланган бўлиб, 80 см баландликка эга. Барглари туксиз ёки сийрак тукларга эга. Илдиз бўғзидагилари узун япроқли, уларни узунлиги 15-30 см ва эни 10-14 см. Гуллари оқ, пушти ва бинафша рангларда. Меваси қўзоқ.

Апрел-май ойларида гуллаб, май-июнда урғлари етилади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Илдиз меваларидан олинган шираси бронхит, кўк йўтал, қон тупуришда, жараларни битиришда, уруғларини спиртли настойкаси теридаги доғларни йўқотиш учун қўлланилади.

Саёқдошлар-Резедовые-Resedaceae S.F. Gray.

Сариқ саёқ (қалампиргул)-Резеда желтенькая-Reseda luteola L.

Икки йиллик ўт ўсимик, пояси биттадан, айрим ҳолларда бир нечта, ўрта қисмидан шохланувчан, барглар билан қалин ўралган, туксиз, баландлиги 60-80 см баргги бўтун, туксиз, ўтроқ, 6-9 см узунликда ва эни 8-12 мм, наштарсимон – наштарсимон. Гул тўплами бошқосимон, 13-45 см. Уруғи етилганда 60 см узунликда ва эни 10 мм, қалин жойлашган. Гуллари сариқ майда, гуллари т 1-1,5 мм узунликда, Уруғи Етилганда 2-2,5 мм га этади. Косачаси уруғида қолади, косача барглари 4 та бир хил 2 мм, тожбарги 4 та юқоридагиси 4-5 мм узунликда. Уруғи 1 мм узунликда.

Май-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Тепаликда, ариқлар бўйида, экинзорлар қирғоғида, тоғ ёнбағирларида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ўсимликда лутеолин моддаси бўлиб, унинг ранги сариқ. Уруғида 30% ёғ ва аччиқ горчичсимон моддалар сақлайди. Илдизидан болалардаги гижжаларни тўкиш учун қўлланилади.

Қайрағочдошлар-Карагачевые-Ulmaceae Mirb.

Ғудирини қайроғоч-Вяз (Карагач) шершавый-Ulmus scabra Mill.

Кўп йиллик, дарахт, баландлиги 20-25 м. Ёш поялари тўқ кўнғир, куртаклари майда сертукли, барг банди 0.5-1 см узунлида. Ёш барглари тукланган, япроғи 7-15(20) см. Этли тескари тухумсимон, доирасимон, икки учли тишчали. Уруғлари қанотчали 3 см узунликда.

Март-апрел ойларида гуллаб уруғлари етилади.

Тоғларда ва теккисликларда манзарали дарахт сифатида экилади.

Қанотларидан тозаланган уруғлари сут ва сариғ ёғ билан қайнатиб экземани даволанади. Захмда ичилади.

Сада қайроғоч-Вяз густой (Карагач)-Ulmus densa Litv.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, шохлари бир-бири билан ёнма-ён бўлиб шарсимон умумий кўриниш ҳосил қилувчи, баландлиги 10-14 см, дарахт куртаклари узунлиги 3-4 мм, тухумсимон туксиз. Косача барглари 6-7 мм

узунликда, сийрак тукланган, барг япроқлари 3-7 см узунликда ва эни 1,5-3 см, тухумсимон. Гуллари қисқа бандли чангчилари 4 қанотчали 2 см узунликда ва эни 1,2 см туксиз, юмалоқ, ёнғоқчаси қанотчасининг юқори қисмини ўртасида жойлашади.

Март-апрелда гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларини теккисликлари, тоғларида экилади.

Қанотларидан тозаланган уруғларини туюуб сут билан қайнатиб геморройда қўлланилади. Қурутилган илдизи қаймоқ (сарийёғ, ёғ) билан аралаштирилиб экземага суртилади. Майдаланган илдизи захм (сифилис) га қарши ичилади.

Текис қайроғоч-Вяз гладкий (Карагач)-Ulmus laevis Pall.

Кўп йиллик, дарахт шохлари қизғиш, тўқ кулранг ёки яшил кулранг. Куртаклари 4-6мм тукланган, барг япроқлари 5-9 см ва эни 3-6 см, тухумсимон узун шокроқ, икки бора тишчали гуллари сариқ 1,5 см узунликдаги тутқичларга эга. Уруғлари қанотчали 12-16 мм.

Тоғ олди ва теккисликларда манзарали дарахт ва ихота дарахтлари сифатида экилади. Қурғоқчиликка чидамли бўлганлиги ва шўр ерларга чидамли бўлганлиги учун Ўзбекистонда кўп экилади.

Уруғлари экземани даволашда қўлланилади.

Жўкадошлар-Липовые-Tiliaceae Juss.

Чузун мевали жут (Совун ўт)-Джут длинноплодный-Corchorus olitorius L.

Бир йиллик, пояси 1-3 м баландликдаги ўт-ўсимлик. Барглари кенг ланцетсимон, 5-12 см узунликда ва эни 2-6 см, четлари аррасимон, икки қаторли тишчали. Гуллари сариқ, 1-3 тадан барг култиғидан чиқади, диаметри 10 мм, чангчиси 50-100 та. Кўсаги цилиндрсимон, 5-10 см узунликда, қобирғали.

Июлда гуллаб, сентябрда уруғлари етилади.

Тошкент вилоятини Чирчиқ туманида экилади.

Тиббиётда уруғи ишлатилади. Уруғи таркибида юрак иш фаолиятини яхшиловчи (олиторизид, корхорозид), ёғ моддалар бор. Олиторизид строфантинга ўхшаш юракка таъсир қилгани учун унинг ампуладаги эритмаси қон айланишининг 1-2 даражали бузилиши, тахикардия, хасталигини даволаш учун ишлатилади.

Юрак баргли жўка-Липа сердцелистная-Tilia Cordifolia Bess.

Кўп йиллик, шохлари кенг, баландлиги 8-15 м бўлган дарахт. Барглари бандли, узунлиги 3-6 см, тукланган. Япроғи доирасимон, юраксимон, учки томони учли, четлари тишчаланган, 5-8 см узунликда ва эни 6-9 см, юқори қисми тўқ-яшил, туксиз, остки томони оч-яшил, бурчаклари ва тишлари олди узун тукли.

Барглари 3-9 тадан жойлашган. Гул тўпламидаги барглари 5-9 см узунликда ва эни 2-2,5 см. Косачаси ташқи томони тукланган, сарғиш-яшил, 6мм узунликда. Тожибарглари тўқ-сарик, 8мм узунликда. Тугунчаси билан туксиз, Ёнғоқчаси 10-12 мм узунликда, юмалоқ, 5 қобирғали, устунчаси тукланган.

Июнда гуллаб, сентябрда уруғлари етилади.

Тошкент ва бошқа шаҳарларда декоратив ўсимлик сифатида экилади.

Уруғларини туюиб бурундан ва яралардан қон кетишини тўхтатилади. Барги гуллари хушдан кетишда, бош оғриғида, турли тутқаноқларда, неврозда, ошқозон спазмасида қўлланилади.

Юраксимон жўка-Луна сердцевидная-Tilia cordata Mill.

Кўп йиллик, кенг шохланган дарахт. Новдалари қизил, ёш қисми тукланган. Барг бандлари 2.5-4.5 см узунликда. Япроғи доирасимон, асоси юраксимон, учки қисми ўткирлашган четлари икки бора тишчали (тишчалари тўмтоқ), 6-8 см узунликда эни ҳам 6-8 см, юзаси тўқ яшил, туксиз, остки томони оч яшил четларида қўнғир доғлари бор. Тўпгуллари 8-15 гулли. Косачаси 3-5 мм узунликда. Тожбарги сарғиш 4-6 мм узунликда. Тугунчаси туксиз устунчали. Ёнғоғи юмалоқ, 4-8 мм узунликда аниқ бўлмаган қобирғали, қалин тукланган.

Июнда гуллаб, сентябрда уруғлари етилади.

Марказий шаҳарлар ва туман марказларида манзарали дарахт сифатида экилади.

Гулининг дамламъаси ва гуллари терлатувчи чойлар йиғмалар таркибида турли шамоллаш.касалликларида терлатувчи дори сифатида ҳамда томоқ, оғриғи.оғиз ва томоқни чайиш учун қўлланилади.

Ясси баргли жўка-Луна широколистная-Tilia platyphylla Scop.

Кўп йиллик, кенг шохланувчи шарсимон. Новдалари сарғиш ёки очик кумуш ранг-қўнғир айрим ҳолларда қизғиш-қўнғир, кам тукланган. Барглари банди 3-6 см узунликда, тукланган. Эни ҳам 8-14 см. Гул тўплами 2-5 тадан. Ён гул барглари узунчоқ тилсимон, 7-12 см узунликда ва эни 1.5-3 см. Косачаси тухумсимон, ички томони тукланган. Тожибарглари узунчоқ ёки узунчоқ тухумсимон, 1.5-2 маротаба косачадан узун. Ёнғоғи юмалоқ тухумсимон, 10-12 мм узунликда, аниқ қобирғали.

Июнда гуллаб, сентябр ойида уруғлари етилади.

Ўзбекистон шароитига мослаштирилган. Манзарали дархт сифатида экилади.

Уруғларини туюиб бурундан ва яралардан қон кетишини тўхтатилади. Барги гуллари хушдан кетишда, бош оғриғида, турли тутқаноқларда, неврозда, ошқозон спазмасида қўлланилади.

Гулхайридошлар-Мальвовые-Malvaceae Juss.

Арман гулхайрисии-Алтей армянский-Althaea armeniaca Ten.

Кўп йиллик, пояси 80-150 см баландликда, юлдузсимон туклар билан қопланган. Барглари беш бўлакли, бандли. Гуллари барг қўлтиғидан чиқади. Тожибарглари косачасидан 2-2.5 маротаба узун. Тожибарглари пушти рангда, устки қисми ўйиқли. Уруғлари юлдузсимон туклар билан қопланган.

Июн-августда гуллаб, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Экинлар атрофида, тоғ олди туманларида, ер ости суви яқин бўлган жойларда ўсади. Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Қорақалпоғистонда ўсади.

Тиббиётда илдизи қўлланилади. Унинг таркибида кўп миқдорда шиллик моддалар, крахмал, пектин моддалар бор. Илдизининг препаратлари (кукуни, дамламаси, куруқ экстракт, шарбати) ва мукалтин. балғам кучирувчи, юмшатувчи, қоплаб олувчи ва яллиғланишга қарши восита сифатида нафас олиш йўллари шамоллаши ҳамда меъда-ичак касалликларини даволашда ишлатилади. Майдаланган илдизи нафас йўллари шамоллаганда ишлатилади.

Доривор гулхайри-Алтей лекарственный-Althaea officinalis L.

Кўп йиллик, пояси кам шохланган, юлдузчали туклар билан қопланган ва баландлиги 70- 150 см. Барглари тухумсимон, бандлари ўртача узунликда, оч яшил, туклар билан қопланган. Гуллари барг қўлтиғида тўпланган ҳолда. Косачаси тухумсимон туклар билан қопланган. Тожибарглари очик пушти озрок бинафша ранга яқин, косачадан 1,5-2 маротаба узун. Уруғлари оз моз буришган, туклар билан қопланган.

Июн-август ойларида гуллаб, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Тўқайларда, зах ерларда, ариқлар қирғоғида ўсади. Тошкент, Фарғона, Наманган, Самарқанд вилоятларида тарқалган.

Илдизининг қайнатмасидан Ибн Сино қон тупуришга қарши буюрган. Дамламалари овқат ҳазм қилиш органлардан қон кетишида, оғриқ қолдурувчи ва бўғинлар оғриғида қўлланилади. Илдизининг қайнатмасидан йўталга, шамоллашга, ич буруғида қўлланилади.

Ёввойи тугмачагул-Мальва дикая-Malva silvestris L.

Бир ёки кўп йиллик, пояси тик ўсувчи асосидан шохланган, икки учли туклар билан қопланган, баландлиги 25-100 см. Барглари доирасимон 5-7 бўлакли, узун бандли. Гуллари барг қўлтуғига тўпланган ва ён шохчаларда. Гултожиси косачасидан уч маротаба узун пушти-бинафша рангда.

Май-сентябрда гуллаб, июн-октябрда уруғлари етилади.

Экин майдонларида, йўл ёқаларида ва ташландик ерларда ўсади.

Тошкент, Самарқанд вилоятларида тарқалган.

Гулларининг дамламаси балғам кўчирувчи ва йўталга қарши ишлатилади.

Хўкиз бўритароғи (каноп)-Гибискус воловий-Hibiscus trionum L.

Бир йиллик, поясини баландлиги 15-60 см барглари қирқилган. Гуллари биттадан, устки томони дағал туклар билан қопланган. Косачаси барглари 10-13 тадан, наштарсимон калта тишчали. Косачасини кенг наштарсимон, тишчали, оқиш. Тожибарги сариқ тепалари тухумсимон, четида тўққизил доғлари бор. Кўсаги косачасидан катта Уруғи 2,5 мм узунликда, буйраксимон майда эгатчаларга эга, тўқ қўнғир ёки қора.

Июл-сентябрда гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистоннинг барча суғориладиган ерларида бегона ўт сифатида кенг тарқалган.

Баргларида тайёрланган дамламаси йўтал ва нафас олиш йўлларидаги балғамларни кўчириш учун ишлатилади.

Яланғоч гулли гулхайри-Алтей голоцветный-Althaea nudiflora (Lindl.) Boiss.

Кўп йиллик, кам сонли пояли, тик ўсувчи, баландлиги 70-200 см, юлдузсимон тукланган, тўкилувчи тукларга эга. Барглари узун бандли, япроғ 5-7 панжасимон қирқилган, четлари бурмали тишчали, икки томони ҳам юлдузсимон тукланишга эга. Гуллари йирик шингилсимон тўпгулга тўпланган. Косачаси тухумсимон 5 та косача барглardan ташкил топган, қалин тукланган. Тожибарглари тескари тухумсимон, юқорига қисқариб боради. Уруғлари кўракчада, ҳар бир кўракда 25-30 та уруғ ҳосил бўлади, уруғларини қирғоғи қанотчали, Уруғи 3-4 мм узунликда, буйраксимон қизил-қўнғир, нуқталарга эга.

Июн-август ойларида гуллайди ва июл-сентябрда уриғи етилади.

Теккисликларда нам жойларда ўсади. Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида гулининг қайнатмаси ичбуруғ касаллиги ва болалардаги кўп сўлак чиқиш хасталикларида қўлланилган. Гул ва барглари куюқ пластер (малҳам) тайёрлаб яралар ва сифилис яраларига, теридаги ўсмаларга қўйилган. Илдиз қайнатмасидан аёллар кўз ёригандан сўнги қон кетишини тўхтатиш учун ичирилган. Уруғида ҳам шундай хусусиятлар бор. Уйғурлар гулини қайнатмасидан безгак хасталикларини даволаганлар.

Тутдошлар-Тутовые-Moraceae Link.

Қора шотут-Тут черный (шелковица)-Morus nigra L.

Кўп йиллик, сершоҳ дарахт бўлиб баландлиги 7-10 м Барг бандлари 1-2 см майин гулларга эга. Барг япроқлари тухумсимон асоси юраксимон дағал этли

четлари тишсимон ўйиқли узунлиги 5-8 см эни 4-6 см дағал тукларга эга. эркак гул дўқсимон урғочи гуллар тухумсимон 1 см узунликда ва тўқ қора, қора бинафша рангларда.

Апрел-май ойларида гуллаб мевалари Май-июн ойларида етилади.

Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида экилади.

Шотут барги таркибида витамин С, мевасида қандлар, органик (олма, лимон) кислоталар, пектин моддалари бор. Қуритилмаган барг шираси томоқ оғриғи ва тиш оғриғини даволашда, меваси оғиз бўшлиғи касаллиллари, бўғма, қизилчада фойда қилади. Буруштирувчи, иситма кўтарилганда чанқовни босувчи ва сийдик ҳайдовчи таъсирга ҳам эга. Оғиз бўшлиғи ва томоқ касалликларида мевасининг дамламаси билан оғиз ва томоқни чайиш буюрилади.

Оддий анжир-Инжир обыкновенный-Ficus carica L.

Кўп йиллик, кичик дарахт бўлиб, поясини баландлиги 5-8 м Барглари 3-8 смли бандли қаттиқ туклар билан қопланган. Пластикаси 8-20см узунликда ва эни 6-15 см бўлиб панжасимон қирқилган. Мевалари сариқ, қорамтир-бинафша рангларда.

Апрелда гуллаб, август-сентябрда мевалари пишиб етилади.

Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида экилади.

Тиббиётда барги ва мевасидан фойдаланилади. Меваси таркибида кўп микдорда қандлар, витамин В ва С, каротин, органик (оксалат, лимон, олма, сирка) кислотадар ва бошқа моддалар, баргида фурукумаринлар (псорален) бор. Меваси сурғи дори канифиол таркибига киради. Баргининг фуракумаринлар йиғиндиси препарати псоберан пс касаллигини даволашда ишлатилади.

Оқ тут (балиқ тут, илон тут)-Белый тут (шелковица)-Morus alba L.

Кўп йиллик, сершоҳ баландлиги 10-15 м бўлган дарахт. Барглари 2-3 см.ли бандларга эга япроқларини четлари тишчали буйраксимон-панжасимон қирқилган. Эркак гуллар алоҳида кучалада жойлашган бўлиб 1.5-2 см. ни ташкил этади. Урғочи гуллари тухумсимон, зич жойлашган гуллардан иборат. Мевалари қора, оқ, пушти рангларда бўлади.

Апрелда гуллаб, майни охирида мевалари пишиб етилади.

Тоғли ҳудудларда денгиз сатҳидан 1500 м бўлган баландликларда июн-июлда мевалари етилади.

Тут меваси халқ табобатида қонни тозаловчи, қонни кўпайтирувчи, сийдик ҳайдрвчи восита сифатида, юрак ишини яхшилаш ва иситмани тушириш учун қўлланилади. Юрак мушаклари кичик тортиб кетган миокардиодистрофияни оқ тут меваси билан даволанганда анча яхши натижалар берган.

Нашадошлар -Коноплевые-Cannabaceae Endl

Ёввойи наша-Конопля сорная-Cannabis ruber alis janisch.

Бир йиллик, пояси 50-70 см бўлган ўсимлик. Барглари 3-7 бўлакли панжасимон ланцетник шаклида. Гуллари майда сарғимтир (кўримсиз).

Ариқлар бўйларида, экинлар қирғоғидаги бўш жойларда бегона ўт сифатида учрайди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида учрайди.

Уруғидан тайёрланган аралашмаси сийдик йўлларида дизенфекция қилиш учун ишлатилади. Сут билан қайнатилган иссиқ қайнатмаси қуруқ йўтални тўхтатиш учун, хроник бронхитда, бронхиал астма хасталикларида қўлланилади.

Экма наша-Конопля посевная-Connabis sativa L.

Бир йиллик, пояси 50-200 см бўлиб гуллар билан қопланган. Барглари 3-7 бўлакли, наштарсимон, четлари йирик тишчали.

Июн-июлда гуллаб, июл-августда уруғлари етилади.

Асосан суғориладиган ерларда экиб ўстирилади.

Ўсимликдан олинган шираси антибактериал хусусиятга эга. Уруғларини қайнатибюқори нафас йўлларида бронхит, ларингитни даволашда қўлланилади.

Газандадошлар -Крапивные-Urticaceae Endl

Икки уйли чаянўт-Крапива жгучая-Urtica dioica L.

Кўп йиллик, ўт ўсимлик. Илдиз пояси орқали кўп сонли поялар ҳосил қилади. Поялар баландлиги 60-100 см, кўп сонли куйдирувчи туклари бор. Япроқлари тухумсимон, юраксимон, четлари чуқур тишчали. Гуллари узун шохланган тўпгуллар эга.

Май-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистоннинг тоғли минтақаларида тарқалган. Тошкент, Фарғона Наманган, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхандарё, Хоразм, Қашқадарё, Қорақалпоғистонда тарқалади.

Тиббиётда барги ишлатилади. Барги таркибида витамин С, К, каротиноидлар, пантотен кислота, органик кислоталар, ошловчи моддалар бор. Баргидан олинган хлорофилл фармацевтикада ва озиқ-овқат саноатида бўёқ модда сифатида ишлатилади.

Сутламадошлар-Молочайные-Euphorbiaceae Juss.

***Доира баргли кўкмараз-Андрохие круглолистная-Andrachne rotundifolia*
С.А.Мей.**

Кўп йиллик, бута, туксиз, шохланган. Пояси бир ёки бир нечта, йўғонлиги 1мм баландлиги 10-20-25 см, ингичка қобурғали, асос қисми йўғонланувчи. Барглари доирасимон, етли, япроғини узунлиги 4-11 мм ва эни 5-9 мм, бандини узунлиги 1,5-3-4 мм, четлари майда тишчали. Гуллари 2-4 тадан барг қўлтиғида жойлашган. Эркак гулари (чангчиси), ипсимон тутқичли 1-1,5-(2) мм узунликда. Уруғчи гуллар тутқичи 1,5-2,5-3 мм узунликда, косача барглари ромбиксимон тўмтоқ.1,75-2 мм узунликда, яшил. Кўсаги 3 чаноқли 1,75-2 мм узунликда ва диаметри 2,3-3 мм оқ плёнкасимон. Уруғи бурчакли 1,5-1,75 мм узунликда ва эни 1 мм қора рангда.

Апрелда гуллаб августда уруғлари етилади.

Экинзорларда, тоғларни гил тупроқли, кумли жойларида ўсади. Андижон, Наманган, Фарғона Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида қайнатмаси дамламаси кучли ичбуруғда қўлланилади. Ветеренарияда отларни кучли терлашини қолдириш учун дамламаси ичирилади.

***Ер бағирлаган сутлама-Хамезице приземистая-Chamaesyce humifusa (Willd)*
*Prokh. (Eupharbia humifusa Willd.)***

Бир йиллик, туксиз, оч яшил, вегетацияни охрида бинафша ранга айланади. Пояси кенг ўйилган, ингичка, дихотамик шохланган, билинар билинмас эгатчали, баландлиги 5-20(30) см. Барглари калта бандли, 6-10 мм узунликда ва эни 1,5-5 мм, тўмтоқ, учки қисми майда аррасимон тишчали. Ён баргчалари майда 1 мм узунликда, чуқур 2 бўлакли. Косачаси туксиз, аниқ 3 бўлакли, доирасимон 1,5-2 мм узунликда ва диаметри 2 мм. Уруғи 4 қиррали, узунчоқ 1 мм узунликда, кўнғир, теккис. Етилганда кулранг.

Март ойида гуллаб, сентябрда уруғлари етилади.

Темир йўл кўтарилмаларида ўсади. Самарқанд вилоятида тарқалган (Самарқанд шари).

Табобатда ўсимликнинг ер устки қисмидан олинган сўтсимон шираси ёрдамида теридаги сугалларни йўқотилади. Илдизидан ич юритувчи сурги сифатида фойдаланилади.

***Зарафшон сутламаси-Молочай зеравшанский-Tithymalus zeravschanicus*
*(Regel).Prokh.***

Кўп йиллик, оч яшил, қалин калта туклар билан қопланган поясини баландлиги 10-40 см илдизпояли йўғон, кўп пояли. Пояси, эгатчали барглари

қалин жойлашган. Барглари навбатлашиб жойлашган, теккис четли (1.5)-4.5-5.5 см узунликда ва эни 5-17мм қисқа бандли. Соябони барглари 5 та. Гул ёнбарглари жуфт, тухумсимон 1-1.5-2.5 см узунликда ва эни 5-10 мм. юқоридаги соябони оддий 5 нурли. Уруғчи устунчаси 2.5-3 мм узунликда. Кўсакчаси 7-8 мм узунликда, 6-7 мм диаметрда тухумсимон, қалин тукланган. Уруғи тухумсимонроқ 5-6 мм узунликда, теккис, кулранг-қўнғир, холдор.

Июл-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларни тошли ёнбағрларида, қоялар орасида, қорға яқин бўлган жойларда ўсади. Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Тоғли аҳоли унинг танасидан ажиралган сўтсимон ширасидан кучли таъсир этувчи сурги сифатида фойдаланадилар.

Кунга боқувчи сутлама-Молочай солнцегляд-Tithymalus helioscopius (L.) Scop.

Бир йиллик, баландлиги 8-30-(50) см. Пояси биттадан ёки бир нечта, тик ўсувчи тўкилган барглар ўрнида ширамлари бор. Барглари навбатлашиб жойлашган, кураксимон, 10-28 мм узунликда ва эни 5-13мм, асоси понасимон қисқарган. Соябонини барглари 5 та, пояни ўраб олувчи шаклда, 3 см узунликда ва 2-2.5 мм энликда. Гул олди барглари, бандли 5-10 мм узунликда. Соябони 3-5 нурли, бирламчи нурлари киприксимон тукланган, 1-11-16 см узунликда, остки 3 та гулён барглар орасида ривожланади. Кўсаги шарсимон 3 чанокли, 2.5-3 мм узунликда ва диаметри 4 мм. Уруғи тухумсимон 1.5-2 мм узунликда қўнғирсимон рангда.

Март-август ойларида гуллаб, уруғлайди.

Йўл ёқалари, боғлар, экинлар орасида, ариқлар бўйида ўсади. Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ўсимликни кўп қисмини сўтсимон

Оддий канақунжут-Клещевина обыкновенная-Ricinus communis L.

Бир йиллик, баландлиги 1-5 м туксиз шохланувчан, бирламчи ва иккиламчи шохлари гул тўплами билан тугалланади. Барглари навбатлашиб жойлашган, узун бандли, япроғи панжасимон қирқилган. Шингил гуллари олди барглари қарама-қарши жолашган, улар олдида эркак гуллар, ундан кейин урғочи гуллар жолашган. Гуллари майда, яшил, пушти, қизил ва қўнғир рангларда. Кўсаклари турли рангларда, туксиз, теккис, уст томони тиканлар билан қопланган.

Июнь-сентябрда гуллуайди ва июль-сентябрда уруғлари пишиб етилади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида декератив ўсимлик сифатида турли навлари экилади.

Уруғидан олинган ёғи сурги сифатида, ичакларни фаолиятини кўзғатувчи, куйган яраларни тузатувчи сифатида қўлланилади.

Сурдарё сутламаси-Молочай сырдарьинский-Tithymalus jaxarticus Prokh.

Кўп йиллик, поясини баландлиги 30-100 см, 2-5 тадан пояли, йўғонлиги 5-6 мм, аниқ узунасига кетган эгатчали, юқори қисмидан шохланувчи тиник. Уруғсиз поялари калта. Барглари навбатлашиб жойлашган, узунчоқ наштарсимон 4-13 см узунликда ва эни 3-7 мм пояси қисқарган гулбандга ўхшаш, четлари теккис. Соябон барглари 10 та хар хил узунликда, ўтроқ 10-20-(50) мм узунликда ва эни 2-6 мм, гул олди барглари жуфт буйраксимон 6-20 мм узунликда ва эни 8-22 мм. соябони (5)-8-12 нурли. Кўсаги тухумсимон уч чанокли 3.5-4.5 мм узунликда. Уруғи тухумсимон 2.5 мм узунликда оқиш кулранг теккис.

Апрел-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Дарёлар ўзанида, ариқлар бўйларида, ташландиқ экинзорларда, тоғларни кам ўтлоқларида ўсади. Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларида тарқалган.

Ўсимликни ўсиб турганда узилган вақтда ажиралган сут шираси билан сугал ва оёқдаги кадоқларни, шунингдек теридаги яралар, қўтир, қичималар ҳам даволанади. Қуруғи туюлган илдизидан рак касалликларини даволашда қўлланилади.

Фарғона чунфуту (сутламаси)-Молочай ферганский-Tithymalus ferganensis (B.Fedtch) Prokh.

Кўп йиллик, баландлиги 30-75 см. Ёш ўсимликлар туклар билан қопланган. Илдизи туганаксимон, йўғонлиги 4 см. Пояси биттадан, тик ўсувчи, йўғон ўрта қисмидан шохланган. Барглари бутун, тезда тўкилиб кетувчи, (4)-5-7 см узунликда ва эни (2)-3-4 см. Соябони узунчоқ барглари 2-5 см узунликда, ингичка ва эни 1,5-4 см. Соябончаси 3 нурли шохлаган. Қопловчи барглари кенг қўнғироқсимон 5 мм узунликда, ингичка. Кўсаги шарсимон, 6-10 мм узунликда ва эни 7-11 мм, кучсиз эгатчали, кам тукли. Уруғи узунчоқ тўртқиррали 5-6 мм узунликда, кулранг-яшил.

Май-октябрь ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғ олди қисмидаги қурғоқчил, тошлоқ жойларида ўсади. Андижон вилояти (Қўрғонтепа) да тарқалган.

Илдизини қайнатмасидан ва илдизидан қичима хасталигида қўлланилади. Шираси теридаги тукларни тўкади.

шира ташкил қилади. Илдизидан сурги дори сифатида фойдаланилади.

Чалабўта секеруренга-Секуринега полукустарниковая-Securinega suffruticosa (Pall) Rehd.

Кўп йиллик, баландлиги 2 м бўлган бута, туксиз, барглари навбатлашиб жойлашган. Барги тухумсимон, асоси понасимон, очик яшил, қисқа бандли. Гуллари икки уйли, тожибарглари йўқ, эркак гуллар тўпламли, урғочилари якка жойлашган. Косачабарги 5 та, чангчиси 5 та, оналик тумшуғи икки бўлакли. Кўсаги шарсимон 5 мм узунликда, чаноғи очилувчан, 3-6 та уруғли.

Май-июнда гуллаб, июл-августда уруғлари етилади.

Кам бўлсада Ўзбекистонда экилади.

Тиббиётда ёш новдалари ишлатилади. Сепуринин нитрат моддаси марказий нерв системасини кўзғатувчи восита сифатида паралич (шол), жинсий заифланиш, ичаклар заифлашиши ва кўзнинг баъзи касалликларида ҳамда моддалар алмашинуви бузилганида қўлланилади.

**Келинсупургидошлар-Тимелевые (Волчниковые)-
Thymelaeaceae Juss.**

Пуфакчали келинсупурги-Двучленник пузырчатый-Diarthron vesiculosum. (Fisch. et Meg) C.A. Meg.

Бир йиллик, пояси шохланган, тўғри ўсувчи, теккис, баландлиги 15-50 см. Шохлари юқорига қараб ўсувчи. Барглари навбатлашиб жойлашган наштарсимон, 5-15 мм узунликда, қисқа бандли (2мм).юза томони тукланган, Гуллари навда ва поя учидаги шохларга тўпланган, икки жинсли. Чангчиси 4-8 та калта чангчи ипи билан. Ёнғоқчаси ялтироқ тухумсимон, қора 2 мм узунликда.

Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғ олди чўл худудларидаги гил тупроқли жойда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Қайнатма дамламаси уйқусизликда ва иштахани яхшилашда қўлланилади.

Семизакдошлар-Толстянковые-Crassulaceae D C.

Совуқ зарчой-Родиола холодная-Rhodiola gelida Schrenk.

Кўп йиллик, Илдизи йўғон, кўп сонли поялар ҳосил қилувчи ўсимлик. Баландлиги 3-10 см, ингичка юқори қисми эгилган, барглари навбатлашиб жойлашган узунчоқ бўлиб, четлари майда тишчали. Гул тўплами 1-2 см узунликда ва кўп сонли гулларга эга. Гуллари қисқа бандли. Тожбарглари сарик 4 мм узунликда.

Июн-июлда гуллаб, август-сентябр ойларида уруғлари етилади.

Алп ўтлоқлардаги қоятошлар ёриқларида ўсади. Тошкент вилояти (Ангрен дарёси юқорида), Қашқадарё вилояти (Ханақа сув-дарёсини юқори қисмида) учрайди.

Илдизидан тайёрланган қайнатмаси иш қобилиятини тикловчи, асаб, ошқозон, хасталикларида, организмни кучайтирувчи сифатида қўлланилади.

Турли тишчали зарчой-Родиола разнозубчатая-Rhodiola heterodonta (Hook.et Thoms.) Boriss.

Кўп йиллик, мустақкам йирик илдизли. Илдиз поялари кўп шохланган ва пардасимон учбурчак шаклидаги барглари билан (7-8 мм узунликда ва эни 8 мм) қопланган. Поя остидаги барглари йирик, узунлиги 30-40 мм 2-3 тадан, тик ўсувчи. Гул тўплами зич бўлиб, бошоқсимон-қалқон шаклида, барглари билан ўралган. Гуллари қисқа бандли 3-4 мм. Тўртлик типидagi гул.

Май-июнда гуллайди.

Тошли ва шағалли майдонларда денгиз сатҳидан 4000 м баландда ўсади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида учрайди. Илдизи қайнатмасидан қон тўхтатувчи, тўхтаб қолган менструацияни юргизиш, чарчоқни йўқотиш, организмни қувватлантириш учун қўлланилади.

Узун тишчали сохмасемизак-Ложноочиток длиннозубчатый-Pseudosedum longidentatum Boris.

Кўп йиллик, илдизи кўп сонли, йўғонлиги 7мм, попуқ илдизга ўхшаш. Поялари 1-3 тадан, тик ўсувчи, баландлиги 25-50 см. Барглари наштарсимон, 1-2 см узунликда. Гул тўпларининг эни 5-6 см, тўп гуллар туткичлари уруғланган вақтида узаяди. Гули 12-14 мм узунликда. Косачаси 4-5 маротаба тожибаргдан қисқа. Тожибарглари воронкасимон, уруғланганда қўнғироқсимон, пушти.

Апрел-май ойларида уруғлари етилади.

Дарахт ва буталар орасида, тошли, шағалли тупроқларда, (750)-1500-2500 м баландликда ўсади. Тошкент вилоятида тарқалган.

Ушбу ўсимлик куйдириб кулини фрункулни тез етилиб ёрилишини таъминлаш учун ишлатилади.

Қорақатдошлар-Смородиновые-Grossulariaceae D C.

Қора қорақат-Смородина черная-Ribes nigrum L.

Кўп йиллик, кичик бута, баландлиги 1-1.25 м. бўлиб, новдалари қўнғир. Барглари 12 см узунликда, 3-5 бўлакли, кенг учбурчак шаклда. Гул шингиллари 3-5 см бўлиб, 5-10 гулли. Гуллари 7-9 мм узунликда ва пушти-кулранг рангларда. Мевалари қора, ўзига хос ҳидга эга бўлиб, диаметри 10 мм.

Май ойларида гуллайди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида боғбонлар томонидан экилади.

Тиббиётда барги ва меваси ишлатилади. Барги билан меваси дамламаси лавша (цинга), ҳамда авитаминоз касалликларини даволашда терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланади. Улар яна витаминли чойлар йиғмалар таркибига киради.

Мейер қорақати-Смородина Мейера-Ribes meyeri Maxim.

Кўп йиллик, кичик бута бўйи 1,5 м сариқ, туксиз айрим ҳолларда сийрак тукли новдаларга эга. Калта шохчаларидаги баргларининг узунлиги 2,5-5,5 см ва эни 6-7 см, бош бўлакли юраксимон, четлари тишчали, шингиллари калта 2-4 см кўп гулли 4-12 гулли ва гул бандлари 1,5 -2 мм узунликда, тукланган. Гуллари сариқ ёки оч пушти. Мевалари қорамтир бинафша рангда, 6-8 мм диаметрда.

Июнда гуллаб, августда мевалари пишиб етилади.

Тоғларни бутазорларда, суб алп ўтлоқларигача кўтарилади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, вилоятларида учрайди.

Лимфатик безлар, туберкулозда, қон босими ортганда, жигар, юрак, йўтал, ошқозон оғриғида, диатезде тери хасталикларида ишлатилади.

Янчев қорақати-Смородина янчевского-Ribes janczewskii Pojaek.

Кўп йиллик, бута, сарғиш новдаларга эга. Барглари йирик 15 см гача, чуқур юраксимон, ўткир қирқимли, четлари ўткир тишчали. Гуллари 5 см гача бўлган шингилларда 5-10 тадан жойлашган. Гуллари 12 мм узунликда оч сариқ рангда. Мевалари қора, диаметри 13 мм.

Июнда гуллаб, мевалари августда пишиб етилади.

Тоғларнинг ўрта минтақаларида бўлган дарё, сойлар ўзанида ўсади. Тошкент, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Пояси витаминли чой сифатида, цингага, шамоллашларга ва ошқозон хасталикларига қўлланилади.

Раънодошлар-Розоцветные-Rosaceae Juss.

Алп ерчойи-Гравилат аленнский-Geum aleppicum Jacq.

Кўп йиллик, пояси 40-80 см, тик ўсувчи, дағал туклар билан қопланган. Илдиз бўғзидаги барглари лирасимон қирқилган, ён қирқимларини сони 6-8 та понасимон. Гуллари мустаҳкам поялар учида жойлашган. Тожбарглари кенг тескари тухумсимон, тукланган сариқ.

Май-июн ойларида гуллаб, июн-июл ойларида уруғи етилади.

Йўл ёқаларида ва турар жойлардаги таморқалар орасида ўсади. Тошкент (Ангрен), Самарқанд (Гуралаш), вилоятларида тарқалган.

Яшил новдалари барглари билан қайноқ сувда қайнатилиб йирингли яраларни ванна қилишда ишлатилади. Баргларидан тайёрланган дамламаси экземаларни даволашда қўлланилади.

Алп қонютари-Кровохлебка альпийская-Sanguisorba alpina Bunge.

Кўп йиллик, поясининг баландлиги 15-80 см, илдиз олди барглари узун бандли 11-17 см япроғи билан, туксиз, четлари аррасимон тишчали. Поясини юқори қисмидан шохланади. Гул тўплами тик турувчи 1.5-2 см узунликда, цилиндирсимон. Гуллари яшил сариқ, айрим ҳолларда қизғиш. Косачаси тухумсимон, 1 мм дан катта, чангчилари косачадан узун.

Июн ойида гуллаб, июлда уруғлари етилади.

Алп ва субалп ўтлоқларида ўсади. Тошкент (Ангрен дарёсининг юқори қисмида), Қашқадарё, (Тамшуш довонида) тарқалган.

Илдизидан тайёрланган қайнатмаси турли кўринишдаги қон кетишларда, ер устки қисмидан қориндаги оғриқларда, ўпка туберкулозда, бронхитда, тамоқ хасталикларида қўлланилади.

Анатолий пармачаги (маймунжон)-Малина анатольская (ежевика)-Rubus anatolicus Foeke. (Rubus turcomanicus Freyn).

Кўп йиллик, бута, пояси ва новдалари оддий, юлдузсимон туклар билан қопланган, тиканлари доимо қобурғалари устида жойлашади, тикани тўғри, остки қисми кенгайган. Барглари бешлик айримлари учлик типда. Овалсимон тишчали, четлари аррасимон тишчали. Гуллари узун бандларда жойлашган Косачабарглари тўмтоқ, тожибарглари пушти ёки оч пушти, меваси шарсимон бинафша рангда.

Май-июн ойларида гуллаб, меваси июн-сентябрда пишиб етилади.

Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида маданий ҳолда экилади.

Тиббиётда меваси ишлатилади. Дамламаси, шарбати ва чойлар йиғмаларга қўшилган меваси турли шамоллаш касалликларда терлатувчи восита сифатида қўлланилади.

Беггери наматаги-Шиповник Беггера-Rosa beggeriana Schrenk.

Кўп йиллик, бўйи 1-2,5 м бўлган бута ўсимлик. Тиканлари иккитадан барглар асосини олдида жойлашган 5-7 мм узунликда, учлари бўкилган асосини олдида жойлашган 5-7 мм узунликда, учлари букилган. Барглари 5-7-9 тали тоғ баргчали мураккаб бўлиб, четлари 9-12 тадан тишларга эга. Гуллари кўп сонли бўлиб, қалқонсимон ёки супургисимон тўп гуллар ҳосил қилади.

Май-август ойларида гуллаб, июл-октябрда меваси етилади.

Тўқайларда ва тоғларнинг ўрта минтақаларигача тарқалади. Тошкент, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Меваси витаминларга бой, оқсиллар алмашинувини яхшилайди, суяк иликларини фаолиятини тиклайди, ошқозон яллиғида, суяклар синганда, кам қонликда, организмни тиклашда қўлланилади.

Беи уруғчили дўлана-Боярышник пятипестичный-Crataegus pentagyna Wuldst.et.Kit.

Кўп йиллик, кичик дарахт, поя ва новдадаги тиканлари 5-10 мм. Барглари умумий кўриниши доирасимон, тухумсимон, япроғи тукли чуқур қирқилган. Гуллари 3-5 мм диаметрда, гуллари кўп сонли қалқосимон ва уни диаметри 10 см. Гултожлари доирасимон, оқ рангда. Меваси қора ёки тўқ қўнғир рангларда, шарсимон бўлиб диаметри 7-8 мм. Уруғлар сони 5 тадан.

Апрел ойида гуллайди, мевалари август ойида етилади.

Ўзбекистон шаҳарларида оз бўлсада экилади.

Гул ва меваларидан тайёрланган дамламаси юрак санчиғида, нафас олиш оғирлашганда, гипертонияда, ошқозон ичак хасталикларида қўлланилади.

Дамашқ атиргули (қизил атиргул, қирқоғайни)-Шиповник дамасский-Rosa damascena Mill.

Кўп йиллик, баландлиги 1,5 метр, бўлган бута. Тиканлари бир хилда учи озгина букилган. Барглари тухумсимон наштарсимон, усти туксиз, остки тукланган қизил, четлари тўлқинсимон тишчали. Гуллари кўп сонли қалқонсимон супургисимон. Тўпланган тожбарглари оч пушти, юқори қисми қизил.

Май-июн ойларида гуллайди.

Манзарали ўсимлик сифатида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Меваларидан тайёрланган дамламаси ўт халтасини олиб ташлагандан сўнг, жигар, ўт йўллари, буйрак тош хасталикларида қўлланилади.

Дарё ерчойи-Гравилат речной-Geum rivale L.

Кўп йиллик, йўғон илдизи қўнғир, барг қолдиқлари билан қопланган, поялари 1-3 тагача ва баландлиги 25-75 см, тик ўсувчи, туклар билан қопланган. Илдиз бўғзидаги барглари узун тутқичли. Гуллари оз сонда. Гултожлари гулкосачалари билан деярли тенг бўлиб қизғиш ёки оқиш-сарик бўлиб, қизил-қўнғир доғларг эга.

Май-июнда гуллаб, июн-июлда уруғлари етилади.

Тошкент вилоятида тарқалган.

Милклардан ва ички органлардан қон кетишида, астма ва турли кўринишдаги асаб хасталикларида қўлланилади.

Доривор тафлон (лавросеразус)-Лавровишня аптечная-Laurocerasus officinalis Roem.

Кўп йиллик, кичикроқ дарахт ёки бута. Шохлари туксиз, ялтироқ. Барглари овалсимон, узунчоқ наштаарсимон бўлиб узунлиги 8-16 см ва эни 6 мм, остки томонидаги асосий томирни ёнида 2-4 тадан безчалари бор. Барг бандлари жуда қисқа. Гул шингиллари 6-12 см узунликда, калта йўғон бандли. Гулининг диаметри 7 мм. Косача барглари қиррали, учбурчаксимон. Тожбарглари оқ овалсимон. Данаги қора, овалсимон ўткир.

Март-апрелда гуллайди. Совуқ кучли бўлган йиллари гулламайди, совуқ уриб кетади. Доим яшил ўсимлик.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида экилган.

Баргидан тайёрланган тафлон суви тинчлантирувчи ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида аччиқ бодом суви ўрнида ишлатилади.

Жунгор дўланаси-Боярышник джунгарский-Crataegus songorica C. Koch.

Кўп йиллик, ўртача бўйли дарахт, тиканлари тўғри 8-15 мм узунликда. Барглари туксиз, 3,5-5 см узунликда, ўртача эни 8 см умумий шакли ромбик. Гул тўплами кўп сонли гуллардан ташкил топган бўлиб, қалқон шаклида. Гулкўрғони диаметри 6 мм, чангчилари 18-20 тадан. Мевалари тўқ қизил, 12-15 мм шарсимон, юмалоқ, 1-2 тадан уруғларга эга.

Май ойида гуллаб, сентябрда мевалари етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларидаги сойлар ўзанида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида экилади.

Гул ва меваларидан тайёрланган дамламаси юрак санчиғида, нафас олиш оғирлашганда, гипертонияда, ошқозон ичак хасталикларида қўлланилади.

Зангори маймунжон (пармачак)-Ежевика сизая (малина)-Rubus caesius L.

Кўп йиллик, 50-150 см баландликка эга бўлган новдалари кўп сонли ва тиканлар билан қопланган. Барглари учли. Япроқларни чети тишчали ўйиқларга эга. Гул бандлари узун ингичка. Гултожиси эллипссимон оқ. Мевалари бир неча данакчали тўпладан иборат бўлиб қорамтир, бинафша рангда.

Май-июнда гуллаб, мевалари июн-июлда етилади.

Тўқайларда, арчазорларда, тоғ булоқлари ариқлар ва сойлар ўзанида тоғни ўрта минтақаларда ўсади. Тошкент, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Қон тўхтатувчи, асаб, юз асабларини даволашда мевалари барглари ишлатилади.

Итбурун наматак-Шиповник собачий-Rosa canina L.

Кўп йиллик, баландлиги 3 м метр бўлган бута танаси кўп сонли, йўғон кам шохланган. Тиканлари асосий шохларда камроқ 5-10 мм узунликда бош новдаларда тиканлари қалин аммо майда бўлади. Барглари 3-5-7 тадан 10-15 мм узунлиги ва 7-25 мм эни, четлари 2-1 тишчали. Гуллари 2-5 та қалқонсимон тўпгуллар ҳосил қилади. Гултожлари оқ ёки пушти рангда 4-6 см. Меваси қизил 2-3 см узунликда.

Май-июнда гуллаб июн-октябрда мевалари етилади.

Тоғларни пастки ва ўрта минтақаларидаги сойлар, ариқлар, арчазорлар орасида учрайди. Тошкент, Фарғона Қашқадарё, Самарқанд, Сурхандарё минтақаларида тарқалган.

Тибиётда наъматакнинг мевасининг қиёмидан (сувли экстрактини қуюлтириб, қанд қўшиб) тайёрланган қайнатма ўт пуфаги яллиғланиши, жигар касалликларига даво қилинади. Аскорбин кислота витамин С ва унинг препаратлари лавша (цинга) авитаминоз касалликларини даволашда ҳамда уларнинг олдини олишда қўлланилади. Меваси витаминли чойлар дамламалар таркибига қўшиб ишлатилади.

Кичик наматак-Шиповник небольшой-Rosa nanothamnus Bouleng.

Кўп йиллик, баландлиги 1,5-2,5 м бўлган кўп шохланган, ўта қалин, тиканли бута. Тиканлари 10-14-мм узунликда. Барглари ўртача этли, 5-7 баргчали доирасимон, тухумсимон, 5- 12мм узунликда ва эни 5-9 мм четлари икки бор майдасимон, аррасимон тишчаларга эга. Гуллари биттадан. Тожлари 9-13 мм узунликда лентасимон, пушти рангларда.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август ойларида мевалари етилади.

Тоғни ўрта минтақаларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхандарё, вилоятларида тарқалган.

Дамлама чойи сурги сифатида, сийдик ҳайдовчи, шамоллашга қарши, тиш оғриғида ҳамда юрак, жигар, ошқозон фаолиятини мустаҳкамлаш учун қўлланилади.

Кўп оилали кўкўт (харгизағиё)-Черноголовник многобрачный-Poterium polygamum Waldst. et Kit. (Sanguisorba minor).

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, цилиндрсимон, юқори қисми айрисимон шохланган. Баландлиги 40-80 см. Илдизпоялари яхши ривожланган, йўғонланган. Илдизолди барглари бандли, япроқлари 1-1,5 см узунликда тухумсимон, 3-9 та йирик тишчали, туксиз. Гуллари бошоқчада, узун туткичли шарсимон 2,5 см узунликда. Косачабарги очик сарик, кейинчалик қўнғир рангга ўтади. эркак гуллари 10(20-30) тадан, икки жинсли гулларда озроқ, Уруғи 4,5 мм узунликда ва

эни 2,5 мм, туксиз тўрт қиррали тухумсимон, қанотчали, қанотчаси 0,5 мм энликда.

Май-июнда гуллаб июлда уруғлари етилади.

Очиқ куруқ жойларда, йўл ва экинзорлар четида, боғлар ва ариқлар бўйида, тоғларни бетакали ўтлоқларида ўсади. Тошкент, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Илдиз пояси ва барглари буруштурувчи ва яраларни яхши даволовчи хусусиятларга эга. Янги узулган барглари яраларга қўйилади.

Қўқон ерчойи-Прямохвостник кокандский-Orthurus kokanicus (Regel et Schmalh.) Juz. (Geum kokanicum Regel et Schmalh.).

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, калта туклар билан қопланган, юқори қисмидан сохта дихотамик шохланган, баландлиги 15-45 см. Илдиз бўғзидаги барглари лирасимон бўлакларга бўлинган четлари тишчали, юқоридаги барглари ўтроқ. Гуллари 2-7 тадан, кенг қўнгиросимон, косачаси узунчоқ тухумсимон. Тожбарглари сариқ, юмалоқ, уруғи кам сонли 4-10 та.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғи етилади.

Арчазорларда, қоялар орасидаги намликларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида ўсимликнинг ҳамма қисми ишлатилади. Илдизпояси билан илдизидан тайёрланган қайнатмаси билан дамламаси ичкетарни, оғиз ва томоқ оғриганда уларни чайиш учун қўлланилади.

Қўқон наъматаги-Шиповник кокандский-Rosa kokanica Regel ex Juz.

Кўп йиллик, пояларини баландлиги 1,5-2 м, кўп сонли поялари сершоҳ, тиканлари деярли пояни ўраб олган, 7-8 мм узунликда. Барглари 7-9 жуфтли, тоқ баргчали 8-17-(20) мм узунликда ва эни 6-13-(15) мм, икки томони шохланган тукчали. Гуллари 1-2 тадан новдалар учида, 1-1,25 мм йўғонликда ва 4 см узунликда. Косачаси 9-15 мм узунликда, бўкилмайди. Тожбарглари сариқ, (3)-4,5-5 см диаметрда. меваси (10)-12-15 мм диаметрда, туксиз, этсиз.

Май-июлда гуллаб, июл-октябрда мевалари етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларида ўсади. Тошкент, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Уруғидан олинган мой ва мевасини этидан тайёрланган экстракти трофик яра, экзема, рентген нури таъсирида куйган териларни даволашда қўлланилади.

Озма гозяпроқ-Манжетка отклоненноволосистая-Alchimilla retropilosa juz.

Кўп йиллик, ўрта йирикликдаги ўт-ўсимлик. Илдиз бўғзидаги барглари 1,5-8см узунликда ва эни 2-10 см, буйраксимон ёки дастарсимон. Поясининг узунлиги

3-4,5 см, танаси ва барглари тукланган. Гуллари қисилган тўп гуллардан иборат, гул узунлиги 2,5-3,5 мм ва эни 3-4 мм, яшилроқ айрим ҳолларда яшил-сарик.

Июл ойида гуллайди.

Тоғ этакларида, ўтлоқларида ўсади. Асосан ғарбий тяншан тизмаларида тарқалган.

Қайнатмаси ва настойкаси қон кетишида, ичбуруғ хасталикларида ишлатилади.

Оддий маймунжон-Ежевика малина-Rubus idaelus L.

Кўп йиллик, бўйи 50-120 см баландликка эга, тиканлари сийрак. Гул новдалари қисқа ва улардаги барглари учли тигда. Гуллари оз сонли бўлиб, қалқонсимон-спурчисимон, тўпламда. Гул қўрғони қизил-кулранг, гултожлари лапаткасимон оқ рангда.

Май ойида гуллаб, июнда меваси етилади.

Ўзбекистонда фақат маданий жойларда учрайди ва барча вилоятларда экилади.

Қурутилган меваси тер ҳайдовчи сифатида, мева новдалари дамламаси геморой, гипертоник хасталикда, юздаги бўжималарга қарши ишлатилади.

Оддий нок (мурут)-Груща обыкновенная-Purus communis L.

Кўп йиллик, баландлиги 20-30 м сершоҳ, дарахт. Барглари пояда навбатлашиб жойлашади, юмалоқ, овалсимон, узун бандли. Гуллари барг қўлтиғида соябонсимон жойлашган. Гуллари 2,5-3 см. Тожбарглари пушти оқ рангда, майда қўнғирсимон доғлари бор. Меваси ноксимон, уруғлари қизғиш-қўнғир 4-6 мм узунликда.

Апрелда гуллаб июлдан ноябргача бўлган вақтда етилади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида 10 дан ортиқ навлари экилади.

Мевасидан тайёрланган шарбати сийдик ҳайдовчи, буйрак тош хасталигида, қурутилган мевасини қайнатмаси йўталда, ич буруғда, овқат ҳазм йўлларида иш фаолиятини яхшилашда қўлланилади.

Оддий олча (аччиқ гилос, олволи)-Вишня обыкновенная-Cerasus vulgaris Mill.

Кўп йиллик, баландлиги 8 м бўлган дарахт. Айрим ҳолларда бир нечта асосий пояларга эга бўлади. Барглари доирасимон, узунчоқ овалсимон учлари учли, четлари тишчали. Гуллари бир куртакдан зонтиксимон гуллар ҳосил қилади ва гуллар барглари билан бир вақтда ривожланади. Мевалари юраксимон, тўқ қизил, этли.

Март-апрел ойларида гуллаб, май-июн ойларида мевалари етилади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Тиббиётда мевасидан тайёрланган шарбати ишлатилади. Меваси таркибида қандлар, органик кислоталар, каротин, витаминлар С, В ва РР, ошловчи моддалар уруғида эфир мойи, ёғ ва амигдалин гликоиди бор. Мева шарбати фармацевтикада баъзи бир Суюқ дорилар таъмини яхшилаш учун ҳамда иситмани пасайтирувчи, иштаҳани очувчи восита сифатида ва шамоллаш касалликларида қўлланилади. Фармацевтика амалиётида олча елимидан эмульгатор сифатида фойдаланилади.

Оддий ўрик-Абрикос обыкновенный-Armeniaca vulgaris. Lam.

Кўп йиллик, 8-10 м баландликдаги дарахт. Поясининг йўғонлиги диаметри 20-60 см. Барглари, оддий, бандлари узун то 5 см гача, япроқлари доирасимон учи ўткир, четлари теккис бўлмаган аррасимон тишчалардан иборат. Гуллари 1тадан, тожибарглари оқ ёки пушти рангларда. Меваси данакли юмалоқ, тухумсимон.

Март-апрел ойларида гуллайди, июл-сентябрда етилади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Тиббиётда уруғидан олинадиган мойи (шафтоли мойи номи билан юритилади) ва дарахтидан олинадиган елими ишлатилади. Мевасининг юмшоқ қисмида қанд, органик кислоталар (олма, лимон кислотаси), каротин, витамин С ва РР, флавоноидлар, пектин, минерал, ошловчи моддалар бор. Уруғида (мағзида) кўп микдорда мой, эмульсин ферменти; аччиқ данакли ўрик мағзида эса амигдалин гликозиди бирикмалар бор. Ўрик мойи баъзи дори моддалар (камфора, гормонлар), инъекцион эритма ва суюқ суртмалар тайёрлашда ўрик дарахти елими мойли эмульсия тайёрлашда (эмульгатор сифатида) аччиқ данакли ўрик уруғи аччиқ бодом суви тайёрлашда ҳам ишлатилади.

Оддий шафтоли-Персик обыкновенный-Persica vulgaris Mill.

Кўп йиллик, бўйи 5-8 м бўлган кичик дарахт. Ёш новдалари қўнғир-қизил рангда. Кекса поялари кулранг. Кенг шохланиш хусусиятига эга. Куртаклари ёш новдаларда 2-3 тадан бир жойга тўпланган бўлиб, майин туклар билан қопланган. Барглари қисқа бандли бўлиб, япроқларини узунлиги 8-15 см ва эни 2-2,5 см, узун наштарсимон шаклда. Гуллари битадан бўлиб, барглардан олдин ривожланади. Гуллари оқ, пушти, қизил рангларда бўлиб диаметри 2,3-3,5 см гача. Меваси данакли бўлиб тухумсимон, узунлиги 5-7 см.

Март-апрел ойларида гуллаб, июл-август ойларида меваси етилади.

Ўзбекистонни барча вилоятларида экилади.

Тиббиётда уруғидан олинадиган мойи, ишлатилади. Уруғи таркибида кўп микдорда мой, эфир мойи, эмульсин ферменти моддалар, мевасининг юмшоқ қисмида каротиноидлар, қандлар, витамин С, органик кислоталар, эфир мойи, пектин ва бошқа моддалар, калий ва магний тузлари бор. Шафтоли мойи

доришунослик амалиётида суюқ суртма дорилар тайёрлашда ҳамда баъзи дори моддаларни (камфора) битишда қўлланилади. Уруғидан. аччиқ бодом сувига ўхшаш таъсирли препарат тайёрлаш мумкин.

Оддий шимурт-Черемуха обыкновенная-Radus racemosa (Lam) Gilib. (P. avium Mill.)

Кўп йиллик, 8-10 м дарахт, пояси тўқ қизил ёки қизил. Барглари тухумсимон ланцетник шаклда, япроқлари қўнғир қизғиш рангда, 3-10(15) см узунликда ва эни 3-5 см, япроқ усти теккис, тўқ яшил усти тукланган рангдор. Барг банди 1-2 см. Гуллари оқ ўткир ҳидли диаметри 1 см. Гултожилари оқ, доирасимон тескари тухумсимон, данаги кучли буришган.

Апрелда гуллаб, августда мевалари пишиб етилади.

Боғларда ва паркларда манзарали дарахт сифатида ва мевасини истемол қилиш мақсадида экилади,

Меваси ва баҳорда олинган ёш новдалари билан пўстлоғининг қайнатмасидан ичаклар шамоллаганда қабул қилинади.

Оқ атиргул-Роза белый (Шиповник)-Rosa alba L.

Кўп йиллик, баландлиги 2 м бўлган бута ўсимлик тиканлари мустаҳкам, учи қайрилган. Барглари узунчоқроқ, юзаси туксиз, остки томони тукланган, четлари аррасимон тишчали гул барглари 2 см. Гуллари биттадан новдаларни учларида жойлашган. Гул қўрғони пушти ёки оқиш. 5 см диаметрда.

Май ойида гуллайди.

Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва туманларида экилади.

Тибиётда гул баргидан олинган эфир мойи ишлатилади. Эфир мойи асосан гераниол, цигронеллол, нерол терпеноидлардан таркиб топган. Эфир мойи ва унинг ҳушбуй ҳиди фармацевтика амалиётида дориларнинг ҳиди ва таъмини яхшилаш учун қўлланилади. Эфир мойидан Болгарияда тайёрланган дори препарати трозанол спазмга қарши таъсирга эга булиб, буйрак, ўт пуфаги, қовуқ. ҳамда ўт ва сийдик йўллари тош касалликларини даволашда ишлатилади.

Олтой дўланаси-Боярышник алтайский-Crataegus altaica Lange.

Кўп йиллик, 3-5 м баландликдаги дарахт. Тана ва новдаларида деярли тиканлари йўқ. Барглари туксиз, 3,5-12 см узунликда ва эни 2,5-10 см, япроқлари 5-7 та бўлакларга бўлинган. 20-35 гуллардан иборат, қалқонсимон тўпгулга эга. Гултожиси оқ, 20 тадан чангчиларга эга. Меваси этли, ширин тамли, 4-5 тадан данакли.

Тоғларни унумдор тупроқли қисмларида, ёнғоқзорлар, арчазорлар, олмазорлар орасида ва қисман тошли, шағалли тупроқларда ўсади. Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Дори препаратлари (гулининг сурмаси (настойкаси) ва мевасининг Суюқ, экстракти юрак касалликларини, юрак ишининг функционал бузилиши, оғир касалликлардан сўнг юракнинг кучсизланиши, тахикардия, титровчи аритмия, гипертонияни даволашда ҳамда аёлларда климакс даври бошланшида қўлланилади. Мевасининг суюқ экстракти юрак касалликларида ишлатиладиган кардиовален препарати таркибига киради.

Самарқанд намагаи-Шиповник самаркандский-Rosa maracandica Bunga.

Кўп йиллик, баландлиги 1 м. бўлган бута. Ёш новдалардаги тиканлари қалин жойлашган, 8-9 мм узунликда. Барглари 7-9 тадан бўлиб, майда 2-4-7-мм узунликда узунчоқ-тухумсимон, четлари тенг бўлмган тишчалардан иборат. Гуллари 1 тадан ва уларни гултожлари, 1,4-2,6 мм узунликда, тилларанг, сариқ рангда.

Май-июн ойларида гуллайди, июн-август ойларида меваси етилади.

Тоғни ўрта минтақаларида ўсади. Тошкент, Наманган, Фарғона Қашқадарё, Сурхандарё вилоятларида тарқалган.

Мевасини қайнатмаси милклар қонаганда, ошқозон ичаклар хасталикларида ичилади. Гул ва барглари қайнатмаси шамоллашга ва цингага қарши ичилади.

Сариқ дўлана-Боярышник понтийский-Crataegus pontica C. Koch.

Кўп йиллик, поясини баландлиги 8-10 м бўлган дарахт, тиканлари йўқ. Барглари қалин ҳар икки томони ҳам сийрак тукланган, узунлиги 4,5-6,5 см ва эни 4,5-5 см. Барг тутқичлари 2-3 см. Барглари умумий кўриниши понасимон. Гуллари зич қалқонсимон тўпгул ҳосил қилади. Гул қўрғонини диаметри 12-15 мм. Мевалари йирик, диаметри 15-25-(28) мм оч сариқ баъзан оч пушти рангларда, уруғлари 2-3 тадан.

Июнда гуллаб, мевалари сентябр-октябр ойларида етилади.

Денгиз сатҳидан 1000-1500 м бўлган баландликларда тошли баъзан қалин тупроқли қисмларида яқка ёки кичик гуруҳлар ҳосил қилиб ўсади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ўсимликнинг меваси таркибида тритерпен сапонинлар, кислоталар, флавоноидлар (гиперозид, кверцитрин, кверцитин), холин, ацетилхолин, ошловчи моддалар, гулида флавоноидлар, эфир мойи, тритерпен сапонинлар, кислоталар, холин, ацетилхолин бирикмалар бор. Дори препаратлари (гулининг сурмаси (настойкаси) ва мевасининг суюқ, экстракти юрак касалликларини, юрак ишининг функционал бузилиши, оғир касалликлардан сўнг юракнинг кучсизланиши, тахикардия, титровчи аритмия, гипертонияни даволашда ҳамда аёлларда климакс даври бошланшида қўлланилади. Мевасининг суюқ экстракти юрак касалликларида ишлатиладиган кардиовален препарати таркибига киради.

Сарик чой (Аломотчой)-Репейничек азиатский-Agrimonia asiatica juz.

Кўп йиллик, кучли илдизпояли, поясини 30-130 см . Тик турувчи . Барглари устки қисми қалин тукли, яшил, остки томони момиқ қалин туклар билан қопланган. Япроқлари 7-9 бўлакли, чуқур тишчали, ва ҳар томонида 6-9 та шундай тишчалар бор. Гул тўплами узун, уруғларини етилиш даврида 40 см гача этади. Гул тожлари тўқ сарик.

Май-июн ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади. Ёнғоқзор ўрмонлар, йўл бўйлари, арик ва сой бўйларида ўсади.

Ўзбекистонни ҳамма вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида ўсимликнинг ҳамма қисми ишлатилади. Ер остки ва ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси халқ орасида бод, истисно, иситма касалликларини даволаш учун ичишга берилади, оғиз бўшлиғининг яллиғланиш касаллигида оғиз томоқни чайишга ҳамда сийдик ҳайдовчи, қон оқишини тухтатувчи ва буруштирувчи восита сифатида қўлланилади. Баданга турли тошмалар тошганда ўсимлик қайнатмаси билан бадан ювилади. Сарикчой дамламаси ва Суюқ экстракти қон оқишини тўхтатувчи ва сийдик ҳайдовчи таъсирга эга эканлиги тажрибада тасдиқланган ва шу мақсадда, илмий табобатда ишлатишга тавсия этилган.

Тиббиётда барги ишлатилади. Таркибида эфир мойи, органик кислоталар, алкалоидлар, смола, моддалар, мевасида кофеин, теобромин алкалоидлари, органик кислоталар, мой бор. Баргининг сурмаси (настойкаси) асаб чарчаганда, бош оғриганда, оғир касалликдан сўнг мадорсизланганда, қон босими пасайиб кетганда организмнинг умумий қувватини оширувчи восита сифатида қўлланилади.

Тиканли дўлана-Боярышник колючий-Crataegus oxyacantha L.

Кўп йиллик, кичик дарахт, тиканлари 1-2 см. Барглари тескари тухумсимон, доирасимон, 2,5-4 см узунликда ва 2-5 см. Гуллари 6-10 тадан қалқонсимон жойлашади. Гултожлари доирасимон, пушти рангда. Меваси шарсимон, тўқ-қўнғир-қизил 2-3 данакли.

Апрелда гуллайди.

Ўзбекистонни шаҳарлари ва боғларида манзарали дарахт сифатида экилган.

Юрак ва қон томир хасталикларида мевасини дамламаси қўлланилади.

Туркистон маймунжони-Ежевика туркестанская-Rubus turkestanicus. Regel.

Кўп йиллик, умумий баландлиги 1,5 метр бўлган ястаниб ўсувчи, кўп сонли пояларга эга бўлган бута. Гул ва новдалари қисман букилган кўп сонли тиканлар билан қопланган ва уларни узунлиги 3-5 мм ни ташкил этади. Барглари учли

бўлиб, узун бандли. Япроқларини четлари икки бора аррасимон тишчали чуқур бўлинган. Гул тўпми супургисимон, гуллари оқ, мевалари қора.

Июн-август ойларида гуллаб, август ойида меваси етилади.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида соя ва нам жойларда ўсади. Тошкент вилоятининг Лашкарак сойни юқори қисмида тарқалган.

Оғриқ қолдирувчи, буруштирувчи, шамоллашга қарши, қон оқишини тўхтатувчи, қонли ичбуруғда, геморройда ва тери хасталикларида қўлланилади.

Туркистон четан-Рябина туркестанская-Sorbus turkestanica (Franch) Hedl.

Кўп йиллик, кичикроқ дарахт, баландлиги 3-5 м, айрим холларда паст бутасимон, ёш новдалари яшил, эски поя ва новдалари қизғиш, куртаклари думалоқроқ 15 мм узунликда, учи учқир, оз моз тукланган. Барглари 10-16-(22) см узунликда, 6 ёки 8 жуфтли, банди тукланган. Гул тўплами йирик диаметри 15 см. Косача барглари учбурчаксимон. Тожбарглари 1,5-2 см диаметрда. Меваси 12 мм бўлиб хомлигида кўкиш қизил етилганда тўқ қизил рангда.

Июнда гуллайди, августни охирида мевалари етилади.

Тоғларни ўрта ва юқори қисмидаги бутазорлар, арчазорларда ва айрим холларда четанли ўрмонлар ҳосил қилади.

Тошкент ва Самарқанд вилоятларида тарқалган.

Меваларида витаминлар кўп бўлганидан лавша (цинга) ва авитаминоз ҳасталикларини даволашда ва витаминлар еғмасига қўшилади.

Тяньшон четани-Рябина тяньшаньская-Sorbus tianschanica Rupr.

Кўп йиллик, асосидан бир нечта поялар ҳосил қилувчи дарахт. Кўп йиллик поялари қўнғир, ёш новдалари кулранг, яхши тукланган. Барглари 6,5-7,5-(10) см узунликда ва эни 3.5-5 см. Кўп сонли гуллари қалқонсимон тўп гуллар ҳосил қилади. Чангчилари 15-25 та, тугуни 2-5 уруғ паллали. Меваси этли 2-5 уяли, диаметри 12 мм қизил.

Июнда гуллаб сентябрда мевалари етилади.

Тоғларни 2000-3000 м бўлган баландликларида арчазорлар орасида баъзи қалин четанзорлар ҳосил қилади.

Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Меваси қон кетишида қўлланилади. Барг ва гулларини қайнатмасидан гемаройда ва жигар ҳасталикларида қўлланилади.

Ўрмаловчи (тик ўсувчи) ғозпанжа-Ланчатка ползучая-Potentilla reptans L.

Кўп йиллик, ўқ илдизи йўғон, кўп поя ҳосил қилувчи, илдиз бўғизи қолдиқ барглар ўрни билан қопланган. Пояси ингичка, 30-100 см узунликда, бўғимларидан илдиз ҳосил қилувчи ва туклар билан қопланган. Илдиз бўғзидаги барглари узун бандли, учбурчак шаклидаги барги четлари теккис. Гуллари

биттадан, диаметри 20 мм, барг қўлтиғидан ўсиб чиқади. Гултожиси сариқ, тескари юраксимон.

Май-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Теккисликларда ва тоғларни ўрта минтақасигача ўсади. Асосан нам тупроқли жойлар, ариқлар ва сойлар ўзанларида, булоқлар атрофида тарқалган.

Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Илдизпояси таркибида ошловчи моддалар, тритерпен сапонинлар бирикмалар бор. Дори препаратлари қайнатмаси, сурмаси (настойкаси) ва чойлар йиғмалар таркибида оғиз бўшлиғи яллиғланиши, меъда-ичак касалликлари (энтерит, энтероколит ва ичкетар), куйган ерларни, гуш (экзема) тери касалликларини даволашда ишлатилади. Ер устки қисми таркибида ошловчи моддалар, витамин С, флавоноид бирикмалар, илдизида ошловчи моддалар бор. Ер устки қисми Здренко, йиғмаси таркибига киради.

Федченка намагаи-Шиповник Федченки-Rosa fedtschenkoana Regel.

Кўп йиллик, бўйи 2-3 метр борадиган, кўп шохли бута. Тиканлари кўп ва қалин 10-13 метр узунликда, новдаларидагиси 4-9 мм. Барглари 5-9 та бўлиб япроқлари этли, тўқ қизил тухумсимон, 10-13 мм узунликда ва эни 8-20 мм. четлари аррасимон тишчали. Гуллари 1-2-3 тадан жойлашиб тожбарглари 22-25 мм узунликда, учбурчак шаккли ва оқ, пушти рангларда бўлиб диаметри 8-9 см.

Июн-август ойларида гуллаб, июл-сентябрда мевалари етилади.

Тоғларни юқори ва ўрта минтақаларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, ва Сурхондарё вилоятларида учрайди.

Сийдик ҳайдовчи, авитаминозга қарши, асал билан юқори нафас йўллари хасталикларида қўлланилади.

Хонаки олма-Яблоня домашняя-Malus domestica Borkh.

Кўп йиллик, баландлиги 13 м бўлган дарахт, шарсимон шохландан. Барги йирик узунчоқ, ту хумсимон, 7-9,5 см узунликда ва эни 5-6,5 см, четлари аррасимон тишчали, остки томони тукланган. Гуллари йирик оқ ёки пушти рангда. Гулкосаси учбурчак наштарсимон, 8 мм узунликда ва эни 3 мм. Мевалари шарсимон, 44-65 мм узунликда диаметри 50-70 мм. Оқ, қизил рангларда.

Ўзбекистонни барча вилоятларида экилади.

Меваси кучли ичбуруғда, қабзиятда, овқат хазмни яхшилашда, кам қонликда, юрак склерозидида қўлланилади.

Хонаки олхўри-Слива домашняя-Prunus domestica L.

Кўп йиллик, баландлиги 12 м бўлган дарахт. Новдалари тикансиз, қобиғи кулранг қўнғир. Барглари эллипсимон, юқори қисми яшил туксиз, остки қисми оч

яшил тукланган, четлари ўткир, айрим ҳолларда икки бора тишчаларга эга . гуллари баргидан сўнг ҳосил бўлади. Косачаси кенг овал шаклда. Тожбарги оқ ёки яшилсимон доғли, чангчилари 30 та. Меваси 2 см узунликда, турли шаклларда, ранги қизилдан то бинафшагача, данакли.

Апрелда гуллаб, июл-август ойларида меваси етилади.

Ўзбекистонни барча вилоятларида экилади, ёввойи ҳолда Фарғона ва Тошкент вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда мевасидсидан фойдаланилади. Ўсимлик меваси сурги восита сифатида қўлланиладиган кафиол препарати таркибига киради.

Ҳар хил мевали ерчой-Прямохвостник разноплодный-Orthurus heterocarpus (Boiss) Juz .

Кўп йиллик, поялари сони 1-3 та, юқорига кўтарилувчи, сохта дихоталик шохланган, поясининг баландлиги 30-50 см. Илдиз пояси яхши ривожланган. Илдиз олди барглари қисқа бандли, япроқлари чуқур ўйилган. Гуллари 5-12 тадан, безчали тукланган, қўнғироқсимон. Косачаси учкур, ташқиси ичкиларидан калта, тожбарги сариқ-оқ понасимон, тескари тухумсимон, косача баргдан икки марта калта. Уруғи 6-15 тада, остки аъзоси ва устунчалари туксиз.

Май ойида гуллаб, июнда уруғлари етилади.

Ўзбекистонни жанубий вилоятларида тарқалган.

Ўсимликнинг ҳамма қисмидан фойдаланилади. Илдиз ва илдиз пояларини қайнатмасидан ичкетар, оғиз ва тамоқларни, ер устки қисмидан оғиз ва тамоқни чайиш ва тиш хасталикларини даволашда қўлланилади.

Чўзинчоқ беҳи-Айва продолговатая-Cydonia oblonga Mill.

Кўп йиллик, пояни баландлиги 2-6 м этадиган дарахт. Барглари тухумсимон, четлари қирқилмаган теккис. Гуллари қисқа бандли, оқ рангда. Мевалари Етилганда оч сариқ, лимон рангларда, устки томони калта момик туклар билан қалин ўралган, тухумсимон ёки узунчоқ тухумсимон шаклларда, мева эти қалин ва ўзига хос ҳидга, тамга эга.

Апрелда гуллаб, сентябр-октябрь ойларида мевалари етилади.

Ўзбекистонни ҳамма мевазор боғларида ва хўжаликларида экилади.

Тиббиётда уруғи ишлатилади. Таркибида шиллиқ модда, амигдалин гликозиди, мой бирикмалар бор. Уруғининг қайнатмаси кўплаб-ўраб олувчи восита сифатида меъда ва ичак деворининг таъсирланишини камайтириш ҳамда дори моддаларнинг сурилишини (шимилишини) кучайтиришда қўлланилади.

Шарқ гозпанжаси-Ланчатка восточная-Potentilla orientalis Juz (P.bifurca).

Кўп йиллик, чала бута, ер остки қисми эски қолдиқлар ҳисобига чимлашган. Ўтсимон бир йиллик пояси 2-40 см, туклар билан қопланган, шохланган. Барча

барглари бандли, 2-9 та ён барглари, бўтун қисман тукланган. Гули 10-17 мм диаметрли. Ташқи косачаси наштаарсимон. Тожбарглари сариқ, тескари тухумсимон, теккис четли, чангчилари 20 тадан.

Апрел–август ойларида гуллаб, уруғлайди.

Тоғларни пастки ва ўрта қисмларидаги тупроқли, майда тошли жойларда ўсади. Тошкент, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Чой сифатида дамлаб ичилади. Ошқозон иш фаолиятини мустаҳкамловчи, хазмни яхшиловчи сифатида ҳам ичилади.

Шарқ дўланаси-Боярышник восточный-Crataegus orientalis Pall.

Кўп йиллик, кичик бута ўсимлик. Барглари қалин тиканлари ҳам қалин, устки ва остки томонлари тукланган, уч панжали ва 5-7 бўлакли. Гуллари кам, аммо қалин жойлашган, тожбарглари оқ. Меваси 12-20 мм диаметрда, оз тукланган ва 4-5 данакли.

Апрелда гуллайди. Тошкент ва Самарқанд шаҳрида экилган.

Мевасидан тайёрланган дамлама стенокардия, гипертония, юрак неврози, хасталикларида қўлланилади.

Шарқ олхўриси (олича)-Слива восточная-Prunus sogdiana Vass.

Кўп йиллик, тиканли дарахт. Баландлиги 2-6 м. Барглари турли катта кичикликда. Ёш новдадаги барглари узунлиги 45-50 мм ва эни 18-21 мм. Энсиз наштаарсимон. Гулларининг диаметри 20 мм, меваси 10-20 мм узунликда, турлича шаклларда, нордон ёки аччикроқ. Данаги 9-10 мм узунликда, сиқилган тухумсимон.

Март-апрелда гуллаб, июн-июлда мевалари етилади.

Тоғ сойларида, дарёлар ўзанларида, ўртача намли тупроқли жойларда, ёнғоқзорлар ва бутазорларда денгиз сатҳидан 800-2000 м бўлган баландликларда шимолий ва ғарбий ёнбағирликларда ўсади.

Меваси таркибида С, В, В₂, В₆, Е, РР ва Р витаминлар сақлайди. Енгил сурги сифатида ва кафиол препарати таркибига киради.

Экма (оддий) бодом-миндаль обыкновенный-Amygdalus communis L.

Кўп йиллик, баландлиги 4-8 см бўлган дарахт. Қишки куртаклари 5-7 мм узунликда ва эни 2-2,5 мм. Барглари новдаларда навбатлашиб жойлашган, узун бандли 1,5-2,5 см, япроқлари 4-6-(8) см узунликда ва эни 1,5-2,5 см, кирғоқлари аррасимон тишчали. Гуллари ўтроқ, тожибарглари оқ ёки пушти рангда, кенг доирасимон бўлиб узунлиги 15-20 мм ва эни 15 мм. Меваларининг усти қисқа қалин туклар билан қопланган.

Февраль-март ойларида гуллайди, июл-август ойларида мевалари етилади.

Тоғолди туманларида то 1600 м бўлган баландликларда ва Ўзбекистоннинг барча теккисликларида экилади. Асосан Фарғона водийси, Қашқадарё ва Сурхондарёда кенг экилади.

Тиббиётда бодомнинг уруғи ва унинг мойи ишлатилади. Уруғи таркибида кўп миқдорда мой, оксил модда, сахароза, витамин Б₁ эмульсин ферменти бирикмалар, аччиқ данакли бодом уруғида эса бунга кўшимча амигдалин гликозиди бор. Бодом мойи ич юмшатувчи дори сифатида, фармацевтика амалиётида баъзи дори моддаларни эритиш ва суртмалар тайёрлашда қўлланилади. Бодом уруғидан (мағизидан) тайёрланган эмульсия ва аччиқ бодом уруғи нинг кунжарасидан олинган аччиқ бодом меъда ва ичак оғриқларида оғриқ қолдирувчи ва тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилади.

Эрон почақирқари (четик)-Хультемия перседская-Hulthemia persica (Mechx.) Borum (Rosa persica Michx.).

Кўп йиллик, бута, баландлиги 15-25 см. Ўсимликни ҳамма қисми калта туклар билан қоланган, шохлаҳган. Тиканлари биттадан навбатлашиб жойлашган, айрим ҳолларда 3 тадан, пастга қараб қайрилган, оқ рангда. Барглари оддий 16-18 мм узунликда ва эни 7-9 мм, этли тескари тухумсимон. Гуллари поя ва шохчалари учида жойлашган, косачабарглари бўтун, икки томони тукланган. Тожибарглари тиллоранг сариқ, тўқ қизил доғлари асосида жойлашган. Уруғи 10 мм узунликда ва эни 10-12 мм. Уруғи узунчоқ 5мм узунликда, ялтироқ тўқ қўнғир.

Май-июнда гуллайди, июн-августда уруғлари етилади.

Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тоғ олдидаги юмшоқ тупроқларда тарқалган.

Дамламаси, шарбати ва чойлар йиғмаларга қўшилгап меваси турли шамоллаш касалликларда терлатувчи восита сифатида қўлланилади.

Найкосадошлар-Дербенниковые-Lythraceae Jaume St.Hil.

Оддий найкоса (кўк йўнғичқа)-Дербенник обыкновенный-Lythrum salicaria L.

Кўп йиллик, сер тук, пояси тик ўсувчи, шохланган, баландлиги 7-100 см. Барглари карама-қарши жойлашган, айрим ҳолларда ҳалқасимон жойлашган. Ўтроқ узун наштарсимон. Гуллари поя ва шохчалар учида жойлашган. Косачаси 12 томирили, 5-7 мм узунликда. Тожбарглари тўқ қизил рангда.

Июн-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Ариқ ва сойлар қирғоғида, тоғ олди теккисликларида ўсади. Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё, Қорақалпоғистонда тарқалган.

Илдиз ва гулларида тайёрланган қайнатмаси қон йўқотишда, қутурган хайвонлар тишлаганда, оғриқни қолдирувчи сифатида қўлланилади.

Анордошлар-Гранатовые-Punicaceae Horan.

Оддий анор (анор дарахти)-Гранат обыкновенный-Punica granatum L.

Кўп йиллик, 1.5-2 м баландликдаги бута, барглари қисқарган новдаларда тўп ҳолда, узун новдаларда қарама қарши жойлашган, этли, 15-60 мм узунликда ва эни 7-15 мм. Гуллари қисқарган барг меваларда жойлашган. Косачаси этли, қўнғир-қизил рангда 20-40 мм узунликда. Тожибарглари очроқ қизил, доирасимон, 15-20 мм узунликда.

Май-август ойларида гуллаб, сентябр-октябр ойларида етилади.

Сурхондарёда ёввойи ҳолда ўсади.

Маданий навлари Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Пўстлоқлари таркибида алкалоидлар, ошловчи моддалар, пўстлоғининг препаратларидан организмдан тасмасимон гижжаларни, хайдаш учун. меваси пўстлоғининг қайнатмаси яраларни даволашда қўлланилади Анорнинг нордон навлари меваси таркибида кўп микдорда лимон кислота бор.

Қизилбаргдошлар-Ослинниковые-Onagraceae Juss.

Ингичка баргли Ҳаманериум (Иванчай)-Иван-чай узколистный-Chamaenerium angustifolium (L.) Scop.

Кўп йиллик, илдиз пояли ўсимлик булиб, поялари шохланмайди, баландлиги 70-100 см. Барглари ланцетсимон, ўтроқ, четлари теккис. Гуллари шингилсимон тўп гулларга эга булиб пояси учли қисмида жойлашади. Гултожлари тўқ пушти, калта пихли, 15 см узунликда. Кураги қалин калта туклар билан қопланган, 4-8 см узунликда. Уруғлари 1 мм узунликда, қаймоқранг оқ.

Июнда гуллаб, августда уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларида, нам жойларда, арчазор ўрмонларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Наманган, Самарканд ва Кашкадарё вилоятларида тарқалган.

Барглари қон кетишни тўхтатувчи, шамоллашга қарши ва бачадон хасталикларида, тинчлантирувчи, бош оғриқни қолдирувчи сифатида қўлланилади.

Тукланган эрилобиум-Кунрей волосистый-Epilobium hirsutum L.

Кўп йиллик, пояси шохланган, баландлиги 50-70 см. Барглари узунчок наштарсимон, пояни ярим ўраб олувчи, юқори қисми кам тукланган, четлари аррасимон тукланган. Косачаси наштарсимон, учли, тожибарглардан калта. Тожибарглари тўқ қизил, 15-18 мм узунликда, тескари юраксимон юқори қисми ўйикли. Оналик тумшукчаси 4 бўлакли. Кўсаги 5-6 см узунликда. Уруғи тескари тухумсимон, 1мм узунликда, майда эгатчали.

Июнда гуллаб сентябрда уруғлари етилади.

Сув хавзаларига яқин бўлган жойларда ўсади. Тошкент вилояти Қорақалпоғистон (Амударё ўзанларида) тарқалган.

Барглари енгил сурги сифатида қўлланилади.

Урутдошлар-Сланоягодниковые-Haloragaceae R.Br.

Бошоқдор урут-Уруть колосистая-Myriophyllum spicatum L.

Кўп йиллик, пояси сув хавзасини чуқурлигига нисбатан 50-150 см узунликда, шохланган, шохлари ҳам сув юзасигача кўтарилиб чиқади. Барглари 4 тадан халқасимон жойлашган, 1-3 см узунликда асосигача қирқилган, ипсимон ингичка. Гули кўкиш ёки бинафша рангда. Гул тутқичи 3-10 см узунликда. эркак гуллари косачаси кенг кўнғироқсимон, 1 мм узунликда. Тожбарглари эллипссимон 2 мм узунликда ва эни 1,5 мм узунликда. Урғочи гуллари 2 мм узунликда, тожбарглари жуда майда.

Май-июл ойларида гуллаб уруғлайди.

Секин оқадиган, кўл ва сув хавзаларида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Барглари яраларни тез пиширувчи ва битирувчи, яралардаги йирингларни ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)-Мотильковые (Бобовые)- Fabaceae Lindl (Leguminosae Juss.)

Бўёк берувчи босма-Индигофера красильная-Indigofera tinctoria (L).

Кўп йиллик, кичик бута, пояси 1-1,5 м баландликда, мевалари ингичка узун бўлиб, тукланган. Барглари тоқ баргчали мураккаб 4-7 жуфт, япроқлари тухумсимон, узунлиги 1,5-3 см ва эни 0,7-1,5 см. Гул шингиллари барглар қўлтиғидан чиқади. Шингилдаги гуллари сийрак ва уларни узунлиги 8-16 см. Тожбарглари қизил-бинафша, косачадан 3-4 мартта узун. Дуккаги 2-4 см узунликда ва эни 3,5 см.

Асосан декоратив ўсимлик сифатида экилади.

Теридаги яралар, фурункулда ва жигар хасталикларида ишлатилади. Баргидан соч бўёғи тайёрланади (қора рангда).

Бўёқдор гəниста-Дрок красильный-Genista tinctoria L.

Кўп йиллик, кичик бута, баландлиги 50-100 см. Барглари узунчоқ-наштарсимон, 4 см узунликда ва эни 10 мм учи игнасимон. Ён барглари ўткир тикансимон. Гуллари сариқ, қалин шингилсимон тўпгул. Гулкосаси 5 мм узунликда. Гул паруси тухумсимон 10-15 мм узунликда. Меваси дўккаги, букилган 20-25 мм узунликда.

Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди.

Манзарали ўсимлик сифатида Самарқанд шаҳрида экилган.

Геморрой, жигар, ўт йўллари ва бачадон мускулларини тиклашда ишлатилади.

Бурушган сингрек (нўхатак, кийикпанжа)-Астрагал морщинистый-Astragalus corrugatus Bertol.

Бир йиллик, баландлиги (5)7-15 см. Пояси бир оз шохлаган оз-моз эгатчали, сийрак ёки туксиз. Барги (2)4-6 см узунликда, банди жуда қисқа баргчалари 5-9 жуфтдан, узунроқ ёки наштаарсимон 5-11 мм узунликда. Гул тутқичлари тукланган, барглари билан тенг оқ қора ёки оқ момиқли. Шингили сийрак 1-5 гулли, 1-2 см узунликда. Косачаси қисқа новсимон, 5 мм узунликда, қора оқ момиқли. Тожбарги бинафша рангда. Елкани 8 мм узунликда. Дуккаги юқорига қараб туради, 2-4 см узунликда ва эни 2-2,5 мм, тўрт қиррали, ичида қаттиқ 1-1,5 мм узунликда, 14-20 тадан уруғларга эга.

Апрел ойида гуллаб, апрел-май ойларида уруғлари етилади.

Тошли шағал жойларда, қумлоқларда, қолдиқ жойларда ўсади. Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Табобатда уруғлари қайт қилдирувчи сифатида қўлланилади. Бундан ташқари кучли сурги дори сифатида ҳам қўлланилади.

Бутасимон аморфа-Аморфа кустарниковая-Amorpha fruticosa L.

Кўп йиллик, пояларини баландлиги 1-2 м. Ён баргчалари 7 мм узунликда ва эни 0,5 мм. Тоқ баргчали мураккаб барглари 9-17 см узунликда ва эни 5-10 см. Гуллари майда шингилда ўтроқ, шингилларини узунлиги 9-14 см. Гуллари қўнғироқсимон, тожибарглари тўқ бинафша рангда Дукак мевасининг узунлиги 2-3 см.

Июн ойида гуллаб, уруғлари август-сентябр ойларида етилади.

Етилган уруғлар тўкилмасдан айрим ҳолларда баҳоргача сақланади. Фарғона, Тошкент, Наманган, Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида сув ўзанларини мустаҳкамлаш учун экилган хозирда сув ўзанларида кенг тарқалган.

Тиббиётда уруғи ишлатилади. Унинг таркибида ротеноидларга кирадиган аморфин ва аморфол, гликозидлар, мой моддалар бор. Аморфиннинг дори препарати фрўтицин тинчлантирувчи ва кардиотоник. восита сифатида юрак-томир касалликларига қўллашга тавсия етилади.

Грек шамбаласи-Пажитник греческий-Trigonella foenum-graecum L.

Бир йиллик, поясининг баландлиги 10-50 см, кўтарилиб ўсувчи, юмалоқ, эгатчали, оз-моз шохланган. Баргларининг япроқлари 2-3 см узунликда ва эни 1-

1,5 см узун наштарсимон, юқори қисми тишчали, бандлари 2 см узунликда. Гуллари 1-2 тадан, барг қўлтиғида жойлашган, ўтроқ. Косачаси 8 мм узунликда новсимон, тукланган тожбаргдан икки бора калта. Тожбарги сариқ. Елкани 13-18 мм узунликда. Дуккаги 7-10 см узунликда (тумшукчаси) ва эни 4-5 мм, наштарсимон, бироз букилган. Уруғи 10-20 тадан, узунлиги 5 мм ва эни 3 мм.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл–август ойларида уруғлари етилади.

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида учраган. Айрим жойларда экилади.

Ўсимликни уруғини дамламаси иштаха очишда, РР витаминга бўлган талабни қолдириш учун ўпка хасталикларида, шунингдек теридаги фурункулга, йирингли жараларга, экзема ва бошқаларда ишлатилади.

Данакли оққурай-Псоралея костянковая-Psoralea drupacea Bunge.

Кўп йиллик, илдизи ўқ илдиз бўлиб, тупроққа чуқур кириб боради. Пояси билинар-билинемас қиррали, туклар билан қопланган, шохланувчан, 60-130 см баландликка эга. Барглари оддий ёки уч бўлакли доирасимон, узунлиги 1,5-5 см ва эни 2,5 см, қалин тукланган. Гуллари оч кўк ёки бинафша рангда бўлиб, барг қўлтиғидан чиққан шингилларга жойлашади. Уруғлари майда қалин туклар билан қопланган.

Майдан то сентябр ойигача гуллаб уруғлайди.

Лалми экинлар орасида, адирликларда ва тоғ олди ҳудудларда кенг тарқалган. Тошкент, Наманган, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида учрайди.

Тиббиётда меваси ва илдизи ишлатилади. Таркибида эфир мойи, ошловчи моддалар, фуракумаринлар кумарин умбеллиферон, гликозид друпацин, қандлар бор. Псорален пес касаллигини даволашда қўлланилади.

Доривор қашқарбеда-Донник лекарственный-Melilotus officinalis (L).Pall.

Икки йиллик, пояси шохланган, баландлиги 20-100 см. Япроқлари тухумсимон, наштарсимон, 9-25 мм узунликда ва эни 13-16 мм, остки томони тукланган, четлари сийрак тишларга эга. Гул шингилида гуллари зич 30-80 гача, узунлиги 8-15,5 см. Гулкосаси 2-3 мм. Гултожлари сариқ. Елкани узунлиги 5 мм, эни 3 мм. Дуккаги тухумсимон 3-5 мм узунликда ва эни 2-2,5 мм.

Май ойидан августгача гуллаб уруғлайди.

Тоғни ўрта минтақаларида ва йўл ёқаларида, боғлар, ариқ ва сойлар ўзанларида ўсади. Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида кенг тарқалган.

Тиббиётда ер устки, қисми ишлатилади. Ер устки қисми ич юмшатувчи чойлар таркибида ва ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси йирингли ярага

чипқонларни даволашда қўлланилади. Қайнатмаси қонни ивитмайдиган таъсирга эга.

Икки рангли леспедеза-Леспедеза двухцветная-Lespedeza bicolor Turcz.

Икки йиллик бута, баландлиги 1.5 м. Шохчалари ясси, тупланган. Барг бандлари қисилган, тукларга эга, 2-3 см узунликда ва 3 тадан япроқли, япроқлари устки қисми ўйиқли, 1.5-3 см узунликда ва эни 1.2-2.5 см. Шингили 3-4 см узунликда. Косачаси қизғиш. Елкани доирасимон, пихи қизил. Қанотчаси қизил, қайиқчаси пушти. Дуккаги 5-6 мм узунликда ва эни ҳам шунча.

Май-июнда гуллаб уруғлайди.

Тоғларни кўкаламзорлаштириш учун экилади.

Ер устки қисмининг сурмаси (настойкаси) флавоноидлар йиғиндисининг дори препарати сийдик ҳайдаш ва азотемия касаллигига қарши таъсирга эга. Буйрак, сийдик йўллари касалликларни даволашда қўлланилади. Шунингдек, бу препаратлар қондаги холестерин миқдорини камайтиради ва ёмон шишларга қарши таъсир кўрсатади. Халепин препарати вирусга қарши таъсирга эга булиб, учукни даволашда қўлланилади.

Ингичка баргли сано (Ҳинд саноси)-Кассия узколистная (индийская)-Cassia angustifolia Vahl.

Кўп йиллик, чала бута ўсимлик, барглари 5-9 тали тоқ баргчали, мураккаб барг, япроғи мўтлоқ туксиз, узунлиги 20-60 см ва эни 2 см. Гуллари нисбатан йирик, тожбарглари эллипссимон. Дуккаклари узунчоқ 55-65 мм ва эни 20-24 мм.

Июл-сентябр ойларида гуллаб, уруғлайди.

Сурхондарё вилоятида экиб ўстирилади.

Ўсимлик барги сурги сифатида ва бавосил касаллигида ишлатиладиган чойлар йиғмалар, кафиол ва антрасеннин препаратлари таркибига киради. Тиббиётда номлари эслатиб ўтилган касалликларни даволаш учун барги ҳам ишлатиб келинмоқда.

Қалин уруғли талхақ-Талхақ (горчак) толстоплодный-Vexibia pachycarpa (C. Mey.) Yakovl.

Кўп йиллик, пояси майин туклар билан қопланган, баландлиги 30-45 см. Барги 10-18 см узунликда, япроқлари 8-13 жуфтли, эллипссимон узунлиги 2 см ва эни 5-8 мм. Гуллари поя учидаги сичала шингилда жойлашган, 7-24 см узунликда. Косачаси новсимон-қўнғироқсимон бўлиб, узунлиги 6-6,5 мм. Паруси узунчоқ овал шаклида 4-5 мм энликда. Қайиқчиси 10-12 мм узунликда ва эни 3 мм. Дуккаги 4,5-6 см ва эни 7-9 мм.

Апрел-майда гуллайди, июн-июлда уруғлари етилади.

Ариклар қирғоғида, йўл ёқалари ва буғдойзорлар, экин майдонларини қирғоғида, ташландиқ жойларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона вилоятларида тарқалган.

Уруғи ни 6-7 тасини туюиб овқат хазмини яхшилашда, ўсимликни ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма хайвонлар оғиз бўшлиғидаги зулукларни тўкишда қўлланилади. Шунингдек теридаги қичима, экзема, темираткиларни даволашда қўлланилади.

Лемани аччиқбутаси-Аммотамнус леманна-Ammothamnus lehmanii Bunge.

Кўп йиллик, бута, баланлиги 50-100 см, кўп шохланган, поялари 4-10 мм йўғонликда, кулранг қобиқли. Барглари тоқ баргчали мураккаб, 10-19 см узунликда, қисқа бандли 2-4см узунликда, мураккаб баргдаги жуфт баргчалари 6-16 тагача жуфт бўлиб жойлашган. Гуллари кўп гулли шингилда жойлашгн 10-18 см узунликда. Косачаси қўнғироқсимон, 5-6 мм узунликда, узун учбурчак шаклда тишчали. Тожибарглари оқ, гулини елкани 12-15 мм узунликда. Тугуни наштарсимон, ипаксимон, 1-1,5 мм узунликдаги тутқичли. Дуккаги икки марта сипиралсимон эшилаган. Уруғи 1-2 тадан,

Апрел-май ойларида гуллайди. Май-июн ойларида етилади.

Қумли, шағалли, тупроқларда ўсади. Бухоро (Қой-кудуқ, Хўтаб) ва Сурхандарё вилоятида тарқалган.

Ўсимлик таркибида сапокарпин алкалоиди сақлайди. Илдизини қайнатмасидан ревматизм хасталикларини даволаш учун ванна қилинади.

Ленкорн Альбицияси (Доривор альбиция)-Альбиция ленкоранская-Albizzia julibrissin Durazz.

Кўп йиллик, баландлиги, 4-5 м га борадиган дарахт. Барглари яшил, дағал, йирик, барглари бандли, япроғидан 3-8 баравар қисқа, 2 бора чуқур қирқилган мураккаб барг, 12-48 см узунликда ва 6-8 см энликда. Гуллари ажралган шарсимон, тўп гул ҳосил қилади. Тўп гулга 11-25 гул бирикади Чангчилари пушти, 30-35 мм узунликда. Дуккак меваси 7-15 см узунликда ва эни 1,5 -2,5 см.

Июнда гуллаб, июл-август ойлари уруғлари етилади.

Ўзбекистонни барча шаҳарлри ва туманларида манзарали дарахт сифатида экилади.

Гулларидан тайёрланган қайнатма йўталаг ва нафас қисишга қарши ишлатилади. Поясини пўстлоғидан тайёрланган дамламаси иштаха очувчи ва овқат хазм қилиш органларини даволаш учун қўлланилади. Пўстлоқ ва новдаларидан тайёрланган дамламаси гижжаларни хайдаш учун ишлатилади.

Навбатлашган гулли афсонак-Термонсис очередноцветковый-Thermopsis alterniflora Regel. et Schmalh.

Кўп йиллик, поясини баландлиги 50-70 см тик ўсувчи, шохланган сийрак туклар билан қопланган. Барглари учлик типда, бандли, наштаарсимон, япроқлари эллипссимон узунроқ, 25-40-(60) мм узунликда ва эни 5-20-25 мм. Устки қисми туксиз, остки қисми тукли. Гуллари йирик, сариқ, пояни учида шингилчада тўланган. Косачаси 10-15-(20) мм узунликда ва эни 5-8-(10) мм, қалин тукланган. Елкани 20-30 мм узунликда, ва эни 15-25 мм юмалоқ юқори қисми ўйилган. Дуккаги 3-6 см узунликда, ва эни 1-1,6 мм, калта ёпишган туклар билан қопланган. Уруғлари очиқ, кўнғир, яшилсимон кўнғир, теккис, 5-6 мм узунликда ва эни 3-4 мм.

Май-июнда гуллаб, уруғлари июн-июлда етилади.

Тоғларнинг пастки қисмида майда тупроқли, ва экинзорлар четида ўсади. Тошкент вилояти (Ангренда) тарқалган.

Ер устки қисмини дамламаси сурункали бронхит, ўпка туберкулозида, балғам кўчирувчи, нафас олиш тўхтаб қолганда кўзгатувчи, қон босимини кўтарувчи сифатида қўлланилади.

Найза баргли сано-Кассия африканская(Сенна-остролистная)-Cassia acutifolia Del.

Кўп йиллик, чала бута ўсимлик. Барглари (3)-5-7 тадан (тоқ баргчали) мураккаб барг, япроқлари тухумсимон лансетник шаклида, момик туклар билан қопланган, 15-30 мм узунликда ва эни 4-10 мм. Гуллари майда, шарсимон, шингилларда тўпланган сариқ рангда. Дуккак мевалари буйраксимон 40-45 мм узунликда ва эни 16-20 мм.

Июл-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Сурхондарё вилоятида экиб кўпайтирилади.

Барг ва мевалари таркибида антрацен унумлари (сеннозид, А ва В, реин, алойэмодин, глюкореин флавоноидлар, салицилат кислоталар, смолалар бор. Дори препаратлари (дамламаси) куруқ экстракт, сенадексин, мураккаб сано дамламаси сурги сифатида қўлланилади. Сано барги сурги сифатида ва бавосил касаллигида ишлатиладиган чойлар йиғмалар, кафиол ва антрасэнин препаратлари таркибига кириди.

Оддий (туксиз) ширинмия-Солодка обыкновенная-Glycyrrhiza glabra L.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, кам шохланувчан, баландлиги 45-120 см калта, дағал туклар билан қопланган. Барглари 9-15 см узунликда. Япроқчалари 3-7-9 жуфтликда, узунчоқ тухумсимон 2-4 см узунликда ва эни 0,8-2 см узунликда. Гул шингили чала, узунлиги 7-8-(12) см. Гулкўрғони новсимон 5-6 мм узунликда. Гултожбарглари бинафша, остки томони оқиш. Паруси новсимон 8-9 мм

узушликда ва эни 5 мм. Қайиқчани узушлиги 6-6,5 мм ва эни 1,5 мм. дуккаги 2-7 уруғл.

Апрел-июл ойларида гуллаб, уруғлари Май-сентябр ойларида етилади.

Теккисликлардаги экинлар қирғоғида, дарё ўзанлари, ариқ ва сойларни ўзанларидан тоғларни ўрта минтақаларигача чиқади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси, Хоразм ва Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Илдизи таркибида кўп миқдорда тритерпен салонин глицирризин, флавоноидлар, қандлар, крахмал, эфир мойи, витамин С, ураленоглюкурон кислота, аччиқ моддалар бор. Дори препаратлари куруқ ва қуюқ экстракти, шарбати нафас йўллари касалланганда балғам кўчирувчи, сурункали қабзиятда, сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланади. Ўсимлик кукуни, қайнатилган илдизи ва куруқ экстракти фармацевтика амалиётида дори тайёрлашда, суюқ, дори шакллари ва чойлар йиғмалар таъмини яхшилаш учун ишлатилади. Илдизининг кукуни мураккаб қизилмия кукуни, экстракти кўкрак эликсири, қирқилган-илдиз булакчалари сийдик ҳайдовчи ва ич юмшатувчи, чойлар йиғмалар таркибига киради.

Оддий ловия-Фасоль обыкновенная-Phaseolus vulgaris L.

Бир йиллик, пояси чирмашиб ўсувчи, узушлиги 3 м га боради. Барглари 3-5 типиди мураккаб барг. Гуллари узун гулбандли бўлиб, уни учидаги ўтроқ ҳолидаги бир нечта гуллар тўпламини ҳосил қилади. Гуллар бир вақтда ривожланмай бирма-кетиликда ривожланади. Гултожлари оқ, бинафша ва пушти рангларда. Елкан тожиси 10-15 мм узушликда. Дуккак меваларининг узушлиги 10-22 см ва унда 8-13 тагача уруғлари бўлади.

Июл-август ойларида гуллаб, сентябр-ноябр ойларида етилади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Тиббиётда меваси ишлатилади. Таркибида қандлар органик кислоталар, флавоноидлар, витаминлар В1, В2, В3, РР, С, Е, каротин, пантатен ва фоли кислоталар, минераллар, кўп миқдорда оксил моддалар бор. Меваси пўчоғининг қайнатмаси халқ табobatiда қон босими ошиши (гипертония), бод, қовуқ яллиғланиши (цистит), қандли диабет касалликларни даволашда ишлатилади. Сийдик ҳайдовчи восита сифатида эса истиско, буйрак-тош, подагра, артрит касалликларда қўлланилади. Ловия парҳез таом сифатида сурункали бод, подагра, артрит, буйрак ва қовуқ яллиғланишида, гастритда (меъда ширасида кислота камайиши билан ўтадиган), ловиянинг уни эса яраларни даволашда ишлатилади. Мевасининг пўчоғи қандли диабет касаллигини даволаш учун қўлланадиган йиғмалар таркибига киради.

Оддий талхак (афсонак)-Талхак обыкновенный (горчак)-Vexibia alopecuroides (L.) Bunge.

Кўп йиллик, пояси биттадан, тик ўсувчи, шохланган, майин туклар билан қопланган, баландлиги 70 см, барглари 8-20 см узунликда, 8-13 та жуфт баргчали, узунчоқ тухумсимон, теккис четли, 25-35 мм узунликда ва эни 10 мм, кумуш ранг тукланган. Гуллари пояни учида қалин жойлашган шингил гуллар тўпламида, 30 см узунликда, ўткир тишчали. Тожбарглари сарғиш оқ, 17-20 мм узунликда. гулни Елкани овалсимон 6-7 мм кенгликда. Қайиқчаси 4мм энликда. Дуккаги 6-10 см узунликда ва эни 6 мм. Уруғи сарик, теккис, тухумсимон.

Апрел-май ойларида гуллайди, июн-июл ойларида уруғи етилади.

Тўқайларда, ариқлар бўйларида, экинзорлар қирбоғида, қумлик ерларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро (Қоракўл тумани) вилоятларида тарқалган.

Инсон ва ҳайвонлар учун заҳарли. Уруғида софаралин, софаридин ва аллоперин алкалоидлари бор. Майдалаб туюлган уруғлари оқозон хасталикларида ва иштаха очиш учун оз миқдорда ичилади. Ўсимликнинг ҳамма қисмидан қайнатма тайёрланиб ҳайвонларнинг оғиз бўшлиғидаги зулқларнинг тушуриш учун қўлланилади.

Оддий тикандарахт-Гледичия колючая-Gleditschia triacanthos L.

Кўп йиллик, баландлиги 40 м бўлган, пояси йўғон шохланувчи дарахт. Пояси ва новдаларида шохланган узун ёғочланган тиканлар билан қопланган. Барглари 11-25 см узунликда ва у икки бора бўлакларга бўлинган, тутқичлари 1,5-2,5 см узунликда ва бўлакларини эни 5-10 мм. Гул шингили 2-7 см узунликда. Гули 4 мм узунликда, косачаси қўнғироқсимон, қалин тўкланган, тугунча яшил бўлиб, етилиш даврида тўқ қўнғир рангга айланади. Узунлиги 18-40 см ва эни 2,5-4 см.

Май ойида гуллаб, июн-июлда уруғлари етилади. Айрим ҳолларда уруғлари тўкилмай баҳоргача сақланади.

Ўзбекистонни барча вилоятларида экилади.

Тибиётда барги ишлатилади. Таркибида алкалоидлар триакантин ва бошқалар, витамин С, органик кислоталар ва бошқа моддалар бор. Триакантин гидрохлорид меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярасида, йўғон ичак яллиғланишида ҳамда қайталанган холецистит ўт қопи яллиғланишида оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланилади.

От бурчоқ-Вика конские бобы-Vicia faba L.

Бир йиллик, пояси асосидан шохланувчи, тўғри ўсган, 4 қиррали баландлиги 10-15 см. Барглари остки қисмидаги биттадан, юқоридагиси 2-3 жуфт

япроқчали. Баргчалари тескари тухумсимон, 4-10 см узунликда, 3-4 мм энликда, тўнтоқ. Гуллари 2-4 тадан барг қўлтиқларда жойлашган. косачаси новсимон 13-14 смм узунликда, туксиз. Ёлкани 20-30 мм узунликда пихсиз оқиш, бинафша, қўнғир нурли доғлари бор. Дуккаги наштарсимон узунчоқ, цилиндирсимон, 8-12 см узунликда, 1-2 см энликда. Уруғи бурчакли овалсимон 1-2,5 см узунликда, очик кулранг сариқ, қизғиш.

Май-сентябр ойларида гуллаб, июн-октябрда уруғлари етилади. Ўзбекистонда қўплаб навлари экилади.

Ўсимликдан тайёрланган дамламаси мускуллар спазмасида қўлланилади.

Сариқланувчи хедизарум-Копеечник желтеющий-Hedysarum flavescens Regel et. Schmalh.

Кўп йиллик, поясини баландлиги 40-80 см, кам шохланган, тик ўсувчи, эгатчали, икки томони сийрак тукланган, барги 5-16 см узунликда, япроқлари 3-7 жуфтли, овалсимон, 10-28 мм узунликда ва эни 5-18 мм. Гуллари сийрак, шингилга тўпланган 5-8 см узунликда. Косачаси кенг қўнғироқсимон 8 мм узунликда, тенг бўлмаган тишчали. тишчаси тукли, бигизсимон, 0.5-3 мм узунликда. Тожбарглари сариқ. Ёлкани 13-18 мм узунликда ва эни 6-7 мм, қайиқчаси 12-18 мм узунликда ва эни 5-7 мм. дуккаги (1)-2-(4) уяли. Уруғи тўқ қўнғир ёки қизғиш-қўнғир , буйраксимон, 4-5 мм узунликда ва эни 2.5 -4 мм, теккис.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август ойида уруғи етилади.

Тоғларнинг қояли ва ўрмон билан қопланган қисмларида, қорга яқин жойларда ўсади. Фарғона (Шохимардон), Самарқанд (Туркистон тизмаси) ва Сурхондарё (Тўпалан дарёсининг юқори қисми) вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси вирусларга қарши, катта шишишлардаги учуқларга қарши қўлланилади.

Сиверсан сингреги (нўхатак, кийикпанжа)-Астрагал Сиверса-Astragalus Sieversianus Pall.

Кўп йиллик, поясининг баландлиги 60-150 см, йўғон тик ўсувчи, эгатчали, тукланган. Барги 15-20(30) см узинликда, банди калта. Баргчалари 8-12(14) жуфтдан, эллипоссимон узунроқ 3,5-4-5 см узунликда юзаси туксиз, остки чети тукли. Гуллар тутқичи 1-3 мм узунликда, 3-5 тадан шингилга тўпланган. Косачаси найсимон, 18-22 мм узунликда, қалин оқ тукли. Ёлкани 35-40 мм узунлқда. Қайиқчаси 20-30-мм узунликда. Дуккаги ўтроқ, шарсимон, тухумсимон 20-32 мм узунликда, 15-18 мм энликда.Уруғи буйраксимон 4-7 мм узунликда. Қўнғир рангда.

Май-июн ойларида гуллаб, июн-август ойларида уруғлари етилади.

Майда тошли, тошли жойларда, арчазорлада, мезофил ўсимликлар билан ўсади. Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Баргларида кўп ошловчи пентоза моддаси сақланади. Уруғларидан майдалаб толқон тайёрланиб болалар грижасида, сигарета сифатида сифилис хасталикларида чекилади. Отларни танасидаги яғирларини илдиздан тайёрланган дамлама билан ювиб даволанади.

Суйрак баргли янтоқ-Янтак рыхлолистный-Alhagi sparsifolia (shap.) Scop.

Кўп йиллик, поя ва шохлари тик ўсувчи, баландлиги 60-100 см. Тиканлари туксиз, 1-1,5-(2) см узунликда ва йўғонлиги 1,5-2 мм, пояни учки қисмидаги тиканлар 2-2,5см узунликда ва эни 0,5 мм. Барглари туксиз 2-4см узунликда ва 1,5-2,5 см энликда. Гуллари тиканларида 3-7 тадан жойлашади. Тожибарглари пушти рангда.

Июн-август ойларида гуллайди, август-октябрь ойларида уруғлари пишади.

Тоғолди туманларида, сойлар ўзанларида ўсади. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Наманган, вилоятларида тарқалган.

Илдизининг қайнатмаси, баъзан, дамламаси халқ табобатида ичбуруғ, бавосил, жигар, меъда яраси. касалликларни, яраларни даволаш учун ҳамда ўт ва сийдик ҳайдовчи, терлатувчи ва сурги дори сифатида қўлланилади. Бурун-томоқ яллиғланиши, бачадон яраси ва буруштирувчи восита сифатида ичкетар, меъда-ичак касалликларини даволашда ишлатилади.

Сохта акас (ўрис дарахт)-Робиния ложноакация (белая акация)-Robinia pseudacacia. L.

Кўп йиллик, бўйи 20-25 м га борадиган дарахт. Барг туткичларини яни бандларини ён бандчалари тиканга айланган, улар тўкилиб кэтади кейинчалик. Барглари тоқ баргчали бўлиб, уларни умумий сони 5-11 тагача бўлади. Барг япроқчалари тухумсимон, узунлиги 1,5-4 см ва эни 0,8-2 см. Гул шингиллари 12-15 см узунликда ва ундаги гулларни бандини узунлиги 3 см. Гуллари 2 см узунликда тожибарглари оқ, ўта ҳидли бўлади. Дуккак мевасининг узунлиги 5-7 см ва эни 1,8-2см.

Апрел-май ойларида гуллаб, сентябр-октябрь ойларида уруғи пишади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, шаҳарларида экилади.

Тиббиётда гули ишлатилади. Таркибида эфир мойи, фलोноидлар (робинин, акатцин, кверцетин) оқ сиароматик кислоталар, ошловси моддалар бор. Гулининг дамламаси иситмада ҳароратни пасайтиришда ҳамда нафас олиш йўллари касаллигида балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилади.

Сохта янтоқ-Янтак ложный-Alhagi pseudalhagi (Bieb.) Fisch.

Кўп йиллик, пояси 50-110-(130) см баландликда, поя ва шохчалари туксиз. Остки тиканлари мустаҳкам бўлиб, 7-15 мм узунликдаги ва 1-1,5 мм йўғонликда пояни учки қисмидагиси 18-25 мм узунликда ва эни 0,5-1 мм. Барглари узунчоқ наштарсимон. Гуллари 3-8 тадан тиканларда жойлашган, қизил ва пушти рангда.

Май-сентябр ойларида гуллаб, уруғлари август-сентябр ойларида етилади.

Теккисликлардаги майдонларда, тоғолди туманларида ва экинзорлар қирғоғидаги ерларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё вилоятларида тарқалган.

Илдизининг қайнатмаси, баъзан., дамламаси халқ табобатида ичбуруғ, бавосил, жигар, меъда яраси. касалликларни, яраларни даволаш учун ҳамда ўт ва сийдик ҳайдовчи, терлатувчи ва сурги дори сифатида қўлланилади. Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси юқорида кўрсатилган касалликлардан ташқари, яна томоғ оғриғи, тонзиллит, стоматит, йирингли остит (кулоқнинг йирингли яллиғланиши), бурун-томоқ яллиғланиши, бачадон яраси ва буруштирувчи восита сифатида ичкетар, меъда-ичак касалликларини даволашда ишлатилади. Шакар янтоқ маннаси ёш болаларга сурги сифатида берилади, лекин чечак билан касалланган болаларга манна бериб бўлмайди. Илдизи ва ер устки қисмининг қайнатмаси, ва дамламаси сийдик ҳайдаш, терлатулчи, қон оқишии тўхтатувчи, яллиғланишга қарши таъсир этувчи ва яраларни даволовчи хоссага эга эканлиги тажрибада тасдиқланган ва илмий тиббиётда ишлатишга тавсия этилган.

Тиканли ширинмия-Солодка шиповатая-Glycyrrhiza aspera Pall.

Кўп йиллик, пояси 10-20-(35) см оддий базан шохланган, тикансимон қалин туклар билан қопланган. Барглари 6-8-(12) см узунликда, баргчалари 1,5-2 мм узунликдаги бандлар билан туташган. 3-4-5 жуфтдан, тескари тухумсимон узунлиги 3,5 см ва эни 1-3 см. Гул шингиллари зич жойлашган 2-8 см. Гулкосаси найсимон 0,9-1,1 см узунликда. Гуллари йирик, 10-15 мм. Паруси 0,9-1,5 см узунликда ва эни 5-6 мм эллипссимон. Қийиқ қисми 0,9-1,2 см узунликда.

Май-июн ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Тоғ олди ва ўрта минтақаларида, экинзорлар атрофида ўсади. Тошкент, Фарғона, Қашқадарё ва Қорақалпоқистонда тарқалган.

Илдизи таркибида кўп микдорда тритерпен салонин глицирризин, флавоноидлар, қандлар, крахмал, эфир мойи, витамин С, ураленоглюкурон кислота, аччиқ моддалар бор. Дори препаратлари куруқ ва куюқ экстракти, шарбати нафас йўллари касалланганда балғам кўчирувчи, сурункали қабзиятда, сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланади.

Тўлдирилган жинжак-Мимозка выполненная-Lagonychium farctum (Banks et Sol) Bobr. (Prosopis stephaniana Kunth).

Кўп йиллик бута, баландлиги 20-45 см жуда шохлаган. Поялари оқ кулранг туклар билан қопланган. Барглари 2-4 см узунликда, икки бора қирқилган, 3-5 жуфт биринчи тартиби, уларни охири тикан билан якунланади., унда 8-12 та жуфт узун наштарсимон баргчалари 2-7 мм узунликда ва эни 0,3-3 мм, икки томони калта қалин туклар билан қопланган. Гули 4-6 мм узунликда сариқ, қалин шингилда. 4-7 см узунликда. Косачаси 1-1.5 мм узунликда кенг қўнгироқсимон. юмалоқ, букилган, 2-5 см узунликда ва эни 1-2 см. Уруғи қўнғир-қора, япалоқ, 6-8 мм узунликда ва эни 3,5-5 мм.

Июн-август ойларида гуллаб, август-октябрь ойларида уруғлари пишиб етилади.

Тупроқли чўл ва тоғ олди ҳудудларда ўсади.

Бухоро (Қамаши), Қашқадарё (Ғузор, Чироқли, Яккабўғ) ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Илдизи ва уруғларида ошловчи моддалар сақлайди. Уруғидан тайёрланган дамлама дизентерияда қўлланилади. Илдизи ва уруғидан ошловчи моддалар тайёрланади.

Тулқисимон сингрек (кийикпанжа)-Астрагал лисовидный-Astragalus alopecias Pall.

Кўп йиллик, пояси 40-80 см, тик ўсувчи, эгатчали, юмшоқ тукланган. Ён баргчалари бандли, учбурчак шаклда, юқори қисми наштарсимон, узунлиги 8-12 мм. Барги 15-25-(30) см узунликда, банди қисқа. Баргчалари 18-22 жуфтидан, кенг эллипссимон, 10-20-(30) см узунликда, юзаси туксиз, остки томони оқ майин тукли. Гуллари ўтrock, гул тўплами (7)-10-15-(25) мм узунликда. Тожибарги туксиз, оч сариқ. Ёлкани 16-21 мм узунликда, уни япроғи 6-8-(10) энликда. Қайиқчаси 16-20 мм узунликда, букилган 8 мм узунликда ва эни 3 мм. Уруғи овал-буйраксимон, 4 мм узунликда ва эни 3 мм. Текқис яшилроқ ёки қўнғирроқ рангларда.

Май-июнда гуллаб, июн-июл ойларида уруғи етилади.

Тоғларни дарахтзорларида, ўтлоқлар, ёнбағрларидаги эфимер ўсимлик қопламлари билан ўсади. Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида ўсимликнинг баргининг қирғичлаб, ундан яраларни қуритиш ва дизимфекциялаш мақсадида ва ёш болаларни терисини пичилишига қарши сепиладиган малҳам сифатида ҳам қўлланилади.

Тўмтоқ баргли сано-Кассия обратнаяйевиднам (итальянская)-Cassia obovata Collad.

Кўп йиллик, кичик чала бута, барглари (3)-5-(7) тадан жойлашган тоқ баргчали мураккаб барг, япроқлари этли, тукланган. Шигиллари кўп гулли ва гуллари йирик. Дуккаклари узунчоқ, ўроқсимон букилган, 40-55 мм узунликда ва эни 15-25 мм. Уруғларини устида буришган эгатлари бор.

Июл-август-сентябр ойларида гуллаб, уруғлари етилади.

Сурхондарё вилоятларида экиб кўпайтирилади.

Ўсимлик барги сурги сифатида ва бавосил касаллигида ишлатиладиган чойлар йиғмалар, кафиол ва антрасеннин препаратлари таркибига киради.

Туркистон патлоги-Смирновия туркестанская-Smirnowia turkestana Bunge.

Кўп йиллик, бута, поясини баландлиги 100 см, қалин шохланган. Поя йўғонлиги 5-10 мм, сариқ-кулранг қобикли. Барги тескари юраксимон 4-20 см узунликда ва эни 4-15 мм, остки томони кумушсимон қалин оқ тукланган. Гуллари пушти қизил, биттадан юқори барглар қўлтиғида жойлашган. Тутқичи 2-5 мм узунликда. Косачаси оқ шохисимон қалин тукли 4-6 мм узунликда. елкани 9-12 мм узунликда ва эни 7-9 мм юраксимон. Дуккаги бир уяли катта, 25-40 мм узунликда ва эни 15-25 мм, қалин тук билан қопланган.

Апрел-май ойларида гуллаб, май-июнда уруғлари етилади.

Қумли чўлларда, барханлар устида ўсади. Бухоро вилоятида тарқалган.

Тиббиётда ёш новдалари ишлатилади. Ер устки қисмидан олинган сферофизин (сферофизин бензоат) ва смирновин алкалоидлари қон босими ошганда, сферофизин бензоат яна акушерлик гинекология амалиётида, бачадон заифлашганда, бола туғишни тезлатиш, гуққандан кейинги қон кетишини тўхтатиш учун қўлланилади.

Узун уруғли афсонак-Термонсис длинноплодный-Thermopsis dolichocarpa V.Nikit.

Кўп йиллик, поясининг баландлиги 20-70 см, тик ўсувчи, шохланган, юмшоқ туклар билан қопланган. Барглари учлик типда, бандли, ён баргчали. Япроқчалари узунроқ 25-60 мм узунликда ва эни 8-25 мм юқори қисми туксиз, остки қисми узун тукли. Гуллари сариқ, узун шингилсимон тўпгулни ҳосил қилади. Косачаси новсимон 10-15 мм узунликда ва эни 5-9 мм, юмшоқ туклар билан қопланган. Елкани 15-20 мм энликда ва узунлиги 20-25(30) мм, тухумсимон юмалоқ. Дуккаги наштарсимон, энсиз қисилган. 8-10 см узунликда ва эни 0,5 -1,2 см қалин тукланган. Уруғи очик қўнғр, теккис, 5-6 мм узунликда ва эни 3 мм узунликда.

Май-июнда гуллаб, июл-августда уруғлари етилади.

Тоғларнинг (800)-1500-2650 м гача баландликларида, бутазорлар, арчазорларда, тоғ олди туманларидаги экинзорлар атрофида ўсади. Сурхондарё вилоятида тарқалган.

Қуруқ экстрактининг ўзи балғам кўчирувчи ва йўтал колдирувчи ер устки қисми эса йўталга қарши ишлатиладиган таблетка таркибига кирази.

Ураль ширинмияси-Солодка уральская-Glycyrrhiza uralensis Fisch.

Кўп йиллик, пояси кам шохланувчан, тик ўсувчи, баландлиги 35-100 см, ҳамма қисми дағал тикансимон туклар билан қопланган. Барглари узунлиги 10-17-(28) см, 2-5-6-(8) жуфтли баргчалардан иборат бўлиб, уларни узунлиги 2,5-8 см ва эни 1,1-3,5 см. Гул шингилини узунлиги 5-6 см, гуллари зич жойлашади. Косачаси новсимон 10-14 мм узунликда. Тожбарглари бинафша рангда. Паруси 1,4-1,5 см, қайиқчасини узунлиги 11-12 мм ва эни 2-2,1 мм.

Апрел-майда гуллаб, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғ дарёларини ўзанларида, тоғларни ўрта минтақаларида тарқалган. Қашқадарё вилояти (қизилсув ва катта урударё) да тарқалган.

Дори препаратлари қуруқ ва қуюқ экстракти, шарбати нафас йўллари касалланганда балғам кўчирувчи, сурункали қабзиятда, сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланади.

Ўрмаловчи себарга-Клевер ползучий-Trifolium repens L.

Кўп йиллик, пояси ўрмаловчи, ерга теккан қисмидан илдиз ҳосил қилади, шохланган, баландлиги 15-40 см, сийрак тукланган. барглари узун бандли (20 см гача). Баргчалари устидан, узунлиги 12-27 мм ва эни 9-22 мм, кенг тухумсимон, чети майда тишчали. Гул тўплами бошоғи шарсимон 2-2,5 см энликда, гуллар тутқичи 25 см гача узунликда. Косачаси 2 лабли 4-5,5 мм узунликда, қўнғироқсимон, туксиз, 5 тишчали. Тожбарги оқ, айрим ҳолларда оч пушти. елкани 5-10 мм узунликда ва эни 2-5 мм узунчоқ-эллипссимон. Қанотчаси 4-6 мм узунликда, қайиқчаси 3-5 мм узунликда. Дуккаги 5 мм узунликда, 3-5 уруғли. Уруғи қўнғир майда.

Апрел-сентябр ойларида гуллаб, май-октябр ойларида уруғлари етилади.

Зах ерлар, ариқ ва сойлар бўйида, суғориладиган ерларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки.дамламаси билан қайнатмаси халқ табобатида астма, кўк йўтал, кўкрак қисиши, камқонлик, қон босимининг ошиши, безгак, яра, куйган ерларни, хавфли шишларни ва шамоллаш касалликларини даволаш учун ҳамда балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи ва антисептик дори сифатида қўлланилади. Қуритилмаган баргини эзиб яра ава шишган жойга боғланади, Илмий тиббиётда сийдик ҳайдовчи врсита сифатида қўлланилади.

Ўтлоқ мулкоки-Чина луговая-*Lathyrus pratensis* L.

Кўп йиллик, пояси кўп шохланган, қиррали, калта туклар билан қопланган, баландлиги 30-100 см. Барглари 1-5 см ли бандларга эга. Гуллари 3-12 тадан тўпланган шингиллар ҳосил қилади ва узунлиги 5-15 см. Гулкосаси новсимон-кўнғироқсимон, узунлиги 6-8 мм. Тожбарглари сариқ. Елкани 11-18 мм узунликда. Дуккаги 6-12 уруғли ва узунлиги 25-35 мм, эни 5-6 мм.

Май-август ойларида гуллаб, июн-сентябр ойларида уруғи етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларида, чакалакзорлар, арчазорлар ва тоғ олди туманларига тушади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Жигар, буйрак, ошқозон ичак хасталиклари, уйқусизликда, юрак хасталикларида қўлланилади.

Ўтлоқ себаргаси-Клевер луговой-*Trifolium pratense* L.

Кўп йиллик, пояси ингичка, юқорига кўтарилиб ўсувчи, баландлиги 25-50 см, калин узун туклар билан қопланган. Барглари узун бандли, остки қисимлари 10-20 см узунликда. Япроқлари 15-36 мм узунликда ва эни 9-28 мм, четлари тухумсимон, гуллар тўплами бошоқсимон, шакли шарсимон 2-3,5 см энликда, улар пояни учи ва шохчалар учида жойлашган. Гуллари ўтрок, косачаси новсимон-кўнғироқча, 7 мм узунликда, 5та игначасимон тишчали, улардан 4 таси косача нови билан тенг, 1 таси улардан икки бора узун. Тожибарглари қизил пушти. Қанотлари 13 мм узунликда, қайиқчасидан бироз узун. Дуккаги бир уруғли узунлиги 2,5-3 мм. Уруғи сариқ, теккис, юмалоқ, 1,5-2 мм узунликда.

Апрел-сентябрда гуллаб, июн-октябрь ойларида уруғлари етилади.

Тоғ олди ҳудудларида, суғориладиган ерларда, дарёлар бўйида, бедазорларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки дамламаси билан қайнатмаси халқ табобатида астма, кўк йўтал, кўкрак қисиши, камқонлик, қон босимининг ошиши, безгак, яра, куйган ерларни, хавфли шишларни ва шамоллаш касалликларини даволаш учун ҳамда балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи ва антисептик дори сифатида қўлланилади.

Хмелсимон беда (ёнгучқа)-Люцерна хмелевидная-*Medicago lupulina* L.

Бир йиллик, пояси ер бағирлаб ўсувчи ва узунлиги 15-60 см, тукланган. Барглари тескари тухумсимон, 7-8-(19) мм узунликда ва эни 6-7-(15)мм. Озмоз тишчали. Шингиллари кўп гулли. Гуллари сариқ. Тожбарглари 1,5-2 мм узунликда. Дуккаги 1,8-2,2 мм узунликда ва эни 1,5-1,6 мм, буйраксимон, бир уруғли чатнмайдиган.

Май ойида гуллаб, июн-июл ойларида уруғи етилади.

Тоғларнинг юқори ўтлоқларидан то теккисликдаги экинлар орасида ҳам ўсади.

Қирқилган жойлар, яраларни тез битиришни, қон тўхтатувчи сифатида қўлланилади.

Шакар янтоқ-Янтак персидский (верблюжья колючка)-Alhagi persarum Boiss et Buhse.

Кўп йиллик, баландлиги 30-75 см, тик ўсувчи, ер юзасидан 10-15 см дан сўнг шохланади. Тиканлари ёғочланувчан, пастки қисмидагилари 1-3 см узунликда ва эни 2-3 мм. Барглари банди узунлиги 1мм эга. Юқори шохларидаги тиканлари 15-22 мм узунликда бўлиб унда (2)-4- 5- 7 тадан гуллар ҳосил бўлади. Тожибарглари қизил.

Июл-сентябр ойларида гулаб, август-октябрда уруғлари етилади.

Асосан чўл ҳудудларида, баланд бўлмаган қум барханларида ва тоғолди туманларидаги шағалли, гил тупроқли шўрхок ерларда ўсади. Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Баргларида қумни иссиқлигида сарғиш кристал моддалар тўпланади. Уни эрталаб ўсимлик силкитиб тўпланади. Кучли фитонцид, бактериостатик буруштурувчи ва қонни тикловчи хусусиятларидан кенг фойдаланиб, ичбуруғ, ўт ва сийдик ҳайдовчи, жигар хасталикларида фойдаланилади. Ошқозон язвасида ҳам гулли новдалари дамлама қилиб ичиб фойдаланилади.

Шарқ ясмиги-Чечевица восточная-Lens orientalis (Boiss) Schmalh.

Бир йиллик, пояси бир ва бир нечта, баландлиги 5-25 см кам шохланган. Барги 1-2 см узунликда, жуфт барглари охирида жингалаги бор, жуфт барглари 3-6 жуфт, узунроқ эллипсимон 4-12 мм узунликда ва эни 1-3 мм узунликда. Гуллари қўлтиқларда 1-2 тадан ўтrock ҳолда. Гул тутқичлари 1-3 мм узунликда. Косачаси 4-6 мм узунликда, тишчали. Тожибарги оч пушти йелкани тескари тухумсимон, учки қисми ўйиқли 5-8 мм узунликда ва эни 4-5 мм. Дуккаги туксиз, тўртбурчакли узунчоқ, 5-11 мм узунликда ва эни 4-8 мм. Уруғини диаметри 3-3,5 мм.

Апрел-майда гуллаб, май-июнда уруғлари етилади.

Асосан эфимер ўсимликлар билан ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Уруғида крахмал, ёғлар, оксиллар ва минерал тузлар сақлайди. Уруғидан тайёрланган дамламасидан яраларни ювилади. Томоқ оғриғида чайқалади ва сариқ хасталигида ичилади.

Шаҳар ерчойи-Гравилат городской-Geum urbanum L.

Кўп йиллик, йўғон илдизпояли, ер бағирлаб ўсувчи поялари 30-70 см. Илдиз олди барглари узун бандли, япроқлари 1-3 бўлакли, четлари тишчали. Гуллари 1,5 см диаметрда ва ингичка, узун бандли. Тожбарглари очик сариқ, тескари тухумсимон, эллипссимон.

Май-июнда гуллаб, июн-июл ойларида уруғлари етилади.

Боғларда, йўл ёкаларида, сой ўзанларида ўсади. Тошкент вилояти (Заркент) да тарқалган.

Милклардан қон кетишида, яллиғланганда чайқалади. Дамлама тайёрлаб, хроник, ичбуруғда, яраларни тез битириш учун ишлатилади.

Шўрхоқ шилдирбоши (Шилдирмия, шўр бўян)-Круглоплодник солончаковый-Sphaerophysa salsula (Pall) DC.

Кўп йиллик, илдизи йўғон 4-7 мм, поясининг баландлиги 45-80 см, 4-5 мм йўғонликда, икки учли туклар билан қопланган. Барги тоғ баргчали мураккаб, 4-8 см узунликда, банди 1-2 см узунликда, барглари 5-9 жуфтдан, эллипссимон. Гуллари ғиштранг пушти, қалин шингилга тўпланган узунлиги 3-10 см. Косачаси 4-6 мм узунликда кулранг, елкани юмалоқ 10-13 мм узунликда ва эни ҳам бир хил. Дуккаги 8-16 мм энликда, банди 6 мм узунликда. Уруғи кўп сонли қора қўнғир.

Май-июнда гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Зах жойларда, шўрхоқ ерларда, тўқай ва ариқлар бўйларида ўсади. Бухоро, Самарқанд Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Ер устки қисмидан қон босими ошганда, акушерлик амалиётида туғишни тезлатиш ва туғишдан сўнги қон кетишини тўхтатиш учун қўлланилади.

Экма ерёнғоқ-Арахис земляной-Arachis hypogaea L.

Бир йиллик, пояларини узунлиги 30-45 см бўлган сершоҳланувчан ўт ўсимлик. Барглари жуфт баргли 4 та дан бўлақларга бўлинган мураккаб. Япроқлари тескари тухумсимон эллипс шаклларда, четлари киприксимон тишчали ост омони тукланган. Ён баргчалари наштарсимон ёки ўроқсимон букилган. Гуллари шингилга тўпланган, умумий шакли супургисимон бўлиб, барг қўлтиқларида жойлашган. Тожибарглари сариқ базан пушти рангларда.

Маида гуллайди, мевалари сентябр-октябрда етилади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Тиббиётда ўсимлик мойи ишлатилади. Уруғи таркибида кўп миқдорда мой, оксил, тритерпен сапонинлар, витамин В ва Е, биотин, пантатен кислота, бетаин, холин, қанд моддалар бор. Ерёнғоқ уруғи эмулсия бодом мойи ўрнида баъзи дори

моддаларидан инекцион эритма ҳамда учувчан суюқ суртмалар ва минг девона мой тайёрлашда қўлланилади. Урағнининг эмулсияси бодом уруғи эмулсияси ўрнида меъда ва ичак оғриғини қолдириш учун ҳамда юмшоқ сурги, юмшатувчи ва тиришишга қарши восита сифатида ишлатилади.

Япон тухумаги-Софора японская-Sophora japonica L.

Кўп йиллик, баландлиги 15-20 м бўлган, барглари тоқ баргчали мураккаб, япроқлари тухумсимон, четлари теккис, қисқа бандли, туксиз. Гуллари супургисимон шингиллардаги тўп гуллар ҳосил қилиб гуллаб турганда юқорига тик ўсиб, уруғлаганда пастга осилиб туради. Тожбарглари оқиш, сарғиш, 10 та чангчига эга. Уруғи дуккак бўлиб яшил, уруғлари етилганда ҳам чатнамайди, узунлиги 5-7 см, уруғлар ораси берк.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида манзарали дарахт сифатида хиёбонларда йўл ёқаларида экилади.

Уруғидан олинган моддалар юрак қон томирлар хасталигида, геморройда, артериал қон босимини пасайтирувчи, ички қон кетишларини тўхтатишда қўлланилади.

Зарангдошлар-Кленовые-Aceraceae Juss.

Шакарли заранг-Клен сахаристый-Acer saccharinum L.

Кўп йиллик, баландлиги 40 м бўлган сер шох дарахт. Барг япроқлари ярмигача бўлақларга бўлинган, 6-12 см узунликда ва эни 5-10 см, четлари йирик тишли қирқилган, бандлари кўнғир қизил. Гуллари кўримсиз йирик. Уруғ қанотлари 3,5-4 см узунликда. Гуллари баргларидан олдин очилади.

Апрел ойида гуллаб, июнда уруғлари етилади.

Республиканинг ҳамма туман ва шаҳарларида экилади.

Заранги ширасини тўплаб (илдизини юқорисидан қирқиб 1 тупдан 20-25 литр шира олинади) уни қайнатиб қуюқ асалсимон қиём олинади. Олинган шира (асал) организмни умумий қувватлантиради.

Сохтакаштандошлар-Конскокаштановые-Hippocastanaceae DC.

Сохта каштан-Конский каштан-Aesculus hippocastanum L.

Кўп йиллик, пояси 30 м бўлган дарахт. Барглари қарама –қарши жойлашган, панжасимон, бандлари 15-20 см. Япроғининг узунлиги 20 см ва эни 10см. Гуллари йирик, 20-30 см узунликда тик турувчи шингилда жойлашган. Тожибарглари бироз букилган четлари киприксимон, оч пушти, асосиси сариқ рангда . Кўраги тиканли , 1-2 уруғлардан иборат.

Апрел-май ойларида гуллайди, август-сентябр ойида уруғлари етилади.

Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва туманларида манзарали дарахт сифатида экилади.

Пўстлоғи ва уруғидан тайёрланган дамламалар геморрой ва бачадонлардан қон кетишида, варикозларда, жигар, ошқозон ва нафас йўли хасталикларида қўлланилади.

Тошбақатолдошлар-Рутовые-Rutaceae Juss.

Амур бахмали (бархат)-Бархат амурский-Phellodendron amurense Rupr.

Кўп йиллик, баландлиги 10-15 м бўлган дарахт. Новдаларини пастки барглари навбатлашиб жойлашган, юқоридагилари қарама-қарши жойлашган, бандли 3-6 та, жуфт япроқчали майда эгатчали. Гуллари супургисимон тўпгуллар ҳосил қилади, косачаси учбурчак тухумсимон, ўткир, 1-2 мм узунликда. Тожибарглари яшилсимон рангда, учкурроқ, 3-4 мм узунликда, 1.5-2 маротаба чангчилари калтароқ. Данаги шарсимон қора рангда.

Апрелда гуллайди.

Ўзбекистон шаҳарлари ва боғларида манзарали дарахт сифатида экилади.

Илдизидан тайёрланган қайнатмаси қон оқишини тўхтатувчи ва айрим тери хасталикларида қўлланилади.

Поячил тошбақаўт (Тошбақатол)-Цельнолистник стебельчатый (Рута обыкновенная)-Haplophyllum pedicellatum Bunge et Boiss.

Кўп йиллик, поялари кўп шохланган, сезилмайдиган безчалар билан қопланган, шохчалари барг қўлтиғидан чиқади, баландлиги 20-50 см. Барглари бутун, айрим ҳолда уч бўлакли, наштарсимон. Гуллари қалқонсимон, қалин гуллар жойлашишидан умумий кўриниши шарсимон. Косача барглари тухумсимон 1,5 мм узунликда. Тожбарги сариқ, кенг тухумсимон 8-9 мм узунликда ва эни 6-7 мм. Кўсакчаси очилувчан, ўтроқ, бўртиқчали 5 мм энликда.

Май-июнда гуллайди июн ва августда уруғлари етилади.

Тупроқли чўллар ва тоғ олди қисмини тупроқли жойларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмини қайнатмаси тиш оғриғида, ошқозон оғриғида ва абсинтум шuvoғи билан қичмага ишлатилади.

Тоғжик тоғтурбум-Ясенец таджикский-Dictamnus tadshikorum Vved.

Кўп йиллик, ўт ўсимлик. Пояси оддий кам шохланган, 40-70 см баландликда. Илдиз бўғзидаги барглари 30 см гача бўлган бандли, поядагилари юқorigа бoрган сари қисқариб боради. Япроқлари ўрта қисмигача 3 га бўлинган. Гуллари сийрак, оддий, кам шохланган, гуллари кўкиш рангда.

Июн-июл ойларида гуллаб, август-сентябрда уруғи пишиб етилади.

Тоғларнинг қумли ва майда шағалли жойларида тоғни ўрта ва юқори қисимларида ўсади. Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё, вилоятларида ўсади.

Испарак турларишг дори препаратлари: элатин, кондельфин, мелликтин ва дельсимин кураре сингари таъсир этувчи восита сифатида Паркинсон, Литтл касалликлари мушаклар тонуси ошишидан келиб чиққан касалликларни даъволаш, жарроҳликда операция вақтида мушаклар тонусини бўшаштириш ҳамда табиий нафас олишни тухтатиб туршп учун ишлатилади.

Текис баргли тошбақаўт (Тошбақатол)-Цельнолистник исколотый-Haplophyllum perforatum Kar. et Kir.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, қалқонсимон шохланувчан, туксиз, баландлиги 30-70 см, ўт ўсимлик. Барглар оддий туксиз, калта бандли, четлари теккис. Гулкосачаси учбурчаксимон, 1 мм узунликда. Тожбарглари майда 3-3,5(5) мм узунликда, наштарсимон, сариқ рангда. Меваси очилмайдиган кўракча.

Май-июлда гуллаб, июн-августда уруғлари етилади.

Майда тупроқли, шағалли жойларда, тоғолди ва тоғни ўрта минтақаларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Қон кетишини тўхтатишда, ошқозон спазмасида, аёллар менструациясини бузилганида қўлланилади.

Айлантдошлар-Симарубовые-Simaroubaceae Lindl

Баланд бўйли сассиқ дарахт-Айлант высочайший-Ailanthus altissima (Mill) Swingle.

Кўп йиллик, пояси юқори қисмидан шохланувчан, баландлиги 20-30 см. Барги (30)-45-60-(80) см узунликда, япроқлари 11-25-(41) тагача, овалсимон узун наштарсимон. Гуллари сийрак супургисимон, узунлиги 20-30 см ҳар икки жинсдаги гуллар шу жойда жойлашган. Тожибарглари яшилсимон сариқ 2,5-3,5 мм узунликда мевалари қанотчали 3-4 см узунликда.

Май ойида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Ўзбекистонни барча вилоятларида экилади

Тибиётда меваси ишлатилади. Меваси таркибида мой, аччиқ моддалар, пўстлоғида лактонлар, сапонинлар, кумаринлар, оз миқдорда алкалоидлар, ошловчи моддалар бор. Мевасидан тайёрланган сурмаси (настойкаси) мураккаб препаратлар таркибига киради. Халқ табобатида пўстлоғи қайнатмаси ичбуруғ, мевасини қайнатмаси бавосил касаллигини даволашда ҳамда ҳайз бузилишида уни тартибга солиб туриш учун қўлланилади.

Туятовондошлар-Парнолистниковые-Zygophyllaceae R.Br.

Ер бағирловчи темиртикан-Якорцы приземные-Tribulus terrestris L.

Бир йиллик, пояси ер бағирлаб ўсувчи узунлиги 10-60 см. Шохланувчи 2 учли. Туклар билан қопланган. Барглари 3-6 см узунликда. Банди калта, барг япроғи 10 мм узунликда оч кулранг. Гуллари 1-2 тадан, узун бандли. Косачаси 5 мм узунликда, наштарсимон, гуллагандан сўнг тўкилади. Тожибарги сарик узунчоқ 5-7 мм узунликда. Уруғлари юмолоқ шаклда 10-15 мм диаметрда тиканлари горизантал жойлашган 10 мм.

Май-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Чала чўл, чўл, адирлар ва лалми экинзорлар, суғориладиган майдонлар ва йўллар четида ўсади. Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси атеросклерозда қўлланилади.

Исирикдошлар-Гармаловые-Peganaceae Van-Tiegh.ex Takht.

Оддий исирик (адраспан, хазараспан)-Гармала адраспан-Peganum harmala.L.

Кўп йиллик, илдизи мустаҳкам, кўп пояли, ҳамма қисми туксиз, ўртача шохланган, эгатчали, 20-50 см баландликда. Барглари нисбатан кўп, ўтроқ, узунлиги 10см ва эни 9-10 см, 3 та асосий бўлакка ва улар ўз навбатида майда бўлакларга бўлинган. Косачаси уч бўлакчали, наштарсимон бўлади. Тожибарглари оқ 5 тадан, тугуни 2-3 чанокли, шарсимон туксиз, теккис, Уруғи эндоспермли, уч қиррали, панжасимон тўқ қўнғир қора рангларда,

Май ойида гуллаб, июнда уруғлари етилади.

Тоғолди ва чўл ҳудудларида кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистонда тарқалган.

Тиббиётда исирикнинг ер устки қисми ишлатилади. Алкалоидлар (гармин, пеганин вазицин), днноксипегавин бор. Гармин алкалоиди, энцефалит касаллигининг паркинсон касалликларини даволашда қўлланилади. Дезоксипеганин гидрохлориднинг ампуладаги эритмаси миостэния, миопатия мушак касалликларида, ҳамда. нерв касалдиклари (невритлар)ларда ишлатилади. Халқ орасида бир қатор касалликларда, кийм-кечакларни дезинфекция, қилишларда қўлланилади.

Мелиядошлар-Мелиевые-Meliaceae Vent.

Мелия азидарах-Мелия азедарах-Melia azedarah L.

Кўп йиллик, 12-18 м баланликдаги сер шох дарахт. Барги 25-30 см узунликда икки ёки уч маротаба қирқилган, бўлаклари 3-12, 2-5 см узунликда ва

эни 1,5-2,5 см, оввалсимон, четлари тишчали. Гуллари кучли асал ҳидини беради, 2 см узунликда. Коасчаси 2 мм узнуликда. Тожбарглари оч-кўк рангда, 1 см узунликда ва эни 2 мм. Данаги сариқ 1,5 см узунликда.

Май ойида гуллаб, октябрда меваси етилади.

Боғ ва хиёбонларда манзарали дарахт сифатида экилади.

Пўстлоғидан тайёрланган қайнатмаси истмани тушурувчи, сифатида қўлланилади.

Пистадошлар-Сумаховые-Anacardiaceae Lindl

Илдиз отувчи токсикодендрон-Токсикодендрон укореняющийся-Toxicodendron radicans (L). Kuntze.

Кўп йилик, бута ёки илашиб ўсувчи лиана, барглари 3-5 панжасимон қирқилган. Четлари бутун, охирги баргининг узунлиги 20-30 см, эни 1,3-13 см банди 1-4,5 см. Ён баргчалари ассиметрик 3-17 см узунликда эни 1,3-10 см, банди 1-5 мм узунликда. Косачаси узунчоқ, овалсимон, теккис 1 мм узунликда, эни 0,8 мм. тожиборглари тескари тухумсимон, теккис 3 мм узунликда ва эни 1 мм, Уруғи оқиш юмалоқ 5-6 мм диаметрда. Уруғи 3 мм ва эни 4 мм, қалинлиги 2 мм.

Июн-июл ойларида гуллайди, октябрь ойида уруғи етилади.

Экиб кўпайтирилади.

Тиббиётда қуритилмаган барги ишлатилади. Барги сутсимон ширага бой. Қуритилмаган баргидан тайёрланган сурма (настойка) невралгия, бод ва бошқа шамоллаш касалликларида қўлланилади. Мураккаб дорилар таркибида ёки мойли ажратмаси намли темиртки, йирингли хўппос, сарамас, қизамиқ, безгак касалликларни даволашда ишлатилади.

Ошловчи скумпия (котинус)-Скумпия коггигрия-Cotinus coggygia Scop.

Кўп йиллик, поясини баландлиги 2-3 м бўлган бута ёки кичик дарахт. Барглари тухумсимон, узунлиги 3-8-10 см ва эни 3-4-7 см, четлари теккис, юзаси туксиз, остки тамони тукланган, бандларини узунлиги 1-4 см. Гуллари яшилсимон оқ, диаметри 3 мм. Тожбарглари 1,5-2 мм узунликда. Мевалари диаметри 3-5 мм.

Июн-июл ойларида гуллаб, август-сентябр ойларида меваси етилади.

Манзарали ўсимлик сифатида боғларда, хиёбонларда ўстирилади.

Тиббиётда барги ишлатилади. Таркибида кўп миқдорда танин, флавоноидлар, эфир мойи каби моддалар бор. Баргидан танин олинади. Танин препаратлари сувдаги эритмаси ва суртмаси буриштирувчи, антисептик ва яллиғланишга қарши восита сифатида меъда-ичак касалликлари (ичкетар, колит)да, оғиз бўшлиғи, бурун ва томоқ. яллиғланишида, куйганни, сурункали

экзема ва турли яралар даволашда қўлланилади. Танин яна оғир металл тузлари ва баъзи алкалоидлар билан заҳарланганда заҳарга қарши ишлатилади.

Ошловчи тотим (сирка дарахт)-Сумах дубильный-Rhus coriaria L.

Кўп йиллик, унча катта бўлмаган дарахт ёки бута, баландлиги 1-3(5) м кам шохланади, янги новдалари кулранг-қўнғир. Барги 15-18 см узунликда, 9-17 та япроқчали, япроқчалари дағалроқ 3-5-(6) см узунликда ва эни (1.5)2-3 см учки қисми учкирлашган. Гуллари супургисимон тўпгул ҳосил қилади. эркак гуллари узунроқ ва сийрак жойлашган бўлиб 20-25 см узунликда, косачаси яшил, ташки томони қалин тукланган, 2 мм узунликда ва эни 1-1.5 мм узунликда. Урғочи гуллари нисбатан майда, тўпгуллари 15 см узунликда, Уруғи шарсимон ёки буйраксимон диаметри 5-6 мм, қизил-қўнғир безчали, тукланган.

Июн-июл ойларида гуллайди, сентябр-октябрь ойларида етилади.

Денгиз сатҳидан 900-1700 м баландликда кичик ўрмонлар ҳосил қилади, Сурхандарё вилоятида экилади.

Уруғидан тайёрланган чой, гипертония, ошқозон оғриғи ва язвасида, қайт қилишда, ичбуруғда, қон кетишида, сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Хандон писта-Фистаика настоящая-Pistacia vera L.

Кўп йиллик, дарахт, ҳолларда кўп пояли бута. Баландлиги 5-7 (10) м. Барглари 3 япроқли баъзан 5(7) япроқли. Гуллари жуда майда диаметри 3 мм. эркак гуллари қалин супургисимон 5-8 см узунликда. Гул ёнбарглари 1-3 тадан 2 мм узунликда. Урғочи гуллари сийрак супургисимон тўпгулларда жойлашган 5-10 (12) см узунликда. Уруғлари тухумсимон (6)8-15-32 мм узунликда ва эни (5) 6-8 (10) мм,

Март–май ойларида гуллаб июл-сентябр ойларида етилади.

Тоғларнинг денгиз сатҳидан (450) 700-800 дан то 1500-2000 м бўлган баландликларида ўзига хос пистазорларни ҳосил қилади.

Ўзбекистонда, Тожикистонда тоғли жойларда алоҳида навлари экилади. Тошкент (Ангрен), Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ёввойи ҳолда тарқалган.

Тиббиётда баргида ҳосил бўладиган патологик ўсимталар бужрунлари (паллалари) ишлатилади. Таркибида кўп миқдорда ошловчи модда танин бор. Бужрунларидан танин олинади.

Яван тотуми-Сумах яванский-Rhus javanica L.

Кўп йиллик, кичик дарахт ёки бута, баландлиги 3-8 м, шохлари сарғиш, теккис. Барглари 7-13 та япроқчали, япроқлари ўтроқ, 6-12 см узунликда, четлари йирик тишчали, остки томони калта туклар билан қопланган. Косача барглари

қанотли, тукланган. Гуллари пушти-оқ, бандини узунлиги 1 мм сийрак супиргисимон, тўп гулларини узунлиги 15-25 см. Косачаси тухумсимон 0,5 мм узунликда. Тожибарги узунроқ 2 мм узунликда ва эни 1 мм. Уруғи доирасимон 4-5 мм дитсиметрда, пушти-қизил.

Август-сентябр ойларида гуллайди, уруғлари октябрда етилади.

Ўзбекистоннинг шаҳарларида манзарли дарахт сифатида экилади.

Ички қон кетишида, антитоксин сифатида, геморройда, захарли илон чакқанда, истмани тушурувчи, куйганда қўлланилади.

Зиғирдошлар-Льновые-Linaceae S.F. Gray.

Паст бўйли зигир-Лен низкий-Linum humile Mill. (L. usitatissimum L).

Бир йиллик, поялари биттадан, айрим ҳолларда бир нечта, туксиз, баландлиги 30-70 см. Барглари лентасимон-наштарсимон ўтроқ, 15-35 мм узунликда ва эни 1-5 мм. Гул тўплами қалқонсимон, супургисимон, сийрак. Косачаси 5-7 мм узунликда, тухумсимон. Тожбарглари тескари тухумсимон, тўқ кўк, 10-20 мм узунликда ва эни 6-9 мм. Кўсакчаси шарсимон, уруғлари тўқ кўнғир рангда 5-6 мм узунликда.

Апрел-майда гуллаб, июн-июлда уруғлари етилади.

Экинзорларда кенг тарқалган бегона ўт сифатида ўсади. Ўзбекистоннинг кўп жойларида мойли ўсимлик сифатида экилади.

Уруғидан куюқ тайёрланган қайнатмаси ошқозон, ўн икки бармоқли ичак яраларида, шамоллашга қарши, теридаги яралар, чипқон ва фрункул яраларида қўлланилади.

Контепардошлар-Биберштейниевые-Biebersteiniaceae J.G. Adardh.

Биберштейн контепар-Бибериштейния многонадрезная-Biebersteinia multifida DC.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчан, баландлиги 25-60 см, ҳамма қисми туклар билан қопланган. Илдизи йўғон, туганаксимон, 1,5-4 см йўғонликда, шохланган айрим ҳолларда женьшенга ўхшаш, тўқ кўнғир рангда. Барглари майда қирқилган, 10-20 см узунликда ва 1,5-5 см энликда. Гул косаси тухумсимон 5,5-7,5 мм узунликда. Тожбарглари тухумсимон майда тишчали, юқори қисми пушти рангда, асос қисми сариқ, 5-7,5 мм узунликда.

Апрел ойида гуллаб, июн ойида уруғлари етилади.

Тоғларни майда шағалли ва тупроқли қисмларида ўсади. Тошкент, Самарканд, Қашқадарё, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ. табобатида илдизи ишлатилади. Таркибида сапонинлар, углеводлар, кўп миқдорда ошловчи моддалар бор. Илдизидан тайёрланган қайнатмаси ичакдан ва бачадондан (туққандан сўнг) қон кетишларини тўхтатишда қўлланилади.

Ёронгулдошлар-Гераниевые-Geraniceae Juss.

Оддий қарқаратумишук-Аустник обыкновенный-Erodium cicutarium (L.) Her.

Бир йиллик, поялари ва баргалари калта дағал туклар билан қопланган ва ёпишқоқ. Кучли шохланган, баландлиги 15-40 см ўт ўсимлик. Барглари умумий кўриниши узунчоқ тухумсимон, эни 10-15-20 мм 5-13 бўлақларга бўлинган, бўлақлари қарама-қарши жойлашган. Гуллари зигоморф. Косачаси узунчоқ тухумсимон, 3.5-4 мм тескари тухумсимон.

Апрел-июнда гуллаб уруғлайди.

Тоғ олди адирларда, экинзорларди, тупроқли ариқлар қирғоғида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида ўсимликдан олинган шираси тери туберкулозида қўлланилади.

Роберта ёронгули-Герань Роберта-Geranium Robertianum L.

Бир йиллик, пояси биттадан, баландлиги 15-35 см, тик ўсувчи, шохланган, кичик эгатчали, бўғимлар оралиғи, бўкилган ва бўғимлари йўғонлашган. Барглари ингичка, 4-8 см энликда, умумий кўриниши бешбурчак 3-5 бўлакли. Бўлақлари тухумсимон. Илдиз бўғзидаги барглари мазаика кўринишида. Гуллари барг қўлтиғида, иккитадан, гулбанди 2-5 мм узунликда. Гулкосачаси 5-6 мм узунликда. Гултожлари тўқ қизил-пушти 11-14 мм узунликда тухумсимон-понасимон. Уруғлари 2 мм узунликда ва эни 1 мм қўнғир рангда, теккис.

Май ойида гуллаб, уруғлари август ойида етилади.

Тоғларни ўрта минтақасида, қоялар соясида, дарахтлар соясида, сойлар ўзанида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларида тарқалган.

Ўсимликни ер устки қисмидан турли кўринишдаги қон кетишида теридаги яра ва жароҳатларни даволашда қўлланилади.

Тепалик ёронгули-Герань холмовая-Geranium collinum Steph.

Кўп йиллик, оч яшил рангли, пояни юқори қисмлари тукланган. Поясини баландлиги 15-50 (60) см бўлиб айрим ҳолларда бир нечта поя ҳосил қилади. Барглари буйраксимон, узун бандли, юқоридагилари ўтроқ, эни 3-7 см. Гуллари иккитадан. Гулкосачаси узунчоқ 7-8 мм узунликда. Тожбарглари пушти-

бинафшароқ рангда, 9-17 мм узунликда ва эни 5-8 мм. Уруғлари узунчоқ 3 мм узунликда.

Июн-сентябр ойларида гуллайди.

Нам жойларда, тоғ олди шўрхак жойларда, тоғни ўрта минтақаларигача бўлган ҳудудларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Илдизидан тайёрланган қайнатмаси ич кетиш, меда-ичак хасталиклари ва ички қон кетишларини даволашда қўлланилади.

Хинагулдошлар-Балзаминовые-Balsaminaceae S.F. Gray.

Майда гулли (ёввойи хина)-Недомрога мелкоцветная-Impatiens parviflora DS.

Бир йиллик, пояси тик ўсувчи, шохланган, баландлиги 30-50(70) см. Барглари навбатлашиб жойлашган, тухумсимон 2-9 см узунликда ва эни 1-4 см, асоси ингичка понасимон, банди 1-2 см, четлари йирик тишчали. Гул тутқичи 4-9 см, барг қўлтиғида жойлашган. Гуллари 1 см узунликда сариқ, 1 тупда 3-12 тагача гул бор. Гул банди 1.5-2 см, гулида қайрилган пихи бор. Гултожлари 5 мм узунликда ва эни 4 мм.

Июн-июлда гуллайди, июл- августда Уруғи етилади.

Тоғларни соя жойларидаги нам кўп жойда, қоялар, дарахтлар соясида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларда тарқалган.

Ўсимликнинг сувдаги қайнатмаси қон кетишни тўхтатувчи ва бачадон хасталикларида ишлатилади. Заҳарланишда заҳарга қарши ҳам қўлланилади.

Қайиқчагулдошлар-Истодовые-Polygalaceae R.Br.

Чатишган истод (қайиқчагул)-Истод гибридный-Polygala hybrida DC. (P.comosa Schkuhr.)

Кўп йиллик, пояси сербарг, шохланмайдиган, баландлиги 15-30(50) см. Барги наштарсимон лента кўринишида, ўтроқ, туксиз, остки баргларида 0.5-1 см узунликда, юқоридагилари 2-3см узунликда ва эни 3,5-4 мм. Гул шингиллари зич гуллар билан тўпланган 2-3 см узунликда ва эни 3,5-4 см. Косачаси очик кўк, тўлиқ очилганда оч пушти, пушти. Тожибарглари ҳам шундай рангларда 5 мм узунликда ва эни 4 мм туксиз. Уруғи узунчоқ 2-2,5 мм узунликда. Қалин тукланган.

Июн-июлда гуллаб, август-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғларни қалин арчазорларида, боғларда дарахтлар соясида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда илдизи ишлатилади. Илдизи таркибида сапонинлар, полигадит спирт, ёғ, смолалар моддалар бор. Қайнатмаси иафас йўллари. касалликларида балғам кўчирувчи восита. сифатида, қўлланилади.

Чилонжийдадошлар-Крушиновые-Rhamnaceae Juss.

Оддий-чилонжийда-Унаби обыкновенный-Zizyphus jujuba Mill.

Кўп йиллик, баландлиги 3-6 м бўлган дарахт. Барглари банди тукланган, япроқлари туксиз, четлари тўлқинсимон тишли, 3-10 мм узунликда, гуллари диаметри 3-4 мм. Гулбандлари 3-4 мм узунликда Тожибарги косачасидан калта, остки қисми қисқарган. Данаги узунроқ, мевасини ранги қизил, пушти, теккис.

Июлда гуллаб сентябр ойида меваси пишиб етилади.

Тоғларнинг куруқ ёнбағриларида, ўрта қисмида ўсади. Сурхандарё вилоятининг (Тўпалондарёни атрофида) тарқалган.

Маданий навлари Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида барги ва меваси ишлатилади. Мевасидан тайёрланган дамлама халқ орасида кўкрак оғриғида, йўталда кўкракни юмшатувчи, йўтал қолдирувчи дори сифатида, камқонлик, астма, чечак, ичкетар, иситмада, ўпка, жигар, буйрак ва қовуқ касалликларини даволашда ишлатилади.

Ольхасимон итжумрут (франгула)-Франгуля ольховидная-Frangula alnus Mill.

Кўп йиллик, пояларини баландлиги 3 метр бўлган бута ўсимлик. Куртаклари ипаксимон туклар билан қопланган. Барглари навбатлашиб жойлашган, четлари теккис, туксиз, 4-7 см узунликда. Гуллари 2-7 тадан барг қўлтиғида жойлашган, сарғиш рангда. Данаги шарсимон, қорамтир-бинафша рангда, диаметри 8-10 мм.

Апрел-майда гуллайди.

Ўзбекистонда боғдорчиликда ва ҳиёбонларни безашда экилади.

Тиббиётда пўстлоғи ишлатилади. Дори препаратлари қайнатмаси, суюк экстракти, куруқ экстракциинг таблеткаси, шарбати ва чойлар йиғмалар таркибида сурункали қабзиятда сурги сифатида қўлланилади.

Христов қоратикани-Держи-дерево христовытернии-Paliurus spina-christi Mill. (P. australis Gartn.)

Кўп йиллик, бута ўсимлик. Ўткир тиканли, баландлиги 2-3 м. Новдалари букулган бурчаксимон, ёшлари тукланган. Барги тухумсимон, 3 тадан томирланган, четлари билинар билинмас аррасимон тишчали. Ёнбарглари тикансимон учли. Уруғлари қизил-қўнғир 15-25 мм энликда.

Май-июнда гуллаб, июл-августда уруғлари етилади.

Экиб ўстирилади.

Барги ва танаси ич буруғ, ичдан шилимшиқ ҳолда ич кетганда қабул қилинади. Уруғлари сийдик тўхтаб қолганда юргузиш учун ва ўпка хасталикларида қабул қилинади.

Юмшатовчи тоғжумрут (буғибағр)-Крушина слабительная-Rhamnus cathartica L.

Кўп йиллик, новдаларини учи тикан билан тугалландиган кичик дархт ёки бута. Барги 2-5 см узунликда, қарама-қарши жойлашган, туксиз, тухумсимон. Гул банди 1 см узунликда. Косачаси 5 мм узунликда. Тоғибарглари узунроқ, косачасидан калтароқ. Икки уйли гуллари сарғиш яшил. Тугуни 2-3 (4) чанокли, меваси 2-3-4 данакли. Данаги 5 мм энликда, қора рангда. Уруғи ингичка керткли.

Май-июнда гуллайди, июл-августда уруғлари етилади.

Тоғ ёнбағридаги ёнғоқзор, арчазор, ўрмонлар ва дарёлар ўзанида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда меваси ишлатилади. Таркибида антрагликодизлар, флавоноидлар, органик кислоталар, қандлар, пектин моддалар бор. Мевасининг дамламаси ва қайнатмаси оқ сурғи дори сифатида қабзиятда истемол қилинади. Меваси сурғи чойлар йиғмалар таркибига киради.

Жийдадошлар-Лоховые-Elaeagnaceae Juss.

Жумритсимон чаканда(оқ чангал)-Облепиха крушиновидная-Hipporhae rhamnoides L.

Кўп йиллик, баландлиги 2-5 м бўлган кичик дарахт ёки бута ўсимлик. Пояси ва новдалари ўткир тиканлар билан қопланган. Барглари узунчоқ наштаарсимон, 2-9 см узунликда ва эни 3-15 мм, кулранг-яшил, остки томони кумушсимон оқ. Гуллари барглари билан бир вақтда ривожланади. Уруғчи гуллари юмалоқ-тухумсимон 3 мм узунликда. Чангчи гуллари ундан кичик. Икки уйли ўсимлик. Меваси данакли, етилганда оч сариқ баъзан оч пушти рангларда.

Май ойида гуллаб, август-сентябр ойларида меваси етилади.

Тоғ тўқайзорларида, булоқлар атрофида, дарёлар ўзанида ўсади.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Газакўтдошлар-Горечавковые-Gentianaceae Juss.

Оливье газак ўти (эр бахоси)-Горечавка оливье-Gentiana olivieri Griseb.

Кўп йиллик, илдиз пояси чилвирсимон кўп сонли илдизларга эга. Пояси бир нечта, 10-30-(40) см баландликда, туксиз асос қисмини эски барглар қолдиғи билан ўралган. Барглари икки томони ҳам туксиз, узунчоқ наштаарсимон. Гуллари

пояни учки қисмида соябонсимон, тўп гуллар сони 3-6 та. Косачаси қисман қўнғироққа ўхшаш 10-13 (15) мм узунликда. Тожбарглари ўроқсимон, очиқ-бинафша, кўк ёки оч кўк рангларда, айрим ҳолларда оқ. 2-3 см узунликда.

Май-июнда гуллаб, июн-июлда уруғи етилади.

Тоғларни ўрта ва олд қисмларида куруқ шағалли жойларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Андижон ва Фарғона вилоятларида тарқалган.

Илдизи таркибида аччиқ гликозидлар (генциопикрин), алкалоидлар, флавоноидлар, трисахароза, моддалар бор. Илдизи қайнатмаси ва қуюқ экстракти иштаха очиш ва овқат ҳазм бўлишини яхшилаш учун ҳамда ўт ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Оддий илон ўт-Синяк обыкновенный-Echium vulgare L.

Икки йиллик, пояси биттадан, гуллари шохланган, майда туклар билан қопланган, туклари тиконсимон қаттиқ, баландлиги 60-100 см. Барглари оч яшил, оқ қалқонсимон туклар билан қопланган. Илдиз бўғзидаги барглари бандли бўлиб уларнинг узунлиги 12-20 см ва эни 10-20 мм, кенг наштарсимон. Гул тўплами шингилсимон айримлари супургисимон, узунлиги 10-12 см. Косачаси майда оқ қалқонсимон калта туклар билан қопланган, узунлиги уруғланганда 8-10 мм ни ташкил этади. Тожбарглари зичроқ, кенг бўлмаган қўнғироқсимон, 12-18 мм узунликда, пушти-қизил ёки кўк-бинафша рангларга ўтади. Ёноғи кулранг 2.5 мм узунликда.

Июл-августда гуллаб, август-сентябрда уруғлари етилади.

Боғ ва хиёбонларда экилади. Айрим ҳолларда ёввойи ҳолда ҳам учрайди. Жиззах (Гуралаш), Тошкент (Ангрен) вилоятларида тарқалган.

Ўсимликдан тайёрланган дамлама пайлар чўзилганда, ревматизмда ва йўталда, тинчлантирувчи сифатида қўлланилади.

Шумгиёхдошлар-Заразиховые-Orobanchaceae Vent.

Букилган шумгия (эгилувчи)- Заразиха поникшая- Orobanche cernua Loefl.

Бир йиллик, баландлиги 12-25 см. Пояси сарғиш-қўнғирроқ ёки қизғиш-қўнғир. Ўрта қисмининг йўғонлиги 2-10 мм кенг наштарсимон қобиғи 8-12 мм узунликда. Гуллари цилиндрисимон, кўп гулли, гуллар қалин жойлашган. Косачаси 5-10 мм узунликда. Тожбарглари 10-18 мм узунликда, ташқи томондан яланғоч, найсимон, тўқ кўкиш-ҳаворанг, асос қисми оқ. Кўсакчаси узунроқ тухумсимон, туксиз уруғлари майда 0,5 мм узунликда.

Май-июн ойларида гуллайди ва июн-июлда уруғлари етилади.

Чўлдан то тоғларнинг ўрта қисмларигача бўлган жойлардаги шувоқ, карракларда паразитлик қилади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда тарқалган.

Ўсимликни қурутилганини туюлиб сигарета сифатида захм (сифилис) хасталигида чекилади.

Егинт шумгияси-Заразиха египетская-Orobanchе aegyptiaca Pers.

Бир йиллик, баландлиги 40 см. Пояси шохланган, очик сарик рангли, ўрта қисмини йўғонлиги 2 мм. Гул тўпламини узинлиги 25 см цилиндрсимон, кўп гулли, сийрак, Косачаси калта қўнғироқсимон, 10-12 мм узунликда, ташқи томни тукланган, найчасини ички томони туксиз. Тожбарглари 25-35 мм узунликда кўк-бинафша рангли ёки хаворанг, асоси оқ, найчасимон, воронкасимон, юқори қисми кенгайган. Косакчаси тухумсимон 14 мм гача узунликда, ялонғоч, икки хонали, уруғи шарсимон 0,3-0,4 мм узунликда.

Июл-сентябрда гуллайди, август-октябрда уруғлари етилади.

Кўпроқ бақлажон, помидор, картошка, айрим ҳолларда ёввойи ўсимликларда ҳам паразитлик қилади. Ўзбекистонни кўпгина вилоятларидаги суғориладиган ерларида тарқалган.

Қурутиб туюлган ўсимликни сигарета сифатида захм (сифилис) хасталигида чекилади. Таркибида ошловчи моддалар ва римантин гликозиди сақлайди. Дамламаси ошқозонни мустаҳкамловчи сифатида ичилади.

Шўрхокли илончон (қумсўта)-Цистанхе солончаковая-Cistanche Salsa(C.A.Mey). G. Beck.

Кўп йиллик, танасининг баландлиги 15-30 (400 см ва йўғонлиги 10-12 мм, остки қисми йўғонлашган. Гуллар тўплами цилиндрсимон 8-20(25) см узунликда, гуллари ўтроқ, қалин жойлашган. Косачаси найсимон, қўнғироқсимон, 10-14 мм узунликда тўпланган. Тожибарглари 25-35 мм узунликда, ташқарига эгилган, оқиш ички томонида бинафша рангларда. Тугунчаси узунчоқ тухумсимон, тожибарглари найчаси билан тенг. Косакчаси тухумсимон, косача узунлиги билан тенг.ёки озмоз узунроқ, уруғлари найсимон кўп сонли.

Май-апрелда гуллаб май-июнда уруғлари етилади.

Чўл ҳудудларида қумли ва шўрхўк жойларда бошқа ўсимлик илдизида паразитлик қилиб хаёт кечирази. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, вилоятлари ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Табобатда ўсимликнинг қайнатма дамламаси сифилис хасталигига қарши ичилади.

Кунжутдошлар-Сезамовые-Pedaliaceae R.Br.

Ҳинд кунжути-Кунжут индийский-Sesamum indicum L.

Бир йиллик, пояси тик ўсувчи қиррали, кўп хужайрали узун туклар билан қопланган, баландлиги 50-180 см. Барглари узунчоқ кенг наштарсимон 3 бўлакка

барглари узун япроғидан 2-3 барабар калтароқ. Гуллари 1-3тадан қисқа гул тутқичларида жойлашган улар барг қўлтиғида чиқади. Косачаси қалин тукланган. Тожбарглари оқ пушти рангда (15)-20-30-(40) мм узунликда ташқи томони тукланган кўсакчаси 30-50 мм узунликда тукланган уруғлари етилганда чатновчи. Уруғи ясси оқси-қора, кулуранг, сариқ, оқ, қизғиш-қўнғир 3-3,5 мм узунликда.

Июн-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Тиббиётда уруғидан олинадиган мойи ишлатилади. Уруғи таркибида кўп микдорда мой, витамин Е, моддалар бор. Мойи дори моддаларни эритиш, малҳам ва суртмалар тайёрлашда қўлланилади. У қондаги тромбоцитлар микдорини оширади ва қон ивишини тезлатади. Шунинг учун у баъзи қон касалликларини даволашда ишлатилади.

Зубтурумдошлар-Подорожниковые-Plantaginaceae Juss.

Катта зубтурум (баргизуб)-Подорожник большой-Plantago major.L.

Кўп йиллик, баландлиги (5)-30-50-(70) см. Барглари тухумсимон ёки кенг тухумсимон четлари теккис айрим ҳолларда икки томони тукланган япроғи 2-25 см узунликда ва эни 1,5-14 см банди ингичка қанотли япроғини узунлиги билан тенг. Гул ўқлари бир ёки бир нечта бўкилган ингичка қобирғали гул бошоғи 3,5-7 мм энликда цилиндрсимон 4-25 см узунликда. Косачабарглари ҳаммаси эллипссимон 2 мм узунликда. Тожбарглари очик қўнғир найсимон 2 мм узунликда тухумсимон. Кўсакчаси тухумсимон 3-4 мм узунликда икки уяли 8-30 та уруғли уяли уруғлари қўнғир бурчакли 0,6-1,4 мм узунлиги радиал ҳолдаги эгатчаси бор.

Май-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Ариқлар сойлар қирғоғида боғлар ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистонда тарқалган.

Барглари қон кетишига қарши, йўталга қарши, пайлар чўзилганда, қирқилганда, тери шамоллашга, хашоратлар чаққанда, оғриқ қолдирувчи, ичбуруғда, бронхитда қўлланилади.

Лахнанта зубтуруми-Подорожник шерстистоцветковый-Plantago lachnantha Bunge.

Бир йиллик, поясининг баландлиги 1,5-6 см. Барглари этли ингичка узунчоқ, учки қисми учли, теккис четли, тўқ яшил, остки томони тукланган, узун ўқли, 1,8-6 см узунликда (1-3)-5-18 бошоғи шарсимон, кам гулли 4-8 мм йўғонликда. Косача барглари эллипсиссимон, юпка қобиқ билан ўралган. 2,5-3 мм энликда. Тожбарглари цилиндирсимон қалин тукланган, найсимон. 2-3 мм

узонликда. Кўсаги эллипссимон, 3 мм узунликда икки уяли бир уруғли. Уруғи кўнғир 2,5-3 мм узунликда.

Апрел-июнда гуллаб уруғлайди.

Бухоро, Сурхандарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда тарқалган.

Ўсимликнинг ҳамма қисми кучли ичбуруғда қўлланилади.

Наштар баргли баргизуб-Подорожник ланцетный-Plantago lanceolata. L.

Кўп йиллик, баландлиги 10-70 см. Барглари узун наштарсимон ёки энсиз наштарсимон учи учли бандлари япроғидан 2-3 бора калта четлари теккис ёки кичик тишчали 3-5 та томирланган ост томони тукланган 4-20 см узунликда ва эни 0,4-3,5 см. Ҳосил қилган гул ўқлари 2-10 [20] та тик ўсувчи гуллари жойлашган қисми 0,7-6 см узунликда ва йўғонлиги 7-10 мм. Косача барги 2,5-3,5 мм узунликда плёнкасимон туксиз. Тожбарги очик кўнғир найсимон 2 мм узунликда тухумсимон. Кўсакчаси узунчоқ 2,5-3 мм узунликда икки уйли бир уруғли. Уруғи кўнғирсимон 2,5-3 мм узунликда.

Июн-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Ариқлар бўйида, тоғ ён бағрларида, боғларда, йўл ёқаларида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда тарқалган.

Тиббиётда Уруғи ва қуритилмаган ер устки қисми ишлатилади. Таркибида кўп миқдорда шиллиқ моддалар, алмубин гликозиди, витамин С ва К, каротин, ошловчи моддалар бор. Уруғининг шиллиқ эритмаси енгил сурги (қабзиятда) ҳамда қоплаб оловчи (сурункали колитда) восита сифатида қўлланилади. Ўсимликнинг дамламаси, сурмаси (настойкаси), меъда-ичак касалликлари гастрит, энтерит ва колит (йўғон ичакнинг яллиғланиши), меъда ва ўн икки бармоқ. ичакнинг яра касалликларини даволаш учун ҳамда меъда ширасида кислота камайиб кетганида қўлланилади. Шираси тузалиши қийин бўлган колитга ҳамда яраларга даво бўлади.

Тизимгулдошлар-Вербеновые-Verbenaceae Jaume St.-Hil

Доривор тизимгул-Вербена лекарственная-Verbena officinalis L.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, шохланган, юқори қисми дағал бўлиб тукланган, баландлиги 30-70 см. Барглари тухумсимон, 4-8.5 см узунликда. калта, дағал туклар билан қопланган косача тишчалари найчасидан 4-5 маротаба калта. Тожибарглари ёрқин бинафша ранг ёки оқиш рангда. 5-5.5 мм узунликда ва диаметри 5 см. Уруғи икки қирали, узнасига эгатчали, 1.8-2 мм узунликда ялтироқ.

Апрел-сентябр ойларида гуллаб, май-октябрь ойларида уруғлари етилади.

Тоғ олди, тоғли ерларда, боғ ва экинзорлар, йўл ёқаларида бегона ўт сифатида ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида кенг тарқалган.

Халқ табобатида ер устки қисми қўлланилади. Қайнатмаси халқ табобатида турли касалликлар (бош ва қорин оғриғи, иситма, талоқ шиши, кўтир, шишлар, лат еб мома-талоқ бўлган жойлар) ни даволашда ҳамда сийдик ҳайдовчи, антисептик восита сифатида ишлатилади.

Илохий тоғмурчи (Марям дарахти, бошбармоқ)-Витекс священный(абрамово древо)-Vitex agnus-castus L.

Кўп йиллик, баландлиги 2 м бўлган кичик дарахт ёки бута новдалари тўрт қиррали, кўнғир қалин кулранг туклар билан қопланган. Барглари бандли 1,5-4-(5)-см узунликда, япроқчалари 5-7 тадан, учли, энсиз наштаарсимон, четлари теккис Гуллари қалқонсимон ярим соябонсимон шохчалар учиди жойлашган, гул тутқичи 1-2 мм узунликда. Косачаси найсимон-кўнғироқчага ўхшаш, 3 мм узунликда. Тожбарглари кўкиш ёки оқш, 9-12 мм узунликда, ташқи томони тукланган. Данаги шарсимон, 3-4-(5) мм диаметрда.

Июн-сентябр ойларида гуллаб, август-октябрда мевалари пишиб етилади.

Маданий ўсимлик сифатида экиб ўстирилади.

Баргларида тайёрланган дамламаси эшак эми ва кичима хасталикларида ювилади. Уруғлари айрим жойларда мурч ўрнида қўлланилади. Гиппократ уруғларини талоқ хасталикларида ишлатишни кўрсатган.

**Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)-Яснотковые (Губоцветные)-
Lamiaceae Lindl (Labiatae Juss.)**

Боғ гулрайхони-Чабер садовый-Satureja hortensis L.

Бир йиллик, пояси ингичка, юқори қисмидан шохланган, баландлиги 10-20 см. Барглари наштаарсимон, четлари теккис. Гуллари калта тутқичли бўлиб 1-(2) тадан барг қўлтиғида жойлашган. Косачаси, кенг кўнғироқсимон 4-5 мм узунликда ингичка учбурчаксимон. Тожибарглари оч хаворанг, ташқи томони тукланган 6-7 мм узунликда, ёнғоқчаси уч қиррали, қора рангда теккис 1 мм узунликда.

Июл-сентябр ойларида гуллаб, август-октябрь ойларида уруғлари етилади.

Республикада маданийлаштирилган, айрим ҳолларда ёввойи ҳолда ўсади.

Халқ табобатида ер устки қисми ишлатилади. Ер устки қисмининг дамламаси халқ орасида бош оғриганда, йўтал, тумов, ич кетганда, овқат ҳазм қилиш бузилганда, қорин дам бўлганда, кўнгил айниб қусганда ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Сийдик ва ел ҳайдовчи, терлатувчи, бактерияларга ва спазмага қарши восита сифатида қўлланилади.

Гуасли бозулбанг-Заячья губа гипсовая-Lagochilus gypsaceus Vved.

Кўп йиллик, поясининг баландлиги (15) 30-40 см, кўп сонли пояли, пояси оқиш-кулранг, туклар билан қопланган. Барглари лопаткасимон, четлари тишчали ёки бўлакларга бўлинган. Гуллари ўтроқ, 4-6 тадан барг қўлтиғида жойлашган. Косачаси ингичка қўнғироқсимон, учлари тикансимон тишчали, 12-18 мм узунликда. Тожбарглари оқ ёки пушти 20-25 мм узунликда. Ёнғоқчаси туксиз, 4-5 мм узунликда.

Май-август ойларида гуллаб, июн-август ойларида уруғлари етилади.

Тоғ олди туманларида, қўнғир тупроқли жойларда ўсади. Сурхондарё вилояти (Гузар ва Шеробод оралиғида) тарқалган.

Қон қуюлишни тезлатувчи сифатида, бурундан, жарохатда, ўпкадан, ошқозондан қон кетишига қарши қўлланилади.

Гангитувчи бозилбанг (Банги девона)-Заячья губа опьяняющая-Lagochilus inebrians Bunge.

Кўп йиллик, пояси ёғочланувчан, шохланган, горизантал туклар билан қопланган, ялтироқ оқ қобикли, баландлиги (20)-30-40-(60) см. Барглари тухумсимон-ромбик, бўлакларга бўлинган, туклар билан қопланган. Гуллари ўтроқ, 4-6 тадан юқоридаги барглар қўлтиғидан ўрин олган. Косачаси ингичка қўнғироқсимон, учи тиканли, 15-23 мм узунликда. Тожбарги оқ ёки пушти, қўнғирсимон доғлари бор, 20-28 мм узунликда. Ёнғоғи туксиз, 4-5 мм узунликда.

Июн-августда гуллаб, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғ олди туманларда тошли-шағалли тупроқларда ўсади. Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда ер устки қисми гули ва барги ишлатилади. Дори препаратлари (дамламаси, настойкаси ва қуруқ экстракти) қон ивишини тезлатиш ва қон босимини пасайтириш таъсирига эга бўлгани учун бачадон, ўпка, бурун, яралардан ва бошқа жойлардан қон оқишини тўхтатиш ҳамда бавосил, I-II даражали гипертония касаллигини даволаш учун қўлланилади.

Гул тутқичли кийикўти-Зизифора цветоножечная-Ziziphora suffruticosa Pazij. (Z.clinopodioides Lam.)

Кўп йиллик, кўп сонли поялар ҳосил қилувчи, юқори қисмидан шохланувчи, майда тукли, бинафша рангли, баландлиги 20-40 см. Барглари бўғимларда қарама-қарши жойлашган. Наштарсимон қисқа бандли, четлари теккис, майда тукланган. Туклари поялар учида қалқонсимон жойлашган, гул тутқичлари (3)-4-5 мм узунликда. Косачаси 5-6 мм узунликда, тукланган, тожибарги очиқ-бинафша, 7-8 мм узунликда, найсимон, остки лаби 4-5 мм энликда.

Июн-август ойларида гуллайди, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғларни олд ва ўрта минтақаларида тошли шағалли жойларида ўсади. Тошкент вилоятида тарқалган.

Баргларидан тайёрланган дамламаси болалар тамоқ оғриғида, қорнидаги оғриқларда, қайт қилишда ва сифилисда қўлланилади. Гулларининг экстракти ошқозон яллиғида, тез-тез қайт қилишда ва ел ҳайдовчи сифатида қўлланилади.

Дағал тукли бозилбанг-Заячья губа жестковолосистая-Lagochilus hirsutissimus Vved.

Кўп йиллик, поялари ёғочланувчи, тик ўсувчи, кам шохланувчи, баландлиги (10)-15-30 см. Барглари ромбик тухумсимон, чуқур ўйилган, учки қисми тукланган. Гуллари барг қўлтиғида 4-8 тадан ўтроқ жойлашган. Косачаси қўнғироқсимон, учлари тикансимон учли, остки косачаси 20-25 мм узунликда. Тожбарглари оқ унда қўнғир нурлари бор, узунлиги 25-27 мм

Июн-июл ойларида гуллайди.

Тоғ олди туманларида шағалли-майда тупроқли жойларда ўсади. Фарғона вилоятини (Қурама тизмасини) тоғ олдида тарқалган.

Қонни қуюлишини тезлатишда яъни қон кетишини тўхтатиш учун қўлланилади.

Дала ялпизи (сув ялпизи)-Мята полевая-Mentha arvensis L.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, асосидан шохланувчи, пояси тўрт қиррали, 25-50 см баландликдаги ўт ўсимлик. Барглари узунчоқ наштарсимон, қалин, калта туклар билан қопланган. Гуллари шохлар ва пояни учида бошоқсимон тўп гуллар ҳосил қилади. Косачаси 2.5 мм узунликда уч қиррали ўткир тишчали. Тожбарглари пушти-бинафша рангда, 4-5 мм узунликда.

Июл-августда гуллаб, август-сентябрда уруғлари етилади.

Теккисликларда ва тоғ олди туманларида ариқ ва сув ҳавзаларида қирғоғида, зах ерларда ўсади. Тошкент, Фарғона вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда барги ва эфир, мойи ишлатилади. Баргининг дори препаратлари дамламаси, сурмаси (настойкаси), суви кўнгил айнишига ва қусишга қарши ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшилашда ишлатилади. Ялпиз суви яна оғиз чайқаш ва суюқ дорилар таъмини яхшилаш учун қўлланилади. Барги тинчлантирувчи, ўт ҳайдовчи ва меъда касалликларида ишлатиладиган чойлар йиғмалар, эфир мойи қорин оғриғини қолдирувчи таблетка ва томчилар, ментол ингофен таркибига киради. Ўсимликнинг барги здренко йиғмаси таркибига киради.

Догсиз кўкамарин-Шлемник непятнистый-Scutellaria immaculate Nevski.
(*S.orientalus L.*)

Кўп йиллик, сийрак кўп сонли ястиксимон, бир йиллик новдалари ингичка 5-10 см узунликда, ўтсимон ўсимлик. Барглари эллипсисимон, айрим ҳолларда четлари тқис. Гуллари юқоридаги барглар қўлтиғида жойлашган. Косачаси 2 мм узунликда, Уруғи етилишида бироз узунлашади. Тожибарглари оч сарик, 25-30 мм узунликда.

Июн-августда гуллаб, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғларнинг ўрта минтақаларидаги қояларда ўсади. Тошкент (шагалтаг) Фарғона, Самарқанд вилоятларида тарқалган.

Ушбу ўсимликни илдизидан спазматик хасталикларига қарши қўлланилади.

Доривор лимонўт-Мелисса лекарственная-Melissa officinalis L.

Кўп йиллик, пояси тик, асосидан шохланувчан, қалин дағал безлар ва туклар билан қопланган, лимон сингари ҳидга эга, 30-60 см баланликдаги ўт ўсимлик. Барглари тухумсимон, четлари йирик тишчали, остки томони туксиз, уст томони сийрак калта тукланган. Гуллари узун тутқичли, ҳалқасимон жойлашган. Косачаси 7-8 мм узунликда, узун толали тукларга эга. Тожбаргалари оқ, ташқи томони бироз тукланган, 13-14 мм узунликда. Ёнғоқчаси уч қиррали, тўқ-қўнғир 1.7 мм узунликда.

Июн-август ойларида гуллаб, Июл-сентябр ойларида уруғи етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларида, қоялар, сояларда ўсади.

Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда ер устки қисми ишлатилади. Ер устки қисми нинг (баъзан баргининг) дамламаси овқат ҳазм бўлиши бузилганда уни тартибга солиш, камқонлик, баъзи асаб ва юрак касалликларини даволаш учун ҳамда тиришишга қарши таъсир этувчи, оғриқ қолдирувчи, сурги, сийдик ва ел ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Лимонўт асосан халқ табобатида ишлатилади.

Ёввойи жадвор-Пустынноколосник обнаженный-Eremostachys nuda Regel.

Кўп йиллик, илдизи йўғон турупсимон айрим ҳолларда шохланган. Паяси тик ўсувчи, оддий мўтлоқ туксиз, баландлиги 50-60 см. Барглари ромбик шаклида бўлиб майда, қирқилган, остки барглари калта бандли, пастдагилар 1-2 жуфтдан, ўтроқ. Гуллари ўтроқ, кам гулли, халқаларда жойлашган. Коасачаси 12-15 мм узунликда, найчасимон калта тишчали, 1-1,5 мм узунликда. Тожибарглари 22-25 мм узунликда, оқ, остки лаби сарик, ташқи томони момиқ тукланган. Ёнғоғи туксиз,

Май-июнда гуллаб, июн-июлда етилади.

Тоғни ёнбағирларни ўрта минтақаларида ўсади. Андижон вилоятида тарқалган.

Илдизидан тайёрланган қуюқ қайнатмаси чой билан аралаштириб белдаги, кўкракдаги ва суяк бўғинларидаги оғриқларда қўлланилади.

Европа бўриоёғи-Зюзник европейский-Lycopus europaeus L.

Кўп йиллик, ўт ўсимлик, пояси тик ўсувчи, баландлиги 30-80 см. Барглари наштарсимон, бўлакларга бўлинган. Гуллари ўтроқ, кўп сонли, ҳалқасимон бўлиб барг қўлтиғида жойлашган. Косачаси 3-3.5 мм узунликда тукланган, игнасимон тишчали, наидан узун. Тожбарги оқ, косачадан бир оз калтароқ. Ёнғоқчаси 1.5 мм узунликда.

Июль-сентябрда гуллаб, август-октябрь ойларида уруғи етилади.

Ариқ ва сойлар қирғоғидаги зах жойларида ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қорақолпоғистон республикаси ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Юрак ритмлари бузилганда, қалқонсимон безларни фаолияти ортганда, уйқусизликда қўлланилади.

Женева аюгаси-Живучка жевевская-Ajuga genevensis L.

Кўп йиллик, поясини баландлиги 25 см. Барги тескари узунрок ланцетсимон, йирик тишчали, ости туксиз, уст томони сийрак тукланган. Гуллари ҳалқасимон тўпгуллар ҳосил қилади. Косачаси кунғироқсимон, кўк ранг 7 мм узунликда. Тожбарглари ховоранг 15 мм узунликда ташқи томони тукланган.

Май ойида гуллаб уруғлайди.

Тошкент вилоятини далаларидан тарқалган.

Халқ табобатида ер устки қисмининг дамламаси, қайнатмаси безгак, рак касалликларни даволашда қўлланилади.

Зарафшон кўк ўти (иссон)-Иссон зеравшанский-Hyssopus zeravschanicus (Dubjan.) Pazij.

Кўп йиллик, кўп сонли пояри бор, шохланган, 20-50 см баландликда. Барглари наштарсимон, ўтроқ, четлари теккис. Гуллари калта тутқичли, оз сондаги гулларга эга. Косачаси рангли, 7-8 мм узунликда, майда тукланган, учбурчаксимон. Тожбарглари тўқ кўк-бинафша рангларда, 9-10 мм узунликда.

Июль-августда гуллаб, август-сентябр ойларида уруғи пишади.

Тоғларнинг ўрта минтақадаги қуруқ тошли ёнбағирларида ўсади. Тошкент, Андижон, Самарқанд Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ўсимликнинг ер устки қисмини гулли қисми новдалари билан қайнатмаси кўкрак органларида астма, бронхит, тамоқ ва ангина хасталикларида қўлланилади. Шунингдек овқат ҳазм органларини даволашда ҳам ишлатилади.

***Зарафшон тоғжамбули-Тимьян зеравшанский-Thymus zeravschanicus Klok.*
(*Th. serpyllum L.*)**

Кўп йиллик, ер бағирлаб ўсувчи, илдизлари олдидаги қисмлари ёғочланган чала бута. Янги новдалари тукланган, баландлиги 5-10 (15) см. Барглари тескари тухумсимон ўтрок. 3-4 тадан томирланган, туксиз, четлари теккис. Гуллари пояларини учки жойлашган бошоқсимон тўп гуллардир. Косачаси 4-5 мм узунликда. Тожбарглари 5-7 мм узунликда пушти-қизғиш, пушти-қизил рангларда.

Июн-август ойларида гуллаб, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта ва юқори минтақаларидаги тошли ва майда шағалли тупроқларда ўсади. Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида ўсади.

Ер устки қисмини дамламаси оғриқ қолдирувчи, радикулитда, йўталга қарши, ич буруғда қўлланилади.

Ингичка чўл ялпиз-Зизифора тонкая-Ziziphora tenuior L.

Бир йиллик, асосидан шохланувчи, момик тукланган, гуллар тўпламларида узун туклар жойлашган, баландлиги 5-30 см. Барглари пояда 2 жуфт узунчоқ тухумсимон калта бандли тез тўкилиб кетувчи, косачаси наштарсимон 5-8 мм узунликда. Учбурчаксимон учли, тишчали. Тожибарглари очик бинафша рангли. 8-11 мм узунликда. Ёнғоқчаси 3 қиррали узунчоқ наштарсимон. Қўнғир рангда. 1.5 мм узунликда.

Май-июн ойларида гуллаб, июн-август ойларида уруғлари етилади.

Ўзбекистонни барча тоғ олди ва тоғларни ўрта минтақаларидаги тошли, гел тупроқли, шағалли жойларида тарқалган.

Ўсимликдан тайёрланган қайнатма юрак иш фаолиятини яхшилаш учун ичаклар иш фаолиятини яхшилашда, ичбуруғда ва ич қотишида ишлатилади.

Калта косачали ялпиз-Зизифора короткочапечная-Ziziphora brevicalyx Juz.

Кўп йиллик, кўп пояли, ингичка асоси ёғачланувчи, баландлиги (10)-20-40 см. Барглари узунчоқ эллипссимон понасимон. Гуллари калта (1,5-2мм) туткичли, кўп гулли бўлиб улар новдалар учиди жойлашган. Косачаси (4)-5-(6)мм узунликда. Тожбарги ёрқин бинавша, узунлиги 8-9 мм найсимон пастки гул лаби 4-5 мм энликда

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-августда уруғлари етилади.

Тоғларни остки ва ўрта минтақаларидаги тошли шағалли жойларда ўсади. Фарғона, Самарқанд, ва Сурхондарё, вилоятларида тарқалган.

Баргидан тайёрланган дамламаси болалар томоқ оғриғида, ошқозон ичак хасталигида, қайт қилишга, қон томир хасталигида, гулларида тайёрланган

дамламаси иштаҳа очувчи, сийдик ҳайдовчи, терлатувчи, юрак ишини мустаҳкамловчи, ичбуруғда қўлланилади.

Кенг косачали бозулбанг-Заячья губа широкочашечная-Lagochilus platycalyx Schrenk. ex Fisch.

Кўп йиллик, пояси ўт ўсимлик, бўғинлари оқ пўстлоқли, баландлиги 30-60 см. Барглари ромбик, кенг узунчоқ, қирқилган, бўлақларини учи тиканли. Гуллари ўтроқ, пояни юқорисидаги барг қўлтиғида 4-6 тадан жойлашган. Косачаси ингичка қўнғироқсимон 25-35 мм кенгликда, пастки косачаси 20-30 мм узунликда. Тожбарглари пушти ва қўнғир нурсимон доғлари бор, 25-30 мм узунликда, юқори лаби узун.

Май-июлда гуллаб, июл-август ойларида уруғлайди.

Тоғларни олд қисимларидан то ўрта минтақасигача бўлган тошли, майда тупроқли, шағалли жойларда ўсади. Тошкент вилояти. Фарбий Тянь-Шан тизмаларида тарқалган.

Қон қуюлишини тўхтатади ва заҳарли хусусияти йўқ.

Кнорринг бозулбанги-Заячья губа кнорринг-Lagochilus Knorringianus Pavl.

Кўп йиллик, поялари тик ўсувчи, шохланган, тукланган, баландлиги 20-30 см. Барглари рўмбиксимон, икки бора қирқилган. Гуллари юқори барглари қўлтиғида 4 тадан жойлашган. Косачаси ингичка қўнғироқсимон, остки тожлари 11-12, юқоридагиси 16-17 мм узунликда, косачани учи тикансимон тугалланади, 27-28 мм узунликда. Ёнғоғи буришган, 6 мм узунликда.

Май ойида гуллаб, июнда уруғлари етилади.

Тоғни пастки ён бағирларида ўсади. Фарғона вилояти (Чотқол тизмасида) тарқалган.

Ички органлардан қон кетишини тўхтатиш учун қўлланилади.

Комаров тоғбўзночи (аждарбош)-Змееголовник комарова-Dracoscephalum Komarovii Lipsky.

Кўп йиллик, поялари кўп сонли, асос қисми йўғонлашган, баландлиги 10-20 см. Барглари учбурчаксимон, асосан юраксимон, четлари теккис, калта бандли. Гуллари юқори қисмидан кичрайган, барглар қўлтиғидан биттадан ҳосил бўлади, калта тутқичли. Косачаси 10-11мм узунликда бинафша рангда, икки лабли, майда бурмали, уч тишчали. Тожибарглари кўриниши, ташқи томондан момиқ туклар билан қопланган, 20-22 мм узунликда. Ёнғоқчаси наштарсимон узунчоқ уч қиррали, теккис, 3 мм узунликда.

Июл-август ойларида гуллаб, август-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғларни юқори қисмидаги тошли жойларда ўсади. Тошкент, вилояти (Охонгарон дарёсини юқори қисмида) тарқалган.

Махаллий ахоли томонидан қадирланиб уни туюб, қайноқ сувга бир чой қўшиб чой ўрнида ҳам истемол қилинади. Қайноқ чойи ошқозон спазмасида, қориндаги бошқа оғриқларда ҳам ичилади.

Қалампис ялпиз-Мята перечная- Mentha piperita L.

Кўп йиллик, баландлиги 30-40 см, поялари оддий кам шохланган. Барглари узун наштарсимон, учи учли, қисқа бандли, тишчалари аррасимон. Гуллари поя ва шохчалар учида бошқасимон тўпгул ҳосил ыилади. Косачаси бинафша, туксиз, уч бурчакли, учли киприксимон тишчали. Тожбарглари пушти-кўкиш 3-4 мм узунликда. Чангчилари тожбарглардан қисқа.

Июн-август ойларида гуллайди.

Кам ҳолларда ариқлар қирғоғида ўсади. Тошкент вилоятида тарқалган.

Барги тинчлантирувчи, ўт ҳайдовчи ва меъда касалликларида ишлатиладиган чойлар йиғмалар, эфир мойи қорин оғриғини қолдирувчи таблетка ва томчилар, ментол ингофен таркибига киради. Ўсимликнинг барги Здренко йиғмаси таркибига киради.

Қалпоқчали кўкамарин-Шлемник колпачковый-Scutellaria galericulata L.

Кўп йиллик, пояси тўрт киррали, юқори қисмидан шохланувчи, баландлиги 40-50 см. Барги қисқа бандли, асоси юраксимон, майда тишчали, юзаси туксиз, остки томони сийрак тукланган. Гуллари биттадан, юқоридаги барглари қўлтиғида жойлашган. Косачаси майда туклар билан қопланган 3,5 мм узунликда, уруғлари ёқимли ҳидли, 6 мм ташкил этади. Тожибарглари очик, бинафша рангда, 13-16 мм узунликда. Ёнғоқчаси шарсимон, 1,5 мм узунликда, оч кўнғир, туксиз, майда эгатчали.

Май охиридан то августгача гуллаб, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Дарёлар, ариқлар, ва шопипоялар қирғоғида, нам ерларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғстонда тарқалган.

Илдиз ва илдиз пояларини дамламаси ҳамма турдаги қон кетишларда, ошқозон ичак, буйрак, нафас йўллари, ревматизм, уйқусизлик, юрак ўйноғи, истмани тушурувчи, безгакка қарши, гижжалар тўкишда қўлланилади.

Қатортишли девортаги ўти-Шандра очереднозубая-Marrubium alternidens Rech.

Кўп йиллик, кўп сонли пояли, кам шохланандиган дағал тукланган, баландлиги 30-80 см. Барглари юмалоқ узун бандли, тишчали-эгатчали. Гуллари кўп сонли бўлиб ҳалқасимон жойлашган косачаси 9-11 мм узунликда, юлдузсимон туклари билан қопланган. Тож барглари оқ, ташқи томони юлдузсимон туклар эгаланган, узунлиги 9-11 мм, барги икки бўлакки қирқилган. Ёнғоқчаси уч киррали тухумсимон, 1,5 мм узунликда.

Май-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Бегона ўт сифатида боғларда, экинзорлар четида ва ташландиқ ерларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида ер устки қисми ишлатилади. Ер устки қисмининг қайнатмаси халқ орасида томоқ оғриғи, нафас йўлларининг сурункали шамоллаши ва тиш оғриши каби касалликларда оғиз ва томоқ чайишда ишлатилади. Сурмаси (настойкаси) эса тинчлантирувчи ва қон босимини пасайтирувчи таъсирга эга эканлиги тажрибада аниқланган.

Майда гулли тоғ райҳони-Душица мелкоцветная-Origanum tyttanthum Yontseh.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, кўп сонли, юқори қисмидан шохланувчи баландлиги 30-60 см. Барги тухумсимон ёки узунчоқроқ, тўмтоқ асоси понасимон четлари теккис, юзаси туксиз. Гуллари ўтроқ бошоқсимон ярим соябонсимон қалқонсимон тўпгулларга тўпланган. Косачаси 3 мм узунликда калта тукланган. Тожбарги оч кўкиш-пушти 5 мм узунликда. Ёнғоқчаси тўқ-кўнгир 0,75 мм узунликда

Июл-август ойларида гуллаб июл-сентябр ойида уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта ва пастки минтақаларидаги тошли-шағалли жойларида ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисми таркибида эфир мойи, тритерпен кислоталар, кумаринлар, флавоноидлар ва бошқа моддалар бор. Оддий тоғ райҳоннинг ер устки қисмининг Суюқ экстракти нафас йўллари касалликларида балғам кўчирувчи восита сифатида, ичак юриши заифлашганда, иштаҳа очиш, овқат хазм қилишни яхшилаш, сийдик ва ел ҳайдаш учун қўлланилади. Суюқ экстракти нафас йўллари касаллигида ва кўк йўталда ишлатиладиган пертуссин таркибига киради. Тимол оғиз шиллиқ қаватини дезинфекция қилиш ва тиш оғриғи қолдириш ҳамда терининг замбуруғли касалликларини даволаш, баъзан, гижжаларни ҳайдаш учун ишлатилади.

Момик бозулбанг-Заячья губа пушистая-Lagochilus pubescens Vved.

Кўп йиллик, кўп пояли, поялари кам шохланувчи, оқ қобиқли, баландлиги 15-50 см. Барглари ромбик кўринишда, узун бандли, тукланган. Гуллари ўтроқ, пояни юқори қисмидаги барглар қўлтиғида 4-6 тадан жойлашган. Косачаси ингичка кўнғироқсимон, туклар билан қопланган, узун тикан билан яқунланган, (14)-18-24 мм узунликда. Тожбарглари оқ ёки пушти. Кўнғирсимон нурли доғлари бор, 22-28 мм узунликда. Ёнғоқчаси туксиз, 4 мм узунликда.

Июн-август ойларида гуллаб, июл-сентябр ойларида уруғи етилади.

Қўнғир тупрокли тоғ олди туманларида ўсади. Фарғона вилояти (Олой тизмасида) тарқалган.

Бошқа турдаги хусусиятларга эга. Қон қуюқланишини тезлатади.

Мухаллис барг қисрақ (хапир)-Перовския узколистная-Perovskia angustifolia Kudr. (P.serophulariifolia Bunge.)

Кўп йиллик, йўғонлашувчан пояли, қўнғир қобикли чала бута, баландлиги 60-120 см. Барглари узунчоқ ёки тухумсимон, тўнтоқ тишчали, Гуллари калта тутқичли кам гулли, ҳалқасимонга ўхшаш жойлашган шингили тўпгул ҳосил қилади. Косачасини узунлиги 5-6 мм, бинафша рангли, барча қисми узун туклар билан қопланган. Тожибарглари бинафша рангда, узунлиги 11-12 мм, сийрак момиқ.

Июн-июлда гуллаб, июл–август ойларида етилади.

Тоғларни пастки минтақаларидаги суюрма тошлар, шағалли жойларда ўсади. Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида ер устки қисми ишлатилади. Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси халқ орасида кўтир ва тери касалликларини даволаш учун қўлланилади. Ер устки қисмининг сурмаси (настойкаси) ва дамламасидан тайёрланган суртмаси бактерицид таъсирига ҳамда яраларни даволаш хоссасига эга эканлиги тажрибада аниқланган ва шу мақсадда илмий тиббиётда ишлатишга тавсия этилган.

Мушук зуфо-Котовник кошачий-Nepeta cataria. L.

Кўп йиллик, поялари йўғон, сершоҳ, баландлиги 60-80 см. Барглари учбурчакли, тескари тухумсимон, асоси юраксимон, йирик тишчали, юзаси туксиз, остки томони сийрак тукли. Гуллари сийрак, кўп сонли, ярим соябонсимон, тўпгул ҳосил қилади. Гул тутқичлари 5-10 мм узунликда, гул ён барглари жуда майда, наштарсимон игнага ўхшаш тукланган. Косачаси 5-6 мм узунликда, кулранг момиқли. Тожибарглари оч ҳаворанг ёки кўк айрим ҳолларда оқ, 7-8 мм узунликда. Ёнғоқчаси эллиписимон, қўнғир рангда, теккис 1,5 мм узунликда,

Июн-июл ойларида гуллайди, июл-августда уруғлайди.

Тоғларни ўрта минтақасигача бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Ўсимликнинг ер устки қисми бош оғриғида, ошқозон яллиғланишида, йўталда қўлланилади.

Оддий устихудус-Черноголовка обыкновенная-Prunella vulgaris. L.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи юқори қисмидан шохланувчи 10-40 см баландликдаги ўт ўсимлик. Барглари узунчоқ тухумсимон, четлари теккис, тўқ

яшил, туксиз. Гуллари калта тутқичли, зич бошоқсимон гул тўпламига эга. Косачаси 5-6 мм, уруғлайди, бинафша рангда. Тожибарглари оқиш, бинафша доғлари бор. Туксиз, 9-10 мм узунликда. Ёнғоқчаси эллипсисимон уч қиррали туксиз, теккис, очиқ-кўнғир, 2мм узунликда.

Июл-август ойларида гуллаб, август-сентябр ойларида уруғи етилади.

Тоғ олди ва юқори тоғ минтақаларидаги нам жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Поя ва барглари диатезларда, теридаги, оғиз туберкулёзида, ошқозон, нафас йўлларида, қонли ич буруғда қўлланилади.

Оқ ламуум (оқ нар, оқ яснотка)-Яснотка белая-Lamium album L.

Кўп йиллик, поялари илдиз пояли, кам шохланган, баландлиги 25-70 см. Барглари тухумсимон, учли, асос қисми юмолоқ, остки барглари тутқичли, юқоридагилари ўтроқ. Гуллари ўтроқ, юқори барг қўлтиғида қалқонсимон жойлашган. Косачаси тишчалари билан бирга узунлиги 15 мм, туксиз, тиконсимон. Тожбарглари оқ, ташқи томони тукланган, 20-22 мм узунликда, эгилган. Ёнғоқлари тескари тухумсимон ўткир уч қиррали 2.5 мм узунликда.

Июлда гуллаб, августда уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта минтақасида нам жойларда ўсади. Тошкент, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Юрак хасталиклари, нафас йўллари яллиғланишида, талоқ хасталикларида экзема, эшакэмида, яраларни даволашда қўлланилади.

Осиё сув ялпизи (чўл ялпиз)-Мята азиатская-Mentha asiatica Boriss. (M. longifolia).

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, сер шох қалин тукланган, баландлиги 60-100 см. Барглари наштарсимон, ўтроқ, хар икки томони тукланган. Гуллари қисқа тутқичли бўлиб, поя учида бошоқсимон тўп гуллар ҳосил қилади. Косачаси қалин тукланган 2-2.5-(3) мм узунликда, энсиз учбурчак, учки қисми тишчали. Тожбарглари очиқ-бинафша рангда ва узунлиги 3-4 мм.

Июн-август ойларида гуллаб, июл-сентябрда уруғи етилади.

Тоғларни ўрта минтақасигача, нам ерлар, ариқлар, булоқлар атрофида ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда барги ва эфир, мойи ишлатилади. Дори препаратлари дамламаси, сурмаси (настойкаси), суви кўнгил айнишига ва қусишга қарши ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшилашда ишлатилади. Ялпиз суви яна оғиз чайқаш ва суюқ дорилар таъмини яхшилаш учун қўлланилади. Ментол қулоқ, бурун, нафас йўллари касалликларида ҳамда тиш оғриғини қолдириш учун ишлатилади. Ментол

препарати, валидол стенокардия (кўкрак қисиш касаллиги)га даво қилинади. Барги тинчлантирувчи, ўт ҳайдовчи ва меъда касалликларида ишлатиладиган чойлар йиғмалар, эфир мойи қорин оғриғини қолдирувчи таблетка ва томчилар, ментол ингофен таркибига киради.

Паульсена бозулбанги-Заячья губа Паульсена-Lagochilus paulsenii Brig.

Кўп йиллик, поялари кам шохланган, ингичка, ялтироқ оқ пўстли, баландлиги 25-50 см. Барглари ромбиксимон, 1-2 маротаба қирқилган, ингичка тиканли. Гуллари пояни икки қисмидаги барглар қўлтиғида 2 тадан жойлашган. Косачаси ингичка қўнғироқсимон, тукланган, 4 тадан тиканга айланивчи ўсимтали, остки косачаси 25-35 мм узунликда. Тожбарглари оч-пушти 30-40 мм узунликда.

Июн-августда гуллаб, июл-сентябр ойларида уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларидаги тошли жойларда ўсади. Фарғона вилоятида тарқалган (Олой тизмасида).

Қон қуюлишини тезлатиб, ички қон кетишини тўхтатади.

Пашиша қўнмас мармарак (тиканли мармарак)-Шалфей колючий-Salvia spinosa L.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи асосидан шохланган, ҳамма қисми тукланган, баландлиги 25-50 см. Барги турлича бўлиб илдиз бўғизидигилар, калин момиқ тукланган, эллипсимон, юқоридагилари ўтроқ пояни ўраб олувчи. Гуллари калта тутқичли 1-2 тадан гул барглари қўлтоғида жойлашган. Косачаси найсимон, ҳамма қисмини момиқ безчали туклар билан қопланган, узунлиги 17-20 мм, учбурчак шаклида, тиканли тишчали. Тожбарглари оқ, 23-25 мм узунликда, ёнғоқчаси уч қиррали юмалоқ, очик қўнғир 2.5 мм узунликда.

Майда гуллаб, июнда уруғлари етилади.

Қўнғир тупроқли, тоғ ўрмонлари атрофида ўсади. Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ёр устки қисмидан тайёрланган дамламаси иштаха очишда, юрак тез урганда, дармонсизликда, безгак, буйрак ва овқат ҳазм бўлишини яхшилашда, теридаги тангачали псориазда қўлланилади.

Пояни ўраб олувчи яснотка-Яснотка стеблеобъемлющая-Lamium amplexicaule L.

Бир йиллик, поялари асосида шохланган, шохчалари асосий поя билан тенг, (5)-10-25-(40) см баландликда. Барглари юмалоқ, туклар билан қопланган, узун бандли, юқоридагилари (гул тўплами осткидагилари) ўтроқ. Гуллари ўтроқ, кам сонли баргалар қўлтиғида халқасимон жойлашган. Косачаси 5-6 мм узунликда, тукланган, учли тишчали. Тожбарглари пушти, ташқи томони тукланган 14-15 мм

узунликда. Ёнғоқчаси тескари тухумсимон, ўткир уч қиррали, туксиз, 2 мм узунликда.

Март ойини охирида гуллаб Апрель-майда уруғлари етилади.

Тоғолди лалми ерларида, чўлларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Қон оқишини тўхтатувчи, асаб тизимини қўзғатувчи, уйқусизликларда қўлланилади.

Ройла маллачойи-Лаллеманция ройла-Lallemantia Royleana (Wall.) Benth.

Бир йиллик, оддий, пояли асосидан шохланган, баландлиги (5)-10 -25-60 см. Барглари эллипссимон, асоси кенг понасимон, бандлари япроғидан икки бора узун. Гуллари йўғон бандли бошоқсимон. Косачаси 7-8 мм узунликда, момиқ тукланган, қалқонсимон ўткир тишчали. Тожибарглари бинафша рангда, ташқи томони момиқ тукланган, косасидан оз-моз узунроқ, ёнғоқчаси уч қиррали, туксиз теккис, тўқ қўнғир 2.75 мм узунликда.

Апрел-июл ойларида гуллаб, май июлда уруғлари етилади.

Чўл ҳудудларидан то тоғларни ўрта минтақаиаригача бўлган жойларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Етилган уруғидан тайёрланган қайнатмаси сийдик ҳайдовчи ва балғам қўчирувчи, ошқозон ва ичаклардаги хасталикларга қўлланилади.

Сигирқуйруқсимон қўзиқулоқ-Зопник коровяковидный-Phlomis thapsoides Bunge.

Кўп йиллик, кўп сонли пояли, тик ўсувчи, шохланган, юлдузсимон момиқ туклар билан қопланган, баландлиги 30-50 см. Барглари кенг тухумсимон, остки барглари бандли юқоридагилари қисқа бандли, юза ва остки қисмлари ҳам юлдузсимон туклар билан қопланган. Гуллари юқоридаги гул барглари қўлтиғида 2-6 тадан жойлашган. Косачаси 12-14 мм узунликда, қалин юлдузли туклар билан қопланган, қобирғали, 0,5-2 мм узунликдаги калта тикансимон тишчали, тожибарглари пушти-кўк рангда.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Тоғ олди яйловларида асосий ландшафт ўсимлиги сифатида ўсади. Самарқанд, Сурхондарё, вилоятларининг ғарбий қисмларида тарқалган.

Гуллари оз микдорда чой билан аралаштирилиб шамоллашда қабул қилинади.

Тез тўқлувчи теукриум-Дубровник скордиевидный-Teucrium skordioides Schreb.

Кўп йилик, пояси кўтарилиб ўсувчи шохланган (10)-20-40-(60) см баландликда. Барги ўтроқ йирик аррасимон тишчалари ўткир учли. Гуллари 2-6

тадан ҳалқасимон жойлашган косачаси қўнғироқсимон, 3-4,5 мм узунликда. Тож барглари пушти 7-10 мм узунликда, ташқи томони тукланган. Ёнғоқчаси ярим шарсимон 1мм узунликда.

Майдан сентябргача гуллаб уруғлайди.

Шўрхок ва нам ботқоқлашган жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси геморрой хасталигида ванна қилиш учун ва теридаги яраларга қарши ишлатилади.

Тог қудуси-Чистец буквицецветный-Stachus betoniciflora Rupr. (Betonica officinalis L.)

Кўп йиллик, тик ўсувчи, туклар билан копланган, баландлиги 40-100 см. Барглари ланцетсимон, йирик аррасимон тишчали, узун бандли, поядагилари ўтроқ. Гуллари бошоқсимон пояни учида жойлашган. Косачаси 11-13мм узунликда, тукланган, қиска учбурчаксимон. Тож барглари тўқ кизил, 16-20 мм узунликда.

Июн-августда гуллайди, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Буталар орасида, тоғни ўрта минтақаларида ўсади. Тошкент, Наманган вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда ер устки қисми ишлатилади. Таркибида эфир мойи, флавоноидлар, алкалоидлар, стаҳидрин, иридоидлар, витамин С ва К, смолалар бор. Суюқ экстракти яллиғланиш ва фибромиома натджасида бачадондан қон кетишини тўхтатшп ҳамда туғишдан сўнг ва абортдан кейинги бачадон қисқаришини кучайтириш (ўз ҳолига келишини тезлатиш) учун қўлланилади.

Туркистон апислонқуйруғи-Пустырник туркестанский-Leonurus turkestanicus V.Krecz. et Kuprian.

Кўп йиллик, пояси кўп сонли тик ўсувчи, юқори қисмидан шохланувчан, майда тукланган, 40-50 см баландликда. Барглари кўриниши доирасимон беш панжали бўлакларга бўлинган. Гуллари ўтроқ, кам сонли ҳалқасимон жойлашган. Косачаси 8-9 мм узунликда, калта тукланган, узун учлари тиканга айланган. Тожбарглари пушти-қизғиш, ташқи томони тукланган 12-13 мм узунликда. Ёнғоқчали меваси очик қўнғир, ўткир уч қиррали.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларида нам, шағалли тупроқли жойларда ўсади.

Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисми таркибида флавоноидлар (рутин, кверцетин ва квинквелозид), алкалоидлар, эфир мойи витамин С, каротин, ошловчи ва моддалар бор. Дори препаратлари дамламаси, сурмаси (настойкаси) ва Суюқ

экстракти тинчлантирувчи восита сифатида қон босими ошиши, асабийланиш ва баъзи юрак касалликлари, юрак неврозида ҳамда кардиосклерозни даволаш учун қўлланилади.

Ўрмон қуддуси-Чистец лесной-*Stachys silvatica L.*

Кўп йиллик, пояси тўғри ўсувчи, баландлиги 1м. Барги йирик, катта аррасимон тишли, икки юзаси сийрак тукланган, бандли. Гуллари сийрак ҳалқасимон бўлиб, гул барглари қўлтиғида жойлашган. Косачаси 8-9 мм узунликда учбурчак шаклда бўлиб учки қисми тиканга айланган. Тожибарглари тўқ қўнғир қизил, 14-16 мм узунликда, остки лаб тожибарги 1.5 марта узун тепадагидан.

Июнда гуллайди.

Тоғларни ўрта минтақасида бутазорларда ўсади. Фарғона вилоятида (чодалсой) тарқалган.

Ер устки қисмидан тайёрланган суюқ экстракти яллиғланиш, фибромиома натижасида қон кетишига қарши, бачадонни тез қисқартиришда қўлланилади.

Харифгулли тоғқудуси-Чистец буквицецветный-*Stachys betoniciflora Rupr.*

Кўп йилик, пояси яхши ривожланган, баландлиги 40-100 см. Барглари узунчоқ наштаксимон, йирик аррасимон тишчали. Гуллари бошқасимон тўпгулларда жойлашган. Косачаси 11-13 мм узунликда, тукланган. Тожбарглари қизил 16-20 мм узунликда момиқ тукланган, найчани устки томони туксиз.

Июн-август ойларида гуллаб, июн-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта минтақасидаги бутазорларда ўсади. Тошкент вилоятида тарқалган.

Ер устки қисмидан тайёрланган суюқ экстракти яллиғланиш, фибромиома натижасида қон кетишига қарши, бачадонни тез қисқартиришда қўлланилади.

Хушбўй мармарак-Шалфей мускатный-*Salvia sclarea L.*

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, юқори қисмидан шохланувчи, қалин узун туклар билан қопланган, баландлики 50-100 см. Барглари йирик тухумсимон, асоси юраксимон, косачаси 9-11 мм узунликда қовурғали, қалин безчали туклар билан қопланган. Тожибарглари оч-пушти бинафша рангда, 25 мм узунликда. Ёнғоқчаси юмшоқ, уч қиррали, оч-қўнғир 2,5 мм узунликда.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Воҳаларда экинзорларда ва боғларда, тоғолди ҳудудларида ўсади. Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Баргининг дамламаси буруштирувчи, дезинфекцияловчи ва яллиғланишга қарши таъсир этувчи восита сифатида юқори нафас йўллари яллиғланишида, томоқ, милк шиллиқ пардалари яллиғланишида оғиз чайиш учун қўлланилади.

Барги томоқ, меъда касалликлари ва ичкетарда ишлатиладиган чойлар йиғмалар таркибига киради.

Ҳисор қўкамарини-Шлемник гиссарский-Scutellaria hissarica B.Fedtsch.

Кўп йиллик, кўп сонли поялар ҳосил қилувчи, шохланган, туксиз, баландлиги 20-50 см. Барглари кенг айрисимон, кенг тухумсимон, четлари катта аррасимон тишли, юқоридаги баргларининг четлари теккис. Гуллари калта тутқичли биттадан барглар қўлтиғида жойлашган. Косачаси 5 мм узунликда, уруғлари етилганда 7-8 мм этади. Тожибарглари тўқ бинафша, 22-25 мм узунликда, усткилаб гули сариқ, бинафша доғли.

Май-июн ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Тоғнинг ўрта минтақаларидаги қояларда ўсади. Сурхондарё вилояти (Ҳисор тизмасидаги Сангардак, Тўпаланг дарё ҳавзаларида) тарқалган.

Гуллари ва баргларида чой тайёрлаб бурундан қон кетишида ичилади. Шамоллашда, ошқозон ичаклар шамоллаганда ҳам қўлланилади. Юрак қон томирлар хасталигида, тинчлантирувчи, қувватга киритувчи сифатида ҳам қўлланилади.

Чўл мармараги-Шалфей нустинный-Salvia deserta Schang.

Кўп йиллик, пояси ингичка, тик ўсувчи, қалин тукланган, баландлиги, 60-80 см. Барглари учбурчаксимон–наштарсимон, учки қисми ўткир учли, ҳар икки томони тукланган, осткилари узун юқоридагилари калта ёки ўтроқ. Гуллари калта тутқичли, 2-3 тадан барг қўлтиғида шингилсимон тўпгул ҳосил қилади. Косачаси 6-8 мм узунликда момик туклар билан қопланган. Тожибарглари бинафша рангда, 11-12 мм узунликда. Ёнғоқчалари доирасимон учбурчакли, қора, 1.5 мм узунликда.

Май-август ойларида гуллаб, июн-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғ олди ва воҳаларда, суғориладиган ерларда, ўтлоқларда ўсади. Тошкент, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Барг ва гуллари ва уруғидан тайёрланган қайнатмасини юрак неврозларида майдалаб туюлган ва қовурилган ёнғоқчалари дизентерия, юрак ўйноғида қўлланилади.

Эфиопия мармараги-Шалфей эфиопский-Salvia aethiopis L.

Икки йиллик, мустаҳкам пояли, шохланган, баландлиги 50-80 см. Барглари кенг узунчоқ, асоси юраксимон, панжасимон бўлакланган, икки томони тукланган, косачаси гуллаган даврда 9-10, уруғланганда 12-14 мм узунликда, қовурғали, учки қисми тиканга айланган тишчали. Тожибарглари оқ, 15-16 мм узунликда, ўроқсимон қалқонли. Ёнғоқчаси эллипсисимон уч қиррали, қўнғир рангли, 3 мм узунликда.

Май-июнда гуллаб, июн-июлда уруғлари етилади.

Бегона ўт сифатида тарқалган.

Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Юрак, теридаги яраларда, бекзгак, буйрак хасталикларида қўлланилади.

Қўнғироқгулдошлар-Колокольчиковые-Campanulaceae Juss.

Зич қўнғироқгул-Колокольчик скученный-Campanula glomerata L.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, қиррали баландлиги 25-60 см. Остки барглари узун бандли, узунчоқ наштарсимон, асоси юраксимон. Гуллари ўтроқ, пояни учида жойлашган бўлиб, барг қўлтиғидан ҳосил бўлади. Косачаси учбурчаксимон Тожибарглардан 2 баробар калта. Тожибарги бинафша рангда 15-25 мм узунликда. Ташқи томони қалин туклар билан қопланган.

Июнда гуллаб августда уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларидаги майда тупроқли тошли жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона (Шохимардон) ва Самарқанд, вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатда баргларида тайёрланган дамлама томоқ шамоллаганда ва томоқдаги хирриллашларни даволашда ишлатилади. Гуллари ҳамда ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама танадаги сувли яраларни ювиш ва тўтқаноқли болаларни чўмилтирадилар.

Қоқидошлар (Мураккабгулдошлар)-Астровые (Сложноцветные)-Asteraceae Dumort.(Compositae Giseke)

Австрия шувози-Полынь австрийская- Artemisia austriaca Jacq.

Кўп йиллик, оқиш-кулранг ипаксимон туклар билан қопланган, поялари бир нечта, қалин барглар билан қопланган, баландлиги 15-70 см. Остки поя барглари 4 см узунликда, овалсимон икки бора қирқилган, бўлаклари 12 мм узунликда. Саватчаси 2 мм энликда, ўтроқ, 10-15 гулли, гуллари сариқ, гуллаш охирида қизил рангга ўтади. Уруғлари 1 мм узунликда, узунчоқ тухумсимон, қўнғир, оз моз бурушган.

Июлда гуллаб, октябрда уруғлари етилади.

Шўрхок чўлларни ҳаракатланувчи барханлари атрофида ўсади. Қорақалпоғистонни устюрт чўлларида тарқалган.

Ўсимликнинг барг, гул ва бошқа қисмларини. Эрта баҳорда, барглари чиқмасдан барг куртаклари қирқиб олинади ва очиқ ҳавода ёки сунъий шароитда иссиқ хоналарда қуритилади. Доришуносликда улардан дори тайёрлашда фойдаланилади.

Ашурбойева шuvoғи-Полынь Ашурбойева-Artemisia Aschurbajevii C. Winkl.

Кўп йиллик, кўп сонли поялар ҳосил қилувчи, деярли ҳамма қисми тукланган, поялари кулранг ёки оч қўнғир рангда, бландлиги 20-30-(50) см. Мевасиз пояларни барглари бандли, қолганлари деярли ўтрок, бандларни узунлиги 1,5-3 см ва эни 1,2-3 см. Саватчаси ярим шарсимон 6-8 мм энликда. Урғочи гуллари ингичка новсимон, сийрак тукланган, икки жинсли гуллари найсимон, сариқ, тукланган. Уруғи 1 мм узунликда.

Июл ойида гуллаб, сентябрда уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта қисмидаги юмшоқ тупроқли, тошли сурилмаларда, арчазорлар атрофида ўсади. Тошкент, Фарғона вилоятларида тарқалган.

Табобатда қайнатма дамламаси ошқозон хасталикларида, овқат хазм қилиш оғирлашганда ва ел хайдаш учун ичилади.

Баланд бўйли андиз (Қора андиз)-Девясил высокий-Inula helenium. L.

Кўп йиллик, илдизи йўғон, пояси тик ўсувчи, баландлиги 100-175 см. Барглари теккис бўлмаган тукчали, узунлиги 50 см. эни 25 см. юқориси ўтрок юраксимон пояни ўраб олувчи, 10-30 см узунликда ва эни 3-12 см. Тилсимон гуллари узунроқ 30 мм узунликда эни 2-2,5 мм.

Июн-июл ойларида гуллаб июл-август ойларида уруғлари етилади.

Нам экинзорларда, бедалар орасида, намли ўрмон четларида ўсади.

Тоғларни ўрта қисмида, арчазорлар, бутазорлар четида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда илдизпояси ва илдизи ишлатилади. Ер остки қисми таркибида эфир мойи, кўп миқдорда инсулин углеводлар, сапонинлар, алкалоидлар, смола, аччиқ, шиллиқ моддалар бор. Илдиз пояси ва илдизининг қайнатмаси нафас йўллари касалликларида балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилади.

Бибериштейн бўймадарони-Тысячелистник бибериштейна-Achillea biebersteinii. Agan.

Кўп йиллик, пояси кўп сонли, тик ўсувчи кам шохланувчи, сезилиши қийин бўлган қиррали, қалин ва калта туклар билан қопланган, баландлиги 20-40 см. Баргалари узун, тукланган, наштарсимон, икки бора қирқилган, учки қисми майда қирқилган. Саватчаси тухумсимон узунчоқ 4-5 мм узунликда, қалин қалқонсимон тўп гулга тўпланган. Тилсимон гуллари сариқ 4-5-(6) тадан. Уруғлари узунчоқ понасимон, кулранг-қора 1-1.5 мм узунликда.

Май-июлда гуллайди, Июл-августда уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларидаги ўтлоқлар, ўрмонлар, ариқлар ва сойларни қирғоқларида ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Қайнатмаси ташқи ва ички қон кетишида, қонаш билан боғлиқ яралар, геморрой хасталикларида, туберкулез, куйган жойларга ҳамда аёллар хасталикларида қўлланилади.

Бир йиллик кунгабоқар-Подсолнечник однолетний-Helianthus annuus L.

Бир йиллик, пояси тўғри ўсувчи, шохланмайди, сийрак, дағал туклар билан қопланган, баландлиги 2-4 м. Барглари бандли, юраксимон, икки томони ҳам тукланган. Саватчаси йирик, диаметри 30 см, ясси. Тилчали гуллари оч сариқ, найчали, гуллари очиқ сариқдан то тўқ пушти рангача. Пистаси оқ, қора, кулранг.

Июн-август ойларида гуллайди, август-сентябрда уруғи етилади.

Ўзбекистонни барча вилоятларида кенг экилади.

Тиббиётда уруғидан олинадиган мойи, барги ва гуллари ишлатилади. Барг ва гулидан тайёрланган дамламаси халқ табобатида иситмани тушириш учун ичилади. Уларининг суюқ экстракти эса илмий тиббиётда иштаҳа очиш учун буюрилади.

Бир йиллик шувоқ (Бурган,сассиқ кана)-Полынь однолетняя-Artemisia annua L.

Бир йиллик, пояларини учки қисми тукланган, пояси биттадан, асосидан кўп шохланган, қобирғали, қизғиш, баландлиги 30-100 см. Барглари тухумсимон 3-5 см узунликда, икки-уч маротаба бўлакланган, четлари аррасимон тишчали. Саватчаси 2-2.5 мм кенгликда, шарсимон, ўтроқ. Гуллари сариқ, майда, туксиз. Уруғи қўнғир, 0,5мм узунликда.

Сентябр ойида гуллаб, октябрь ойида уруғлари етилади.

Тўқайларда, ташландиқ ерларда ва экинлар орасида ўсади. Ўзбекистонни барча суғориладиган ерларида тарқалган.

Баргидан олинган шираси билан теридаги қичима, йирингли яралар ва бошқаларни, ер устки қисмидани тайёрланган дамламаси билан иштаҳа очишда, ревматизмда, сибир язвасида, безгак хасталикларида қўлланилади.

Биритания андизи (чачалабош)-Девясил британский-Inula britannica. L.

Кўп йиллик, илдизсимон ингичка, пояси юмшоқ туклар билан қопланган. Баландлиги 20-60 см. Барглари 4-10 см узунликда ва эни 0,5-2,5-(4) см. Илдиз бўғзидаги элипсимон, узунчоқ наштарсимон, бандли четлари Тўғри ёки майда тишчали, поядаги барглари ўраб олувчи ўтроқ. Саватчаси кам сонли гуллари 2-3 см пояни учки қисмида биттадан жойлашган. Уруғ учидаги кўпи оқ рангда, тахминан 3-4 маротаба уруғдан узун. Уруғи узунроқ 1,2-2 мм узунликда ва эни 0,75 мм оқич қўнғир рангда, 10 тадан қовирғаларга эга.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Бедазорлар, ариқ ва сойлар бўйида, айрим ҳолларда экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Илдиз ва илдизпоясини қайнатмаси қантли диябетда, сарикда, нафас йўллари шомоллашида, суяк туберкулозида, ревматизмда, гемморойда, гижжаларни тушуришда ва бачадондан қон кетишини тўхтатади.

Бош оғриқ ўти (бўймадарон)-Тысячелистник сантолинный-Achillea santolina L. (Achillea kermanica Gand.)

Кўп йиллик, поялари бир нечта, кам шохланган, тик ўсувчи, баландлиги 15-30 см. Барглари оч яшил, кулранг, барглари охири қирқими 1-1.5-2 мм узунликда. Саватчаси тескари тухумсимон, пояни учидаги қалқонсимон тўпгуллари 2 см. Гуллар ёнидаги ён баргчалари 4 мм узунликда. Гул ўрни ясси, кўп сонли, наштарсимон. Тилчали гуллари сарик, 5-6 тадан. Уруғлари кулранг-қора, узунчоқ понасимон, 1,25-2 мм узунликда.

Май-июл ойларида гуллаб, июн-август ойларида уруғлари етилади.

Тоғ олди, чўл минтақаларидаги тақирларда, лалми майдонларда, ариқлар атрофида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Эфирли мойлар, камфора, цинеол, пинен каби моддалар сақлайди.

Халқ табобатида йирингли яралар ва замбуруғли яраларни ювиш учун ишлатилади.

Ўзасимон момик (оқмомик)-Шерстистоллистник хлопковидный-Lachnophyllum gossypinum Bunge.

Бир йиллик, қалин момиксимон туклар билан қопланган, кўп шохланган, баландлиги 10-50см. Пояни пастки барглари тескари тухумсимон, 1,5-4,5 см узунлиги ва эни 0,5-1,7см пояни ярим ўраб олувчи. Тилчали гуллари пуштисимон-ҳаворанг, 1 см узунликда, тукланган. Гул ўрни дискаси 7 мм узунликда, сарик. Уруғи 2-3 мм узунликда, ясси, оқиш тукли, кўппари 5-6 мм узунликда.

Июл-октябрь ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғ олди чўлларида то тоғни ўрта минтақасигача, тошли, шағалли жойларда ўсади. Ўзбекистонни барча вилоятларида тарқалган.

Ўсимлик ер устки қисмида эфир мойи сақлайди. Ўсимликларнинг баргларида олинган шираси қайнатилиб қуюқ холга келтирилади ва битиши қийин бўлган яраларга суртилади, асосан фурункул ва чипконларда. Бу мъази отларни кўзига тушган оқ доғларни даволашда ҳам қўлланилади.

Гнаплоидис гулбанд-Блошница сушеницевидная-Pulicaria gnaphalodes. (Vent.) Boiss.

Бир йиллик, пояси асосидан шохланувчи, баландлиги 40-100 см, барча қисмлари узун туклар билан қопланган, ўзига хос ҳидга эга, оч яшил ўсимлик. Барглари узунчоқ, четлари тўлқинсимон, 5-9 мм узунликда. Саватчаси кўп сонли, 5-10 мм диаметрда поя ва шохчалар учида жойлашган. Тилчали гуллари оз сонли 1-3 мм узунликда. Уруғи 1 мм узунликда теккис.

Июль-август ойларида гуллаб, август-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғ олди ва чўл ҳудудларини тошли шағалли ва гел тупроқли жойларида ўсади. Андижон, Наманган (Учкўрғон), Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистонда тарқалган.

Ўсимликдан тайёрланган қайнатмаси яраларни ювиб тез битишини таъминлайди.

Дала қирқуёнжун-Жабник полевой-Filago arvensis L.

Бир йиллик, баландлиги 10-40 см, оқиш ёки кулранг оқиш ўсимлик. Барглари бутун, узунчоқ наштақсимон. Саватчаси 4-6 мм узунликда ва эни 2-4 мм, гуллари шарсимон тўпгул ҳосил қилади, барг қўлтиғида 2-7 тадан жойлашган. Уруғлари кўппарли, кўппари тўқ кулранг, 0,5-0,75 мм узунликда ва эни 0,2-0,25 мм. Кўппарлари уруғидан 4-5 маротаба узун.

Апрел ойида гуллаб, май ойида уруғлайди.

Тоғ олди қисимларидаги тошли-шағалли ва майда тупроқли жойларда, буғдойзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Самарқан, Андижон, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Баргидан тайёрланган қайнатмаси оддий ва қонли ичбуруғда, тиш оғриғида ишлатилади.

Доривор қоқи (момақаймоқ, гулқоқи, қоқиўт)-Одуванчик обыкновенный-Taraxacum officinale Wigg.

Кўп йиллик, барглари ерга тегиб мазаика ҳосил қилади. Тўқ яшил, икки томони ҳам сийрак тукланган, 10-20-25-(30) см узунликда ва эни 3-4,5-6 см, четлари чуқур қирқилган. Мазаика ўртасидан гул поя ҳосил бўлади, у қалин тукланган. Саватчаси йирик 3-4 см айрим ҳолларда 1,5-2,5 см диаметрда. Ўраб олувчи барглари ташқиси тўқ яшил. Четга букилган, наштақсимон, наштақсимон (5)-7-10-12мм узунликда ва эни 2-2,5мм бўлиб энг ташқиси ичкиларидан калтароқ. Гули очик сариқ. Уруғлари кулранг-қўнғир, аниқ бўлмаган тўрт қиррали, 3-4 мм узунликда. Кўппари оқ, 6-7 мм узунликда.

Апрел-май ойларида гуллаб, июнь-июль ойларида уруғлайди.

Ариқлар бўйида, экинзорларда, йўл ёқаларида ўсади. Ўзбекистонни барча вилоятларида кенг тарқалган.

Барглари узилганда ажиралган сутсимон шираси билан сугаллар йўқотилади. Шунингдек кўкрак оғриқларида, кучли сурги ўрнида. Баргларини сут билан қайнатиб кам қонликда, қувватсизликда ишлатилади. Илдизидан тайёрланган қайнатмаси туберкулозда, диабетда, жигар хасталигида, сийдик қопчиқ хасталигида қўлланилади.

Доривор мойчечак (газакўт, қирқмабарг мойчечак)-Ромашка обреза́нная- Matricaria recutita L.(Chamomilla recutita L.)

Бир йиллик, ўзига хос ҳидга эга, тик ўсувчи, юқори қисмидан шохланувчи, баландлиги 15-40 см. Барглари очик-яшил, туксиз, икки бора майда қирқилган. Саватчаси кенг, новдалари учида узун ингичка тутқичда биттадан жойлашган. Тилсимон гуллари оқ, пастга бўкилган, 6-10 мм узунликда, марказидаги гуллари сариқ. Уруғлари тўқ кулранг 1 мм узунликда.

Июн-июл ойларида гуллаб, уруғлайди.

Доривор ўсимлик сифатида экилади. Ўзбекистонни барча вилоятларида экиб ўстирилади.

Гулларини дамламаси меъда-ичак, гинекалогик хасталикларида тер ва ел ҳайдовчи, яллиғланишларга қарши ишлатилади.

Доривор тирноқгул-Ноготки лекарственный-Calendula officinalis L.

Бир йиллик пояси шохланган. Туклар билан қопланган, баландлиги 30-40 см илдиз олди барглари узун бандли, тескари тухумсимон йирик, поядаги барглар пояни ярим ўраб олувчи ўтроқ, четлари тўлқинсимон. Саватчасини диаметри 2-5 см. Гуллари сариқ ёки пушти, айрим ҳолларда тўқ қизил уруғларини учида кўппари йўқ, букилган 15 мм узунликда, юқори қисми дўнглашган. 10-12 мм узунликда ва эни 8-10 мм.

Май-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Ўзбекистонни барча вилоятларда хиёбонларда, хўжаликларда экилади.

Халқ, табобатида ўсимлик дамламаси (ёки қайнатмаси) сурги, сийдик ва гижжа ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Ёввойи суттикан-Латук дикий-Lactuca serriola L.

Икки йиллик, пояси тик ўсувчи, юқори қисмидан шаклланивчи баландлиги 60-100 см. Барглари оч яшил, найзасимон асосли, поясини ўраб олувчи саватчаси цилиндрсимон, 10-12 мм узунликда, супургисимон тўпгулларни ҳосил қилади. Гуллари сариқ, қуритилганда кўк рангда бўлади. Уруғлари гулларининг учи оч қўнғир тузилган икки томондан, 6-8 қобирғали.

Июн-июл ойларида гуллаб, июн-август ойларида уруғлари етилади.

Экинзорларда, тоғ олди ва тоғларни устки қисимларида майда шағалли тупроқларда, ариқлар бўйларида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро, Сурхондарё ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Дамламаси уйқусизликда, тутқаноқ хасталигида, юрак ва буйрак хасталигида қўлланилади.

Жуссан шuvoғи (эрмон)-Полын горькая-Artemisia absinthium L.

Ўсимликни ҳамма қисми кулранг-кумушсимон, гуллар билан қопланган. Поялари кўп сонли, айрим ҳолда биттадан, тик турувчи, юқори қисмидан шохланади, баландлиги 60-100 см. Илдиз олди барглари узун бандли, уч бора қирқилган, узунлиги 20 см. Гуллари супургисимон тўпгуллар ҳосил қилади. Саватчаси шарсимон, 2-4-(5) мм энликда, 40-90 гулни ўз ичига олади. Гул ўрни ботиқ, урғочи гуллари ипсимон найсимон, икки жинсли гуллари кенг найсимон, сариқ. Уруғлари қўнғир рангда, 1 мм узунликда.

Май ойида гуллаб, сентябрда уруғлари етилади.

Тўқайларда, ариқлар қирбоғида, ташландиқ ерларда, тоғни ўрта қисмидаги бўлган ҳудудларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Дамламаси, сурмаси ва қуюқ экстракти иштаха очувчи ва овқат хазм қилишга ёрдам берувчи восита сифатида ҳамда жигар, ўт қопи ва гастирит касалликларида қўлланилади.

Иберий бўзтикони (бўтакўзи)-Василек иберийский-Centaurea iberica Trev. ex Spreng.

Икки йиллик, пояси тик ўсувчи, баландлиги 20-70 см кўп ҳужайрали туклар билан қопланган, юқори қисмидан шохланган, шохчалари биттадан саватчали. Барглари икки томони тукланган четлари бўлакланган, наштаарсимон, четки бўлаклари 9-11 мм энликда. Тожбарглари оч-қизилдан то оқ рангача. Уруғлари узунчоқ 4-5 мм, узунликда туксиз, теккис, рангли,

Июн-июлда гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Воҳаларда, тоғ олди ҳудудларда, шағалли ва тупроқ жойларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Баргидан тайёрланган дамламаси безгак хасталигида ҳамда илдизидан сувчечак хасталикларида қўлланилади.

Имтиканак, қорақиз (уч бўлак баргли қорақиз)-Череда трехраздельная-Bidens tripartita. L

Кўп йиллик, унча баланд бўлмаган 2 м бута. Барглари этли қисқа бандли тескари тухумсимон овалсимон ёки тескари тухумсимон наштаарсимон четлари

киприксимон тишчали, 2-5 см узунликда ва эни 1-2,5 см. Гулларини шингиллари тик турувчи ва сийрак гулли. Мевалари узунчоқ, эллипссимон тўқ қизил.

Боғлар ва кўкаламзорлаштириш майдонларида экилади.

Тиббиётда барги ва илдизи ишлатилади. Таркибида алкалоидлар (берберин бирикмалар бор. Берберин бисульфат сурункали гепатит, гепатохолецис-тит, холецистит ва жигар касалликларида ҳамда ўт йўлининг тош касаллигида ўт ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Канада майдатожбарги (қулонқуйруқ)-Мелколенетник канадский-Erigeron canadensis L.

Бир йиллик, юқори қисмидан шохланувчан, туклар билан қопланган. Баландлиги 25-120 см. Барглар кўп сонли яшил, наштарсимон, четлари теккис. Гуллари супургисимон тўпгул ҳосил қилади. Саватчалари кўп сонли, майда 3-5 мм диаметрда. Тангачали барглари наштарсимон, учли туксиз ёки сийрак тукли. Тилчали гуллари кўп қаторли, 3,5 мм узунликда, оқ. Гул ўрни туксиз, очиқ-сарик тўрт тишчали айрим ҳолларда уч тишчали. Уруғи узунчоқ, очиқ-кулранг, 1,5 мм узунликда, сийрак тукланган. Кўппари 3 мм узунликда оқ ёки сарғиш, бир қатор жойлашган.

Майдан-сентябргача гуллаб уруғлайди.

Тўқай, ариқлар бўйида, экинзорларда кенг тарқалган бегона ўт. Ўзбекистонни барча вилоятларида кенг тарқалган.

Ўсимлик таркибида эфир мойлари бўлиб, бачадондан қон кетишини тўхтатиш учун 5-10 томчидан ишлатилади. Қайнатма дамламасидан кўз оғриғида, соч тўкилишида ва тери яралари ювилади.

Кенг тангачали каррак-Кузиния широкочешуйная-Cousinia platylepis Sehrenk.

Икки йиллик, поясини баландлиги 30-85 см, тик ўсувчи, шохланган, кам гулли, қанотчали, 3-7 мм энликда. Барглари юмшоқ, наштарсимон, четлари ўйиқли тишчали. Саватчаси шарсимон, нисбатан майда, 0,7-1см диаметрда. Гул ўрни теккис. Тожбарглари пушти рангда. Уруғи тескари тухумсимон, қобирғаси йўқ.

Июн-июлда гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Тоғ олди ва дўнгликларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятларида ўсади.

Қайнатилган гулларини кучли йўталларга қарши кўкрак қисмига боғланади.

Кўк бўтакўз-Василек обыкновенный-Centaurea cyanus L.

Мураккабгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 40-80 см га этадиган бир йиллик ўт.

Асосан, ўтлоқдарда, боғларда, буғдойзорларда, экинлар орасида ўсади, айрим жойларда манзарали ўсимлик сифатида экилади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда гули ишлатилади. Таркибида гликозидлар, антоцианлар, кумаринлар, шиллик., ошловчи моддалар бор. Гулининг дамламаси юрак ва буйрак фаолияти бузилиши натижасида танага келган шишни даволашда ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Гуллари сийдик ҳайдовчи чойлар йиғмалар таркибига киради.

Култиасов такасоқоли-Козлобородник култиасова-Tragopogon Kultiasovii M.Br.t. (ruber S.G. Gmel.).

Кўп йиллик, ёшлик даврида тиканли тукларга эга гуллаш даврига келиб камаяди. Пояси асосидан шохланган баландлиги 30-40 см. Гул тутқичлари йўғонлашган саватчали, илдизолд барглари наштарсимон 5-10 энликда, поялари 15-20 энликда, ҳаммасининг четлари тўлқинли. Саватчаси уруғланганда очилмайди, 30-40 мм узунликда диаметри 15-20 мм, четки уруғлари 5 қиррали, аниқ кўринмаган эгатчали, 11-12 мм узунликда.

Маида гулаб, июнда уруғлайди.

Қўнғир тупроқли жойларда ўсади. Фарғона вилоятида учратилган.

Ўсимликни эрта баҳорда авитаминоз учун истемол қилинади. Илдизини ёрилиши қийин бўлган чипқон ва фурункулларда тез ёрилиши учун қўйилади. Илдизи ва поялари овқатга қўшиб истемол қилинади.

Кўп йиллик дастаргул-Маргаритка многолетняя-Bellis perennis L.

Кўп йиллик, илдиз пояли, пояси тик ўсувчи баландлиги 15 см ўт ўсимлик. Барглари кураксимон, четлари киприксимон, икки томони сийрак тукланган. Саватчасини диаметри 1,5-2,5-(3) мм, тилли гуллари ясси тўқ пушти ёки оқ. Уруғлари туксиз ёки кам тукланган, 1-1.5 мм узунликда, кулранг оқ рангда.

Март-октябрда гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида экилади.

Тиббиётда фойдаланилади.

Кўхистон солидогоси (Солидаго)-Золотарник кухистанский-Solidago kuhistanica M. Pop. ex Jux.

Кўп йиллик, поясини асоси туксиз, юқори қисми сийрак тукланган, баландлиги 20-50 см. Илдиз олди барглари бандли, четлари аррасимон тишчали, юқоридагилари калта бандли ёки ўтроқ. Гуллари калта бандли. Четки гуллари тилчали бўлиб, 7 мм узунликда. Уруғи тўқ қўнғир, қобирғали, ҳамма қисми тукланган.

Июл-сентябрда гуллаб, уруғлайди.

Тоғларни ўрта минтақаларида тошли, шағалли, майда тупроқли жойларда ўсади. Самарқанд, Фарғона (Шохимардон) ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Овқат ҳазм органларини хасталикларида, ошқозон яллиғланганда, ўн икки бармоқли ичак хасталикларида, шамоллашга қарши қўлланилади.

Ёпишқоқ қариқиз-Реней войлочный (лонух)-Arctium tomentosum Mill.

Бир йиллик, 60-100 см баландликда. Тик ўсувчи, чипор, қобирғали. Барглари йирик, бандли, кенг тухумсимон, сийрак тўпланган. Саватчалари кўп сонли, пояни учида жойлашган, диаметри 2-3 см. тожбарглари тўқ бинафша рангда. Уруғлари 6-7 мм узунликда тескари тухумсимон, бир оз бурушган, кулранг-қўғир.

Июн-август ойларида гуллаб, август-сентябрда уруғи етилади.

Ташландиқ жойларда, екинзорлар қирбоғида ўсади. Фарғона вилояти (Шохимардон) тарқалган.

Тиббиётда илдизи, барги, баъзан гули ва меваси ишлатилади. Улар таркибида инсулин, эфир мойи, қандлар, кумаринлар, алкалоидлар, флавоноидлар органик (вино, олма, лимон ва оқсалат) кислоталар, лактонлар, гликозид арктин, ғамловчи моддалар бор. Илдизи қайнатмаси табобатда меъда яраси касалликларни, бод подагра, ич кетиш, буйрак тоши ва баъзи тери касалликларини даволашда ҳамда сийдик ҳайдовчи, терлатувчи ва яраларни даволовчи дори сифатида қўлланилади. Баргидан тайёрланган дамламаси меъда ва иситма касалликларига, барг шираси яраларга фойда қилади. Илдиз сурмаси (настойкаси) ва гулининг қайнатмаси, баъзан, баргининг қайнатмаси билан рак касаллигини даволашади. Бодом ёки зайтун мойида ўсимлик илдизидан тайёрланган суюқ суртма соч ўстириш учун бошга суртилади.

Қизил бурган (қизил шувок)-Полынь метельчатая-Artemisia scoparia Waldst. et Kit.

Бир ёки икки йиллик, пояси тик ўсувчи, шохланувчан, қизғиш қобирғали, баландлиги 30-70 см. япроқлари икки ва уч бора қирқилган, ланцетсимон, гуллаш даврида барглари қурийди. Гул тўплами кенг супургисимон. Саватчаси тухумсимон 2-2,5мм узунликда, ўтроқ, 6-7-12 гуллар тўпамидан иборат. Уруғлари 1 мм узунликда, қўнғир, узунасига бурмаларга эга.

Июлда гуллаб, сентябр ойида уруғлари етилади.

Тоғ олди туманларида кенг тарқалган. Чўллардаги тақирларда ҳам ўсади. Ўзбекистонни ҳамма вилоятларида кенг тарқалган.

Ўсимликни учки гуллари ва пояларидан тайёрланган дамламаси буйрак хасталиклари, терлатувчи, сийдик ҳайдовчи, гижжаларни тўқувчи восита сифатида қўлланилади.

Қоратог оққундузи-Мордовник каратавский-Echinops karatavicus Regel.et Schmalh.

Кўп йиллик, пояси биттадан, баландлиги 60-80-(100) см. Ўрта қисмидан шохланувчи, новда ва пояси биттадан гул билан тугалланади. Барглари юзаси яшил, ингичка безчали туклар билан қопланган, четлари тиканли тишчали. Гул тўплами диаметри 5,5-6 см. Саватчаси 2,5 см узунликда. Ташқи қобиғи оз сонли, 5-6 мм узунликда. Саватча ташқи баргчалари 21-23 тадан улардан 7-8 таси наштарсимон, ўртадаги 6-8 таси наштарсимон ўртадагилари учбурчак шаклда. Тожбарглари ҳаворанг, 15 мм узунликда, чуқур қирқилган. Уруғи қалин сарғиш тукланган.

Июн-августда гуллаб, август-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта минтақасидаги тошли-шағалли жойларда ўсади. Тошкент вилояти (Ангрен воҳасида, Соқаксой хавзасида) тарқалган.

Ўсимлик заҳарли бўлиб стрихин каби таъсир этади. Унинг илдизидан тайёрланган талқони қўйлардаги қуртлаган яраларни даволаш учун сепилади.

Қумлоқ бўзночи (ўлмасўт)-Бессмертник песчаный-Helichrysum arenarium (L.) Moench.

Кўп йиллик, кўп сонли, шохланмайдиган, тукланган поясини баландлиги 20-25 см. Барглари теккис четли, узунчоқ тескари тухумсимон, осткидагилари бандли, юқоридагилари ўтроқ, 2-6 см узунликда ва эни 2-5 мм. Саватчаси 5-6 мм энликда. Ён косача барглари лимонсимон-сарик, черрпитсасимон 2-4 қават. Тожбарглари сарик ва пушти рангда, уруғлари 0,5-0,7 мм узунликда, безчалар билан қопланган.

Июн-июлда гуллаб, июл-августда уруғлари етилади.

Қорақолпоғистон чўлларида тарқалган

Тиббиётда гули ишлатилади. Гулининг флавоноидлари йиғндисидан тайёрланган суртма. кўз касалликларини даволашда ишлатилади.

Яхшилик тиловчи қушқўнмас (Сариқгул)-Волчец благословенный-Cnicus benedictus L.

Бир йиллик, поясини баландлиги 15-30 см, асосидан шохланувчи, шохчалар ва пояларини учида гуллари жойлашган, узун кўп хужайрали туклар билан қопланган. Барглари икки томони ҳам кўп хужайрали туклар билан сийрак қопланган. Саватчаси тухумсимон, эни 12 мм. Косача барглари узун бўлиб

саватчасини ўраб олади. Тожбарглари сариқ. Уруғи 8 мм узунликда, кўнғир, туксиз, цилиндрсимон.

Май-июн ойида гуллаб, Июнь-июл ойида уруғлари етилади.

Тоғ олди туманларида йўл ёқаларида, ташландиқ ерларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисимни гулли новдалари йиғилади. Ошқозон ва ичакларни тўлқинли ҳаракатини ривожлантирувчи хусусияти бор.Шунинг учун овқат ҳазм қилиш органларини иш фаолиятини яхшилашда қўлланилади.

Маврак баргли гулбанд-Блошница шалфеелистная-Pulicaria salviifolia Bunge.

Кўп йиллик, ўткир ҳидли, қалин тукланган, поялари кўп сонли, баландлиги 40-60 см. Барги узунчоқ, лопаткага ўхшаш, четлари тўлқинсимон, бутун четли, 3-5 см узунликда ва эни 9-12 мм. Саватчалари оз сонли, диаметри 10-18 мм, шохчалар учида жойлашган. Тилчали гуллари четки қисмда новсимон гуллар ўртада жойлашади. Уруғи 2 мм узунликда.

Июл-август ойларида гуллаб, август-сентябр ойларида уруғлари етилади.

Қурғоқ жойлардаги тошли шағалли жойларда тоғ олди ва тоғларни ўрта қисмигача бўлган жойларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ўсимлик гуллаганда учки қисмидан тайёрланган дамламаси жигар ва талок хасталикларида қўлланилади.

Майдатожбарг эригерон- Мелколепетник острый-Erigeron acer L.

Икки йиллик, поялари қобирғали, юқори қисмидан шохланувчан, тукланган, саватчасининг остки безчалар билан қопланган, баландлиги 25-55 см. Баргини узунлиги 2-10 см ва эни 14 мм, кўп ҳужайрали туклар билан қопланган. Саватчаси кўп сонли диаметри 2 см гача, супургисимон тўп гул ҳосил қилади. Тангача барглари наштарсимон, наштарсимон, учи ўткир тукланган. Тилчали гуллари пушти рангда ички гуллари новсимон рангсиз. Тилчали гуллардан калта. Гул диски сариқ. Уруғлари майда 1,5 мм узунликда, сийрак ярим ёпишган туклар билан қопланган. Кўппари икки қатор 4-5 мм узунликда, сарғиш.

Июндан-сентябргача гуллаб уруғлайди.

Тоғларни ўрта қисмигача теккисликлардаги қумли, шағалли ва шўрхоқ жойларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Баргидан жиғилдон қайнашига ва кўкракдаги оғриқларда фойдаланилади.

Мингбаргсимон тоғ дастарбоши-Пижма тысячелистниковая-Tanacetum pseudachillea C.Winkl.

Кўп йиллик, поялари бир нечта, тик ўсувчи, қобирғали, энг юқори қисми қалқонсимон шохланган, баландлиги 50-100 см. Барги сийрак тукланган, икки бора қирқилган, четлари аррасимон қирқилган. Саватчалари қалқонсимон тўпгулларда жойлашган. саватчаси гетрогамия, сариқ. Уруғлари понасимон, ички томони қобирғали, теппа қисми теккис. Кўппари калта пилёнкасимон.

Июн-август ойларида гуллаб, июл-сентябр ойларида уруғлари етилади.

Тоғнинг ўрта минтақаларида дарёлар, ариқлар бўйида, қумлар, дарахтлар орасида ўсади. Тошкент, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё (Сурхондарё хавзасида) тарқалган.

Табобатда гул саватчалари ишлатилади. Қайнатмаси ўт халтасидаги тошларни туширишда ва сариқ хасталикларини даволашда қўлланилади. Гулининг чойидан юракни тез урушида, асаб кўзғалишларида, жигар, буйрак, геморрой, туберкулёзда, гижжаларни тушуришда ва сочлардаги қайизғоқларни тўхтатишда қўлланилади.

Наштарсимон пахтатикон (латта тикон)-Бодяк ланцетный-Cirsium lanceolatum L. Skop.

Икки йиллик, баландлиги 60-150 см дағал эгатчали, қобирғали, бўғинлар оралиғи тиканлар билан қопланган. Барглари дағал, этли илдиз олдилари бандли тиканлар билан қопланган, поядагилари 2-3 панжасимон бўлакланган, четлари ўткир калта тиконлар билан қопланган. Саватчасини диаметри 3-4 см бўлиб поя ва шохчалар учида жойлашган. Тожбарглари кўкиш-қизил. Уруғи тескари тухумсимон, 3.5-4 мм узунликда, ялтироқ, теккис. Кўппари тожбарглардан калтароқ. 3-3,2 мм узунликда, тезда тўкилиб кетади.

Июл-август ойларида гуллаб, август-сентябрда уруғлари етилади.

Ариқлар бўйида экинзор ва ташландиқ ерларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Мевасининг қайнатмаси сурги ва кучли кустурувчи.

Оддий бўйимадарон-Тысячелистник обыкновенный-Achillea millefolium L.

Кўп йиллик, илдизпоялари билан ҳам кўпаювчи, кўп пояли, илдизолди барглари мозаикасимон ўт ўсимлик. Поялари тик ўсувчи, қалқонсимон тўп гуллари пояни учки қисмида жойлашган, баландлиги 30-50-70 см. Барглари оч яшил, тукланган, уч бора қирқилган, учлари учли, 0.75-1 мм узунликда. Сватчси узунчоқ бакалсимон, 3-4-5 мм узунликда ва эни 2-3.5 мм. Тилчали гуллари 4-5 та.

Оқ, оч пушти, пушти ёки оч қизил рангда. Уруғи ингичка понасимон, 2 мм узунликда.

Июн-августда гуллайди, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Алп ўтлоқлари, майда тошли тупроқлар, буталар орасида, боғларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда ер устки қисми ва гули ишлатилади. Суюқ экстракти меъда яраси, гастритни даволаш, иштаҳа очиш ҳамда қон оқишини (ичак, бачадон, бурун, милк, яралардан ва геморойдан қон оқишларни) тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади. Ўсимликнинг гули ва ер устки қисми иштаҳа очадиган ва меъда-ичак касалликларида ишлатиладиган чойлар йиғмалар таркибига кирази.

Оддий гўзатикон-Дурнишник обыкновенный-Xanthium strumarium L.

Бир йиллик, баландлиги 20-90-(100) см. Кулранг-қизил, шохлари ҳам поя сингари тик ўсувчи ўт. Барги дойрасимон учбурчак, четлари икки бора тишли 3-7 панжали қирқилган, 4-12 см узунликда эни ҳам шунча, бандли урғочи гуллари бир нечта тўплагма тўпланган, узунчоқ тухумсимон, 12-15 мм узунликда ва эни 7-9 мм учиди иккита тенг бўлмаган тикани бўлиб, қолган қисмини майда тиканлар ўраб олган.

Июн-июл ойларида гуллайди, август-сентябрда уруғлари етилади.

Асосан йўл ёқалари, ахлатхоналарда, экинзорларда бегона ўт сифатида кенг тарқалган. Ўзбекистонни барча вилоятларида тарқалган.

Уруғидан ёғ олинади. Барги ва поясида йод сақлайди. Ўсимликдан буқоққа, терлатувчи, тана хароратини пасайтирувчи тинчлантирувчи, ревматизмда қўлланилади. Уруғидан тайёрланган маъзи тери жароҳатида, экзема, қичитқи, дерматозода ва хашоратлар чаққанда суртилади.

Оддий ёпишқоқўт-Крестовник обыкновенный-Senecio vulgaris L.

Бир йиллик, пояси тик ўсувчи, 15-40-(50) см баландликда, ўрта қисмидан шохланувчи, эгатчали, ўртача тукланган. Барглари узунчоқ, 3-11 см узунликда ва эни 1,5-4 см, теккис бўлмаган тишчали, пасткилари бандли, юқоридагилари бандсиз, пояни ўраб олувчи. Саватчалари майда 3-7 мм энликда ва узунлиги 6-9 мм, қалқонсимон, супургисимон тўпгулга тўпланган. Тилчали гуллари йўқ, ҳамма гуллари новсимон, икки жинсли. Уруғи узунчоқ ингичка қобирғали 2-2,5 мм узунликда.

Май-июнда гуллаб, июн охирида уруғлари етилади.

Бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент вилояти (Тошкент шаҳрида) тарқалган.

Баргларининг қайнатмаси қон кетишини тўхтатувчи, геморрой ва қоновчи яраларни даволашда қўлланилади.

Оддий оққаррак-Татарник обыкновенный-Onopordon acanthium L.

Икки йиллик, пояси тик ўсувчи, баландлиги 60-120 см, барглари калин, қалқонсимон шохланган, поя ва шохларини учида 1 ёки 2-3 тада саватчали гуллар тўплами билан якунланади. Барглари ҳар икки томони кам тукланган, кулранг калта. Саватчаси тухумсимон, шарсимон, 2.5-3 см диаметрда. Ёнбаргчаси кўп сонли, кўп қиррали, 12-15 мм узунликда, ўрта қисмидагилари 25-27 мм узунликда. Тожбарглари кўнғир қизил. Уруғлари узунчоқ, тескари тухумсимон, 5,5-6 мм узунликда, тўрт қирраси билинар билинмас, тўқ кулранг, кўнғир доғлари бор. Кўппари бир хил теккисликда, қизғиш 9-10 мм узунликда.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август-сентябр ойларида уруғи етилади.

Йўл ёқаларида, уйлар атрофида, боғларда ўсади. Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда тарқалган.

Поясини юқори қисмидан ва новдаларидан тайёрланган дамламаси бачадон раки, йирингли яралар, қон оқишини тўхтатувчи, сийдик ҳайдовчи, теридаги яраларни даволашда қўлланилади.

Оддий оққалдирмоқ-Мать-мачеха обыкновенная-Tussilago farfara L.

Кўп йиллик, илдиз пояси узун, шохлаб ўсувчи, эрта баҳорда биттадан поя ҳосил қилиб унда битта гул саватчаси ҳосил бўлади. Пояси 5-25 см баландликда, тик ўсувчи, тукланган. Илдиз олди барглари юраксимон, четлари тенг бўлмаган тишли, 10-25см энликда узун бандли, саватчасини диаметри 2-2,5см. Тилчали гуллари 16-18 мм узунликда, тарелкасидагилари 12-13 мм узунликда. Уруғлари 3-4 мм.

Апрел-Майда гуллаб, майни охирида уруғлари етилади.

Нам ўтлоқлар, ариқ ва дарёлар қирғоғида, экинзорлар атрофида ўсади. Тошкент Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Барги ва гулидан тайёрланган дамага меъда-ичак, буйрак, сийдик пуфаги, юқори нафас йўллари яллиғланиши касалликларида ишлатилади. Қурутилган барглари эзи яраларга ва чипқонларга сепилади.

Оддий сачратқи (Сачратқи)-Цикорий обыкновенный-Cichorium Intybus L.

Кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, шохланган, баландлиги 30-70 см. Илдиз бўғзидаги барглари узунчоқ тескари тухумсимон, четлари чуқур ўйikli, узун бандли, поядаги барглари ўтроқ, катта тишчали, асоси билан пояни ўраб турувчи. Тожбарглари ёрқин кўк рангда. Уруғлари кулранг-кўнғир, аниқ кўриниб турувчи узунасига кетган қобирғали, 2-3 мм узунликда.

Июндан то кузгача гуллаб уруғлайди.

Тоғ олди қисмларидан тоғнинг ўрта қисмигача, ариқлар бўйида, нам жойлардаги тупроқли, шағалли жойларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Сурхандарё ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Тиббиётда ер устки қисми, илдизи ишлатилади. Таркибида флавоноидлар, кумаринлар, витамин С ва В1, гликозидлар, ароматик оксикислоталар, аччиқ сўт шира, кўп миқдорда инсулин моддалар бор.

Илдизи қадимдан иштаҳа очиш овқат ҳазм булишини яхшилаш, сариқ жигар касалликларини даволашда қўлланиб келинади. Ер устки қисмининг қайнатмасидан офтоб урган болалар чўмилтирилади. Ер устки қисмининг қайнатмаси ёки дамламаси яна турли тери, меъда-ичак, буйрак касалликларни даволашда қўлланилади.

Оддий силибум (доғли тарғил силибум)-Остропестро обыкновенное (расторопша)-Silybum marianum (L) Yaertn.

Икки йиллик, пояси тик ўсувчи, 30-60 см баландликда, асосидан шохланувчи, шохчалари биттадан саватчали гул билан якунланади. Барглари юпка, очиқ яшил, тарғил, икки томони туклар билан қопланган, илдиз бўғзидагилари бандли, япроқларини четлари ўткир тиканли, тишчали, поядагилари ўтроқ. Саватчасини диаметри 3-4 см, шарсимон. Тожбарглари оч пушти, қизил. Уруғлари тескари тухумсимон, 6 мм узунликда ва эни 3 мм, озроқ қисилган, кўнғир, кулранг.

Апрел-майда гуллаб, май-июнда уруғлари етилади.

Суғориладиган вохаларда бегона ўт сифатида ўсади. Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Уруғлари сариқ ва жигарни турли хасталикларида қўлланилади.

Оддий шувоқ-Полынь обыкновенная (чернобыльник)-Artemisia vulgaris L.

Кўп йиллик, пояси биттадан, тик ўсувчи, қобирғали, қизил айрим ҳолларда бинафша рангли, туксиз баландлиги 1.5 метр. Остки поя барглари бандли 3-12 см узунликда. Эллипсисимон-ланцетсимон, саватчаси узунчоқ овалсимон, 3-5 мм узунликда ва 2-4 см энликда. Урғочи гуллари ингичка қувирсимон. Уруғи 1 мм узунликда кўнғир рангда.

Сентябрда уруғлари етилади.

Тоғ олди ва теккисликларда тоғни ўрта минтақасигача кўтарилади. Ўзбекистонни барча вилоятларида кенг тарқалган.

Ўсимликдан тайёрланган дахлама овқат ҳазм органларини иш фаолиятини яхшилашда қўлланилади. Жумладан жиғилдон қайнашида, жигар хасталикларида, ўт халта хасталикларида, уйқусизликда, ўт ҳайдовчи, сийдик ҳайдовчи, гижжаларни тушуришда қўлланилади.

Оқ бурган-Полынь беловатая-Artemisia leucodes Schrenk.

Бир ёки икки йиллик, барча қисми оқ кумушсимон момик туклар билан қопланган. Пояси биттадан базан 3-4 та, юқори қисмидан шохланган, баландлиги 20-50-70 см. Илдиз олди барглари 3-7 см узунликда. Гуллар туплами супургисимон. Саватчаси 2-3 тадан шохчалар учиди ўтроқ ёки 2-5 мм узунликдаги тутқичга эга, тутқичда 2-4 тадан гуллар жойлашган. Гуллари икки жинсли, сарик етилганда қизаради. Уруғлари тескари тухумсимон, 2 мм узунликда, ялтирок кулранг.

Сентябрда гуллаб, октябр ойида уруғлари етилади.

Бирламчи тупроқларда, барханлар орасидаги теккисликларда ўсади. Бухоро, Жиззах, Навоий, Хоразм ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Ер устки қайнатма дамламасидан туберкулез хасталигида даволанади. Ички қон кетишини тўхтатишда, ванна қилиб ревматизм ва бўғимлар оғриғини даволашда қўлланилади.

Оқиш бўрган-Полынь ситниковидная-Artemisia juncea Kaz.et Kir.

Кўп йиллик, чала бута, баландлиги 25-50 см кўп пояли ўсимлик. Пояни пастидаги барглари 1.5-2.5см узунликда, япроғи 2см узунликда асосигача бўлакланган. Гуллари супургисимон аммо асосий поя ўқиға жуфтлашган. Саватчаси ўтроқ, узунчоқ тухумсимон, (4)-4,5-5(6) мм узунликда ва эни 2-2,5 мм бўлиб, 3-5 гулли. Гуллари сарик, гуллагач қизил рангга ўтади. Уруғи тескари тухумсимон, қобирғали, кўнғир 2,5 мм узунликда.

Сентябрда гуллаб, октябрда уруғлари етилади.

Адирликларда, тошли-қумли тупроқларда, тоғолди қисмларида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм Сурхондарё ва Қашқадарёда тарқалган.

Барглари ва пояларини учки қисими қайнатмаси тўтқаноқ, тиф, буйрак, шамоллаш ва гижжаларни тушурувчи сифатида қўлланилади. Қайнатма дамламасига бодом ёғи қўшиб кўз оғриғида, бронх, астма, экзема, куйганда, тери ялиғланишида ҳам қўлланилади.

Перетрум перетрудес-Поповник перетрудный-Pyrethrum pyrethroides. (Kar. et Kir) B. Fedtsch.ex Krasch.

Кўп йиллик, мутлоқ туксиз, яшил, кулранг, илдизпояси ёғочланувчи, кўп йилликларида кўп сонли поялар ҳосил қилади. Пояси тик турувчи ёки эгилувчан. Остки қисми қалин барглари билан қопланган, юқориси баргсиз, шохча ва поялар саватчали гул билан тугалланади. Барглари икки бора қисқарган. Саватчасини диаметри 2-3 см. Тилчали гуллари уруғчилари ҳисобланиб айрим ҳолларда йетилмаган чангчиларга эга, оқ ёки пушти, 8-12мм узунликда. Уруғлари (2)-2.5-3 мм узунликда, кўплари 1-1.5 мм узунликда.

Июн-августда гуллаб, август-сентябрда уруғлари етилади.

Майда тупроқли, тошли, шағалли, нураган ва қоялар орасида тоғларни юқори ва ўрта қисмларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ўсади.

Гулларидан хашоратларни ўлдирувчи хусусиятларидан фойдаланиб бит, бурга, қандалага қаршит қўлланилади.

Чачала баргли пиретрум (Хризантема)-Поповник патениелистный (Рамашник)-Chrysanthemum parthenium. Bernh.

Кўп йиллик, оч яшил, тукланган, поялари кўп сонли, қобарғали, айрим ҳолда қизғиш рангда, юқори қисмидан шохланувчи, баландлиги 40-70 см. Барглари оч яшил, тукланган, узунчоқ тухумсимон, икки бора бўлакланган, калта бандли. Саватчаси биттадан шохларни учида жойлашади. Тилсимон гуллари (6)-7-10 мм узунликда. Уруғи 1,2-1,7 мм узунликда оқиш, кўппарлари қисқа.

Июн-август ойларида гуллаб, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғ даралардаги бутазорлар орасида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ўсимлик гули таркибида инсектицид (хашоратларни ўлдирувчи) таъсирига эга бирикмалар: перетрин I ва II ҳамда цинерин I ва II, эфир мойи, лактон пиретрозин, органик кислотали моддалар бор. Препаратлари, (кўкуни ва спиртли ажратмаси бит, бурга, қандалага қарши қўлланилади.

Пушти перетрум-Поповник розовый-Pyrethrum coccineum (Willd) Worosch.

Кўп йиллик, илдиз бўғизи барг қолдиқлари билан ўралган. Оддий пояли, қобирғали, майда сийрак тукланган, баландлиги 30-40 см. Барглари икки бор майда бўлакларга бўлинган. Саватчалари биттадан. Диаметри 30-35 мм шарсимон. Тилсимон гуллари пушти, эгилган 15-16 мм узунликда. Кўппарлари калта, плёнкасимон.

Май ойида гуллайди.

Тоғ ва хиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида экилади.

Майдаланиб талқон қилинган ер устки қисмидан хашоратларни йўқотиш учун қўлланилади. Хайвонларда ҳам ташқи хашоратларга қарши қўлланилади.

Самарқанд бўзночи (ўлмасўт)-Бессмертник самаркандский-Helichrysum taracandicum M. Pop. ex Kirp.

Кўп йиллик, кўп пояли, поялари шохланмайди, баландлиги 35-70 см. Барглари чети текис, тескари тухумсимон, осткилари тукланган. Саватчаси ярим шарсимон, диаметри 8-10 мм. гулкосабарглари ва саватча барглари лимон-сарик, тожбарглари тўқ-пушти рангда.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-августда етилади.

Тоғларни пастки ва ўрта қисмларидаги тошли, шағалли қўнғир тупроқларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда гули ишлатилади. куруқ экстракти ва ўт ҳайдовчи чойлар йиғмалар таркибида саррайма, сурункали холецистит, ўт пуфагига тош келганда, ўт йўллари касалликларида ўт ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Гулининг флавоноидлари йиғиндисидан тайёрланган суртма. Кўз касалликларини даволашда ишлатилади.

Сариқ улкан андиз-Девясил крупный-Inula grandis Schrenk. (Macrophulla Kar et Kir.)

Кўп йиллик, баландлиги 50-120 см. Кўп пояли, поялари юқори қисмидан шохланучи. Барглари йирик, илдиз олдидагилари узун бандли, поядагилари ўтроқ, остки барглари узунлиги 70 см, поядагилари 20-30 см узунликда ва эни 20-35 см. Саватчаси қалин тилсимон, гуллари 2-3 см. Тилсимон гуллари уриғи сариқ, 2 см узунликда. Уруғлари кўп қиррали, қобирғали, қўнғир бўлиб, 3-4 мм узунликда эни 1-1,5 мм.

Май-июн ойларида гуллаб, июн-август ойларида уруғи етилади.

Тоғларни олди ва орқа қисмларида юмшоқ тупроқларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Илдиз ва илдизпоясини қайнатмаси бронхит, нафас йўлларини шамоллаши, туберкулез, ошқозон ичак хасталиклари, сийдик ҳайдашда, гижжаларни тушуришда, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичаклар яллиғланишида қўлланилади.

Сариқ ёпишқоқўт-Крестовник желтуха-Senecio jacobaea L.

Кўп йиллик, ёки икки йиллик илдиз поялари шохланган, ҳамма қисми тукланган, пояси тик ўсувчи, қобирғали, оддий ёки юқори қисмидан шохланган, 20-100 см баландликда. Илдиз бўғзидаги барглари мазаика ҳолида, гуллагунга қадар қуриб қолади. Узунлиги 2-10 см ва эни 2-3 см юқоридагилари лирасимон, патсимон, лента шаклида, четлари қирқилган 2-8 см узунликда ва эни 1-3 см. Саватчалари кўп сонли қалқонсимон тўп гуллар ҳосил қилади. Тилчали гуллари сариқ 12-15та узунроқ эгилган 2,5-4 мм энликда. Уруғлари узун цилиндрсимон 2-3 мм узунликда.

Июлда гуллаб, августда уруғлари етилади.

Тоғ олди қисмларидан, тоғни ўрта қисмларигача бўлган тупроқли жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона Андижон вилоятларида тарқалган.

Ўсимлиқнинг гуллаган қисмидан қайнатиб қон кетишини тўхтатувчи, қонли ва йирингли ичбуруғда, қўлланилади. Шунингдек тамоқ оғриғида чайналади.

Сиверс эрмони (шувоги)-Полынь сиверса-Artemisia sieversiana Willd.

Бир ёки икки йиллик, тукланган, пояси қобирғали, тик ўсувчи баландлиги 30-100 см. Барглари икки томони ҳам тукланган, кулрангсимон, остки барглари бандли, 2-12 см узунликда, кенг учбурчаксимон, икки ва уч бора қирқилган. Гуллар тўплами супургисимон. Саватчаси шарсимон 4-6мм энликда, 100-150 та гуллар тўпамидан иборат. Уруғлари 1мм узунликда, қўнғирсимон, оз моз букилган, бир оз қобирғали.

Июлда гуллаб, августда уруғлари етилади.

Туқайларда, ариқлар буйида, зах ерларда тоғ олди ва тоғни ўрта қисмида ўсади. Тошкент вилоятида тарқалган.

Ўсимликдан тайёрланган дамлама овқат хазм органларини иш фаолиятини яхшилашда қўлланилади. Жумладан жиғилдон қайнашида, жигар хасталикларида, ўт халта хасталикларида, уйқусизликда, ўт хайдовчи, сийдик хайдовчи, гижжаларни тушуришда қўлланилади.

Соябонли сохтаханделия-Псевдоханделия зонтичная-Pseudohandelia umbellifera (Boiss) Tzvel.

Кўп йиллик, илдизи йўғон, поясининг баландлиги 40-80 см, йўғонлиги 1 см. Илдиз бўғизи йўғонлашган. Диаметри 2-3 см, юнгсимон туклар билан қалин қопланган. Барглари кулранг, қалин тукланган, калта бандли, юқоридагиси бандсиз. Гул тўплами диаметри 4-8 см. Саватчасини диаметри 8-10 мм. Гули сариқ, Уруғи 2.5 мм узунликда.

Апрел бошларида гуллайди, май-июл ойларида уруғлари етилади.

Тоғ олди ёнбағирларида, чўл қисмларида ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Барглари ва гулларини дамламаси ўт халтасидаги тошларни хайдашда ва сариқ хасталигида, дамлама чойи ошқозон-ичаклар, юрак ўйноқда, буйрак хасталикларида, гижжаларни тўкишда, терлатувчи ва сийдик хайдаш учун қўлланилади.

Текис баргли содак-Большеголовник цельнолистный (левзея)-Rhaponticum integrifolium C. Winkl.

Кўп йиллик, баландлиги 40-150 см. Поялари кўп сонли тик ўсувчи, майин тукланган, деярли поя шохланмайди ва хар бир поя учидан биттадан саватчали гул билан якунланади. Барглари этли қалин, четлари теккис, илдиз бўғизидигилари калтароқ (3-5 см) бандли поядагилари калталашиб юқори қисмидагилари ўтроқ. Саватчаси шарсимон бўлиб 4,5-6 см энликда. Косача ён барглари 3-5 қабатли черепециясимон жойлашган ва уларни учки қисмлари қўнғир, плёнкасимон букилган. Тожбаргалри очик сариқ, уруғланиб бўлганда оч пушти рангга

айланади. Уруғлари тескари тухумсимон бир оз букилган, тўрт қиррали. Кўппарилари оч сариқ, кулранг.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғи етилади.

Тоғларнинг ўрта қисмидаги арчазор, зарангзорлар ва буталар орасидаги тошли, тупроқларда ўсади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Илдизини қайнатмаси ва спиртдаги экстрактлари марказий асаб тизимини кўзғатувчи, меҳнат қобилияти сусайганда кўтарувчи хусусиятга эга. Бундан ташқари ундан сурункали спиртли ичимликка берилганларни даволаш учун ҳам қўлланилади.

*Товалги баргисимон бўймадарон (Дастарбош)-Тысячелистник таволголистный-
Achillea filipendulina Lam.*

Кўп йиллик, пояси кўп сонли, йўғон, қиррали, қалин тукланган, баландлиги 60-75 см. Барги қалин тукланган, юқоридаги барглар ўтроқ. Саватчаси кам тукли, 4-10 мм узунликда, гуллари пояни учида қалқонсимон тўпгулда тўпланган. Саватчани четларидаги гуллари 1-3-(4) та бўлиб тожбарглари сариқ. Уруғлари кулранг-қорамтир, понасимон 2-2.25 мм узунликда.

Июн ва сентябр бошларида гуллаб, август охири-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғ қояларини ёриқларида, ариқлар бўйида, сойлар ўзанида майда шағалли тупроқларда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Эфир мойлари, феноллар сақлайди. Халқ табобатида бош оғриганда, гул саватчалари хидланса бош оғриғи тўхтайди.

Тўқ қизил эхинацея-Эхинацея пурпуровая-Echinacea purpurea (L.) Moench.

Кўп йиллик, баландлиги 70-100 см, пояси туксиз. Барглари бутун, дағал, остки барглар бандли, четлари тишчали, поядагилари ўтроқ. Гуллари дағал, тилчали, тожбарглари тўқ қизил, 2.5-6 см узунликда. Учки гуллари 4 мм узунликда, гул ўрни наштаарсимон, игнасимон 1-1.5 см узунликда ва эни 1-1.5 мм, тўғри тиканли,

Июн ойида гуллайди.

Ўзбекистонни барча вилоятларида манзарали ўсимлик сифатида экилади.

Тиббиётда илдизпояси билан илдизи ишлатилади. Таркибида эфир мойи, эхинакозид гликозиди, смолалар, бетаин, фенол кислота моддалар бор. Дори препаратлари қуритилмаган илдизпояси билан илдизи. сурмаси (настойкаси) томоқ. оғриғи (ангина)ни даволашда қўлланиладиган дорилар таркибига кирилади.

Туркистон зарқулоғи-Лепидолопсис туркестанский-Lepidolopsis turkestanica Regel. et Schmalh (Crossostephium turkestanicum Regel. et. Schmalh).

Кўп йиллик, поялари бир нечта, қобирғали, барчаси тукланган, баландлиги 60-80 см. Барглари оч яшил, сийрак тукланган, узунчоқ наштарсимон шаклда, уч бора қирқилган. Гул тўплами 15-30 см узунликда. Саватчаси ярим шарсимон, 5-6 мм диаметрда, саватча ташқарисидаги баргчалари яшилроқ, туксиз ташки томондагиси наштарсимон, учбурчак, ички томондагилари эса узун наштарсимон, четларидаги ва юқоридагилари қисқа. Гуллари сариқ. Уруғи 1,5-1,75 мм узунликда.

Июн-август ойларида гуллаб, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғ олди, гил тупроқли тепаликларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Гул савати ва гули билан тайёрланган дамлама овқат йўлидаги гижжаларни, кўкракдаги оғриқлар, нафас олиш оғирлашганда, безгак хасталикларида ва ақлдан озганликни даволашда қўлланилади. Қуритилган ўсимликни махорка қилиб нафас йўллари хирриллашида чекади, бўғинлар ревматизми, захм (сифилис) тери яраларини даволашда қўлланилади.

Узун кўппарли қуруқгул-Сухоцветник длиннохолоковый-Xeranthemum longipapposum F. et M.

Бир йиллик, поялари тик ўсувчи, баландлиги 40-45 см, ингичка, қиррали, оқ туклар билан қопланган, ўрта қисмидан супургисимон шохланган. Барглари этли, лентасимон наштар шаклида, четлари теккис узун туклар билан қопланган. Саватчаси ингичка цилиндрсимон, 4-5 мм диаметрда ва узунлиги 20 мм, четларидаги косача барглар черепицасимон, учи учкир тикансимон 4-10 мм узунликда. Саватчадаги гуллар сони 11-12 та. Уруғлари калта тукланган 8-9 мм узунликда.

Май-июнь ойларида гуллаб, июнь-июль ойларида уруғлари етилади.

Тоғларнинг пастки қисмлари ва тоғ олди қисмида шағалли тошли жойларда ўсади.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси яраларни ювиш ва тиш милклари оғриганда қўлланилади.

Ўрмаловчи какра-Горчак ползучий-Acroptilon repens (L.) DS.

Кўп йиллик, поялар сони кўп, тик ўсувчи, асосидан шохланган, барглари қалин жойлашган, ҳар бир шохчаси учидан биттадан саватчали гул ҳосил қилиб тугалланади, баландлиги 20-60 см. Барглари кулранг-яшил, ҳар икки томони тукланган, наштарсимон, теккис четли. Саватчаси тухумсимон, 6-8 мм энликда ва

узунлиги 15-17 мм. саватча ўрамидаги барглари кўп сонли, яшилроқ, плёнкасимон. Гули оч кўкиш, пушти. Уруғлари тескари тухумсимон. Кўппарлари осон тўкилиб кэтади.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Тупроқли, тошли шағалли жойларда, Тоғни ўрта минтақасигача кўтарилади. Ўзбекистонни барча вилоятларида кенг тарқалган.

Халқ табобатида дамламаси безгак касаллигига даво сифатида ичилган. Қайнатмасидан ванна қилинган. Илдизи кучли қайт қилдирувчи восита ҳисобида қўлланилган.

*Хондрилла қумсақичи-Хондрилла ситникова-**Chondrilla juncea L.***

Кўп йиллик, илдиз тизими яхши ривожланган, кўп сонли пояли, пояси асосидан шохланувчан, баландлиги 40-80 см. Илдиз бўғизидagi барглари мозаикасимон бўлиб гуллагунга қадар қуриydi. Саватчалари ўтроқ биттадан ёки 2-3 тадан шингилларда тўпланган. Саватчаси икки гулли. Уруғлари урчуксимон 3,5-4 мм узунликда. Кўппари 5-9 мм узунликда.

Июлдан кузгача уруғлаб гуллайди.

Тоғ олди қисмидан, пастки қисмигача бўлган жойларда, майда шағалли тупроқли ерларда, қуруқ сойларда, дарёларнинг сув ювган жойларида ўсади.

Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Илдизидан чиққан шираси қуриб елимга айланади. Уни аҳоли тишларни тозалаш учун чайнайди. Барг ва илдизини қайнатмасидан захарли илон чаққанда ва қуриган елимидан аёллар ойлик цикли бузилганда қўлланилади.

*Чалабутасимон юринея-Наголоватка полукустарниковая-**Jurinea suffruticosa Regel.***

Кўп йиллик, ёғочланган кўп сонли пояли, илдизлари мустахкам, баландлиги 30-50 см бўлган чалабута ўсимлик. Барглари узунчоқ, оч яшил, юзаси туксиз. Саватчаси биттадан пояни учки қисмида жойлашган, 14-18 мм узунликда, пасткиларини узунлиги 5-7 мм. Уруғлари 6-6,5 мм узунликда, ва эни 10-15 мм. Туксиз, гултожлари оч пушти, қизил рангда, 14-17 мм узунликда, узунчоқ қиррали.

Май-июнда гуллаб, июн-июл ойларида уруғлари етилади.

Тоғ олди ва тоғларни ўрта минтақаларидаги тошли, шағалли тупроқларда ўсади.

Тошкент, Самарқанд (Нурота туманда) вилоятларида тарқалган.

Ер устки қисмида лактон ва кумаринлари бўлганлиги учун теридаги яраларни ҳамда соч тўкилишига қарши дамламаси ишлатилади.

Чизиқли қарғатирноқ-Кельпиния линейная-Koelpinia linearis Pall.

Бир йиллик, пояси асосидан шохланувчан, баландлиги 10-20-(30) см, туксиз. Барги наштарсимон, унча аниқ бўлмаган уч қиррали, эни 3мм, илдиз олд барглари бандли, поядагилари ўтроқ. Саватчаси илдиз олдига яқин бўлганлари яхши ривожланмаган, уруғлаган вақтда диаметри 17-18 мм. Гуллари очик сариқ. Уруғлари йўғонроқ, букилган, учи қармоқсимон букилган, уст томонида бир неча қатор тикончалари жойлашган.

Апрел-май ойларида гуллайти, май-июнда уруғлари етилади.

Тоғолди ҳудудларида бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистонда кенг тарқалган.

Ўсимликнинг ер устки қисим ел ҳайдовчи сифатида ва баҳорда витаминли озуқа сифатида истемол қилинади.

Шеролғи шувози (Тархун)-Полынь эстрагон-Artemisia dracunculus L.

Кўп йиллик, кўп сонли поялар ҳосил қилувчи, юқори қисмидан шохланувчи, қисман қобурғали, кам тукланган, баландлиги 40-80 см. Барглари бутун, узунчоқ наштарсимон, 1,5-8 см узунликда ва эни 3-5-(10) мм, туксиз, гуллари пояни учларида супургисимон тўпгул ҳосил қилади. Саватчаси кўп сонли (2)-2,5-4 мм диаметрда, шарсимон, Уруғлари тўқ кўкимтир ёки қорамтир, 1 мм узунликда.

Июлда гуллаб, сентябрда уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта ва юқори қисимларидаги юмшоқ тупроқли, шағалли жойларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Милқлар қонашида барглари чайналади. Ошқозон яллиғланишида, балғам кўчиришда, гулларида қайнатиб гижжаларни тушуришда, ер устки қисмидан ванна қилиб қичима, экзема ва бошқаларни даволашда қўлланилади.

Эзилган бўтакўз-Василек придавленный-Centaurea depressa Bieb.

Бир йиллик, пояси тик ўсувчи, унча чуқур бўлмаган эгатчали, асосидан шохланувчи, шохлари биттадан саватчалар билан тугалланади, баландлиги 15-50см. Барглари ўтроқ, кулранг-яшил икки томондан тукланган. Саватчаси тухумсимон, 10-12мм энликда, четки гуллари очик кўк рангда ёки ҳаворанг-бинафша рангда. Уруғлари тескари тухумсимон, теккис, ялтироқ, айрим ҳолларда калта тукланган.

Май-июн ойларида гуллаб, Июнь-июл ойларида уруғлари етилади

Тоғларни олди қисмидан, ўрта минтақаларигача бўлган юмшоқ тупроқли ва шағалли жойларда, экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Гулидан тайёрланган дамламаси сариқ хасталигида яхшигина сийдик ҳайдовчи сифатида ичилади. Кўз оғриғида, асаб билан боғлиқ хасталикларда ва меланхолни даволашда ҳам ишлатилади. Шунингдек қон таркибини тозалашда ҳам фойдаланилади.

Экма махсар-Сафлор красильный-Carthamus tinctorius L.

Бир йиллик, пояси тик ўсувчи туксиз ялтироқ, 30-80 см баландликда, юқори қисми шохланган, ҳар бир шохчаси биттадан гул ҳосил қилади. Барглари қалин, ҳар икки томони ҳам туксиз, узунчоқ тухумсимон. Саватчаси 2-2.5 см энликда, шарсимон юмалоқ. Уруғи кенг тескари тухумсимон, тўрт қиррали. 6-7 мм узунликда ва эни 4.5 мм, оқ, теккис ялтироқ, учки қисмидаги кўппари 5-6 мм узунликда кўп сонли.

Июл-августда гуллайди, август-сентябрда уруғлари етилади.

Ўзбекистоннинг лалми ерларида экилади. Наманган, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида учрайди.

Гулини дамламаси сарғайма ва меъда-ичак хасталигини ва уруғлари юмшоқ сурғи ва сийдик ҳайдовчи сифатида қўлланилади.

Экма сутчўн (салат)-Латук посевной-Lactuca sativa L.

Бир йиллик, пояси теккис, юқори қисмидан шохланган. Барглари теккис, ёли киприксимон гулларга эга, пояни ўраб олувчи ўтроқ, гул ва шохчалари барг қўлтиғидан чиқади. Саватчаси ўрта қисмида. Гуллари сариқ, уруғи қонғир ёки кулиранг-қонғир, Кўплари оқ рангда.

Май-июнда гуллаб, июлда уруғлари етилади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Дамламаси уйқусизликда, кучли куруқ йўталга, бронхиал астмада, айрим асаб хасталикларида қўлланилади.

Эрон шувози-Полынь персидская-Artemisia persica Boiss.

Кўп йиллик, кулранг- яшил, чала бута ўсимлик. Пояси ёғочланувчи йўғон. Пояни остки ва ўрта қисмидаги барглари 1-1,5 5-6 см узунликда. Икки-уч бора қирқилган, ингичка узунроқ. Тупгуллари шингил ёки супургисимон тупгулларда. Саватчаси 4-5 мм узунликда, шарсимон, 40-60 гулли. Уруғлари 1 мм узунликда, сарғиш, аник бўлмаган қовирғали.

Июнда гуллаб, октябрда уруғлари етилади.

Тоғ олди ва тоғни ўрта қисмларида, тошли, шағалли жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Ҳинд табобатида қувватлантирувчи, истимани тушурувчи ва гижжаларни ҳайдовчи сифатида қўллайди. Гул саватчаларини асал билан аралаштирилиб глистларга қарши фойдаланилади. Ер устки қисмидан тайёрланган чой

дамламаси нафас қисганда, нафас йўлларининг юқори қисми шамоллаганда, юрак иш фаолияти сусайганда, шамоллаганда ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Юксак бўймадарон-Тысячелистник благородный-Achillea nobilis L.

Кўп йиллик, пояси битта ёки бир нечта, тик ўсувчи, қиррали, юқори қисмидан шохланувчи, тукланган. Барглари узун эллипсисимон, икки маротаба қирқилган. Саватчаси кўнғироқсимон-цилиндирсимон 3 мм узунликда, пояни учида қалқонсимон тўпгулга эга. Гул ўрни қавариқ, узун наштарсимон. Тилчали гуллари пушти-оқ, 4-5 тадан. Уруғлари қиска тескари тухумсимон, 1мм узунликда.

Июн-июл ойларида гуллайди, июл-августда уруғлари етилади.

Тоғ ёнбағирларида, бегона ўт сифатида тоғ олди экинзорларида ўсади. Тошкент (Тошкент шаҳар атрофида), Самарқанд (Самарқанд шаҳар атрофларида) вилоятларда тарқалган.

Қайнатмаси яраларни даволашда, қон кетишида ва ошқозон хасталикларида ичилади.

Япроқчали мойчечак-Мелкоголовник пластинчатый-Matricaria lamellata Bunge.

Бир йиллик, оч яшил тукланган аммо гуллаш даврига келиб туклари тўкилиб кетади. Пояси асосидан ёки ўрта қисмидан шохланувчан, шохчалари учи биттадан гул билан якунланади, баландлиги 5-10-20 см. Барги этли узунчоқ наштарсимон умумий кўриниши икки бора қирқилган бандли саватчаси поя учида баргсиз биттадан. Ён баргчаси саватдаги ташқиси узунчоқ, ичкиси тескари тухумсимон. Тилчали гули оқ горизантал букилган. Уруғи кўппари билан 1,5-2 мм узунликда.

Апрел-майда гуллаб май-июнда уруғлари етилади.

Тоғларни пастки қисмларидаги майда тупроқли шағалли чил тупроқли қумли ва шўрхоқ тақирлар четларида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистонда тарқалган.

Тиббиётда икки турининг гули ишлатилади: Гулларининг дамламаси меъда-ичак (ичак ёпишиб қолганда, ичкетарда) ва гиникологик касалликларни даволашда ҳамда тер ва ел ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Савринжондошлар-Безвременниковые-Colchicaceae DC.

Кессельринг савринжони-Безвременник кессельринга-Colchicum kesselringii Regel.

Кўп йиллик, туганак пиёзли бўлиб уни шакли узунчоқ тухумсимон, эни 10-25 мм. Пояси ердан унча баланд эмас. Барглари 2-8 см, эни 4-10 мм наштарсимон. Гуллари 1-3-5 тадан, тожибарглари оқ ва тўқ бинафша рангда

Гуллаш даври денгиз сатҳидан баландлигига қараб февралдан-майгача. Уруғлаши март-июн.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларини тоғларида ўсади.

Тиббиётда икки турининг туганак пиёзи ишлатилади.,

Туганак пиёзи таркибида алкалоидлар (колхицин, колхамин, специозин ва гликоалкалоидлар, флавоноидлар фитостеринлар бирикмалар бор. Колхамин (омаин) таблетка ва суртма ҳолида тери раки ва сурункали лейкоз касалликларини даволашда қўлланилади.

Сариқ савринжон-Безвременник желтый-Colchicum luteum Boker.

Кўп йиллик, туганак пиёзли бўлиб, шакли тухумсимон, узунчоқроқ эни 10-30 мм. пояси гуллаган даврида ҳосил бўлиб 1-3 см. Барглари сони 2-3 та бўлиб эни 7-30 мм. Гулкосалари сариқ, айрим вақтда бинафша. Гуллаши ва уруғланиши ўсимликнинг денгиз сатҳидан баландлигига қараб ўзгаради

Март-июл ойларида гуллайди ва уруғланиши апрел-август.

Тоғларни майда шағалли, тошли ёнбағирларида қорни эришидан сўнг тезда ўсиб чиқади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларида учрайди.

Пиёздан нафас йўллари хирриллашида, бўғинлар оғриғида ишлатилади. Ўсимлик жуда заҳарли ҳисобланиб таркибида колхицин алкалоиди бор.

Улкан санграйқулоқ-Мерендера крупная-Merendera robusta Bunge.

Кўп йиллик, туганак пиёзи узунчоқ тухумсимон энлилиги 15-25-45 мм қорақўнғир қобиқ билан ўралган. Барглари 3-6 тадан наштарсимон эни 6-10-20-30 мм. Гуллар сони 2-3 тадан ёнбаргчалар оқ ёки пушти 25-40 мм узунликда. Кўракчаси узунчоқ 2-4 см узунликда учи учли.

Март-апрел ойларида гуллайди Апрель-май ойларида уруғлари етилади.

Қумли тупроқли чўллардан то тоғ олди туманларигача ўсади. Тошкент, (жанубида) Самарқанд, Бухоро ва Қорақалпоғистонда ўсади.

Пиёзини оз миқдорда ревматизм, юрак оғриғидаги санчикда ва танани қувватсизлигини тиклаш учун қўлланилади.

Гулсафсардошлар-Ирисовые-Iridaceae Juss.

Германия гулисафсар (қуртқасоч)-Ирис германский-Iris germanica L.

Кўп йиллик, илдизпояли (илдизпоясининг йўғонлиги 1,5 см). Пояси 60-80 см бўлиб юқори қисми шохланган. Барглари қиличсимон (учи учқир) наштарсимон бўлиб эни 1-2 см , поядан 3-4 маротаба қисқа. Гуллари йирик тўқ бинафша рангда кучли ҳидли.

Апрел ва май ойларининг бошида гуллайди.

Барча жойларда манзарали гул сифатида экилади.

Тиббиётда илдизпояси ишлатилади. Таркибида ошловчи моддалар бор. Қайнатмаси меъда-ичак касалликларида буруштирувчи восита сифатида қўлланилади. Илдизпояси Здренко йиғмаси таркибига киради.

Жунгор гулсафсар (қуртқасоч)-Ирис джунгарский-Iris songarica Schrenk.

Кўп йиллик, илдиз чим ҳосил қилувчи ўсимлик, пояси 35-60 см баландликда, остки томони қолдиқ барглар билан ўраглан. Барги дағал, наштарсимон 2-6 мм энликда учи ўтқир, гулларида баланд. гуллари оч қўнғир, Кўп сонл бинафша доғлар бор, кучсиз ҳидли. Гуллари 5 см узунликда, кўсаги узунчоқ 3қиррали, 3,5-6 см узунликда.

Май ойида гуллаб, июнда уруғлари етилади.

Чўлларда, қумли жойларда ўсади. Самарқанд, Бухоро, Қорақалпоғистон вилоятларида тарқалган.

Уруғини майдалаб туюиб ёғ билан аралаштирилиб тайёрланган бўтқасимон аралашма ёрилиши қийин бўлган яраларга боғланади.

Ифлослантирувчи илонгул (Гладиолус)-Шпажник засоряющий-Gladiolus segetum Ker. Jawe.

Кўп йиллик, туганак пиёзли ўсимлик бўлиб туганак пиёзни эни 1.5 см, қўнғир рангда. Пояси 40-70 см баландликда. Бошоқсимон туп гуллари сийрак, эни ва узунлиги 10-20 см. Барглари кўпинча 4 тадан, кенг наштарсимон осткиларини ён баргчалари пушти, юқоридагиси йирик бўлиб 3-4 см узунликда.

Майда гуллайди, июнда уруғи етилади.

Экин майдонларида, Бухоро вилоятида (Бойсун) тарқалган.

Аёллар менструациясини енгиллаштириш учун ичилади. Пиёзи истемол қилишга яроқли. Пиёзини ҳамир овқатлар билан истемол қилинганда ҳазм қилишни енгиллаштиради.

Олатоғ заъфарони-Шафран алатавский-Crocus alatavicus Regel. et Semen.

Кўп йиллик, туганак пиёзи шарсимон 1-2 см йўғонликда қобиқли қўғир қобиқли. Барглари сони 5-15 та ингичка тасмасимон 2 мм энликда теккис яшил

оқиш. Гуллар сони 1-4 та. Гул ён барглари оқ ички томони бинафша рангда асоси сариқ 14-70 мм узунликда кўсаги узунчоқ 6-7 мм энликда.

Гуллаш даври баландликка қараб ва баҳорни келишига қараб февраль–июл ойларида уруғлари апрел-август ойларида етилади.

Тоғ олди туманларидан тоғни ўрта қисмигача ўсади. Тошкент, Фарғона, вилоятларида тарқалган.

Туганаги билан овчилар бўриларни заҳарлашади. Манзарали гул сифатида экспорт қилинади.

Лоладошлар-Лилейные-Liliaceae Juss.

Грейги доласи-Тюльпан грейга-Tulipa greigii Regel.

Кўп йиллик, пиёзи тухумсимон, йўғонлиги 2,5-4 см, қизғиш-кўнғир юпқа қобиклар билан ўралган, юқори қисмида тилали туклар билан қоплаган. Поясини баландлиги 20-40 см. Барглари 3-4 тадан бўлиб, юза қисмида бинафша доғлари бор, 3,5-14 см энликда, туксиз. Гулларини ранги пушти-қизил, қора доғлари билан, 3-10 см узунликда. Тугуни яшил. Кўсаги 2-3 см энликда ва узунлиги 4-6 см, уч қиррали.

Апрелда гуллаб, май ойида уруғлайди.

Тоғларни ўрта қисмидаги типроқли ва майда шағалли жойларида ўсади. Тошкент вилояти (Ангрен дарёсини ўрта оқимида) тарқалган.

Кўсаги уруғлари билан талқон қилиб қон тупиришга қарши қўлланилади. Баргларидан тайёрланган дамламаси бош оғриғида тинчлантирувчи сифатида қўлланилади. Пиёздан эрта баҳорда салатлар тайёрлаб истемол қилинади.

Королков доласи-Тюльпан королькова-Tulipa korolkovii Regel.

Кўп йиллик, пиёзи тухумсимон, йўғонлиги 1-2-(3) см, қора, каттиқ қобиклар билан ўралган, юқори қисми тукли. Поясини баландлиги 10-20см. Барглари сони 3та, гулидан баландроқ. Гули қизил, айрим ҳолларда сариқ ички қисмини асосида қора доғлар бор, (2)-3-(4-5)см узунликда. Тугуни яшил, ўтроқ ҳолдаги оналик тумшукчаси билан.

Мартни охири апрелда гуллаб, Апрель-майда уруғлайди.

Тоғ олди туманлардаги кумли, тупроқли жойларда ўсади. Тошкент вилоятида тарқалган.

Туюлган уруғлари кўсаги билан қон тупуришда қўлланилади. Пиёзи ичбуруғда буруштирувчи сифатида ишлатилади.

Ольге жумагули (халмон, қўзилола)-Рябчик Ольги-Fritillaria Olgaе Vved.

Кўп йиллик, пиёзи новсимон, эни 2-3 см, пояси 30-70 см баландликда, туксиз, осткилари қарама-қарши, ўрта ва юқоридагиси ҳалқасимон жойлашган

узунчоқ наштарсимон. Гуллари (1)-2-3(8) сийрак жойлашган шингилда. Ён барглари сариқ-яшил учки қисми қизил, шахматсимон қора қизил, қорамтир доғлари бор. 2.5-3.5 см узунликда. Кўсаги жуда қисқа тутқичда, эни 2 см калта қанотли.

Май ойида гуллаб, июн ойида уруғлари етилади.

Тоғларнинг ўрта қисмидаги дарахтлар, қоялар соясида ўсади. Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё (боботоғ) вилоятларида тарқалган.

Пиёзи асосани теридаги қизилча ва бошқа ирингли яраларда боғлаб қўйилади.

Пояли бойчечак (Маъзанак)-Гусиный лук стебельчатый-Gagea stipitata Merckl.

Кўп йиллик, пиёзи биттадан, шарсимон баландлиги 5-6 мм, қора қобиқли, пояси ён томонидан ўсиб чиқади, баландлиги (7)-10-20 см. Илдиз олди барглари биттадан, ипсимон, эни 0.75 мм, туксиз. Ён гул барглари сариқ, ташқи томони яшилсимон, гуллашни охирида қизаради, 5-7 мм узунликда, тугунчаси 1 мм узубликда. Куракчаси 2-4 мм.

Март охири апрелда гуллаб, апрелни охирида уруғи етилади.

Тоғ олди ва чўлларни қумли, тошли, шағалли, тупроқли ерида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Пиёзини ошқозон иш фаолияти сустлашганда ва яллиғланганда истемол қилинади.

Туркистон лоласи-Тюльпан туркестанский-Tulipa turkestanica Regel.

Кўп йиллик, илдизининг йўғонлиги 1,5-2-(3) см, қора-қўнғир ёки қўнғир, қалин, тукланган қобиқли. Поясининг баландлиги 10-25 см. Барглар 2 тадан, туксиз, пастги барги кенг, (5)-8-15 мм кенгликда. Гуллар сони 1-7 тадан, гунчалари тўғри. Гул барглари оқ, асоси сариқ, 12-25 мм узунликда. Тугунчаси қисқа устунчали. Кўсаги узунчоқ, 1 см йўғонликда, 1,5-2 см узунликда.

Март-апрел ойларида гуллаб, Апрель-Май ойларида уруғи етилади.

Тоғолди ва ўрта минтақалардаги тупроқли, тошли жойларда ўсади. Тошкент (Моголтов), Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва вилоятларида тарқалган.

Гули ва пиёзида тулипин алкалоиди ҳамда салициловую кислота сақлайди. Пиёзи заҳарли. Ундан оз миқдорда ревматизмда ва юрак хасталикларида қўлланилади.

Ширащдошлар-Ширащевые -Asphodelaceae Juss.

Ольги ширачи-Ширии ольги-Eremurus Olgae Regel.

Кўп йиллик, ўт. Гул пояларини узунлиги 80-120 см. Қўр пояси туксиз ва баргларсиз. Урчўксимон илдизи доирасимон жойлашган сақловчи булиб узунлиги

(йўғонлашган қисми) 10-12 см, эни 1-1.5 см. Барглари мозайка ҳосил қилиб нашта-симон, узунлиги 30-40 см, эни 1-1.5 смга тенг. Гулбандида гуллар калин жойлашиб 20-50 см ни ташкил этади. Гуллари оч пушти рангда бўлиб асоси сариқ рангда.

Июн-августда гуллаб, июл-сентябрда уруғлари етилади.

Маида тошли тупроқларда, тоғолди қисмларидан, тоғни ўрта минтақаларигача учрайди. Самарканд, Бухоро, Тошкент, Фарғона вилоятларида учрайди.

Халқ табобатида барги ва илдизи ишлатилади. Барги халқ орасида ел ҳайдовчи, илдизи меъда-ичак касалликларида, қоплаб олувчи дори сифатида қўлланилади.

Регель ширачи-Шириш Регеля-Eremurus Regelii. Vved.

Кўп йиллик, ўт. Гул палаларининг баландлиги 50-180 см. Илдизлари урчўқсимон бўлиб, илдиз бўғзида доира бўлиб жойлашган. Барглари эни 2-5 см, узунлиги 35-45 см. Гуллари баргсиз гулпо-яни ўрта қисмларидан бошланади. Гуллар зичроқ жойлашган. Гулкосачаларида 3тадан жигаррангли томирланишлар алоҳида этиборга олинади.

Маи ойлари-дан то Тоғни юқори қисмидагилари июн-гача гуллаб уруғлари июл-августда пишиб етилади.

Тоғларни тупроқли қисмларида ўсади. Фарғона, Тошкент, Самарканд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида барги ва илдизи ишлатилади. Барги халқ орасида ел ҳайдовчи, илдизи меъда-ичак касалликларида, қоплаб олувчи дори сифатида қўлланилади.

Улкан ширач-Шириш мощный-Eremurus robustus Regel.

Кўп йиллик, илдизи сабзисимон йўғонлашган, уларни йўғонлиги 12-15 мм Барглари кенг нашта-симон 40-80 мм. пояси туксиз 100-200 см баландликда, маданийлаштирилганда 350 см га етган. шингили жуда зич гуллар билан қопланган, цилиндирсимон 35-100 см, маданийларида 200 см узунликда. Гул тутқичи узун. Гулидаги ранглари очик пушти бўлиб, энг асоси сариқ доғли 17-18 мм узунликда. Кўсаги шарсимон, туксиз (1.5) -2-2.5-(-3) см энликда, уруғлари кенг қанотчали.

Маи-июн ойларида гуллаб, июл-август ойларида уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта минтақаларидаги юмшоқ тупроқ қалин жойларда ўсади. Тошкент, Бухоро, Самарканд, Қашқадарё вилоятларида кенг тарқалган.

Эрта бахорда баргидан сомса, манти, перог ва бошқа ўзуқалар тайёрланади. Баргидан тайёрланган махсулотлар ел ҳайдовчи ва қон таркибини гликозидлар билан тўйинтиради.

Пиёздошлар-Луковые-Alliaceae J. Agardh.

Қоратог пиёзи-Лук каратавиский-Allium karataviense Regel.

Кўп йиллик, пиёзи тухумсимон йўғонлиги 2-6 см ташқи қобиғи қорамтир ёки кулранг қоғозсимон юпка. Пояси 10-25 см баландликда, уни 5-10 см қисми ер осткида. Барглари эни 1-2-3 см эллипссимон 3-15 см узунликда четлари теккис. Тугунчаси тўтқучли уруғчиси тескари тухумсимон эни 8 мм.

Апрел-май ойларида гуллайди. Май-июнда уруғлари етилади.

Тоғларни пастки қисмида шағалли тошли жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида пиёзини қайнатмаси нафас қисишда ва ўпка хасталикларида ишлатилган.

Ош пиёз-Лук репчатый-Allium cepa L.

Икки йиллик, тухумсимон ёки шарсимон, пўсти сариқ, қизғиш оқ ранглада. Пояси 1 м гача бўлиб, барглари цилиндрсимон ғовак.

Май-июл ойларида гуллаб июлда уруғлари пишиб етилади. Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида экилади.

Тиббиётда пиёзбоши таркибида эфир мойи, қандлар, витамин С ва В, каротин, флавоноид модда, баргида витаминлар, каротин, лимон ва олма кислоталар, қандлар, фитонцид бирикмалар бор. Дори препарати, спиртли ажратмаси бактерияларини, микробларни (масалан, трихомонадларни) улдириш таъсирига эга. Уни колитда, атеросклероз ва гипертония касаллигининг баъзи турларини даволашда қўлланилади. Пиёзи гипо ва авитаминоз касалликларида витаминларга бой сабзавот сифатида кўп ишлатилади.

Порей пиёзи-Лук порей-Allium porrum L.

Бир йиллик, пиёзи кичик, пояси пиёзини марказидан чиқиб баландлиги 1м гача боради. Барглари наштарсимон, гуллари шарсимон тўпгуллар бўлиб, оқиш айрим ҳолларда пушти.

Июнда гуллаб мевалари июлда етилади.

Айрим жойларда оз бўлсада экилади.

Астма ва тамоқ оғриқларида, турли ҳолатлардаги ич қотиш хасталикларини даволаш учун қўлланилади

Саримсоқ (сасиқ пиёз)-Лук чеснок-Allium sativum L.

Кўп йиллик, ўт, пиёзи бир неча бўлаклардан ташкил топган ва дисксимон, тухумсимон шаклларда. Поясининг баландлиги 1м гача бўлиб, тўп бўлаклар ўртасидан ўсиб чиқади. Барглари узун наштарсимон

Июн-июл ойларида гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Пиёзбошиси таркибида аллиин бирикмаси, эфир мойи, фитостеринлар,, фитонцидлар, витамин С, оз микдорда ёғ, йод моддалар бор. Пиёзбошисининг сурмаси (настойкаси) атеросклероз, гипертония, колит ва ўпка сили касалликларини, гинекология амалиётида трихомонада кольпитини ҳамда йирингли яраларни даволашда қўлланилади.

Северцов пиёзи (олғи)-Корольковия северцова-Korolkovia Severtzovii Regel.

Кўп йиллик, пиёзи оқ, юпка қобиқ билан ўралган, диаметри 3-5 см. Пояси йўғон, тик ўсувчи, тусиз, баландлиги 20-60 см. Барглари пояни ярим ўраб олувчи оч яшил, туксиз. Гуллари пояни учки қисмида шингилсимон жойлашган. Гуллари 3-13 тагача бўлиб бандлари қисқа, гуллаб турганда пастга қараб туради. Меваси етилганда юқорига кўтарилади. Гул қисмлари орқа томонидан кўнғир яшил, ички томонидан тўқ кўнғир қизғиш рангда. Кўсаги 3-5 см узунликда уруғлари тўқ кўнғир юпка қанотли.

Ўсаётган жойининг денгиз сатҳидан баландлигига қараб апрелдан-июнгача гуллаб уруғлайди.

Тоғ олди тупроқли қисмидан, тоғни ўрта минтақаларигача шағалли ва сийрак ўсимликлар билан қопланган жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

Эрта баҳорда ёки уруғлари пишгандан сўнг пиёзи олиниб ундан жигар, ўт йўли ва қувватсизликни тиклаш учун қўлланилади.

Суваров пиёзи-Лук суворова-Allium suworowii Regel.

Кўп йиллик, пиёзи шарсимон 2-3 см йўғонликда. Кўп қабатли қобиғи кулранг, поясини баландлиги 30-100 см, Барглари 2-6 тадан тасмасимон узун эни 5-20 мм соябони шарсимон. Кўп сонли гуллари зич жойлашган. Гуллари пушти бинафша тухумсимон 5 мм энликда.

Май ойида гуллаб июнда уруғлари етилади.

Тошлоқ тупроқларда воҳаларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида хиди ва таъми саримсоқ пиёзга ўхшаш аммо кучли хид ва аччиқроқ тамга эга. Пиёзини вино уксус билан мариноват қилингани қон

тупирганда, туберкулоз хасталигини бошланиш даврида ва нафас йўллари хасталикларида қўлланилган.

Талас пиёзи-Лук таласский-Allium talassicum Regel.

Кўп йиллик, пиёзида 1-3-5 илдиз пиёзчалари бўлиб улар цилиндрсимон 7-15 мм йўғонликда қўғир қобикли. Поясини баландлиги 15-30-75 см. Барглари сони 3-7 та ингичка ипсимон 0.5-1.5-2 мм энликда теккис. Гул тўпламини ўраб турган қобиғи 1.5-3 маротаба соябонидан узун. Гуллари олдин сариқ –яшил етилишида пушти рангга ўтади.

Июл ойида гуллаб август-сентябрда уруғлари етилади.

Тоғни ўрта қисмида, қоялар ёруғида ўсади. Тошкент, Фарғона, Смарқанд, Бухоро (боботоғ) вилоятларида тарқалган.

Табобатда пиёзи цинга касаллига ва қувввлантирувчи ҳисобида қўлланилган.

Узумсимон пиёз-Лук виноградный-Allium ampeloprasum L.

Кўп йиллик, пиёзи тухумсимон шарсимон йўғонлиги 2-4 см. ташқи қобиғи қоғозсимон сариқ оқ рангда. Пояси 50-80 см баландликда. 6-9 та барглари бор уларни эни 5-10 мм. соябони шарсимон кўп гулли сийрак. Гуллари пушти рангга яқин. Кўсакчаси уч қиррали

Июнда гуллаб июлда уруғлари етилади.

Узумзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Бухоро вилоятида (Шерабод тумани қўраб ох) тарқалган.

Халқ табобатида пиёзи кучли сурги ҳисобида фойдаланилган.

Наргисдошлар-Амариллисовые-Amaryllidaceae Jaume St.-Hil.

Виктор омонқораси (қорақобизу)-Унгерния Виктор-Ungernia Victoris Vved. Ex Artjushenko.

Кўп йиллик, ўт. Кўп сонли пиёзли, пиёзи тухумсимон 4-7 см узунликда. Қора юпқа қобиклар билан ўралган. Барглари икки қатор 7-10 та, наштарсимон эни 2-3 см. узунлиги 20-30 см. Гул пояси 5-10 см баландликда.

Августда гуллаб, сентябрда уруғлари етилади.

Тоғни ўрта минтақаларидаги тупроқли жойларда ўсади. Бухоро вилояти (Чульбаир тоғларида) тарқалган.

Қорақобиқ турлари барги таркибида алкалоидлар (галантамин, ликорин), сапонинлар, органик кислоталар, шиллиқ моддалар бор. Бу ўсимликларда галантамин ва ликорин олинади. Галантамин гидробромид миастэния, миопатия, полиомиелит асоратлари ҳамда полиневрит, радикулит касалликларини даволаш

учун, нервлар шикастланиб, узилганида, ичак ва қовуқ заифлашганида қўлланилади.

Константинонал нарциси-Нарцисс константинопольский-Narcissus tazetta L.

Кўп йиллик, ўт. Поясини йўғонлиги 4-5 см, тухумсимон, қорамтир қобикли. Поясини баландлиги 80 см. Барглари 4 тадан наштарсимон, эни 8-13 мм соябони 4-5 гулли, гуллари пушти.

Апрелда гуллайди.

Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида декоратив ўсимлик сифатида экилади.

Баргидан ликорин алкалоиди олинади. Нафас қисийида энг яхши перепарат ҳисобланади.

Северцов омонқораси (қорақобози)-Унгерния Северцова-Ungernia Sewertzowii (Regel) B.Fedtsch.

Кўп йиллик, ўт. Йирик пиёзли, пиёзлари узунчоқ булиб, 5-7 см узунликда туп булиб, бир нечта пиёздан иборат. Пиёзлари юпқа қора пардасимон қобиклар билан ўралган. Барглари икки қатор 4-6 тадан, наштарсимон, эни 1.5-2 см ва 20см узунликда.

Бахорда барглари ҳосил қилиб, ёзда улар қуриб сунг, гуллар уруғлайди.

Июлда гуллаб, августда уруғлари етилади.

Тоғларни ўрта минтақасида тошли, майда шағалли тупроқда ўсади. Тошкент, Фарғона водийсида учрайди.

Бу ўсимликларда галантамин ва ликорин олинади. Галантамин гидробромид миастэния, миопатия, полиомиелит асоратлари ҳамда полиневрит, радикулит касалликларини даволаш учун, нервлар шикастланиб узилганида, ичак ва қовуқ заифлашганида қўлланилади. Ликорин гидрохлорид қон босимини туширувчи (гипотензив) таъсирга эга ҳамда бронхитларни, астма ва ўпкадаги яллиғланиш жараёнларини даволашда балғам қўчирувчи восита сифатида ишлатилади.

Чучмомадошлар-Иксиолирионовые-Ixioliriaceae Nakai.

Татар чучмомаси-Иксиолирион татарский-Ixiolirion tataricum (Pall.) Herb.

Кўп йиллик, пиёзи тухумсимон, йўғонлиги 1.5-2.5 см, оч қўнғир қобикли, поясини баландлиги 9-60 см. Барглари наштарсимон, 2-10 мм узунликда. Гул тўплами шингилсимон бўлиб гуллари оз сонда, айрим ҳолларда шохланади. Ён барг гуллари бинафша рангда, 2-3-(4.5) см узунликда, тескари наштарсимон. Косаси тўғноғичсимон, юмолок учқиррали.

Апрел-май ойларида гуллаб, май-июнда уруғлари етилади.

Тоғни остки қисимларида, чўл минтақаларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда тарқалган.

Пиёзлари истемол қилинади. Ёш болалардаги ичбуруғ хасталигида қўлланилади. Пиёзлари асосан баҳорда истемол қилинади.

Марваридгулдошлар-Ландышевые-Convallariaceae Horaninow.

Северцов полугонатуми (зигир)-Купена Северцова-Polygonatum sewertzowii Regel.

Кўп йиллик, илдиз пояси йўғон бўғимларга бўлинган горизантал ўсган. Пояси тик ўсувчи, туксиз эгатчали, остки томони баргсиз 30-80 см баландликда. Барглари туксиз остки барглари навбатлашган, ўрта ва юқоридагилари ҳалқасимон жойлашган. Гуллари юқори барглар қўлтиғида жойлашган оқ. Меваси қизил.

Апрел-май ойларида гуллаб, июн-июл ойларида меваси пишади.

Тоғларни пастки ва ўрта қисимларидаги соя жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, ва Бухоро вилоятларида тарқалган.

Уруғларида 45% қанд моддалар бўлганлиги учун аҳоли томонида қиём тайёрланиб ишлатилади. Қурутиб майдаланган гулидан шамоллашга қарши ишлатилади.

Сарсабилдошлар-Спаржевые-Asparagaceae Juss.

Доривор сарсабил-Спаржа аптечная-Asparagus officinalis.L

Кўп йиллик, пояси 70-150 см баландликда шохланган, ўрта ва юқоридаги поя барглари осткисдан калта пихлари бор. Меваси шарсимон қизил.

Май-июн ойларида гуллаб, июн-июл ойларида меваси етилади.

Тошкент, Наманган, Қашқадарё вилоятларида, дарё ўзанларида тўқайзорлар ва кум барханли чўлларда учрайди.

Тибиётда илдизпояси илдизи ва ёш новдалари билан бирга ишлатилади. Илдиз пояси билан илдизининг қайнатмаси халқ табobatiда сийдик йўллари касалликларини даволаш учун юракнинг тез уришини маромига келтирувчи восита сифатида қўлланилади. Сарсабил экстракти қон босимини пасайтириш, юрак уришини секинлаштириш ва сийдик хайдаш таъсирига эга эканлиги тажрибада аниқланади. Ҳозир буйрак ва юрак касалликларида ишлатишга тавсия этилган.

Калта баргли сарсабил-Спаржа каротколистная-Asparagus brachyphyllus Turcz.

Кўп йиллик, пояси букилган ҳолда чирмашиб ўсади шохланган баландлиги 50-150 см кўп сонли поялар йўғонлиги 05-07 мм. Гуллари поя ва новдасидаги барг қўлтиқларида биттадан жойлашган. Гул тутқичлар узунлиги 10-15 мм узунликда.

Гуллари қўнғоқсимон 6-7 мм узунликда новдаси қизил шарсимон диаметри 5-7 мм.

Майда гуллайди ва июнда мевалари пишиб етилади.

Тўқайзорларда кулранг тупроқларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Тиббиётда илдизпояси илдизи ва ёш новдалари билан бирга ишлатилади. Таркибида сапонинлар, аспарагин, каротин моддалари бор. Илдизпояси билан илдизининг қайнатмаси халқ табобатида истисно, қовуқ яллиғланиши сийдик йўллари касалликларини даволаш учун ҳамда сийдик ҳайдовчи ва юракнинг тез уришини маромига келтирувчи восита сифатида қўлланилади.

Солабдошлар-Орхидные-Orchidaceae Juss.

Кенг баргли эпипактус-Дремлик широколистный-Epipactis latifolia (L.) All. (E.helleborine (L.) Grantz.)

Кўп йиллик, илдиз поялари попўқ илдизсимон, поясини баландлиги 40-50-(60) см. барглари юмалоқ. Барглари юмалоқ 4-8 см узунликда, эни 3.5-5.5 см, четлари тукланган. Гул шингили узайган, кўпгулли, гулларини ён барглари овалсимон 1-1.3 мм узунликда. Лабини орқа томони қора тўқ қизил, халтасимон, тугунлари туксиз. Кўсаги кубсимон 10-11 мм узунликда ва эни 9 мм.

Май ва июнда гуллайди, сентябргача давом этади.

Ариқлар, зах ўтлоқлар, дарёларнинг соя жойларида ўсади. Фарғона (Кўкон) вилоятларида тарқалган.

Баргидан тайёрланган қайнатмаси подагрени ювиш, компрес қилиш учун ишлатилади.

Соясевар солаб-Ятрышник тенистый-Orchis umbrosa Kar. et Kir.

Кўп йиллик, ўт . Илдиз тугунаги 1-6 тали панжасимон шохланган. Пояси 30-40 (45) см баландликда, тик ўсувчи, йўғон. Ён барглари 6-7 тадан наштарсимон, устки барглари 10-20 см узунликда ва 2- 2,5 см энликда. Гул тўплари 5-15 см, гуллари оч пушти ва пушти рангларда.

Тоғлардаги булоқлар, жилғалар қирғоғида , 700-2800 м баландликларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё, вилоятларида тарқалган.

Илдиз туганагидан доимий қабзиятда, ошқозон ичак хасталикларида, буйракдаги тошларда, туберкулозда, кексаларни қувватлантирувчи сифатида қўлланилади.

Тухумсимон листера-Тайник яйцевидный-Listera ovata (L). R.Br.

Кўп йиллик, илдизпояси цилиндрсимон, Қисқа йўғон илдизли. Поясини баландлиги 30-60 см, асосида қўнғирсимон қинлари бор. Барглари ўтроқ эллипссимон, тухумсимон, 6-14 см узунликда, ва эни 2,8-9 см, пояни ўраб олувчи шингили 10-25 см узунликда, сийрак. Гулларини ранги яшилликка яқин. Гул ён барглари 4-5 мм узунликда. Тугунчаси туксиз.

Тошкент вилоятидан бир маротаба дарахт соясидан топилган.

Баргидан тайёрланган дамламадан яраларни ювилади, грижани ва ёш болалардаги тошма яралар ювилади.

Якандошлар-Ситниковые-Juncaceae Juss.

Невски якани-Ситник невского-Juncus Nevskii Lam.

Кўп йиллик, илдизпояси қалин чим ҳосил қилувчи, баландлиги 50-80 см. Пояси қаттиқ, қиррали, 2 мм йўғонликда, ост қисми қўнғир баргсиз, қинлар билан ўралган. Барги цилиндрсимон, тиканли поядан қисқа. Ён гуллар тўплами супургисимон, 5-10 см узунликда. Гуллари 2.5-3 мм узунликда биттадан ёки 2-3 тадан тўпланган. Ён гул барглари сомонсимон сариқ, тепа қисми занжирсимон рангда. Кўсакчаси узунчоқ тухумсимон 3,2-4 мм узунликда, яшил қўнғир. Уруғи қўнғир 0.8 мм узунликда.

Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди.

Шўрҳоқ пастлик жойларда ўсади. Самарқанд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Илдизи сийдик қопчиғи хасталикларида ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади.

Ҳилолдошлар-Осоковые-Cyperaceae Juss.

Ғуж ҳилол (слом алайкум, якан)-Сыть скученная-Cyperus glomeratus L.

Бир йиилик пояси 10-80 см баландликда биттадан ўткир учқиррали теккис барглари наштарсимон тўқ яшил 3-10 мм энликда поядан катта. Гул тўплами соябонсимон ёки соябон супургисимон. Бошоғи наштарсимон 8-15 мм узунликда ва эни 1 мм. ёнғоқчаси узунчоқ-наштарсимон уч қиррали 1-1,5 мм узунликда ва эни 0,5 мм

Июл-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Сув юрган жойлар ва дарёлар қирғоғида ўсади. Қорақалпоғистон тарқалган.

Халқ табобатида илдиз туганагидан сийдик ҳайдовчи ва терлатувчи сифатида безгак хасталикларида қўлланилади.

Оддий қилич ўт (шамшир ўт)-Меч трава обыкновенная-Cladium mariscus (L.) Roved.

Кўп йиллик, пояси 100-200 см баландликда кулранг яшил йўғонлашган илдиз пояли поялар ҳосил қилади юқори қисмигача барглари билан қопланган. Барглари энсиз қаттиқ четлари ағрасимон тишчали 5-15 мм энликда. Бошоғи 4-5 мм узунликда тухумсимон. Ёнғоқчаси тухумсимон 3.5 -4 мм узунликда тўқ кўнғир рангда.

Гуллаб уруғлаш вақти июл-август ойларига тўғри келади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Табобатда ичбуруғга қарши дамламаси ичилади.

Узун хилол (слом алайкум, якан)-Сыть длинная-Cyperus longus L.

Кўп йиллик, оч яшил узун илдизпояли баландлиги 60-100 см айрим ҳолларда ундан баланд ўткир учбурчакли тўқима орасидаги барглари қизғиш кўнғир барг кинига эга. барглари ясси, гули ва ўтлари дағал 3-7 мм энликда. гул тўплами мураккаб, зич, кўп сонли нурли соябончасимон бўлиб узунлиги 40 см бўлиб у ҳам ўз навбатида шохланади учинчи тартибли нурланишда гуллар жойлашади улар сони 3-10 тани ташкил этиб 5-20 мм узунликда ва эни 1-1,5 мм гуллари қизил кўнғир қобиклар билан ўралган ёнғоқлари узун барглари тухумсимон уч қиррали 1,2-1,5мм узунликда.

Июн-сентябр гуллаб уруғлайди. зах ботқоқ жойларда дарё ариқ бўйларида тоғларни 2000 м бўлган баландликларидаги экинзорларда ўсади.

Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Аччиқ таъмли илдизи ва туганаклари истемолга яроқли ҳисобланиб, халқ табобатида аёллардаги менструацияси тўхтаб қолганда юргузиш учун ишлатилади.

Юмалоқ хилол (слом алайкум, якан)-Сыть круглая-Cyperus rotundus L.

Кўп йиллик, кулранг яшил ер остки илдизпояли тугунаксимон йўғолланган ўт ўсимлик поясини баландлиги 10-50 см. барглари ясси 2-5 мм энликда пастга букилган поядан калта, гуллари соябонсимон икки бор нурланган 3-8 гул тўпламидан иборат бошоқсимон, бошоғи узун наштарсимон ўткир 10-35-(40) мм узунликда ва эни 1,5-1,8 мм зангсимон қизил рангда, ёнғоқчалари тескари тухумсимон уч қиррали 1,6-1,8мм узунликда тўқ кулранг

Июн-сентябр ойларида гуллаб уруғланади.

Ариқлар, зах ерлар ва экинзорларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистонда кўп тарқалган.

Қайнатма дамламаси ошқозон хасталигида, сийдик ҳайдовчи, тер ҳайдовчи сифатида, бошқа ўсимликлар билан биргаликда юрак асаб (невроз) хасталигини даволашда қўлланилади.

Буғдойдошлар-Мятликовые-Poaceae Barnhart (Graminea Juss.)

Қон тўхтатувчи бузоқ тили-Бородоч кровоостанавливающий-Andropogon ischaetum L.(Bothriochloa ischaetum L. Keng)

Кўп йиллик, илдиз поялари чим ҳосил қилувчи бўлиб, пояси тик турувчи, ингичка, туксиз 30-80 см баландликда. Барглари кичик барг кинига эга бўлиб, наштарсимон эни 2-4 мм. Гул тўпланда 2-10 тача гул шохлари бор.

Июл-август ойларида гуллаб, уруғлайди.

Тоғолди ёнбағирларида кичик майдонларда, ариқ ва сойлар қирғоқларида учрайди. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистонда ўсади.

Ўсимликдан асосан бачадондон қон кетишида, ошқозон касалликларида, милкларни мустаҳкамлашда, иштаха очишда қўлланилади.

Жонсон ғумай-Сорго алленское (джухары) (Джонсонова трава)-Sorghum halepense (L) Rers.

Кўп йиллик, узун, йўғон илдизпояли. Пояси туксиз, теккис, 50-150 см баландликда. Барг қисмлари туксиз, тилчаси 1-2 мм узунликда, четлари киприксимон. Барги наштарсимон-наштарсимон, 1-2 см кенгликда, туксиз, четлари ўткир дағал. гуллари пояни учида супургисимон тўпгулларда тўпланган. Бошоғи яшил, сарғиш, қўнғир рангларда.

Июл-август ойларида гуллаб, уруғлари етилади.

Экинзорларда, пахта, қовун, узумзор, боғларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Илдизи қонни тозаловчи хусусиятга эга. Уруғлари сийдик ҳайдовчи хусусиятга эга.

Қизил қаёқ (Ботоўт)-Императа цилиндрическая-Imperata cylindrica (L.). Beauv.

Кўп йиллик, илдиз пояли ўсимлик, пояси 30-60 см бўлиб, асосини эски барглар қолдиғи ўраб туради. Барг қинлари қизғиш, туксиз.

Апрел-Май ойларида гуллаб уруғлайди.

Намли тупроқларда, теккислик ва сойлар, ариқлар бўйида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ҳамда Қорақалпоғистонда учрайди.

Илдиз поясини қайнатмасидан сийдик ҳайдовчи, балғам кўчирувчи, бачадон қон кетишини тўхтатиш учун қўлланилади.

Қуён арпа-Ячмень заячий-Hordeum Leporinum Zink. (H.murinum L.)

Бир йиллик, поясини баландлиги 15-40 см, туксиз, теккис. Барглари ҳам туксиз, барги наштарсимон, 4-7 см узунликда, бошоғи ўтроқ, остки гул қобиғи кенг наштарсимон 7 мм, узунликда ва ўқи 4 см узунликда.

Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди.

Теккисликларда, ариқ бўйларида, боғларда, тоғларни ўрта минтақасигача бўлган қисмидаги ўтлоқларда ўсади. Тошкент, Бухоро, Фарғона, Самарқанд вилоятларида тарқалган.

Баргини қайнатмасидан ичбуруғни даволашда ишлатилади.

Макка жўхори-Кукуруза миас-Zea mays L.

Бир йиллик, баландлиги 200-300 см ўсимлик, барглари наштарсимон бўлиб, узунлиги 50-70 см, эни 2-5 см сийрак тикланган. Эркак гуллар пояни учида, урғочи гуллари поя бўғимидан чиққан сўтада.

Июл-августда гуллаб сентябрда меваси етилади.

Ўзбекистонда экилади.

Тиббиётда оналик гулининг устунчаси ва тумшукчаси мевасининг крахмали ва мойи ишлатилади. Оналик гули устунчаси ва тумшукчаси таркибида ёр, эфир мойи, сапонинлар, флавоноидлар органик кислоталар, кўп миқдорда витамин С ва К, каротин, пантотед кислота, инозит, фитостерин моддалар бор. Суюқ экетракти йиғмалар таркибида жигар, ўт пуфаги ва ўт йўллари касалликларида ўт ҳайдовчи, буйрак тош ва истисқо касалликларида ҳамда қовўқда тош бўлганда сийдик ҳайдовчи ва қон оқишини тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади. Мевасининг мойи атеросклероз касаллигини даволаш ва олдини олиш учун, крахмали ошловчи дори восита сифатида ишлатилади (қайнатма ҳолида ичилади ёки кўхна (клизма қилинади). Яна баъзи суртмалар, чақалоқларга сепиладиган кўкунлар таркибига киради.

Оддий қамиш-Тростник обыкновенный (Камыш)-Phragmites communis Trin.

Кўп йиллик, узун илдиз пояли (3-4 м), пояси бўғинларга бўлинган. (айримлари вегетатив йўл билан кўпайишга мослашган, поялари ерни устки қисмида горизантал холда 7-8 м узунликда бўлади). Балндлиги 50-400 см. Барглари пояни ўраб олган бандли, япроғи узун 20-25 см ва эни 2-3 см. Гуллари пояни учки қисмида супургисимон тўп бўлиб узунлиги 20-50 см. Қўнғир бинафша рангларда.

Июл-октябрда гуллаб уруғлайди.

Кўл, ариқлар, теккисликларда, баъзан ер ости суви яқин бўлган чўл худудларида ҳам, тоғларни ўрта қисмиларидаги сойларни атрофларида ўсади.

Ўзбекистонни барча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Поялари баргидан метил спирти, фармалин олиниб дорилар тайёрлашда қўлланилади.

Панжали ажриқ-Свиной пальчатый-Cynodon dactylon (L.) Pers.

Кўп йиллик, илдиз пояси узун. Пояси тик ўсувчи баландлиги 10–50 см асосидан шохланувчи туксиз ва теккис. Барг қини туксиз. Гулчаси қисқа тукли. Барги наштаарсимон қаттиқ. Гуллари 3-5 ва ундан ортиқ бўлади.

Июн-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Экин майдонларда ариқлар бўйида йўл ёқаларида тоғ ўтлоқларида ўсади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида кенг тарқалган бегона ўт.

Табобатда дамламасидан кўз оғриғида тампун қилиб даволанади. Илдизини қайнатма экстракти турли хасталикларда қўлланилади.

Ўрмаловчи буғдойиқ-Элитригия ползучая (пырей)-Elytrigia repens (L.) Wevski.

Кўп йиллик, ўт. Илдиз пояси узун. Пояси 70-100 см, теккис. Барги юпқа наштаарсимон. Бошоғи тўғри 7-15 см.

Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларни қуруқ сойларида тош-шағалли ёнбағирларида учрайди. Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларида учрайди.

Илдизини қайнатмаси сийдик ва ўт йўллари, ичаклар ва ошқозон, буйрак, йўтал ва бронхитда, тери яраларида, буйракдаги тошни хайдашда қўлланилади.

Экма сули-Овес посевной-Avena sativa L.

Бир йиллик, пояси 60-100 см, туксиз. Бошоғи 25 см узунликда, бошоқчалари 2-3 гулли.

Май-июнда гуллаб уруғлайди.

Ўзбекистонда қисман экилади.

Донидан вирусли гепатитда, ошқозон яллиғланишида, ўн икки бармоқли ичак яллиғланишида, қабзиятда қўлланилади. Уруғларини унудан тайёрланган бўтқасидан юзларга суртилиб юз терисини нормаллаштиришда ҳам қўлланилади.

Экма шоли-Рис посевной-Oryza sativa L.

Бир йиллик, пояси асосидан шохланувчи, пояси 50-100 см. Барг қинлари туксиз, эни 1 см Гул тўпларининг узунлиги 20 см, Бошоғи 9 мм узунликда.

Август-сентябр ойларида гуллаб етилади.

Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида экилади.

Қайнатилиб кашасимон холга келтирилган гуручни, лотос илдизи билан, соя уни қўшилиб бронхиал астмани даволанади. Қувватни оширувчи сифатида сут билан ёғ қўшиб озгина шакар қўшиб истемол қилинади.

Экма юмшоқ буғдой-Пшеница мягкая-Triticum aestivum L.

Бир йиллик, пояси 100-150 см булган ўт ўсимлик. Барглари наштарсимон туксиз. Бошоғи 4-5 гулли, зич айрим ҳолларда сийракроқ жойлашган гуллар тўпламидан иборат.

Июн-июл ойларида гуллаб донлари етилади.

Ёввойи ҳолда Ўзбекистонда учрамайди. Ҳамма вилоятларда экилади.

Тиббиётда буғдойнинг уни ва крахмали ишлатилади. Буғдой донининг қайнатмаси халқ табobatiда организмга қувват берувчи, кепегининг қайнатмаси асал билан бирга йўталга қарши восита сифатида ва нафас олиш йўллари яллиғланишида қўлланилади. Буғдой меваси донидан олинадиган крахмал тиббиётда (ичкетар меъда-ичак касалликларида) ҳамда доришунослик амалиётида (кўкунлар, сепма дорилар, таблеткалар тайёрлашда) кўп ишлатилади.

Сувпиёздoshлар-Сусаковые-Butomaceae Rich.

Соябонли сувпиёз-Сусак зонтичный-Butomus umbellatus L.

Кўп йиллик, илдиз пояли йўғон горизантал ўсувчи ўт ўсимлик . барглари узун тасмасимон асоси уч қиррали учки томони наштарсимон эни 3-10 мм пояси 20-150 см гуллар тўплами соябонсимон гултожларини ранги оқ қизил нурсимон доғлари бор.

Май–июл ойларида гуллайди июл-август ойларида Уруғи етилади.

Тексликлардаги саёз секин оқадиган ва оқмайдиган сувларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қорақлпоғистонда тарқалган.

Халқ табobatiда баргидан олинган суви теридаги темратки ва оқ доғларни даволашда ишлатилади. Илдиз поясини этли қисмидан нон тайёрлаш мумкин.

Булдуруқўтдошлар-Частуховые-Alismataceae Vent.

Зубтуримсимон булдуруқўт-Частуха подорожниковая-Alisma plantago aquatica L.

Кўп йиллик, илдизпояси туганаксимон кўп сонли куртакларга эга. Пояси тик ўсувчи баландлиги 10-70 см. Барглари сув юзасида сузувчилари узун бандли 7-10 см узунликда эни 4,6-6 см кенг тухумсимон айримлари юраксимон. Гул тўплами пирамидасимон тўпгуллар бўлиб узунлиги 25-35 см қолганларида 5-6- (10) гуллар тўпламидан иборат. Косачаси яшил кенг тухумсимон 2-2,5 мм

узушликда ва эни 1,5-2 мм. Тожбарглари косачасидан 2 бора узун оқ пушти. Уруғи 2-2,5 мм узушликда эни 1,2-1,5 мм.

Май-август ойларида гуллаб уруғлайди дарёлар қирғоғида кўлларда ботқоқликларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистонда тарқалган.

Халқ табобатида баргининг қайнатмасини геморойда, илдиз пояларини эса кутурган итлар тишлаганда ичишга буюрилган.

Учбаргли найзабарг-Стрелоллист трилистный-Sagittaria trifolia L.

Кўп йиллик, гул пояси оддий шохланган. Урғочи гулларини косачаси учтадан, 1-4 тадан жойлашган, тутқичлари калта уруғлари етилиш даврида 6-20 мм узушликда. эркак гуллари узун тутқичли. Косача барглари яшил, наштарсимон 4 мм узушликда ва эни 2,5 мм. Тожбарглари оқ. Уруғлари ясси қанотчали, кенг учбурчаксимон.

Июн-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Сув ҳавзаларини қирғоғида, ариқлар, кўллар, шолিপояларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Илдиз пояси ва барглари буруштурувчи ва яраларни яхши даволовчи хусусиятларга эга. Янги узулган барглари яраларга қўйилади. Туганаклари истемол қилинади.

Ғижжакдошлар-Рдестовые-Potamogetonaceae Dumort.

Сузувчи ғижжак-Рдест плавающий-Potamogeton natans L.

Кўп йиллик, илдизпояли сузиб юривчи, кўп шохланган, кузда туганаксимон тугунлар ҳосил қилади. Пояси узун, йўғон, кам шохланган. Сувга ботиб турувчи барглари икки қават, осткилари 50 смгача узушликда, ингичка юқоридагилари наштарсимон, узун бандли, сузиб турувчи, 12 см узушликда ва эни 5.5 см. Бошоғи 4-5 см узушликда, цилиндирсимон. Тутқичлари 10 см узушликда, пояга нисбатан йўғон.

Июн-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Теккисликлардаги секин оқадиган ариқларда, кўлларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Ўсимликнинг устки қисми қабзият бузилганда, қорнида санчиқ турганда, яраларни даволашда кўлланилади.

Гулсўтадошлар-Взморниковые-Zosteraceae Dumort.

Кичик гулсўта-Взморник маленький-Zostera minor (Cavol) Nolte ex Roth.

Кўп йиллик, ўт. Шохланган ингичка илдиз пояли. Пояси 40 см узунликда. Барглари қисқа-наштарсимон 5-15 см узунликда, эни 0,5-1,5 мм, 3 та асосий томирланган. Гулбанди 1,5 см узунликда. 6-12 та гуллар жойлашган.

Июн-июлда уруғлайди.

Орол денгизини қолдиқ қисмларида учрайди.

Қайнатилган гулларини кучли йўталларга қарши кўкрак қисмига боғланади.

Кучаладошлар-Аройниковые-Araceae Juss.

Алберт иткучаласи (қорақулоқ)-Эминиум альберта-Eminium alberti (Regel) Engl.

Кўп йиллик, баландлиги 15-25 см туганаги қисилган шарсимон эни 2,5 см барглари очик яшил, барглари учга бўлинган ясси найзасимон-наштарсимон 6-11 см узунликда поясини асосий қисми тупроқ остида жойлашган. Ўраб турган қобиғини узунлиги 15-20 см цилиндрсимон найсимон 12 см узунликда ички томони бнафша тўқ қора қизил рангда. Сўтаси 15 см узунликда ундан 4-5 см қисмли уруғлайди уруғсиз қисми 8-10 см

Апрел-май ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларни олд ва ўрта қисмларидаги тупроқли жойларда ўсади. Бухоро, Тошкент, Самарқанд, вилоятларида тарқалган.

Энг захарли ўсимликлардан ҳисобланади. Туганагидан тайёрланган дамламаси билан ревматизмни даволанади.

Королков кучаласи-Аронник королькова-Arum korolkovii Regel.

Кўп йиллик, тугунаги дискасимон, шарсимон шаклларда. пояси биттадан бўлиб у баргидан юқори бўлади. Барглари кенг найзасимон, юраксимон шаклларда. Гул пояни ичида маккажўхори сўтасига ўхшаш қисмида уруғчи гуллар ва уни ичида чангчи гуллар жойлашади. Гул кўрғон сифатида қобиғини ташқи томони яшил ички томони пушти кўнғир ёки тўқ қизил рангларда. Уруғлари етилганда оч қизил рангда.

Март-июн ойларида гуллаб уруғлайди.

Тоғларни ўрта қисмида буталар, дарахтлар, остида ва қоялар остида нам етарли жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

Халқ табобатида қурулган туганаги туюб чаён чакқанда ишлатилади. Кунжут ёғи билан туюлган илдизи туз кўшиб нон кулча қилиб геморройни энг оғир формаларига қўйилади. Янги туганагини қириб унга асал кўшиб теридаги

темиратки ва бўйиндаги оқ доғларга қўйилади. Асалсиз заҳарли хашоратлар чакқанда қўйилади. Уруғлари кучли заҳарли ҳисобланади.

Лемани иткучаласи (кучала, қорақулоқ)-Эминиум лемана-Eminium Lehmannii (Bunge) O.Kuntze.

Кўп йиллик, баландлиги 15-30 см. Туганаги шарсимон эни 2 см барги тўк яшил четлари теккис, найзасимон. Най қобиғи узун-цилиндрсимон 3-4 см узунликда, ташқи томони бинафша яшил ички қисми бахмалсимон қорамтир бинафша рангда, 5-10 см узунликда ва эни 3 см, сўтаси 6-8 см узунликда цилиндрсимон, қора қўнғир рангда.

Апрел-майда гуллаб уруғлайди. Қумли чўлларда ўсади.

Бухоро вилоятида тарқалган.

Ўсимликнинг ҳамма қисми алкалоидлар сақлаб заҳарлидир. Туганагига бошқа моддалар қўшиб қўтурган ит, бўрилар, тулкиларни заҳарланади. Туганагида ревматизмни даволашда ишлатилади.

Игирдошлар-Аировые-Acoraceae Agardh.

Оддий игир-Аир балотный (Акорус)-Acorus calamus L.

Кўп йиллик, илдизпояси 3 см гача йўғонликда, пояси 60-100 см баландликда. Барги наштарсимон 1-8 см.

Июн-июл ойларида гуллаб уруғлайди.

Ариклар ва сойлар бўйида ўсади. Секин оқадиган, оқмайдиган сувлар хавзаларида ҳам ўсади. Самарқанд шаҳри атрофида Қорасув (шоличилик далаларида, Чўлималик қишлоғи атрофидан олинган)

Тиббиётда илдизпояси ишлатилади. Таркибида эфир мойи, акорин аччиқ, гликозиди, кўп мнқдорда крахмал, смола, алкалоид, ошловчи моддалар бор. Дори препаратлари (кукуни, дамламаси) хушбуй аччиқ восита сифатида иштаҳа очиш, овқатни яхши ҳазм қилиш учун, баъзан буйрак, жигар ва ўт пуфаги касалдикларида сийдик ва ўт ҳайдовчи сифатида қўлланилади. Оддий игир илдизпояси аччиқ сурма (настойка) ва меъда-ичак касалликларида ишлатилади.

Кўғадошлар-Рогозовые-Tuphaceae Juss.

Кенг баргли кўға-Рогоз широколистный-Typha latifolia. L.

Кўп йиллик, илдиз пояси ўсимлик. Пояси 100-200 см, барглари эни 1-1.5 см булиб, эркак ва урғочи гуллари бир-бири билан туташган ҳолда жойлашади. Эркак тўпгуллар 1-1.5 см энликда ва урғочи гуллардан калтароқ. Урғочи гуллар етилганда йўғонлиги ортиб, 2-2.5 см энликда булади.

Июн-июлда гуллаб етилади.

Секин оқадиган унча чўкур булмаган сув ва ариқлар буйларида ўсади.

Ўзбекистонни ҳамма жойларида учрайди.

Илдиз ва илдиз пояларини қайнатмаси қон кетишини тўхтатиш учун ва яраларни тез битириш учун қўлланилади.

Кичик куза-Рогоз малый-Турха minima Funek.

Кўп йиллик, илдиз поялари ингичка, пояси ингичка 30-100 см баландликда ва эни 4-6 мм. Уруғсиз тупларини барглари лентасимон энсиз 1-1.5 мм, ярим цилиндрсимон. Эркак ва урғочи гуллар орасида 0.5-2 см масофа қолиб жойлашади.

Июн-август ойларида гуллаб, уруғлайди.

Теккисликлардаги зах ерлар, кўллар ва зовурларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарканд, Хоразим, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистонда учрайди.

Илдизлари ва баргидан тайёрланган дамламаси яраларни тез битириш учун қўлланилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Акопов И.Э. Кровоостанавливающие растения Изд. Медицина Ташкент 1977. 266 с.
2. Акопов И.З. Важнейшие отечественный лекарственные растения и их применение. Изд. «Медицина» Тошкент 1990. 442 с.
3. Арслонов М.Т., Набиев М.М., Пратов Ў.П. Ўзбекистон бегона ўсимликларининг замонавий тизими ва қўш (бинар) номлари. Тошкент. 2003. 94 б.
4. Гаммерман А.Ф Кадаев Г.Н Яценко- Хмелевасний А.А Лекарственные растения. Изд. «Высшая школа» . Москва 1984, 400 с.
5. Гаммерман А.Ф., Гром И.И. Дикорастущий лекарственные растения СССР. Изд. Медицина. Москва. 1976. 286 с,
6. Дамиров И.А., Прилипко Л.И., Шукюров Д.З., Керимов Ю.Б. Лекарственные растения Азәрбайжана. Изд. «Маариф» Баку. 1988. 319 с.
7. Дворецкий И.Х. Латинско-русский словарь. Изд. 2-е, перераб и даполы М.: «Русский язык», 1976. 1096 с,
8. Зикирёев А. Биологиядан русча- ўзбекча изохли луғат Изд. Қомуслар

- бош тахририяти. Тошкент. 1993. 160 с.
9. Зокиров К.З., Набиев М.М., Пратов У., Жамолхонов К.А. русча-ўзбекча ботаник терминларнинг қисқача луғати Уз. ССР. Фанлар Академияси нашрети. Тошкент. 1963.
 10. Зокиров Қ.З., Жамолхонов Ф.А. Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат. Тошкент. “Ўқитувчи”, 1973. 200 б.
 11. Каримов В., Шомахмудов А. Халқ табobati ва замонавий илми тибда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар. Изд. Ибн-Сино номидаги нашрёт матбаа бирлашмаси. Тошкент. 1993. 318 с.
 12. Қосимов И.А., Холматов Ҳ.Х. русча-ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар луғати. Тошкент. 1990. 128 б.
 13. Максуд Ходжиматов . Дикоро стушие лекарственные растения Таджикистана. Изд.Таджикской советской энциклопедии. Душанбе. 1989. 365 с.
 14. Муравьева Д.А. Тропичиские и субтропичиские лекарственные растения. Изд. «Медицина» Москва 1983, 335 с.
 15. Мурат З.А. русча –ўзбекча ботаник терминлар сўзлиги. Уз.дав. нашр. Тошкент. Самарканд. 1943.
 16. Мухамадхонов С.Р., Жонгуразов Ф.Х.Ўсимликшуносликдан русча-ўзбекча луғат справочик. Изд. Ўқитувчи. Тошкент. 1973. 323 с.
 17. Набиев М.М. Ботаника атлас- луғати изд. ФАН. Тошкент. 1969.
 18. Набиев М.М. Ботаника атлас-луғат. Тошкент: “Фан”. 1969. 253 б.
 19. Пратов Ў.П., Одилов Т.О. Ўзбекистон юксак ўсимликлари оилаларининг замонавий тизими ва ўзбекча номлари (методик тавсия). Тошкент. 1995. 39 б.
 20. Пратов Ў.П., Одилов Т.О., Мусаев К.Ю., Набиев М.М., Турсунов Ж.Ю., Охунов Х.М., Ибодов К. Ботаника атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати. Тошкент: “Фан”.1993.67 б.
 21. Рабинович М.И Ватеринарная фитотерапия Изд. Росагропромиздат Москва 1988.174 с.
 22. С.С. Сохибиддинов. Дикорастущие лекарственные растения Средней – Азии. Тоеиздат. Ўз ССР Тошкент. 1948. 215 с.
 23. Сахобиддинов С.С. Қисқача русча-ўзбекча ботаника терминлари луғати. Ўқитувчилар нашри. Тошкент. 1954.
 24. Сахобиддинов С.С. Ўрта Осиёдаги фойдали ва зарарли ўсимликларнинг илмий хам маҳаллий номлари луғати Уз С.С.Р. Фанлар академияси нашри. Тошкент. 1954.
 25. Соколов С.Я., Замотаев И.П. Справочник по лекарственным растениям Изд. Казахстан 1991. 415 с.

26. Тойжонов К., Мелибоев С., Махмудов В. Ўзбекистон юксак ўсимликлари туркум номларининг изохли луғати Изд. Фан. 2008. 151 с.
27. Ушбаев К.У., Курамысова И.И., Аксенова В.Ф. Целебные травы. Изд. Кайнар Алма-Ата. 1976. 199 с.
28. Флора Узбекистана 1-6 том Изд. АН Узбекистана 1941-1962.
29. Флора Узбекистана. Гл. Ред./ И.Введенский. Ташкент. 1941-1962, Т.1-6.
30. Хайдаров К.Х., Хожимотов К.Х., Ўзбекистон усимликлари. Изд. Ўқитувчи. Тошкент. 1992. 245 с.
31. Холматов Х.Х., Косимов А.И. Русча-лотинча-ўзбекча доривор ўсимликлар луғати Изд. Ибн-Сино. Тошкент. 1992. 200 с.
32. Ҳамидов А., Набиев М., Одилов Т. Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи. Тошкент “Ўқитувчи”. 1987. 327 б.
33. Черпанов С.К. Сосудистые растения СССР. Изд. Наука. Ленинградское отделение. 1981. 510 с.

Internet saytlari

1. www.tdpu.uz
2. www.pedagog.uz
3. www.edu.uz
5. www.nadlib.uz (A.Navoiy nomidagi O'z.MK)
6. <http://ziyonet.uz> — Ziyonet axborot-ta'lim resurslari portali

Мундарижа

СЎЗ БОШИ	4
Қирқбўғимдошлар-Хвощевые-Equisetaceae Rich. ex DC.....	7
Дала қирқбўғими-Хвощ полевой-Equisetum arvense. L.....	7

Шохдор қирқбўғим-хвоц ветвистый- <i>Equisetum ramosissimum</i> Desf.	7
Аспидиядошлар-Аспидиевые- <i>Aspidiaceae</i> Mett. ex Frank.	7
Эркак папаротник-Щитовник мужской- <i>Dryopteris filix mas</i> (L.) Schott.	7
Талоқдоридошлар-Асплениевые- <i>Aspleniaceae</i> Mett. ex Frank.	8
Доривор цетерах-Скребница аптечная (Цетерах)- <i>Ceterach officinarum</i> Willd.	8
Сочтоласимон талоқдори (тошсумбул)-Костенец волосовидный- <i>Asplenium trichomanes</i> L.	8
Тошсумбул (талоқдори)-Костенец рута постенная- <i>Asplenium ruta-muraria</i> L.	8
Сүвсумбулдошлар-Адиантовые- <i>Adiantaceae</i> (C. Presl.) Ching.	9
Винера сочи (фотма сочи)-Адиантум венерин волос- <i>Adiantum capillus veneris</i> L.	9
Қизилчадошлар-Эфедровые- <i>Ephedraceae</i> Dumort.	9
Икки бошоқли оддий қизилча (зоғаз)-Хвойник двухколосковый- <i>Ephedra distachya</i> L.	9
Қирқбўғимсимон қизилча-Хвойник хвощевый- <i>Ephedra equisetina</i> Bunge.	9
Чўл қизилчаси-Хвойник средний- <i>Ephedra intermedia</i> Sehrenk. et C.A.Mey.	10
Қарағайдошлар-Сосновые- <i>Pinaceae</i> Lindl.	10
Оддий қорақарағай-Ель обыкновенная- <i>Picea abies</i> (L.) Karst.	10
Сарвдошлар-Кипарисовые- <i>Cupressaceae</i> F.Neger.	11
Виргин арчаси-Можжевельник виргинский- <i>Juniperus virginiana</i> L.	11
Ғарб туяси-Туя западная- <i>Thuja occidentalis</i> L.	11
Доим яшил сарв-Кипарис вечнозеленый- <i>Cupressus sempervirens</i> L.	11
Қора арча (Зарафшон арчаси)-Можжевельник зеравшанский- <i>Juniperus zeravschanica</i> Kom.	11
Саур арча-Можжевельник полушаровидный- <i>Juniperus semiglobosa</i> Regel.	12
Ўрик арча (туркистон арчаси)-Можжевельник туркестанский- <i>Juniperus turkestanica</i> Kom.	12
Шарқ саури-Биота восточная- <i>Biota orientalis</i> (L.) Endl.	13
Зарнабдошлар-Тиссовые- <i>Taxaceae</i> S.F. Gray.	13
Мевали зарноб-Тис ягодный (нежной-дереву)- <i>Taxus baccata</i> L.	13
Нилуфардошлар-Кувшинковые- <i>Nymphaeaceae</i> Salisb.	14
Сариқ нилуфар-Кубышка желтая- <i>Nuphar luteum</i> (L.) Smith.	14
Тиниқ оқ ботқоқгул-Кувшинка чистобелая- <i>Nymphaea Candida</i> Presl. (alba) L.	14
Зирқдошлар-Барбарисовые- <i>Berberidaceae</i> Juss.	14
Алберт ер совуни-Леонтица Альберта- <i>Leontice alberti</i> Regel.	14
Оддий зирк (Қорақат)-Барбарис обыкновенный- <i>Berberis vulgaris</i> L.	15
Танга баргли зирк (Қорақат)-Барбарис монетный- <i>Berberis nummularia</i> Bunge.	15

Текис баргли зирк (Қорақат)-Барбарис цельнокрайний-Berberis integerrima Bunge.	15
Тилласимон бонгардия-Бонгардия золотистая-Bongardia chrysogonum (L.) Spach.....	16
Узунчоқ зирк (Қорақат)-Барбарис продолговатый-Berberis oblonga (Bunge) Schneid.	16
Эверсман ер совуни-Леонтица Эверсманна-Leontice eversmannii Bunge.	16
Айиқтовондошлар-Лютиковые-Ranunculaceae Juss.	17
Дамашиқ седанаси-Чернушка дамасская-Nigella damascena L.....	17
Доривор илончўп (чумчуқ ўт)-Воробейник лекарственный-Lithospermum officinale L.	17
Зарафшон нарписи-Аконит зеравианский-Aconitum Zeravschanicum Steinb.	18
Заҳарли айиқтовон-Лютик ядовитый-Ranunculus sceleratus L.	18
Изапироидс санчиқ ўти-Василистник равноплодниковидный-Thalictrum isopyroides C.A.Mey.	18
Кичик санчиқўт-Василистник малый-Thalictrum minus L.	19
Майда гулли адонис-Горицвет мелкоцветный-Adonis parviflora Fisch. (A. aestivalis L. Thoms.).....	19
Оддий санчиқўт-Василистник простой-Thalictrum simplex L.	20
Оддий сувйизгар-Водосбор обыкновенный-Aquilegia vulgaris L.	20
Сариқ гулли испарак-Живокость полубородатая-Delphinium semibarbatum Bien. ex Boiss.	20
Талас нарписи (оқ нарпи)-Аконит таласский-Aconitum talassicum M.Pop.	21
Тилларанг адонис-Горицвет золотистый-Adonis chrysocyathus Hook. fil. et Thoms.	21
Тоғ севувчи тасмачўп-Живокость горолюбивая-Delphinium oreophilum Huth.....	21
Тўғри шохли учмаўт-Рогозлавник пряморогий-Ceratocephalus testiculata (Crantz) Bess. (C. orthoceras DC.)	22
Туркистон адониси (Сариқ гул адонис.)-Горицвет туркестанский-Adonis turkestanica Korsh Adolf.	22
Ўроқсимон учмаўт (оташак)-Рогозлавник серповидный-Ceratocephalus falcatus (L.) Pers.....	23
Чалкашган испарак-Живокость спутанная-Delphinium confusum M. Pop.	23
Шарқ илончўпи-Ломонос восточный-Clematis orientalis L.	23
Экма седана-Чернушка посевная-Nigella sativa L.	24
Юмолоқ баргли тасмачўп-Живокость круглолистная-Delphinium rotundifolium Afan.	24
Саллагулдошлар-Пионовые-Paeoniaceae Rudolphi.....	24
Оғма саллагул-Пион средний-Paeonia anomala L.(intermedia CAM.).....	24
Хитой саллагули-Пион китайский-Paeonia albiflora Pall.....	25
Кўкнордошлар-Маковые-Papaveraceae Juss.	25
Кайфбахш кўкнори-Мак снотворный-Papaver somniferum L.	25
Лола қизгалдоқ-Ремерия отогнутая-Roemeria refracta D.C.	25
Нафис ўрмонқора-Гляциум изящный-Glaucium elegans Fisch.et Meg.	26

Попукли ўрмонқора-Глямуциум бахромчатый-Glaucium fimbrilligerum (Trantr) Boiss.	26
Товуссимон кўкнори (қизгалдоқ)-Мак павлиний-Papaver pavoninum Schrenk.	26
Шарқ кўкнориси-Мак восточный-Papaver orientale. L.	27
Шотарадошлар-Дымянковые-Fumariaceae DC.	27
Вайяна шотараси-Дымянка Вайяна-Fumaria Vaillantii Loisel.	27
Ледебур бурмақораси-Хохлатка ледебура-Corydalis Ledebouriana Kar.	27
Майда гулли шатора-Дымянка мелкоцветная-Fumaria parviflora Lam.	28
Северцов бурмақораси-Хохлатка Северцова-Corydalis severtzovii Regel.	28
Минггулдошлар-Лаконосные-Phytolaccaceae R.Br.	29
Америка минггулдоши-Лаконос американский-Phytolacca americana L.	29
Чиннигулдошлар-Гвоздичные-Caryophyllaceae Juss.	29
Безли бўритикан-Качим-Кнорринг-Gypsophila Knorringiana (schischk.) Vved. (Acanthophyllum glandulosum Bunge.)	29
Гелцера чиннигули-Гвоздика гелцера-Dianthus Hoeltzeri C. Winkl.	29
Гипсофиласимон бўритикан (Качемсимон етмак)-Колючелистник качимовидный-Acanthophyllum gypsophiloides Regel. (Allochrusa gypsophiloides (Regel.). Schischkin.)	30
Гриффита ерсовуни-Мыльнянка Гриффита-Saponaria-Griffithii Boiss.	30
Дагал тукланган саминчўп-Грыжник жестковолосистый-Herniaria hirsuta L.	30
Доривор ерсовун (Доривор сопонария)-Мыльнянка лекарственная-Saponaria officinalis L.	31
Икки рангли мачин (Тоғчитир)-Качим двуцветный-Gypsophila bicolor (Fregn et Sint) Grossh.	31
Соябонли қалампирўт-Костенечник зонтичный-Holosteum umbellatum L.	31
Туксиз саминчўп-Грыжник голый-Herniaria glabra L. (H.Suvis Klok.)	31
Хитой чиннигули-Гвоздика китайская-Dianthus chinensis L.	32
Экма қорамуз-Тысячеголов посевной-Vaccaria segetalis (Neck) Garcke.	32
Юлдуз ўт (ўрта юлдузўт)-Звездчатка средняя-Stellaria media (L)Vill.	32
Гултожихўроздошлар-Амарантовые-Amaranthaceae Juss.	33
Кўкиш мачин-Щирица синеватая-Amaranthus lividus L. (A. Blitum L.)	33
Оғма мачин-Щирица отогнутая-Amaranthus retroflexus L.	33
Оқ мачин-Щирица белая-Amaranthus albus.L.	33
Шўрадошлар-Маревые-Chenopodiaceae Vent.	34
Баргсиз буюрғун (итсигак)-Ежевник безлистный-Anabasis aphylla L.	34
Камбаргли боялиш (чўгон шўрак)-Элления малоллистная-Aellenia subaphylla (C.A.Mey.) Aell. (Salsolo subaphylla C.A.Mey.)	34

Қўланса шўра-Марь вонючая- <i>Chenopodium vulvaria</i> L.	34
Оқ шўра-Марь белая- <i>Chenopodium album</i> L.	35
Рихтер шўраги (черкез)-Солянка Рихтера- <i>Salsola richteri</i> (Moq.) Kar. ex Litv.	35
Типратикансимон тош буюргин-Нанофитон ежовый- <i>Nanophyton erinaceum</i> (Pall) Bunge.	35
Туркистон чўчқа тикани (исмалоқ)-Шпинат туркестанский- <i>Spinacia turkestanica</i> Iljin.	36
Халтачали эбалак-Рогач сумчатый- <i>Ceratocarpus utriculosus</i> Bluk. (C.Turkestanicus Saw-Ryez).	36
Ҳидли шўра-Марь душистая- <i>Chenopodium botrys</i> L.	36
Экма қизилча-Свекла обыкновенная- <i>Beta vulgaris</i> L.	37
Торондошлар-Гречишные-Polygonaceae Lindl.	37
Бўғимли торон (сувзомчи)-Горлец узловатый- <i>Polygonum (lapathifolium nodosum Pers. L.)</i>	37
Буйраксимон торон (сувзомчи)-Горлец почечуйный- <i>Polygonum persicaria</i> L.	37
Бухоро торони-Горлец бухарский- <i>Polygonum bucharicum</i> Grig.	38
Дагал торон-Горлец шероховатый- <i>Polygonum scabrum</i> Moench.	38
Жингалак отқулоқ-Щавель курчавый- <i>Rumex crispus</i> L.	38
Икки устунчали ерқирмизак-Кисличник двустолбчатый- <i>Oxyria digyna</i> (L.) Hill.	38
Қуш торон (Бургун, гоз ўти)-Горлец птичий (спорыш, гусятница)- <i>Polygonum aviculare</i> L.	39
Максимович равочи (чухраси)-Ревень Максимовича- <i>Rheum maximowiczii</i> Losinsk.	39
Оддий отқулоқ-Щавель обыкновенный- <i>Rumex acetosa</i> L.	39
Ёғли отқулоқ-Щавель конский- <i>Rumex confertus</i> Willd.	40
Ошловчи торон-Горлец дубильный- <i>Polygonum coriarium</i> Grig.	40
Сув отқулоқ-Щавель водяной- <i>Rumex aquaticus</i> L.	40
Сувзамчи торон-Горлец перечный (водяной перец)- <i>Polygonum hydropiper</i> L.	41
Томирдори тарони-Горлец земноводный (водяная гречиха)- <i>Polygonum amphibium</i> L.	41
Туганакли отқулоқ-Щавель клубковатый- <i>Rumex conglomeratus</i> Murr.	41
Туркистон ровочи-Ревень Туркестанский- <i>Rheum turkestanicum janisch.</i>	41
Чирмашувчи торон-Горлец вьющийся- <i>Polygonum convolvulus</i> L.	42
Чиройли торон (Анжабар)-Горлец красивый- <i>Polygonum nitens</i> (Fisch. et Meg) v.Petrov ex Kom.	42
Чўл ровочи (Татар ровочи, чухра)-Ревень татарский- <i>Rheum tataricum</i> L. fil.	42
Экма гречиха-Гречиха посевная- <i>Fagopyrum sagittatum</i> Gilib.	43
Кармакдошлар-Кермековые-Limoniaceae Lincz.	43
Мейер кермак совуни-Кермек Мейера- <i>Limonium Meyeri</i> (Boiss.) O.Kuntze.	43
Шамшоддошлар-Самшитовые-Buxaceae Dumort.	43

Доимий яшил шамшод-Самшит вечнозеленый- <i>Buxus sempervirens</i> L. (<i>Colchica</i> Pojark.)	43
Эмандошлар-Буковые-Fagaceae Dumort.	44
Катта чангчили эман-Дуб крупнопольниковый- <i>Quercus macranthera</i> Fisch.et Mey.ex Hohen.	44
Каштанбаргсимон эман-Дуб каштанолистный- <i>Quercus castaneifolia</i> C.A.Mey.....	44
Оддий эман (гул бандли эман, Ёз эмани)-Дуб черешчатый- <i>Quercus robur</i> L.	44
От каштан-Каштан посевной- <i>Castanea sativa</i> Mill.	45
Шарқ қора қайни-Бук восточный- <i>Fagus orientalis lipsky</i>	45
Қайиндошлар-Березовые-Betulaceae S. F. Gray.	45
Қораётишқоқ Олха-Ольха клейкая (черная)- <i>Alnus glutinosa</i> (L). Geartn.	45
Оққайин, сугалли қайин-Береза бородавчатая- <i>Betula pendula</i> Roth (<i>verrucosa</i> Ehrh.)	46
Лешинадошлар-Лещиновые-Corylaceae Mirb.	46
Мускат ёнғоғ-Лещина обыкновенная- <i>Corylus avellana</i> L.	46
Ёнғоғдошлар-Ореховые-Juglandaceae A. Rich.ex Kunth.....	47
Грек ёнғоғи-Грецкий орех- <i>Juglans regia</i> L.	47
Актиниядошлар-Актинидиевые-Actinidiaceae Hutch.....	47
Коломикта актинидияси-Актинидия коломикта- <i>Actinidia kolomikta</i> Maxim.	47
Ўткир актинидия-Актинидия острая- <i>Actinidia arguta</i> (Siebold et Zuec). Planch.	47
Далачойдошлар-Зверобойные-Hypericaceae Juss.(Clusiaceae Lindl., Guttiferae Juss.)	48
Дагал далачой-Зверобой шероховатый- <i>Hypericum scabrum</i> L.	48
Қизилпойча далачойи-Зверобой пронзенный- <i>Hypericum perforatum</i> L.....	48
Чўзиқ баргли дала чой-Зверобой удлиненный- <i>Hypericum elongatum</i> Lebed.	48
Хурмодошлар (Сафсандошлар)-Эбеновые-Ebenaceae Guerke.	49
Кавказ хурмоси (Сафсан)-Хурма кавказская- <i>Diospyros lotus</i> L.	49
Сигирқуйруқдошлар-Норичниковые-Scrophulariaceae Juss.....	49
Дала итгунафша-Вероника полевая- <i>Veronika arvensis</i> L.	49
Джунгор сигир қуйруғи-Коровяк джунгарский- <i>Verbascum songoricum</i> Schrenk.	50
Доривор сафроўт-Авран лекарственный- <i>Gratiola officinalis</i> L.....	50
Итгунафша-Вероника водяновидная- <i>Veronica anagalloides</i> Guss.	50
Папов тоғқорамиги-Льнянка Попова- <i>Linaria Popovii</i> Kuprian.	51
Татар эвфразияси-Очанка татарская- <i>Euphrasia tatarica</i> (Pers. Wala L. nemorosa) Fisch.....	51
Шарқ такасоқоли-Додартия восточная- <i>Dodartia orientalis</i> L.....	51
Наврўзгулдошлар-Первоцветные-Primulaceae Vent.....	52

Дала совун ўти-Очный цвет пашенный- <i>Anagallis arvensis</i> L.	52
Оддий лизимахия-Вербейник обыкновенный- <i>Lysimachia vulgaris</i> L.	52
Турчанова андрозаса-Проломник Турчанинова- <i>Androsace Turczaninowii</i> Freyn.(<i>A.maxima</i> L.)	53
Гунафшадошлар-Фиалковые-Violaceae Batsch.....	53
Хушбўй гунафша-Фиалка душистая- <i>Viola odorata</i> L.....	53
Толдошлар-Ивовые-Salicaceae Mirb.....	53
Қора терак (кўк терак)-Тополь бальзамический- <i>Populus balsamifera</i> L.....	53
Қора терак (Мирзатерак)-Тополь черный- <i>Populus nigra</i> . L.	54
Оқ терак-Тополь белый- <i>Populus alba</i> L.....	54
Оқ тол-Ива белая- <i>Salix alba</i> L.....	54
Осина тераги-Тополь осина- <i>Populus tremula</i> L.	55
Тўқ қизил тол-Ива пурпурная- <i>Salix purpurea</i> L.....	55
Турон толи-Ива туранская- <i>Salix turanica</i> Nas.	55
Эчки тол-Ива козья- <i>Salix caprea</i> L.	56
Юлғундошлар-Гребенщиковые-Tamaricaceae Link.....	56
Дагал тукли юлғун-Гребеник жестковолосистый- <i>Tamarix hispida</i> Willd.	56
Тулкидумли болқин-Мюрикария лисохвостная- <i>Myricaria alopecuroides</i> Sehrenk. (<i>M. bracteata</i> Royle).	56
Уваланувчи юлғун-Гребеник тихлий- <i>Tamarix laxa</i> Willd.....	57
Уччаноқдошлар-Франкениевые-Frankeniaceae S.F. Gray.	57
Тукланган уччаноқ-Франкения волосистая- <i>Frankenia hirsuta</i> L.	57
Қовоқдошлар-Тыквенные-Cucurbitaceae Juss.	57
Аччиқ тарвуз-Арбуз колоцинт- <i>Citrullus colocynthis</i> (L.) Schrad.....	57
Икки уйлик тарвузпалак (сиртан)-Переступень двудомный- <i>Bryonia dioica</i> Jacq.	58
Қора мевали тарвузпалак-Переступень черноплодный- <i>Bryonia melanocarpa</i> Nabiev.	58
Оддий қовоқ (сапча қовоқ)-Тыква обыкновенная- <i>Cucurbita pepo</i> L.....	58
Ойим қовоқ (ошқовоқ)-Тыква мускусная- <i>Cucurbita moschata</i> (Duch.) Poir.....	59
Оқ тарвузпалак (Сиртан, абуджахль тарвузи)-Переступень белый- <i>Bryonia alba</i> .L.....	59
Ўрис қовоқ (Ўрис-каду)-Тыква крупная- <i>Cucurbita maxima</i> Duch.....	59
Шарқ қовуни-Дыня восточная- <i>Melo orientalis</i> (S. Kudr.) Nab.	60
Экма тарвуз-Арбуз обыкновенный- <i>Citrullus vulgaris</i> Schrad.	60
Қизилюгурукдошлар-Датисковые-Datiscaceae Lindl.....	61
Нашанамо датиска-Датиска коноплевая- <i>Datisca cannabina</i> L.	61

Ковулдошлар-Каперцовые-Capparaceae Juss.	61
Тиканли ковул-Каперцы колючие-Capparis spinosa L. (Copparis herbacea Willd).	61
Карамдошлар-Капустные (Крестоцветные)-Brassicaceae Burnett (Cruciferae Juss.)	61
Ботқоқ рорипаси-Жерушник болотный-Roripa palustris (Leyss.)Bess.	61
Бүйеқ ұсма-Вайда красильная-Isatis tinctoria L.	62
Дала тласписи-Ярутка полевая-Thlaspi arvense L.	62
Доривор саримсоқ ұт-Чесночник лекарственный-Alliaria officinalis Andrz.	62
Драба-Крупка перелесковая-Draba nemorosa L.	63
Жағ-жағ (ачамбиту)-Пастушья сумка (обыкновенная)-Capsella bursa-pastoris (L.) Medik.	63
Йирик уругли ожуд-Крупноплодник гигантский-Megacarpa gigantea Regel.	63
Кочи қатрони-Катран кочи-Crambe kotschyana Boiss.	64
Қайнарбулоқ қайтагул (жұшурувчи)-Жеруха ключевая-Nasturtium fontanum (Lam) Aschers.	64
Қишлоқ ерқалампири (туяқалдирмоқ, хрен)-Хрен деревенский-Armoracia rusticana Yaertn. Mey et Schred.	64
Маршалла читрангиси-Желтушник Маршалла-Erysimum (E. hieracifolium L.) (Marschallianum Andrz. ...	65
Сарепт хантали-Капуста горчица сарептская-Brassica juncea (L.) Czern.	65
Семиз ўти (кора ўт)-Портулак огородный -Portulaca oleracea L.	65
София шуварани (сассиккапа)-Дескураиния София-Descurainia sophia (L.) Webb. ex Prantl.	66
Ўрмаловчи болтириқ-Сердечница ползучая-Cardaria repens (Schrenk) Jarm.	66
Шохланган читранги-Желтушник раскидистый-Erysimum diffusum Ehrh. (E. canescens Roth).	66
Экма индов-Индау посевной-Eruca sativa Lam.	67
Экма карам-Капуста огородная-Brassica oleracea L.	67
Экма турп-Редска обыкновенная-Raphanus sativus L.	67
Саёқдошлар-Резедовые-Resedaceae S.F. Gray.	68
Сариқ саёқ (қалампиргул)-Резеда желтенькая-Reseda luteola L.	68
Қайрағочдошлар-Карагачевые-Ulmaceae Mirb.	68
Ғудириш қайроғоч-Вяз (Карагач) шершавый-Ulmus scabra Mill.	68
Сада қайроғоч-Вяз густой (Карагач)-Ulmus densa Litv.	68
Текис қайроғоч-Вяз гладкий (Карагач)-Ulmus laevis Pall.	69
Жўкадошлар-Липовые-Tiliaceae Juss.	69
Чузун мевали жут (Совун ўт)-Джут длинноплодный-Corchorus olitorius L.	69
Юрак баргли жўка-Липа сердцелистная-Tilia Cordifolia Bess.	69
Юраксимон жўка-Липа сердцевидная-Tilia cordata Mill.	70

Ясси баргли жўка-Липа широколистная-Tilia platyphylla Scop.....	70
Гулхайридошлар-Мальвовые-Malvaceae Juss.	71
Арман гулхайрисии-Алтей армянский-Althaea armeniaca Ten.....	71
Доривор гулхайри-Алтей лекарственный-Althaea officinalis L.	71
Ёввойи тугмачагул-Мальва дикая-Malva silvestris L.	71
Хўкиз бўритароги (канопф)-Гибискус воловий-Hibiscus trionum L.	72
Ялангоч гулли гулхайри-Алтей голоцветный-Althaea nudiflora (Lindl.) Boiss.	72
Тутдошлар-Түтовые-Moraceae Link.	72
Қора шотут-Тут черный (шелковица)-Morus nigra L.	72
Оддий анжир-Инжир обыкновенный-Ficus carica L.	73
Оқ тут (балиқ тут, илон тут)-Белый тут (шелковица)-Morus alba L.....	73
Нашадошлар -Коноплевые-Cannabaceae Endl.	74
Ёввойи наша-Конопля сорная-Cannabis ruberalis janisch.	74
Экма наша-Конопля посевная-Connabis sativa L.	74
Газандадошлар-Крапивные-Urticaceae Endl.	74
Икки уйли чаянўт-Крапива жгучая-Urtica dioica L.	74
Сутламадошлар-Молочайные-Euphorbiaceae Juss.	75
Доира баргли кўкмараз-Андрехие круглолистная-Andrachne rotundifolia C.A.Mey.	75
Ер багирлаган сутлама-Хамезице приземистая-Chamaesyce humifusa (Willd) Prokh. (Eupharbia humifusa Willd.).....	75
Зарафшон сутламаси-Молочай зеравианский-Tithymalus zeravschanicus (Regel).Prokh.	75
Кунга боқувчи сутлама-Молочай солнцегляд-Tithymalus helioscopius (L.) Scop.	76
Оддий канакунжут-Клеещевина обыкновенная-Ricinus communis L.	76
Сирдарё сутламаси-Молочай сырдарьинский-Tithymalus jaxarticus Prokh.	77
Фаргона чунфутти (сутламаси)-Молочай ферганский-Tithymalus ferganensis (B.Fedtch) Prokh.	77
Чалабўта секуруренга-Секуринага полукустарниковая-Securinega suffruticosa (Pall) Rehd.	78
Келинсупургидошлар-Тимелевые (Волчниковые)-Thymelaeaceae Juss.....	78
Пуфакчали келинсупурги-Двучленник пузырчатый-Diarthron vesiculosum. (Fisch. et Meg) C.A. Meg.	78
Семизакдошлар-Толстянковые-Crassulaceae D C.....	78
Совуқ зарчой-Родиола холодная-Rhodiola gelida Schrenk.	78
Турли тишчали зарчой-Родиола разнозубчатая-Rhodiola heterodonta (Hook.et Thoms.) Boriss.	79
Узун тишчали сохтасемизак-Ложноочиток длиннозубчатый-Pseudosedum longidentatum Boris.	79
Қорақатдошлар-Смородиновые-Grossulariaceae D C.	79

Қора қорақат-Смородина черная-Ribes nigrum L.	79
Мейер қорақати-Смородина Мейера-Ribes meyeri Maxim.	80
Янчев қорақати-Смородина янчевского-Ribes janczewskii Pojaek.	80
Раънодошлар-Розоцветные-Rosaceae Juss.	80
Алп ерчойи-Гравилат алеппский-Geum aleppicum Jacq.	80
Алп қонютари-Кровохлебка альпийская-Sanguisorba alpina Bunge.	81
Анатолий пармачаги (маймунжон)-Малина анатольская (ежевика)-Rubus anatolicus Foeke. (Rubus turcomanicus Freyn).	81
Беггери наматаги-Шиповник Беггера-Rosa beggeriana Schrenk.	81
Беш уруғчили дўлана-Боярышник пятипестичный-Crataegus pentagyna Wuldst.et.Kit.	82
Дамашқ атиргули (қизил атиргул, қирқоғайни)-Шиповник дамасский-Rosa damascena Mill.	82
Дарё ерчойи-Гравилат речной-Geum rivale L.	82
Доривор тафлон (лавросеразус)-Лавровишня аптечная-Laurocerasus officinalis Roem.	83
Жунгор дўланаси-Боярышник джунгарский-Crataegus songorica C. Koch.	83
Зангори маймунжон (пармачак)-Ежевика сизая (малина)-Rubus caesius L.	83
Итбурун наматак-Шиповник собачий-Rosa canina L.	84
Кичик наматак-Шиповник небольшой-Rosa nanothamnus Bouleng.	84
Кўп оилали кўкўт (харгизагйе)-Черноголовник многобрачный-Poterium polygamum Waldst. et Kit. (Sanguisorba minor).	84
Кўқон ерчойи-Прямохвостник кокандский-Orthurus kokanicus (Regel et Schmalh.) Juz. (Geum kokanicum Regel et Schmalh.).	85
Кўқон наъматаги-Шиповник кокандский-Rosa kokanica Regel ex Juz.	85
Оғма гозяпроқ-Манжетка отклоненноволосистая-Alchimilla retropilosa juz.	85
Оддий маймунжон-Ежевика малина-Rubus idaelus L.	86
Оддий нок (мурут)-Груща обыкновенная-Pirus communis L.	86
Оддий олча (аччиқ гилос, олволи)-Вишня обыкновенная-Cerasus vulgaris Mill.	86
Оддий ўрик-Абрикос обыкновенный-Armeniaca vulgaris. Lam.	87
Оддий шафтоли-Персик обыкновенный-Persica vulgaris Mill.	87
Оддий шимурт-Черемуха обыкновенная-Padus racemosa (Lam) Gilib. (P. avium Mill.)	88
Оқ атиргул-Роза белый (Шиповник)-Rosa alba L.	88
Олтой дўланаси-Боярышник алтайский-Crataegus altaica Lange.	88
Самарқанд наматаги-Шиповник самаркандский-Rosa taracandica Bunga.	89
Сариқ дўлана-Боярышник понтийский-Crataegus pontica C. Koch.	89

<i>Сариқ чой (Аломотчой)-Репейничек азиатский-Agrimonia asiatica Juz.</i>	90
<i>Тиканли дўлана-Боярышник колючий-Crataegus oxyacantha L.</i>	90
<i>Туркистон маймунжони-Ежевика туркестанская-Rubus turkestanicus. Regel.</i>	90
<i>Туркистон четан-Рябина туркестанская-Sorbus turkestanica (Franch) Hedl.</i>	91
<i>Тяньшон четани-Рябина тяньшаньская-Sorbus tianschanica Rupr.</i>	91
<i>Ўрмаловчи (тик ўсувчи) гозпанжа-Ланчатка ползучая-Potentilla reptans L.</i>	91
<i>Федченка наматаги-Шиповник Федченки-Rosa fedtschenkoana Regel.</i>	92
<i>Хонаки олма-Яблоня домашняя-Malus domestica Borkh.</i>	92
<i>Хонаки олхўри-Слива домашняя-Prunus domestica L.</i>	92
<i>Ҳар хил мевали ерчай-Прямохвостник разноплодный-Orthurus heterocarpus (Boiss) Juz</i>	93
<i>Чўзинчоқ беҳи-Айва продолговатая-Cydonia oblonga Mill.</i>	93
<i>Шарқ гозпанжаси-Ланчатка восточная-Potentilla orientalis Juz (P.bifurca).</i>	93
<i>Шарқ дўланаси-Боярышник восточный-Crataegus orientalis Pall.</i>	94
<i>Шарқ олхўриси (олича)-Слива восточная-Prunus sogdiana Vass.</i>	94
<i>Экма (оддий) бодом-миндаль обыкновенный-Amygdalus communis L.</i>	94
<i>Эрон почақирқари (четик)-Хультемия персидская-Hulthemia persica (Mechx.) Borum (Rosa persica Michx.).</i>	95
<i>Найкосадошлар-Дербенниковые-Lythraceae Jaume St.Hil.</i>	95
<i>Оддий найкоса (кўк йўнғичқа)-Дербенник обыкновенный-Lythrum salicaria L.</i>	95
<i>Анордошлар-Гранатовые-Punicaceae Horan.</i>	96
<i>Оддий анор (анор дарахти)-Гранат обыкновенный-Punica granatum L.</i>	96
<i>Қизилбаргдошлар-Ослинниковые-Onagraceae Juss.</i>	96
<i>Ингичка баргли Ҳаманериум (Иванчой)-Иван-чай узколистный-Chamaenerium angustifolium (L.) Scop.</i>	96
<i>Тукланган эрилобиум-Кипрей волосистый-Epilobium hirsutum L.</i>	96
<i>Урутдошлар-Сланоягодниковые-Haloragaceae R.Br.</i>	97
<i>Бошоқдор урут-Уруть колосистая-Myriophyllum spicatum L.</i>	97
<i>Бурчоқдошлар (Дуккакдошлар)-Мотильковые (Бобовые)-Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss.)</i>	97
<i>Бўёк берувчи босма-Индигофера красильная-Indigofera tinctoria (L.).</i>	97
<i>Бўёкдор гэниста-Дрок красильный-Genista tinctoria L.</i>	97
<i>Бурушган сингрек (нўхатак, кийикпанжа)-Астрагал морщинистый-Astragalus corrugatus Bertol.</i>	98
<i>Бутасимон аморфа-Аморфа кустарниковая-Amorpha fruticosa L.</i>	98
<i>Грек шамбаласи-Пажитник греческий-Trigonella foenum-graecum L.</i>	98
<i>Данакли оққурай-Псоралея костянковая-Psoralea drupacea Bunge.</i>	99

Доривор қашқарбеда-Донник лекарственный-Melilotus officinalis (L.) Pall.	99
Икки рангли леспедеза-Леспедеза двухцветная-Lespedeza bicolor Turcz.	100
Ингичка баргли сано (Ҳинд саноси)-Кассия узколистная (индийская)-Cassia angustifolia Vahl.	100
Қалин уруғли талхақ-Талхақ (горчак) толстоплодный-Vexibia pachycarpa (C. Mey.) Yakovl.	100
Лемани аччиқбутаси-Аммотамнус леманна-Ammothamnus lehmanii Bunge.	101
Ленкорн Альбицияси (Доривор альбиция)-Альбиция ленкоранская-Albizzia julibrissin Durazz.	101
Найза баргли сано-Кассия африканская(Сенна-остролистная)-Cassia acutifolia Del.	102
Оддий (туксиз) ширинмия-Солодка обыкновенная-Glycyrrhiza glabra L.	102
Оддий ловия-Фасоль обыкновенная-Phaseolus vulgaris L.	103
Оддий талхақ (афсонак)-Талхақ обыкновенный (горчак)-Vexibia alopecuroides (L.) Bunge.	104
Оддий тикандарахт-Гледичия колючая-Gleditschia triacanthos L.	104
От бурчоқ-Вика конские бобы-Vicia faba L.	104
Сариқланувчи хедизарум-Копеечник желтеющий-Hedysarum flavescens Regel et. Schmalh.	105
Сиверсан сингреги (нўхатак, кийикпанжа)-Астрагал Сиверса-Astragalus Sieversianus Pall.	105
Сийрак баргли янтоқ-Янтак рыхлолистный-Alhagi sparsifolia (shap.) Scop.	106
Сохта акас (ўрис дарахт)-Робиния ложноакация (белая акация)-Robinia pseudacacia. L.	106
Сохта янтоқ-Янтак ложный-Alhagi pseudalhagi (Bieb.) Fisch.	107
Тиканли ширинмия-Солодка шиповатая-Glycyrrhiza aspera Pall.	107
Тўлдирилган жинжак-Мимозка выполненная-Lagonychium farctum (Banks et Sol) Bobr. (Prosopis stephaniana Kunth).	108
Тулкисимон сингрек (кийикпанжа)-Астрагал лисовидный-Astragalus alopecias Pall.	108
Тўмтоқ баргли сано-Кассия обратнойевиднам (итальянская)-Cassia obovata Collad.	109
Туркистон патлоги-Смирновия туркестанская-Smirnowia turkeстана Bunge.	109
Узун уруғли афсонак-Термопсис длинноплодный-Thermopsis dolichocarpa V.Nikit.	109
Ураль ширинмияси-Солодка уральская-Glycyrrhiza uralensis Fisch.	110
Ўрмаловчи себарга-Клевер ползучий-Trifolium repens L.	110
Ўтлоқ мулкоки-Чина луговая-Lathyrus pratensis L.	111
Ўтлоқ себаргаси-Клевер луговой-Trifolium pratense L.	111
Хмелсимон беда (ёнгучқа)-Люцерна хмелевидная-Medicago lupulina L.	111
Шакар янтоқ-Янтак персидский (верблюжья колючка)-Alhagi persarum Boiss et Buhse.	112
Шарқ ясмиғи-Чечевица восточная-Lens orientalis (Boiss) Schmalh.	112
Шаҳар ерчойи-Гравилат городской-Geum urbanum L.	113

<i>Шўрхок шилдирбоши (Шилдирмия, шўр бўян)-Круглоплодник солончаковый-Sphaerophysa salsula (Pall) DC.</i>	113
<i>Экма ерёнгоқ-Арахис земляной-Arachis hypogaea L.</i>	113
<i>Япон тухумаги-Софора японская-Sophora japonica L.</i>	114
<i>Зарангдошлар-Кленовые-Aceraceae Juss.</i>	114
<i>Шакарли заранг-Клен сахаристый-Acer saccharinum L.</i>	114
<i>Сохтакаштандошлар-Конскокаштановые-Hippocastanaceae DC.</i>	114
<i>Сохта каиштан-Конский каиштан-Aesculus hippocastanum L.</i>	114
<i>Тошбақатолдошлар-Рутовые-Rutaceae Juss.</i>	115
<i>Амур бахмали (бархат)-Бархат амурский-Phellodendron amurense Rupr.</i>	115
<i>Поячил тошбақаўт (Тошбақатол)-Цельнолистник стебельчатый (Рута обыкновенная)-Haplophyllum pedicellatum Bunge et Boiss.</i>	115
<i>Тожик тоғтурбит-Ясенец таджикский-Dictamnus tadshikorum Vved.</i>	115
<i>Текис баргли тошбақаўт (Тошбақатол)-Цельнолистник исколотый-Haplophyllum perforatum Kar. et Kir.</i>	116
<i>Айлантдошлар-Симарубовые-Simaroubaceae Lindl.</i>	116
<i>Баланд бўйли сассиқ дарахт-Айлант высочайший-Ailanthus altissima (Mill) Swingle.</i>	116
<i>Тўятовондошлар-Парнолистниковые-Zygophyllaceae R.Br.</i>	117
<i>Ер бағирловчи темиртикан-Якорцы приземные-Tribulus terrestris L.</i>	117
<i>Исирикдошлар-Гармаловые-Peganaceae Van-Tiegh.ex Takht.</i>	117
<i>Оддий исирик (адраспан, хазараспан)-Гармала адраспан-Peganum harmala.L.</i>	117
<i>Мелиядошлар-Мелиевые-Meliaceae Vent.</i>	117
<i>Мелия азидарах-Мелия азедарах-Melia azedarah L.</i>	117
<i>Пистадошлар-Сумаховые-Anacardiaceae Lindl.</i>	118
<i>Илдиз отувчи токсикодендрон-Токсикодендрон укореняющийся-Toxicodendron radicans (L). Kuntze.</i>	118
<i>Ошловчи скумпия (котинус)-Скумпия коггигрия-Cotinus coggygria Scop.</i>	118
<i>Ошловчи тотим (сирка дарахт)-Сумах дубильный-Rhus coriaria L.</i>	119
<i>Хандон писта-Фисташка настоящая-Pistacia vera L.</i>	119
<i>Яван тотуми-Сумах яванский-Rhus javanica L.</i>	119
<i>Зиғирдошлар-Льновые-Linaceae S.F. Gray.</i>	120
<i>Паст бўйли зигир-Лен низкий-Linum humile Mill. (L. usitatissimum L).</i>	120
<i>Қонтепардошлар-Биберштейниевые-Biebersteiniaceae J.G. Adardh.</i>	120
<i>Биберштейн қонтепар-Бибериштейния многонадрезная-Biebersteinia multifida DC.</i>	120

Ёронгулдошлар-Гераниевые-Geraniceae Juss.....	121
<i>Оддий қарқаратумиуқ-Аистник обыкновенный-Erodium cicutarium (L.) Her.</i>	121
<i>Роберта ёронгули-Герань Роберта-Geranium Robertianum L.</i>	121
<i>Тепалик ёронгули-Герань холмовая-Geranium collinum Steph.....</i>	121
Хинагулдошлар-Балзаминовые-Balsaminaceae S.F. Gray.	122
<i>Майда гулли (ёввойи хина)-Недотрога мелкоцветная-Impatiens parviflora DS.....</i>	122
Қайиқчагулдошлар-Истодовые-Polygalaceae R.Br.	122
<i>Чатишган истод (қайиқчагул)-Истод гибридный-Polygala hybrida DC. (P.comosa Schkuhr.).....</i>	122
Чилонжийдадошлар-Крушиновые-Rhamnaceae Juss.	123
<i>Оддий-чилонжийда-Унаби обыкновенный-Zizyphus jujuba Mill.</i>	123
<i>Ольхасимон итжумрут (франгула)-Франгуля ольховидная-Frangula alnus Mill.....</i>	123
<i>Христов қоратикани-Держи-дерево христовытернии-Paliurus spina-christi Mill. (P. australis Gartn.)..</i>	123
<i>Юмишувчи тоғжумрут (бугибағр)-Крушина слабительная-Rhamnus cathartica L.....</i>	124
Жийдадошлар-Лоховые-Elaeagnaceae Juss.	124
<i>Жумритсимон чаканда(оқ чангал)-Облепиха крушиновидная-Hippophae rhamnoides L.....</i>	124
Газакўтдошлар-Горечавковые-Gentianaceae Juss.	124
<i>Оливье газак ўти (эр бахоси)-Горечавка оливье-Gentiana olivieri Griseb.</i>	124
<i>Оддий илон ўт-Синяк обыкновенный-Echium vulgare L.....</i>	125
Шумгийҳдошлар-Заразиховые-Orobanchaceae Vent.	125
<i>Букилган шумгия (эгилувчи)- Заразиха поникшая- Orobanche cernua Loefl.</i>	125
<i>Египт шумгияси-Заразиха египетская-Orobanche aegyptiaca Pers.....</i>	126
<i>Шўрхокли илончоп (қумсўта)-Цистанхе солончаковая-Cistanche Salsa(C.A.Mey). G. Beck.....</i>	126
Кунжутдошлар-Сезамовые-Pedaliaceae R.Br.	126
<i>Ҳинд кунжути-Кунжут индийский-Sesamum indicum L.....</i>	126
Зубтурумдошлар-Подорожниковые-Plantaginaceae Juss.	127
<i>Катта зубтурум (баргизуб)-Подорожник большой-Plantago major.L.</i>	127
<i>Лахнанта зубтуруми-Подорожник шерстистоцветковый-Plantago lachnantha Bunge.</i>	127
<i>Наштар баргли баргизуб-Подорожник ланцетный-Plantago lanceolata. L.</i>	128
Тизимгулдошлар-Вербеновые-Verbenaceae Jaume St.-Hil.	128
<i>Доривор тизимгул-Вербена лекарственная-Verbena officinalis L.</i>	128
<i>Илохий тоғмурчи (Марям дарахти, бошбармоқ)-Витекс священный(абрамово дерево)-Vitex agnus-castus L.</i>	129
Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)-Яснотковые (Губоцветные)-Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss.)	129

Бог гулрайхони-Чабер садовый-Satureja hortensis L.....	129
Гуасли бозулбанг-Заячья губа гипсовая-Lagochilus gypsaceus Vved.	130
Гангитувчи бозилбанг (Банги девона)-Заячья губа опьяняющая-Lagochilus inebrians Bunge.....	130
Гул тутқичли кийикўти-Зизифора цветоножечная-Ziziphora suffruticosa Pazij. (Z.clinopodioides Lam.)	130
Дагал тукли бозилбанг-Заячья губа жестковолосистая-Lagochilus hirsutissimus Vved.	131
Дала ялпизи (сув ялпизи)-Мята полевая-Mentha arvensis L.	131
Догсиз кўкамарин-Шлемник непятнистый-Scutellaria immaculate Nevski. (S.orientalus L.)	132
Доривор лимонўт-Мелисса лекарственная-Melissa officinalis L.	132
Ёввойи жадвор-Пустынноколосник обнаженный-Eremostachys nuda Regel.	132
Европа бўриоёги-Зюзник европейский-Лусорус europaeus L.	133
Женева аюгаси-Живучка женевская-Ajuga genevensis L.	133
Зарафшон кўк ўти (иссон)-Иссон зеравианский-Hyssopus zeravschanicus (Dubjan.) Pazij.....	133
Зарафшон тоғжамбули-Тимьян зеравианский-Thymus zeravschanicus Klok. (Th. serpyllum L.)	134
Ингичка чўл ялпиз-Зизифора тонкая-Ziziphora tenuior L.....	134
Калта косачали ялпиз-Зизифора короткокашечная-Ziziphora brevicalyx Juz.	134
Кенг косачали бозулбанг-Заячья губа ширококашечная-Lagochilus platycalyx Schrenk. ex Fisch.	135
Кнорринг бозулбанги-Заячья губа кнорринг-Lagochilus Knorringianus Pavl.	135
Комаров тоғбўзночи (аждарбош)-Змееголовник комарова-Dracosephalum Komarovii Lipsky.	135
Қалампир ялпиз-Мята перечная- Mentha piperita L.	136
Қалпоқчали кўкамарин-Шлемник колпачковый-Scutellaria galericulata L.....	136
Қатортишили девортаги ўти-Шандра очереднозубая-Marrubium alternidens Rech.....	136
Майда гулли тоғ райҳони-Душица мелкоцветная-Origanum tythanthum Yontseh.....	137
Момик бозулбанг-Заячья губа пушистая-Lagochilus pubescens Vved.	137
Мухалис барг қисрақ (хапри)-Перовская узколистная-Perovskia angustifolia Kudr. (P.serophulariifolia Bunge.)	138
Мушук зуфо-Котовник кошачий-Nepeta cataria. L.....	138
Оддий устихудус-Черноголовка обыкновенная-Prunella vulgaris. L.....	138
Оқ ламмум (оқ пар, оқ яснотка)-Яснотка белая-Lamium album L.....	139
Осиё сув ялпизи (чўл ялпиз)-Мята азиатская-Mentha asiatica Boriss. (M. longifolia).	139
Паульсена бозулбанги-Заячья губа Паульсена-Lagochilus paulsenii Brig.	140
Пашиа қўнмас мармарак (тиканли мармарак)-Шалфей колючий-Salvia spinosa L.....	140
Пояни ўраб олувчи яснотка-Яснотка стеблеобъемлющая-Lamim amplexicaule L.	140
Ройла маллачойи-Лаллеманция ройла-Lallemantia Royleana (Wall.) Bnth.	141

Сигирқуйруқсимон қўзиқулоқ-Зопник коровяковидный- <i>Phlomis thapsoides</i> Bunge.	141
Тез тўклубчи теукриум-Дубровник скордиевидный- <i>Teucrium skordioides</i> Schreb.	141
Тоғ қудуси-Чистец буквицецветный- <i>Stachys betoniciflora</i> Rupr. (<i>Betonica officinalis</i> L.)	142
Туркистон арислонқуйруғи-Пустырник туркестанский- <i>Leonurus turkestanicus</i> V.Krecz. et Kuprian.	142
Ўрмон қуддуси-Чистец лесной- <i>Stachys silvatica</i> L.	143
Харифгулли тоғқудуси-Чистец буквицецветный- <i>Stachys betoniciflora</i> Rupr.	143
Хушбўй мармарак-Шалфей мускатный- <i>Salvia sclarea</i> L.	143
Ҳисор кўкамарини-Шлемник гиссарский- <i>Scutellaria hissarica</i> B.Fedtsch.	144
Чўл мармараги-Шалфей пустынный- <i>Salvia deserta</i> Schang.	144
Эфиопия мармараги-Шалфей эфиопский- <i>Salvia aethiopis</i> L.	144
Қўнғироқгулдошлар-Колокольчиковые- <i>Campanulaceae</i> Juss.	145
Зич қўнғироқгул-Колокольчик скученный- <i>Campanula glomerata</i> L.	145
Қоқидошлар (Мураккабгулдошлар)-Астровые (Сложноцветные)- <i>Asteraceae</i> Dumort.(<i>Compositae</i> Giseke)	145
Австрия шuvoғи-Полынь австрийская- <i>Artemisia austriaca</i> Jacq.	145
Ашурбойева шuvoғи-Полынь Ашурбойева- <i>Artemisia Aschurbajevii</i> C. Winkl.	146
Баланд бўйли андиз (Қора андиз)-Девясил высокий- <i>Inula helenium</i> . L.	146
Бибериштейн бўймадарони-Тысячелистник бибериштейна- <i>Achillea biebersteinii</i> . Agan.	146
Бир йиллик кунгабоқар-Подсолнечник однолетний- <i>Helianthus annuus</i> L.	147
Бир йиллик шuvoғ (Бурган, сассиқ қапа)-Полынь однолетняя- <i>Artemisia annua</i> L.	147
Биритания андизи (чачалабош)-Девясил британский- <i>Inula britannica</i> . L.	147
Бош оғриқ ўти (бўймадарон)-Тысячелистник сантолинный- <i>Achillea santolina</i> L. (<i>Achillea kermanica</i> Gand.)	148
Ғўзасимон момик (оқмомик)-Шерстистоллистник хлопковидный- <i>Lachnophyllum gossypinum</i> Bunge.	148
Гнапloidис гулбанд-Блошница сушеницевидная- <i>Pulicaria gnaphalodes</i> . (Vent.) Boiss.	149
Дала қирқуёнжун-Жабник полевой- <i>Filago arvensis</i> L.	149
Доривор қоқи (момақаймоқ, гулқоқи, қоқиўт)-Одуванчик обыкновенный- <i>Taraxacum officinale</i> Wigg.	149
Доривор мойчечак (газакўт, қирқмабарг мойчечак)-Ромашка обрезанная- <i>Matricaria recutita</i> L.(<i>Chamomilla recutita</i> L.)	150
Доривор тирноқгул-Ноготки лекарственный- <i>Calendula officinalis</i> L.	150
Ёввойи суттикан-Латук дикий- <i>Lactuca serriola</i> L.	150
Жуссан шuvoғи (эрмон)-Полын горькая- <i>Artemisia absinthium</i> L.	151
Иберий бўзтикони (бўтакўзи)-Василек иберийский- <i>Centaurea iberica</i> Trev. ex Spreng.	151

Иттиканак, қорақиз (уч бұлак баргли қорақиз)-Черда трехраздельная-Bidens tripartita. L.....	151
Канада майдатожбарги (қулонқуйруқ)-Мелколепетник канадский-Erigeron canadensis L.	152
Кенг тангачали каррак-Кузиния ширококочешуйная-Cousinia platylepis Sehenk.	152
Кўк бұтакўз-Василек обыкновенный-Centaurea cyanus L.	152
Култиасов такасоқоли-Козлобородник култиасова-Tragopogon Kultiasovii M.Br.t. (ruber S.G. Gmel.).	153
Кўп йиллик дастаргул-Маргаритка многолетняя-Bellis perennis L.	153
Кўхистон солидогоси (Солидаго)-Золотарник кухистанский-Solidago kuhistanica M. Pop. ex Jux.	153
Ёпишқоқ қариқиз-Репей войлочный (лопух)-Arctium tomentosum Mill.	154
Қизил бурган (қизил шувоқ)-Полынь метельчатая-Artemisia scoparia Waldst. et Kit.	154
Қоратог оққундузи-Мордовник каратавский-Echinops karatavicus Regel.et Schmalh.	155
Қумлоқ бўзночи (ўлмасўт)-Бессмертник песчаный-Helichrysum arenarium (L.) Moench.	155
Яхшилик тиловчи қушқўнмас (Сариқгул)-Волчец благословенный-Cnicus benedictus L.	155
Маврак баргли гулбанд-Блошница шалфеелистная-Pulicaria salviifolia Bunge.....	156
Майдатожбарг эригерон- Мелколепетник острый-Erigeron acer L.	156
Мингбаргсимон тог дастарбоши-Пижма тысячелистниковая-Tanacetum pseudachillea C.Winkl.	157
Наштарсимон пахтатикон (латта тикон)-Бодяк ланцетный-Cirsium lanceolatum L. Skor.....	157
Оддий бўйимадарон-Тысячелистник обыкновенный-Achillea millefolium L.	157
Оддий гўзатикон-Дурнишник обыкновенный-Xanthium strumarium L.	158
Оддий ёпишқоқўт-Крестовник обыкновенный-Senecio vulgaris L.	158
Оддий оқкаррак-Татарник обыкновенный-Onopordon acanthium L.	159
Оддий оққалдирмоқ-Мать-мачеха обыкновенная-Tussilago farfara L.	159
Оддий сачратқи (Сачратқи)-Цикорий обыкновенный-Cichorium lntybus L.	159
Оддий силибум (догли таргил силибум)-Остропестро обыкновенное (расторопиша)-Silybum marianum (L) Yaertn.	160
Оддий шувоқ-Полынь обыкновенная (чернобыльник)-Artemisia vulgaris L.	160
Оқ бурган-Полынь беловатая-Artemisia leucodes Schrenk.	161
Оқиш бўрган-Полынь ситниковидная-Artemisia juncea Kaz.et Kir.	161
Перетрум перетроидес-Поповник пиретроидный-Pyrethrum pyrethroides. (Kar. et Kir) B. Fedtsch.ex Krasch.	161
Чачала баргли пиретрум (Хризантема)-Поповник патениелистный (Рамашник)-Chrysanthemum parthenium. Bernh.	162
Пушти перетрум-Поповник розовый-Pyrethrum coccineum (Willd) Worosch.	162

Самарқанд бўзночи (ўлмасўт)-Бессмертник самаркандский-Helichrysum maracandicum M. Pop. ex Kirp.	162
Сариқ улкан андиз-Девясил крупный-Inula grandis Schrenk. (Macrophulla Kar et Kir.)	163
Сариқ ёпишқоқўт-Крестовник желтуха-Senecio jacobaea L.	163
Сиверс эрмони (шувоги)-Полынь сиверса-Artemisia sieversiana Willd.	164
Соябонли сохтаханделия-Псевдоханделия зонтичная-Pseudohandelia umbellifera (Boiss) Tzvel.	164
Текис баргли содак-Большоголовник цельнолистный (левзея)-Rhaponticum integrifolium C. Winkl.	164
Товалги баргисимон бўймадарон (Дастарбои)-Тысячелистник таволголистный-Achillea filipendulina Lam.	165
Тўқ қизил эхинация-Эхинация пурпуровая-Echinacea purpurea (L.) Moench.	165
Туркистон зарқулоғи-Лепидолопсис туркестанский-Lepidolopsis turkestanica Regel. et Schmalh (Crossostephium turkestanicum Regel. et. Schmalh).	166
Узун қўппарли қуруқгул-Сухоцветник длиннохолокковый-Xeranthemum longipapposum F. et M.	166
Ўрмаловчи какра-Горчак ползучий-Acroptilon repens (L.) DS.	166
Хондирилла қумсақичи-Хондрилла ситниковая-Chondrilla juncea L.	167
Чалабутасимон юриней-Наголоватка полукустарниковая-Jurinea suffruticosa Regel.	167
Чизиқли қарғатирноқ-Кельпиния линейная-Koelpinia linearis Pall.	168
Шеролғи шувоғи (Тархун)-Полынь эстрагон-Artemisia dracunculus L.	168
Эзилган бўтакўз-Василек придавленный-Centaurea depressa Bieb.	168
Экма махсар-Сафлор красильный-Carthamus tinctorius L.	169
Экма сутчўн (салат)-Латук посевной-Lactuca sativa L.	169
Эрон шувоғи-Полынь персидская-Artemisia persica Boiss.	169
Юксак бўймадарон-Тысячелистник благородный-Achillea nobilis L.	170
Япроқчали мойчечак-Мелкоголовник пластинчатый-Matricaria lamellata Bunge.	170
Савринжондошлар-Безвременниковые-Colchicaceae DC.	171
Кессельринг савринжони-Безвременник кессельринга-Colchicum kesselringii Regel.	171
Сариқ савринжон-Безвременник желтый-Colchicum luteum Boker.	171
Улкан санграйқулоқ-Мерендера крупная-Merendera robusta Bunge.	171
Гулсафсардошлар-Ирисовые-Iridaceae Juss.	172
Германия гулисафсар (қуртқасоч)-Ирис германский-Iris germanica L.	172
Жунгор гулсафсар (қуртқасоч)-Ирис джунгарский-Iris songarica Schrenk.	172
Ифлослантурувчи илонгул (Гладиолус)-Шпажник засоряющий-Gladiolus segetum Ker. Jawe.	172
Олатог заъфарони-Шафран алатавский-Crocus alatavicus Regel. et Semen.	172

Лоладошлар-Лилейные-Liliaceae Juss.	173
Грейги лоласи-Тюльпан грейга-Tulipa greigii Regel.	173
Королков лоласи-Тюльпан королькова-Tulipa korolkovii Regel.	173
Ольге жумагули (халмон, қўзилола)-Рябчик Ольги-Fritillaria Olgaе Vved.	173
Пояли бойчечак (Маъзанак)-Гусиный лук стебельчатый-Gagea stipitata Merckl.	174
Туркистон лоласи-Тюльпан туркестанский-Tulipa turkestanica Regel.	174
Ширачдошлар-Ширачевые -Asphodelaceae Juss.	174
Ольги ширачи-Ширии ольги-Eremurus Olgaе Regel.	174
Регель ширачи-Ширии Регеля-Eremurus Regelii. Vved.	175
Улкан ширач-Ширии мощный-Eremurus robustus Regel.	175
Пиёздошлар-Луковые-Alliaceae J. Agardh.	176
Қоратог пиёзи-Лук каратавиский-Allium karataviense Regel.	176
Ош пиёз-Лук репчатый-Allium cepa L.	176
Порей пиёзи-Лук порей-Allium porrum L.	176
Саримсоқ (сасиқ пиёз)-Лук чеснок-Allium sativum L.	177
Северцов пиёзи (олги)-Корольковия северцова-Korolkovia Severtzovii Regel.	177
Суваров пиёзи-Лук суворова-Allium suworowii Regel.	177
Талас пиёзи-Лук таласский-Allium talassicum Regel.	178
Узумсимон пиёз-Лук виноградный-Allium ampeloprasum L.	178
Наргисдошлар-Амариллисовые-Amaryllidaceae Jaume St.-Hil.	178
Виктор омонқораси (қорақобиги)-Унгерния Виктор-Уngernia Victoris Vved. Ex Artjushenko.	178
Константинопал наргиси-Нарцисс константинопольский-Narcissus tazetta L.	179
Северцов омонқораси (қорақобиги)-Унгерния Северцова-Ungernia Sewertzowii (Regel) B.Fedtsch.	179
Чўчмомадошлар-Иксиолирионовые-Ixioliriaceae Nakai.	179
Татар чўчмомаси-Иксиолирион татарский-Ixiolirion tataricum (Pall.) Herb.	179
Марваридгулдошлар-Ландышевые-Convallariaceae Horaninow.	180
Северцов полугонатуми (зигир)-Купена Северцова-Polygonatum sewertzowii Regel.	180
Сарсабилдошлар-Спаржевые-Asparagaceae Juss.	180
Доривор сарсабил-Спаржа аптечная-Asparagus officinalis.L	180
Калта баргли сарсабил-Спаржа каротколистная-Asparagus brachyphyllus Turcz.	180
Солабдошлар-Орхидные-Orchidaceae Juss.	181
Кенг баргли эпипактис-Дремлик широколистный-Epipactis latifolia (L.) All. (E.helleborine (L.) Grantz.)	181

<i>Соясевар солаб-Ятрышник тенистый-Orchis umbrosa Kar. et Kir.</i>	181
<i>Тухумсимон листера-Тайник яйцевидный-Listera ovata (L). R.Br.</i>	182
<i>Якандошлар-Ситниковые-Juncaceae Juss.</i>	182
<i>Невски якани-Ситник невского-Juncus Nevskii Lam.</i>	182
<i>Хилолдошлар-Осоковые-Cyperaceae Juss.</i>	182
<i>Ғуж хилол (слом алайкум, якан)-Сыть скученная-Cyperus glomeratus L.</i>	182
<i>Оддий қилич ўт (шамиш ўт)-Меч трава обыкновенная-Cladium mariscus (L.) Roved.</i>	183
<i>Узун хилол (слом алайкум, якан)-Сыть длинная-Cyperus longus L.</i>	183
<i>Юмалоқ хилол (слом алайкум, якан)-Сыть круглая-Cyperus rotundus L.</i>	183
<i>Бугдойдошлар-Мятликовые-Poaceae Barnhart (Graminea Juss.)</i>	184
<i>Қон тўхтатувчи бузоқ тили-Бородоч кровоостанавливающий-Andropogon ischaemum L.(Bothriochloa ischaemum L. Keng)</i>	184
<i>Жонсон гумай-Сорго алепское (джухары) (Джонсонова трава)-Sorghum halepense (L) Rers.</i>	184
<i>Қизил қаёқ (Ботоўт)-Императа цилиндрическая-Imperata cylindrica (L.). Beauv.</i>	184
<i>Қуён арпа-Ячмень заячий-Hordeum Leporinum Zink. (H.murinum L.)</i>	185
<i>Макка жўхори-Кукуруза миас-Zea mays L.</i>	185
<i>Оддий қамиш-Тростник обыкновенный (Камыш)-Phragmites communis Trin.</i>	185
<i>Панжали ажриқ-Свиной пальчатый-Cynodon dactylon (L.) Pers.</i>	186
<i>Ўрмаловчи бугдойиқ-Элитригия ползучая (пырей)-Elytrigia repens (L.) Wevski.</i>	186
<i>Экма сули-Овес посевной-Avena sativa L.</i>	186
<i>Экма шоли-Рис посевной-Oryza sativa L.</i>	186
<i>Экма юмшоқ бугдой-Пшеница мягкая-Triticum aestivum L.</i>	187
<i>Сувпиёздошлар-Сусаковые-Butomaceae Rich.</i>	187
<i>Соябонли сувпиёз-Сусак зонтичный-Butomus umbellatus L.</i>	187
<i>Булдуруқўтдошлар-Частуховые-Alismataceae Vent.</i>	187
<i>Зубтуримсимон булдуруқўт-Частуха подорожниковая-Alisma plantago aquatica L.</i>	187
<i>Учбаргли найзабарг-Стрелolist трилистный-Sagittaria trifolia L.</i>	188
<i>Ғижжакдошлар-Рдестовые-Potamogetonaceae Dumort.</i>	188
<i>Сузувчи ғижжак-Рдест плавающий-Potamogeton natans L.</i>	188
<i>Гулсўтадошлар-Взморниковые-Zosteraceae Dumort.</i>	189
<i>Кичик гулсўта-Взморник маленькый-Zostera minor (Cavol) Nolte ex Roth.</i>	189
<i>Кучаладошлар-Аройниковые-Araceae Juss.</i>	189
<i>Алберт иткучаласи (қорақулоқ)-Эминиум альберта-Eminium alberti (Regel) Engl.</i>	189

<i>Королков кучаласи-Аронник королькова-Arum korolkovii Regel.</i>	189
<i>Лемани иткучаласи (кучала, қорақулоқ)-Эминиум лемана-Eminium Lehmannii (Bunge) O.Kuntze.</i>	190
Игирдошлар-Аировые-Acoraceae Agardh.	190
<i>Оддий игир-Аир болотный (Акорус)-Acorus calamus L.</i>	190
Қўғадослар-Рогозовые-Typhaceae Juss.	190
<i>Кенг баргли қўға-Рогоз широколистный-Typha latifolia. L.</i>	190
<i>Кичик қўға-Рогоз малый-Typha minima Funek.</i>	191
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	191